

**А.В. ВАҲОБОВ, Г.А. ҚОСИМОВА**

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ  
БОШҚАРИШ**

**ТОШКЕНТ – 2008**

65.261  
B-32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Молия институти

А.В. ВАҲОБОВ, Г.А. ҚОСИМОВА

ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ

Ўқув қўлланма

20002



Тошкент  
«QIISOD-MOLIYA»  
2008

и-  
ор  
аб  
ив-  
и-  
н,  
ив-  
ь-  
а.  
з-  
нг  
ва  
л-  
й-  
с-  
с-  
л-  
т-  
н-  
ш,  
и-  
ни  
о-  
в-  
ос  
р-  
у-  
у-  
уз  
ат  
ё-  
и,  
к-  
и

**Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. 260 бет.**

Мазкур ўқув қўлланмада молия тизими таркибидаги давлат молиясини бошқаришнинг моҳияти ва конституционал таркиби, давлат даромадлари, харажатлари ҳамда қарзларини бошқариш каби масалаларнинг назарий жиҳатлари ёритилган.

Давлат молиясини бошқариш органлари ёрдамида иқтисодиётдаги барча соҳалар молиясини бошқариш, молиявий режалаштириш ишларини амалга ошириш, ҳисоб ва таҳлил, назорат ва тартибга солиш, давлат бюджетини шакллантириш ва уни ижро қилишнинг вазначилик тизими масалалари кўриб чиқилади. Ушбу ўқув қўлланма магистратура талабалари, давлат молияси соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар, изланувчилар ва иқтисодчилар учун давлат молиясини бошқаришнинг асосий йўналишларидан маълумот беради.

Ўқув қўлланма Тошкент молия институти қошидаги олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган (2005 йил 16 апрелдаги 4-сонли мажлис Қарори).

**Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, проф. Шодиёв Р. Х**

**Такризчилар: иқтисод фанлари доктори, проф. Иминов О;  
иқтисод фанлари номзоди, доц. Ғозиев А.**



ISBN 978-9943-13-061-6

© А. Ваҳобов, Г. Қосимова, 2008  
© «IQTISOD-MOLIYA», 2008

## Кириш

Давлат молияси давлатни иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг бажарилишида, давлат маблағларини қайта тақсимлаш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарилган моддий неъматларни тақсимлаш ва аҳолига етказиш давлат молия тизими орқали амалга оширилади. Аҳолини ижтимоий химоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш асосан, мазкур маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Бугунги кунда давлат молиясини бошқариш жараёнларини такомиллаштиришни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаётнинг ўзи давлат молиясининг ҳозирги замон ютуқлари, Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган, халқимизнинг минталикети ва глобаллашув жараёнлари билан уйғунлашган дарслик, ўқув қўлланмаларни яратишни зарур қилиб қўйди.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиёт олий юрти талабалари, айниқса, «Давлат молиясини бошқариш», «Халқаро молия» мутахассислиги бўйича таълим оладиган талабалар давлат молияси асосларини пухта эгаллашлари билан бирга, билимларни амалиётга қўлай билиши, миллий давлат молиясини ривожланиш шарт-шароитлари, омиллари ва механизмлари, шу билан бирга, уларнинг бугунги муаммоларини тезда аниқлаши ва таҳлил эта билиши лозим.

Ҳозирда давлат молиясининг вазифаларини комплекс ўрганиш, давлат бюджетини бошқаришнинг назарий асосларини илмий ёритиш, давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш йўлларини излаш, «Давлат маблағларини бошқариш» йўналишида «Давлат молиясини бошқариш» фанини ўргатиш каби долзарб муаммолар мавжуд. Ўқув жараёнларида юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда, талабаларни ўйлантирадиган мазкур соҳа муаммоларини ечиш, уларни ижодий фикрлашга ўргатиш таълим устуворлигини таъминлайди. Муаллифлар шу вазифани башаришни ўз олдидларига асосий мақсад қилиб қўйдилар.

Талабаларга тақдим этилаётган ушбу ўқув қўлланмада давлат молиясини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, Давлат бюджети таркибида маҳаллий бюджетнинг ўрни, маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифалар ва функциялар ҳамда давлат молиясини бошқаришда газначилик тизимини

татбиқ этиш масалалари ифода этилган. Ўқув қўлланманинг биринчи бўлимида давлат молиясининг умумий асослари кўрсатилган, иккинчи бўлимда давлат молиясини бошқаришнинг асосий йўналишларининг концептуал масалаларига эътибор қаратилган. Мазкур ўқув қўлланма ватанимиз ва чет эл адабиётларидан фойдаланган ҳолда тайёрланди, шунингдек, қўлланма интернет тармоғи орқали олинган маълумотлар билан ҳам бойитилди. Ўқув қўлланманинг ҳар бир боби сўнгида талабанинг билимини мустаҳкамлаш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида ўзини-ўзи текшириш учун саволлар, топшириқлар ва хулосалар берилди.

Ўқув қўлланмани ёзишдан китобхонлар кенг оммасини, биринчи навбатда талабалар, мутахассислар, умуман, молия билан қизиқувчиларни давлат молияси билан яқиндан, батафсилроқ таништириш мақсади кўзланган. Мазкур китобда давлат молияси ва бюджет тизимидаги мавжуд муаммоларни очиб беришга ҳаракат қилинган. Китобда давлатнинг молиявий фаолияти, иктисодиётни тартибга солиш механизми, бозор ислохотлари шароитида давлат молиясининг институционал ўзгаришларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир мавзунини ёритишда назарий билимлар ва жаҳон тажрибасини миллий амалиёт билан боғлашга, унинг мазмунига миллий иктисодиёт ҳолатини сингдиришга ҳаракат қилинган. Шу мақсадда мустақиллик йилларида қабул қилинган давлат молиясига оид Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларидан, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳисобот маълумотларидан фойдаланилган.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда яқиндан ёрдам берган и.ф.д., профессор Р. Шодиевга, и.ф.д., профессор Н. Ҳайдаровга, тақризчилар и.ф.д., профессор О. Иминовга, и.ф.н., доцент А. Ғозиевга миннатдорчилик билдирамыз. Муаллифлар ўқув қўлланмани ёзиш жараёнида китобнинг мазмунини имкон даражасида таълим стандартларига мувофиқ тузилган дастурга мувофиқлаштиришга ҳаракат қилинган. Қўлланма айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий, албатта. Мазкур ўқув қўлланма бўйича барча фикр-мулоҳаза ва таклифларни Тошкент Молия институтининг Илмий-услубий Кенгашига юборишингизни сўраймыз. Бу келгусида мазкур ўқув қўлланмани янада мукамал тарзда яратиб, ўқувчиларга дарслик сифатида тақдим этилишига ёрдам беради, деган умиддамыз.

# **БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## **ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ**

### **1-БОБ. ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ**

#### **1.1. «Давлат молиясини бошқариш» фанининг предмети, мақсади, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги**

Мустақил Ўзбекистонда давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш, унинг барқарорлигини таъминлаш ҳозирги даврдаги барча етук олимлар, давлат арбоблари, мутахассислар ва амалиётчиларнинг асосий вазифаси бўлиб турибди. Шу сабабли биз, энг аввало, бозор иқтисодиёти таълимотларини макроқўламда ва микроқўламда ўрганишимиз керак.

Ўзбекистонда чегараланган ресурслардан фойдаланишда энг самарали вариантдаги режа ва дастурларни аниқлаш, такомиллашган бозор иқтисодиёти мувозанатлари ва рақобатни ташкил қилиш, давлатнинг иқтисодиётга энг зарур ҳолларда самарали таъсир эта оладиган макроиқтисодий механизмларини яратиш, четга хом ашё ўрнига тайёр маҳсулот чиқариш, шунинг асосида соф экспорт ҳажмини кўпайтириш, ижтимоий сиёсатни молиявий таъминлаш, эркин баҳолар ҳаракат қилаётган шароитда давлат томонидан баҳоларни самарали тартибга солиш каби заруриятлар «Давлат молиясини бошқариш» фанини кенг ва чуқур ўрганишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиёти бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, аста-секинлик билан, ўз йўли орқали бориши ҳам «Давлат молиясини бошқариш» фанини чуқур ўрганишимизни объектив заруриятга айлантириб қўймоқда. «Давлат молиясини бошқариш» фани умумиқтисодий фанлар туркумига киради. Давлат маблағларини самарали бошқаришнинг қонун-қоидаларини билиш шу фанни ўрганишдан бошланади.

«Давлат молиясини бошқариш» фанини ўрганишнинг мақсади — келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун давлат молиясини бошқариш тизими ҳақида назарий билимлар олиш, шунингдек, давлатнинг ҳозирги даврдаги молиявий сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Биз биламизки, бошқарув - маълум бир ижобий натижага эришиш учун услублар ва тамойиллар йиғиндиси орқали бир объектга мақсадга мувофиқ таъсир этишдир. Молиявий бошқарув маълум бир услуб ва тамойилларга асосан, турли дастаклар ёрдамида, шунингдек, рағбатлантириш ва салбий натижаларни эса назорат қилиш тадбирларига таяниб амалга оширилади. Демак, инсон фаолиятининг барча соҳаларига, жумладан, давлат молияси соҳасига ҳам бошқарув жараёни тааллуқлидир.

Ўн тўққизинчи асрнинг атоқли олимларидан бири Иосиф Блехнинг ёзишича, «Давлат молиясини бошқариш тузилиши ўз тарихий ривожланишида нафақат илмий, балки амалий тажрибаларга ҳам таянади. Умуман олганда, тарих шу қилинган хатоларни кўрсатиб бериши билан келгусида катта мактаб яратади, дейиш мумкин, албатта, давлат молиясини бошқариш ва унинг тузилиши учун бу қимматли мактаб бўлиши лозим»<sup>1</sup>.

Маълумки, у ёки бу кўринишдаги вазифаларни бажаришда турли хил йўналишдаги ечимлар мавжуд бўлади. Аммо муаммоларни самарали ҳал этишнинг ўзига хос йўли уларни мавжуд имкониятлардан тез ва самарали фойдаланиш орқали ёхуд янги давр талабига мос бўлган услубларни жорий этиш ёрдамида ечиб, кўзланган мақсадга эришилади.

Ҳар қандай фан сингари «Давлат молиясини бошқариш» фанининг ҳам ўз предмети бор. Бу фанни билиш учун, энг аввало, фаннинг нимани ўргатишини аниқлаб олиш зарур, албатта. «Давлат молиясини бошқариш» фан сифатида пайдо бўлганидан бошлаб, шу кунга қадар унинг предметига ҳар хил таъриф бериб келинган.

Давлат молиясини бошқариш - давлатнинг ўз вазифаларини бажаришини таъминлаш учун молия ресурсларини жалб қилишда маълум самарага эришиш, бир тизим асосида молиявий ресурсларни тақсимлаш ҳамда ишлатиш ва ниҳоят, иқтисодий барқарорлаштириш ва жамият ривожини учун шароит яратиш борасида давлат томонидан кўрилган чора-тадбирларнинг йиғиндиси, десак бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, давлат молиясини бошқариш - бир иқтисодий тизим доирасида, белгиланган натижага эришиш мақсадида бошқарув субъектларининг (давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, молия аппарати) бошқарув объектларига (махаллий мо-

<sup>1</sup> Блех И. Устройство финансового управления и контроля в России в историческом их развитии. -СП. 1895.

лия, корхоналар молияси, ўз-ўзини бошқариш органлари) аниқ йўналтирилган таъсири ва чора-тадбирлари йиғиндисидир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар қандай бошқарув тизимига хос бўлгани каби давлат молиясини бошқаришда ҳам ўзига хос объектлар ва субъектлар мавжуд бўлади. Давлат молиясини бошқариш объекти бўлиб мамлакат миқёсида молия муносабатларини ташкил этиш ва бошқариш амалиёти майдонга чиқади. Давлат молиясини бошқаришнинг асосий субъектлари айрим индивидлар (давлат, фирмалар, корхоналар, хонадонлар, юридик ва жисмоний шахслар) ҳисобланади. Молия муносабатларнинг туркумлианишидан келиб чиқиб, ушбу объектларга давлат молиясининг бошқарув субъектлари мос келади.

Ўзбекистон Республикасида махсус органлар давлат молиясини бошқариш субъектлари ҳисобланади. Жумладан, мамлакатимизда давлат молиясини бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девони ҳамда бошқа органлар амалга оширади.

Давлат молиясини бошқариш органларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) давлат молиясини умумий бошқариш органлари;
- б) давлат молиясини тезкор бошқариш органлари;
- в) давлат молиясини тармоқ бошқариш органлари.

Давлат молиясини умумий бошқариш органларига Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Президент девони ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси киради. Давлат молиясини тезкор бошқариш органларига Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, Давлат Божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки киради. Давлат молиясини тезкор бошқариш органлари ёрдамида иқтисодиёт тармоқлари бошқарилади.

Юқорида кўрсатилган мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предмети ўрганиши учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

- давлат молиясини бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифаларини ўрганиш;
- давлат молиясининг институционал таркиби ва унинг бўғинларини ўрганиш;
- давлат молиясини бошқаришнинг ташкилий асослари, мақсади ва йўналишларини ўрганиш;



➤ умумдавлат ва ҳудудлар даражасида давлат молиясининг бошқариш хусусиятлари ва муаммоларини ўрганиш;

➤ ҳудудлар даражасида давлат молиясини бошқаришнинг стратегик вазифаларини ўрганиш.

«Давлат молиясини бошқариш» фани «Молия», «Давлат бюджети», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Иқтисодий назария», «Маҳаллий молия», «Чет мамлакатлар молияси», «Бюджетдан ташқари фондлар» каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади. Шу билан бирга, «Давлат молиясини бошқариш» фани қатор махсус фанлар, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими», «Бюджетлараро муносабатларни шакллантириш», «Молия стратегияси», «Халқаро молия» каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

«Давлат молиясини бошқариш» фани бозор иқтисодиётини тадқиқ қилувчи фанларнинг бири сифатида ўзида кўплаб бозор иқтисодиётининг аниқ фанлари ва ҳулосаларини мужассамлаштиради. Унинг серқирралиги ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланганлиги, айниқса, математик аппаратнинг мураккаблиги, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурияти ушбу фанга катта масъулият билан ёндашиш кераклигини кўрсатади.

Мазкур фанни ўрганиш жараёнида талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бирга давлат молиясини бошқариш амалиётини ўзгаришларидан хабардор бўладилар. Талабалар ушбу фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун давлат молиясини бошқариш амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил ва молиявий режалаштириш усулларидан фойдаланадилар. «Давлат молиясини бошқариш» фани аниқ аргументларга, математик ифодаларга, турлича, баъзан бир-бирини инкор этувчи назарияларга асосланганки, бу борада кейнсчилар ва монетаристлар мактабини эслаб ўтиш кифоёйдир.

«Давлат молиясини бошқариш» фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юр்தларини тамомлагандан сўнг, давлат молиясини бошқариш амалиётига онд кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишларида ҳамда давлат молиясига доир адабиётларни ўрганишларида ва ўзларининг касб малакаларини оширишларида ёрдам беради.

## **1.2. Ўзбекистон Республикасида ўтиш даври иқтисодиётининг моҳияти, хусусиятлари ва ислохотларнинг ҳозирги замон стратегик мақсадлари**

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, қисқа вақт ичида молия, кредит, солиқ, суғурта ва бошқа соҳаларни шакллантириш, улар воситасида мураккаб хўжалик ва ижтимоий жараёнларни моҳирлик билан бошқаришни ҳам йўлга қўйди. Ўзбекистон тараққиётида ХХ асрнинг 90-йиллари икки муҳим воқеа билан бошланди. Биринчидан, республика давлат мустақиллигини қўлга киритди, иккинчидан, у бошқа собиқ социалистик мамлакатлар қатори марказлашган режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўта бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «бозор муносабатларига ўтишда Ўзбекистон танлаб олган йўл - республика ва унинг халқи манфаатларига ниҳоятда мос келадиган ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган иқтисодиётдир».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон танлаган ислохот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бозор механизмининг самарали ишлашини, аҳоли турмушининг юқори даражада бўлишини таъминлашни, кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутди. Бу даврда мамлакатнинг олдида турган стратегик вазифалар қуйидагилардан иборат эди:

➤ иқтисодиётни барқарорлаштириш, ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш ва уни рағбатлантириш ҳамда пул бирлигини мустаҳкамлаш;

➤ давлат мулкни хусусийлаштириш ва уни жамоа ҳамда хусусий мулкдорларга сотиш ёки уларнинг ихтиёрига бериш;

➤ мамлакатлар ва иттифоқдош республикалар ўртасидаги самарасиз меҳнат тақсимоти натижасида пайдо бўлган номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида иқтисодиётнинг тармоқ тузилишини қайта қуриш;

➤ истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган нархларни;

➤ эркинлаштириш, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни ўрнатиш;

<sup>1</sup> Каримов, И.А. «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари».-Т.: «Ўзбекистон», 1993. 4 б.

➤ бозор ислохотларининг салбий оқибатлари -- инфляция, ишсизлик ва бошқалардан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмини шакллантириш;

➤ давлат бошқарув тизимини тубдан қайта қуриш;

➤ бозор инфраструктурасини - маслаҳат, маркетинг фирмалари, тижорат банклари, товар, фонд ва меҳнат биржаларини, суғурта компанияларини барпо этиш;

➤ ташқи иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш ва жаҳон бозоридаги ўрнини аниқлаш.

Ўзбекистон ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу стратегик вазифалар доирасида, биринчи навбатда, бажариладиган вазифаларни, уларни бажариш муддатларини ва унга эришиш йўлларини аниқлаб олди.

Республикамизда ислохотлар йўлининг изчиллик билан амалга оширилиши иқтисодиётни қайта қуриш, уни эркинлаштириш ва жаҳон ҳамжамияти учун очиш соҳасида сезиларли натижалар берди. Ислохотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб ва босқичма-босқич илгарилаб бориш кўп укладли иқтисодиёт негизларини, бозор инфраструктураси ҳамда валюта бозорини, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг бошқа энг муҳим жиҳатларини таркиб топтириш имконини берди.

Ислох қилишнинг биринчи босқичи мақсадларини белгилаш чоғида иқтисодий тангликка барҳам бериш, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш вазифалари устувор йўналишлар жумласига киритилган эди. Бюджетни ва пул муомаласини барқарорлаштиришга, пулнинг қадрсизланиш даражасини анча қисқартиришга, аҳоли турмуш даражасини кескин пасайишнинг олдини олишга муваффақ бўлинди.

МДХ давлатлардан фарқли равишда Ўзбекистонда танлаб олинган иқтисодий ислохотлар йўлига амал қилиш, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини босқичма-босқич, қадам-бақадам сайқаллаб бориш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, макроиқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашиб боришининг олдини маълум даражада олиш имконини берди.

Республикамизда ислохотларни амалга оширишнинг иккинчи босқичидаги биринчи асосий вазифа давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасидаги бошланган ишни охирига етказишдан иборат. Ислох қилишнинг иккинчи асосий вазифаси ишлаб чиқаришнинг

пасайишига барҳам бериш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришишдан иборат эди.

Учинчи муҳим вазифа миллий валюта - сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат. Иқтисодиёт барқарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, белгиланган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий мезони бўлган ўз валютамуноси мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнигина эмас, балки ижтимоий ислохотларнинг ҳам энг устувор йўналишидир.

Тўртинчи стратегик вазифа – иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат. Стратегик вазифаларни бажариш давлат тараққиётининг у ёки бу босқичи хусусиятларига қараб тактик вазифаларни ҳал қилишни ҳам назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси ислохотларнинг стратегик мақсади эски тузумни бутунлай йўқотиб, ўрнига янги замон талабига жавоб берадиган иқтисодиётни тузиш масаласи бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ўтиш даври иқтисодиётида давлатнинг роли кўпроқ аҳамият касб этади. У ислохотларнинг ташаббускори ва ресурсларнинг йирик эгаси бўлиб, ўтиш жараёнларини бошқариши, бозор инфраструктурасининг ривожланишини рағбатлантириши лозим ҳамда бозорни бир маромда фаолият кўрсатиб туришини таъминлаш учун шароитларни яратиб бериши керак.

Мустақиллик эълон қилинган пайтда, Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга эга бўлган, марказга қарам, иқтисодиёти издан чиққан давлат эди. Бу даврга келиб давлат бюджети тақчиллиги 80 фоизга яқин бўлиб, иттифоқ давлат бюджети субвенцияси ҳисобидан қопланар эди. Бюджет ислохотини ўтказиш зарур эди, унинг биринчи босқичида иқтисодиётни барқарорлаштириш учун шароитлар яратилиши ва кейинги барқарор иқтисодий ўсиш негизлари таъминланиши лозим эди. Ҳанда бюджет ислохотларида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш назарда тутилган:

- ❖ янги бюджет қонунчилигини яратиш;
- ❖ солиқ ислохотларини ўтказиш;
- ❖ бюджетнинг харажат қисмини қайта таркиблаштириш;
- ❖ бюджет даромадлари ва харажатларининг баланслилигига эришиш.

Хулоса қилиб айтганда, ўтиш даври иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллик йўлидаги дастлабки қийин қадамлари институционал ва ҳуқуқий ўзгаришларни амалга оширишдан бошланди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар, охириги йилларда кузатилаётган ялпи ички маҳсулотнинг юксак ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий ривожланиш натижалари мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожланишининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши шароитида мамлакатнинг фаровонлигини белгиловчи асосий омил сифатида молия ва пул айланмасининг барқарорлиги белгилаб олинади. Молиявий ресурслар давлат миқёсида ва корхона даражасида етарли даражада мавжудлиги жамиятнинг янада барқарор ривожланишида, иқтисодий қийинчиликлар ва инқирозлардан халос этувчи манба сифатида ҳам намоён бўлади.

Давлатимиз томонидан ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатни барқарор ривожланишини, иқтисодий ўсиш суръатларини юқори даражада бўлишлигини таъминлаш мақсадида бюджет-солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, давлат бюджетини даромадлар ва харажатлар қисмининг бажарилишини таҳлил этиб, ундаги мавжуд резервларни ўрганиш муҳим вазифа қилиб олинди. Бунда Давлат бюджетини бошқариш жараёнларини, Давлат бюджетининг даромад қисмини белгиловчи манбаларини шакллантириш таҳлили, харажатлар қисмини қай даражада мақсадли сарфланишининг таҳлили муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2006 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагилар, 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган:

**биринчидан**, барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсишни ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришни таъминлаш;

**иккинчидан**, бизнес, энг аввало, хусусий бизнес учун мумкин қадар қулай шароитлар яратиш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил пасайтириб бориш;

**учинчидан**, хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини барча чоралар билан кучайтириш.

**тўртинчидан**, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш сифатини изчил оширишни таъминлаш;

**бешинчидан**, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаравонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш;

**олтинчидан**, банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламларини кенгайтириш;

**еттинчидан**, коммунал хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва муваффақиятли ривожланиши, ҳукумат томонидан қўйилган мақсадли вазифаларни амалга оширилиши кўпчилик тарзда давлат молияси таркибидаги давлат бюджети маблағларининг самарали ишлатилиши билан белгиланади. Бу борада республикамизда Давлат бюджети ижросида газначилик тизимини жорий қилиниши мазкур жараёни самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатди.

Республикада бюджет-солиқ сиёсатининг амалга оширилиши молия-кредит механизмининг самарали ишлатилиши билан ҳамбарчас боғлиқдир. Ялпи ички маҳсулотнинг яратилишида, уни тақсимлашда молия-кредит тизимининг ўрни бекиёсдир. Давлат молияси моддий бойликларни бевосита юзага келтиришда, молиявий восита сифатида иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, молиявий манбаларининг тўғри шаклланиши ва тақсимланиши мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ва давлат олдида турган асосий вазифаларни тўла бажаришга имконият яратиб беради.

### **1.3. Бозор механизми ва давлатнинг иқтисодий роли**

Бозор иқтисодиёти шароитида кўп қиррали солиқлар тизимидан фойдаланилади-ки, аҳоли, корхона ташкилотлар олган фойда ва даромадига қараб солиқ тўлайди. Давлат солиқ тизими сиёсатини олиб бориш, мавжуд солиқ турларидан оқилона ва илмий асосда фойдаланиш, солиқ ставкалари миқдорларини ва имтиёзларнинг турларини ўзгартириш орқали макроиқтисодий вазиятга таъсир кўрсатади, солиқлар орқали инвестициялар ва жамғармалар рағбатлантирилади. Масалан, аҳолидан олинадиган даромад солиқларининг фоизлар бўйича табақаланиши ҳам кам таъминланган аҳолини

қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган дастурлардан бири-дир. Давлат бозор тизимининг фаолият кўрсатишида баҳо механизмидан, хусусан, чегараланган баҳолардан ҳам кенг фойдаланади.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа механизмлар билан тартибга солинади. Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва ҳуқуқий базани таъминлаш вазифаларини бажаради. Ҳуқуқий базаларни таъминлаш юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқ бериш ва уларнинг мажбуриятларини белгилаш ва бошқа соҳаларда намоён бўлади. Айниқса, ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрларни белгилаш ва корхоналарнинг фаолият кўрсатишлари учун тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш тегишли давлат ташкилотларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Давлатнинг сиёсати унинг иқтисодиётдаги ўрнидан келиб чиқади. Давлат иқтисодиётнинг оддий иштирокчиси эмас, балки уни тартиблаб турувчи куч бўлиб, иқтисодиётга бозор қонун-қоидаларига тўсқинлик қилмайдиган, балки буларга шароит яратиб берадиган даражада аралашади. Давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви турли сиёсатлар орқали амалга оширилади. Бу сиёсатнинг куйидаги йўналишлари мавжуд:

- давлатнинг иқтисодий сиёсати;
- давлатнинг монетар сиёсати;
- давлатнинг фискал сиёсати;
- давлатнинг баҳо сиёсати;
- давлатнинг ижтимоий сиёсати.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, энг аввало, меъёрий ҳужжатларни яратишдан бошланади, дейишимиз мумкин. Бозор тизими ривожланиши билан мамлакат аҳолиси оладиган даромадлари ва қиладиган харажатлари ўртасида номутаносибликлар пайдо бўлади, бу муаммоларни ҳал қилишда давлат асосий аҳамиятга эгадир. Давлатнинг жамиятдаги даромадлар номутаносиблигини камайтириш вазифаси бир неча тadbир ва дастурларда ўз ечимини топади. Биринчидан, трансферт тўловлари орқали ёрдамга мухтож, ногирон ва ишсизларни нафақалар билан таъминлайди. Иккинчидан, давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради.

Маълумки, иқтисодиётда бир субъектнинг даромад топиши бошқа субъектнинг харажат қилишини билдиради. Худди шу йўсинда давлат ҳам даромад-харажат ишида иштирок этади. Давлат ижтимоий хизматларни кўрсатгани учун фирмалар ва хонадонлардан со-

лик шаклида пул олади ва бу фирмалардан товар ва хизматлар, хонадонлардан ресурслар сотиб олган чоғда, уни харажат қилади. Шу тариқа давлат ҳам ўз мол-мулкни сотиб даромад олади ва уни сарфлайди.

Давлатнинг ўз даромадларини ташкил этиши, уларни тақсимлаши ва сарфланишида молия муносабатлари пайдо бўлади. Давлатнинг молия сиёсати иқтисодиёт субъектларининг молиявий ресурсларни топиш, уларни тақсимлаш ва сарфлашга оид йўл-йўриқлари ва саъй-ҳаракатларининг мажмуасидир. Молия алоқаларини амалга оширувчи ва молия инфратузилмасини ташкил этувчи Давлат идора ва ташкилотлари, фирмалар, банклар, компаниялар молия институтларидир. Фирмалар ва хонадонлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларидаги молия, молия тизимининг бошланғич ва асосий бўғини микромолия ҳисобланади.

Макромолия – бу мамлакат доирасидаги ва миллий иқтисодиётга хизмат қилувчи молия бўлиб, давлат молиясидан иборат. Микромолиядан фарқли равишда макромолия умумжамиат молияси ҳисобланади ва давлат молиясида ифода этилади, чунки фақат давлат умуммиллий, яъни умумхалқ манфаатларини ўзида гавдалантирувчи сиёсий институт ҳисобланади.

Хориж тажрибалари шуни кўрсатадики, “Ҳукуматнинг иқтисодиётга таъсир этишининг асосий инструментлари қуйидагилар ҳисобланади:

- хусусий харажатларни (масалан, қимматбаҳо автомобиль сотиб олиш ёки ресторанда овқатланиш) камайтирадиган ва бунинг натижасида давлат харажатларини (армия учун озик-овқат сотиб олиш) амалга оширишга имконият яратадиган солиқлар;

- фирма ва шахсларнинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга ундайдиган давлат маблағларини сарфлаш, шунингдек, аҳолининг айрим қатламларининг даромадини маълум чегарасини белгилайдиган трансферт тўловлари;

- аниқ иқтисодий фаолиятни рағбатлантирадиган ёки ундан воз кечишга олиб келадиган тартиблаштириш ёки назорат. Ҳукумат кейинги юз йил ичида мана шу уч инструментдан самарали фойдаланиб келмоқда»<sup>1</sup>.

Кейнсчиларнинг фикрича, бозор иқтисодиёти ички зиддиятлари билан беқарордир. Бозор иқтисодиётини барқарорлаштириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Давлат иқтисодиётга фаол аралашishi лозим,

<sup>1</sup>Сумароков В.Н. Государственные финансы. В системе макроэкономического регулирования. Москва. Финансы и статистика. 1996. -59 с.



айниқса, жами товар, хизматни, талаб ва таклифни тартибга солиб туриши керак. Мисол учун агар ишлаб чиқаришнинг пасайиш тенденцияси бошланган бўлса, солиқларни камайтириш, давлат харажатларини кўпайтириш лозим. Бундан асосий мақсад жами таклифни кўпайтиришдан иборат. Агар иқтисодиёт гурқираб ривожланаётган, баҳо ўсиб бораётган бўлса, давлат солиқларни кўпайтириши, давлат харажатларини камайитириши лозим. Кейнсчилар хулосалари бўйича, иқтисодиётда мувозанатларнинг бузилиши хўжалиқни издан чиқаради. Давлат ўзининг иқтисодиётга аралашуvidан иборат фаолияти орқали мувозанатларни тиклашда катнашади, бу билан иқтисодиётни тартиблаш ва унинг ўсишига ёрдам беради.

Биз биламизки, бюджет иқтисодий ишлаб чиқариш ҳосиласи, у нимани ва қанча яратса шунга қараб шаклланади. Унинг мавжудлиги иқтисодий зарурат ва буни ижтимоий неъматларни такроран яратилиб турилиши юзага келтиради. Аммо бюджетни давлат истеъмолдан келиб чиқадиган пассив, ҳаракатсиз деб қараб бўлмайди. Бюджет иқтисодиётга давлат томонидан таъсир этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. У иқтисодиётнинг ўсишига қайта таъсир этганда, ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантиришни бюджетдан молиялаштириш орқали юз беради.

Мамлакатда миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисми пул шаклида бюджетга тушади ва молиявий ресурсларнинг марказлашган жамғармасини ташкил этади.

Пулнинг айланиши унинг бир иқтисодий субъектдан бошқа иқтисодий субъектга ўтиб туришини билдиради, яъни пул давлат идоралари, хонадонлар ва фирмалар ўртасида айланиб юради. Макроиктисодиётдаги реал айланишда давлат ўз товар ва хизматлари билан иштирок этса, молиявий айланишда бюджетдаги пули билан иштирок этади, умумий тарзда макроиктисодий айланиш қуйидаги чизмада ифодаланади.

Иқтисодиёт гоят мураккаб тузилма ҳисобланади, доимо ҳаракатда ва янгиланишда бўлади, у таркибан икки туркумлидир. Бу ресурслар ва яратилган товарлар ҳамда хизматларнинг ҳаракати тарзида бўлади. Биринчиси реал иқтисодиёт сектори, иккинчиси молия ёки пул сектори. Бу секторлар ўз ҳаракатида бир-бирига боғлиқ бўлсалар-да, маълум даражада мустақил, яъни автоном ҳаракатга эга.

## Макроиқтисодий оборот



————— Маҳсулот ва хизматлар. - - - - - Пул молия муносабатлари.

Албатта, бозор тизимининг асосий таянчини реал сектор ташкил этади, чунки бу жамиятнинг яшаши учун ўта зарур маҳсулот ва хизматларни яратади. Булар товар бўлганидан уларнинг бозордаги пул эквиваленти мавжуд бўлади, чунки улар, албатта, пул воситасида айирбошланиб, сўнг истеъмол этилади. Гап шундаки, бозор тизимида яратилган маҳсулот ва хизматлар ўз истеъмоли учун эмас, балки бозорда олди-сотди этилиши учун яратилади. Реал сектордаги маҳсулот ва хизматларнинг ҳаракатига мос равишда пул маблағларининг ҳам ҳаракати юз беради.

Иқтисодиёт бу маҳсулот ва хизматларнинг фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасида ҳаракати демакдир, чунки улар шу жараёнда ишлаб чиқаришдан истеъмол сари боради. Иқтисодиётдаги пул оқими реал оқимга қарши юради, чунки пул маҳсулот ва хизматларни харид этиш орқали уларни айирбошлашга хизмат қилади. Икки оқимли иқтисодий оборотда иштирок этувчилар фирмалар, уй хўжаликлари ва давлатдир. «Маҳсулот ва ресурсларнинг фирмалар билан уй хўжаликлари ўртасидаги ҳаракати узлуксиз боради, уни тўхтатиш мумкин эмас, чунки бу истеъмолни тўхтатиб туриш билан баробардир, инсон эса истеъмолсиз яшай олмайди. Мазкур ҳаракат жамият ҳаётининг энг муҳим шарти, уни умумиқтисодий дои-

равий оборот ёки макроиктисодий оборот деб аталади, бу ҳаракат доирасига барча иқтисодий субъектлар тортилади ва у бутун жамият миқёсида юз беради»<sup>1</sup>. Икки оқим бир-бирига мос келгандагина иқтисодиёт равои ривожланади (1-чизма).

Миллий иқтисодиётда йил давомида яратилган маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархлари ҳисобланган ҳамда пул нархдаги ҳажми ЯИМ бўлиб, у жамиятнинг йиллик даромадини ҳосил этади. Унинг ҳажмини товарлар ва хизматлар миқдорига ва улардан ҳар бирининг бозор нархига боғлиқ бўлади. Маълумки, жамият аъзоларининг фаровонлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич аҳоли жон бошига яратилган миллий даромаддир. Унга қараб ҳар бир кишининг моддий, маънавий ҳаёти, илмга ва бошқа эҳтиёжларни қондириши амалга ошади. Айтайлик, “миллий даромад ҳажми жиҳатидан АҚШ дунё миқёсида биринчи ўринда турса, аҳоли жон бошига Люксембург биринчи ўринда туради”<sup>2</sup>. Даромад қанча кўп бўлса, шунча кўп истеъмол қилиш учун имконият яратилади.

Бозор механизмини тартибга солишда давлатнинг роли жуда катта эканлиги ҳаммамизга маълум. Адам Смит давридан бошлаб, давлат ва хусусий секторларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва роли тўғрисида жуда кўп назарий тортишувлар, турли фикрлар мавжуд. Бозор механизмини тартибга солиш, аввало, инсон иқтисодий фаолияти самарадорлигини тўла меъёрга етказиб бориш ва сўнгра бозор иқтисодиёти нуқсонлари, салбий оқибатларининг олдини олиб бориш билан боғланади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, 1929-1933 йилларда бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий инқирозидан кейин иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш жараёни кучайди, унинг кўлами кенгайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатнинг иқтисодиётга аралашуви янада кучайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, Ғарб давлатларининг юқори доиралари англавлик таниқли иқтисодчи олим Ж.М.Кейнснинг фикри асосида давлат молияни, иқтисодиётни ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим курали, деб ҳисоблади. Давлат бюджети иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига давлат томонидан таъсир ўтказишнинг муҳим воси-

<sup>1</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: «Мехнат». 1995. 394 б.

<sup>2</sup> Тожибосва Д. Иқтисодиёт назарияси. Иккинчи китоб: Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарк». 2003.

таси сифатида доимий равишда қўлланилади, уни жамият ҳаётига таъсирининг шакл ва усуллари ўзгариб боради.

Биз биламизки, давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифалари турлича бўлади. Биринчидан, давлатнинг айрим иқтисодий вазифалари бозор тизимининг ривожланишини енгиллаштириш ва қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади. Жумладан, давлатнинг қуйидаги вазифалари асосий аҳамиятга эга:

- ❖ мамлакатда миллий даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш;
- ❖ ялпи ички маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;
- ❖ мамлакатда иқтисодий тартибни барқарорлаштириш;
- ❖ ишсизлик ва инфляция даражаларини назорат қилиш;
- ❖ иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилларидан бири давлатнинг бош ислохотчи эканлиги тамойилидир. Ушбу тамойилга кўра, давлат мамлакатда бозор иқтисодиётини шакллантириш учун зарур барча шарт-шароитларни юзага келтиради, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тадбирларини ишлаб чиқади ва капитал сарфларнинг тармоқ ва ҳудудий тузилишини изга солиб туради. Бозор муносабатлари ривожланиши билан давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўлами камайиб боради.

Шуниси характерлики, Ўзбекистонда бевосита Давлат бюджетининг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги ролининг юқори эканлиги ҳамда бу ҳолатнинг асосий сабаблари ижтимоий харажатларни ва давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш харажатларини ўсишидан иборат эканлигида кузатилмоқда.

Миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади. Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатни иқтисодий ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Республикамизда иқтисодий ўсишга эришишда, авваламбор, кенг қўламли, тизимли бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни

жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир»<sup>1</sup>. Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини самарали амалиётга татбиқ этиш билан тўлиқ таъминланади. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурлари республикаimizi иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқболларининг ажралмас қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини белгилайди.

Республика минтақалари бўйича асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари тузилмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, инвестициялашда ҳамон давлат бюджети маблағлари ҳиссаси юқори бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги молиялаштириш тизими инвестицияларни молиялаштириш давлат механизмининг ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, бу механизмнинг фаолият доираси аста-секин торайиб, унинг ўрнини бозор механизми эгаллаши лозим. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодий соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Дастлабки йилларда ислохотларнинг ҳимоя чораси сифатида истеъмолчиларга субсидиялар бериш тизимидан, истеъмол бозорининг асосий озик-овқат товарлари мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишидан ҳимоялаш каби турли шакллари кенг фойдаланилди. Бунда иқтисодий субсидиялар билан таъминлаб туриш зарурати иккита асосий сабаб билан боғлиқ эди. Биринчидан, республика ҳукумати ўша даврда аҳолининг зарур озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эришишни истеъмол қилишни қўллаб-қувватлашни биринчи даражали вазифа деб билди. Иккинчидан, нархларни эркинлаштириш сиёсатини татбиқ қилиш шароитида иқтисодий зарур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни излаб топиш керак эди.

Давлат харажатларидан бериладиган турли субсидиялар нархларни назорат қилиш ёрдамида аҳоли учун бозор муносабатларига

<sup>1</sup>Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

Утилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий ларзаларнинг оқибатлари энгиллаштирилди. Айни вақтда нархларнинг эркинлаштирилиши бозорга оид туб ўзгаришларнинг бошланғич нуқтаси бўлди. Хусусийлаштириш ва монополиядан холи бўлиш жараёнларининг қотиб қолган нархлар шароитида бошланиши мумкинлигини назарий жиҳатдан тасаввур этиш қийин. Муаммо фақат шундан иборатки, нархлар борасидаги эркинлаштиришни қандай тартибда ва кетма-кетликда амалга ошириш керак. Бу муаммони қониқарли даражада ҳал этиш кўп жиҳатдан мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари қишчалик тўғри ҳисобга олинишига боғлиқ.

Республика ҳукумати аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида баъзи саноат молларига нархлар ва аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг айрим турларига таърифларнинг чеклаб қўйилган миқдорларини белгилади. Ишлаб чиқарувчиларга донни импорт қилиш, нон, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича харажатларнинг бир қисмида республика бюджетидан қопланадиган бўлди. Чегараланган баҳо эса, бу маҳсулотлар ҳақиқий бозор баҳосидан 4-5 марта арзон, баъзан ундан ҳам кўпроқ арзонлаштирилиб сотилди. Қишлоқ хўжалигида харид баҳолари давлат томонидан инфляция индексига мос равишда кўпайтириб белгиланмоқда. Бозор тизимида нархлар талаб ва таклифни тартибга солувчи асосий восита ҳисоблансада, барча чет мамлакатларда давлат нархларни шакллантириш жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Давлат хариди тизими барча хизмат учун ҳақ давлат томонидан ўланиши ва хизмат аҳоли ўртасида тақсимланишини билдиради. Трансферт тизими эса молиявий захираларни индивидуал истеъмолини мўътадиллаштириш учун тақсимлашга асосланади.

Давлатнинг иқтисодиётга таъсирини пул ва унинг эмиссияси мисолида яққол кўриш мумкин. Шунинг учун барча давлатларда пул эмиссияси доимо давлат назорати остида бўлади. Давлат ўзининг асосий макроиқтисодий механизмларидан бири бўлган пул массасини ўзгартириши билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида мувозанат ўзгара бошлайди. Масалан, пул массасининг орттичилиги инфляцияни келтириб чиқаради, пул эмиссияси кўпайиб борар экан инфляция барча макроиқтисодиётни қамраб олади. Аксинча, пул массасининг етишмаслиги ҳам макроиқтисодий мувозанатни бузилишига олиб келади, натижада ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликни кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг беқарорлиги келиб чиқади. Ўзбекистонда деярли барча мамлакатлардаги каби пул эмис-

сияси сиёсатини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки юритади, Марказий банк барча банклар пул сиёсатини тартибга солади.

Ҳозирги кунда «иқтисодиёт масалалари назариясининг асосий йўналишларидан бири давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш ҳамда тадбиркорликни ва хусусий секторни рағбатлантиришдир. Бунда асосий рол давлат молиясини бошқаришга берилди, жумладан, солиқларни қисқартириш, давлат харажатларини камайтириш, давлат кредити борасидаги олиб борилаётган сиёсат ёрдамида муомаладаги пул миқдорини камайтиришдир»<sup>1</sup>.

Бозор механизмларини жорий қилишда фуқароларни ҳимоя қилиш, иқтисодни сиёсий мафкурадан холи этиш, унинг ўз ички қонунийлари, ўзини-ўзи тартибга солувчи механизмлари асосида ривожланишига имкон бериш, иқтисодиётини бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг ролини жиддий ўзгартириш, хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашушга чек қуйиш бош мақсадга айланди, бозорнинг ўзгарувчан табиати инобатга олинди.

Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида иқтисодий ислохотларнинг ортодоксал усуллари – иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусийлаштириш устувор сиёсат қилиб белгиланди. Мақсад, биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» асарида иқтисодиётни эркинлаштириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёт соҳасидаги шу куннинг янги вазибалари аниқ белгилаб берилди.

Бунда, аввало иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш лозим. Иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа, энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчанлик вазибаларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат.

<sup>1</sup> Сумароков В.Н. Государственные финансы. В системе макро экономического регулирования. Москва. Финансы и статистика. 1996. 64 с.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясидаги маърузасида айтишга шундай назорат ва назоратчилар ҳақида алоҳида куюниб гапирди ва бу билан хўжалик юритувчи субъектларга макроиқтисодий даражада максимал эркинлик бериш, давлатнинг координаторлик ролини фақат макроиқтисодиёт даражасидагина сақлаб қолиш кераклигини таъкидлади.

#### **1.4. Ҳозирги замон иқтисодиётида давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон учун давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан оқибатда иқтисодий мустақилликка эришиш, айниқса, иқтисодий соҳада ўзимизга хос йўлни, ички ва ташқи сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш энг муҳим вазифа саналди. Ушбу вазифанинг тўғри бажарилиши натижасида, иқтисодий ислохотларни рўйбга чиқара бориш билан бирга, Ўзбекистоннинг бошқарув, молия, кредит тизимлари ҳам шакллана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан мамлакатимиз молия сиёсатининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди, молиявий тизим ривожининг йўналиши кўрсатиб берилди. Молия, бюджет ва пул-кредит соҳасида амалга ошириб келинаётган изчил ва оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда мукамал молия-кредит тизими яратилди.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг молиявий фаолияти, энг аввало, давлат бюджетини шакллантириш, унинг ижро этилишини таъминлаш, солиқ сиёсатини амалга ошириш, банк-кредит тизимларини самарали ишлатиш, пул муомаласи барқарорлигига эришиш каби соҳаларни қамраб олади.

Республикамизда ҳам мустақилликка эришилгандан кейин, ушбу йўналишларда туб ислохотлар амалга оширилди. Энг аввало, бу соҳада Ўзбекистоннинг ўз миллий қонунчилиги яратилганлиги, ўз миллий пул бирлигимиз сўмнинг муомалага киритилганлиги, солиқ қонунларининг такомиллаштирилганлиги ва солиқ органлари тизими яратилганлиги, банк фаолияти ва банк ҳамда молия тизимида туб ўзгаришлар содир бўлганлигини қайд этмоқ керак.

Иқтисодиёт бозор муносабатларига ўтиши билан бюджетнинг даромад тушумларини солиқлар ва солиққа қармайдиган туловлар ёрдамида қоплашга эҳтиёж туғилди, давлатнинг корхоналар, ташкилотлар, аҳоли билан бюджетни шакллантириш пайтидаги ўзаро муносабатлари иқтисодий қонунлар асосида изга солина бошлади.



Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»нинг, «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Марказий Банк тўғрисида»ги, «Солиқлар тўғрисида»ги, «Суғурта тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестицияси ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши молиявий муносабатларни тартибга солишда, молиявий тизимнинг мустақамланишида ҳамда самарали ишлашида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Марказий Банк тўғрисида»ги Қонуни нинг 3-моддасида айтилганидек, Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Унинг асосий вазибалари:

- монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;
- давлат бюджетининг касса ижросини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизimini ташкил этиш ва таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан келишув бўйича ҳуқуқат резервларини сақлаш ва тасарруф этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида молиявий муносабатлар орқали давлат бюджетининг ижро этилиши, молиявий тизим таркибига кирувчи давлат органлари фаолиятининг бир маромда бўлиши, иқтисодиёт тармоқларининг, ижтимоий соҳаларнинг - фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа йўналишларини молиявий маблағ билан таъминлаш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш асосида, хусусийлаштиришни авж олдириш ҳамда бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида, бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуришда эса молия ва молиявий муносабатлар муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш жараёнида корхона, ташкилот ва аҳолида муайян пул жамғармалари вужудга келади ва молиявий фаолият натижасида ушбу жамғармаларнинг муайян қисми ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун умумдавлат фондларига жалб этилади. Молиявий фаолият миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсим-

лаш йўли билан шахсий эҳтиёжларинигина эмас, шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни ҳам кондириниш зарурлиги юзасидан объектив жараён ҳисобланади.

Биз ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар деганда, кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истеъмол этилиши зарур бўлган маҳсулот ва хизматлар мажмуини тушунамиз. Эҳтиёждаги таркибий ўзгаришларга хос қонуният, бу салоат маҳсулотларига, фан-техника ривожини яратган янги маҳсулотларга ва ниҳоят, турли хизматларга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсишидир.

Давлатнинг ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш ва кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш, унинг манбалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

ЯИМ ва МДни тақсимлаш зарурлиги, пул муносабатларининг амал қилиниши давлатнинг молиявий фаолиятини махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириши кераклигини, яъни режали равишда молиявий маблағлар йиғилиши ва тақсимланиши зарурлигини тақозо этади. Бу борада давлат ўз молиявий фаолияти давомида тақсимлаш ва назорат вазибаларини бажаради, унинг молиявий фаолияти тўплаш ва тақсимлаш усулларида амалга оширилади.

Молиявий маблағларни тўплаш усуллари қуйидагилар:

- ❖ умумдавлат ва маҳаллий солиқлар, тўловлар йиғиш;
- ❖ турли мажбурий йиғимлар йиғиш;
- ❖ пул маблағларини ихтиёрийлик асосида тўплаш;
- ❖ давлат божи йиғиш;
- ❖ грантлар ва трансфертлар бериш;
- ❖ давлат қарзларини қайтариш;
- ❖ бюджетдан ташқари жамғармаларга маблағ тўплаш;
- ❖ мерос, ҳада ва бошқа қонуний мулкларни давлат тасарруфига ўтказиш;
- ❖ давлат активларини жойлаштиришдан даромадлар олиш кабилар қиради.

Молниявий маблағларни тақсимлаш усуллари:

⇒ молиялаштириш-давлат маблағларини бюджет ҳисобидан режали, мақсадли ва қайтармаслик шарти билан бериш;

⇒ кредитлаштириш-маблағларни режали, мақсадли, ҳақ эвазига ва қайтариб бериш шарти билан беришдан иборат бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш кўр-кўрона мақсад бўлмай, балки, иқтисодни ўнглаш, жамиятни тубдан янгилаш, одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш йўли эди. Ўзбекистон ўз истиқлол тараққиётининг ажралмас шарт, деб халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсатни амалга оширишдан бошланди.

Бозор иқтисодиётига халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб беради, боқимандаликка хотима беради ва ташаббускорлик ҳамда ишбилармонликни ривожлантиради. Зотан, бозоргина ишлаб чиқаришни истеъмолчиларнинг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюктура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради. Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг кучли оқилона механизмларини яратади, харажатларни камайтиради, талон-тароғликка, иқтисодда манфаатпарасликка ва мансабпарастликка чек қўяди. Бу соҳада давлат молиявий фаолиятининг уч йўналишини кўрсатишимиз мумкин:

1. Бозор тизими самарали фаолият кўрсатишни таъминлайдиган ҳуқуқий база ва ижтимоий муҳитни таъминлайди.

2. Мамлакатимизда эркин рақобатни ҳимоя қилади.

3. Давлат айрим гуруҳ вазифаларини бажаришда бозор тизими фаолиятини кучайтиради ва такомиллаштиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат олдида турган асосий вазифалар куйидагилардан иборат:

- ❖ турли мулкчилик шакллари ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлаш;
- ❖ корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;

- ❖ инфляция суръатларини қисқартириш;

- ❖ бозор иқтисодиётига мос солиқ ва пул-кредит сиёсатини олиб бориш;

- ❖ иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш;

- ❖ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш;

- ❖ бозорда рақобат бўлиши учун антимонополия сиёсатини олиб бориш.

Демак, давлатнинг молиявий фаолияти давлат зиммасидаги функцияларни бажарилишини таъмин этиш йўлида пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш соҳасидаги чора-тадбирлардан иборат.

## Хулосалар

1. Давлат молиясини бошқариш - давлатнинг ўз вазифаларини бажаришини таъминлаш учун молия ресурсларини жалб қилишда маълум самарага эришиш, бир тизим асосида молиявий ресурсларни тақсимлаш ва ишлатиш, иқтисодийни барқарорлаштириш ва жамият ривожини учун шароит яратиш борасида давлат томонидан кўрилган чора-тадбирларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

2. «Давлат молиясини бошқариш» фани бозор иқтисодиётини тадқиқ қилувчи фанларнинг бири сифатида ўзида бозор иқтисодиётининг кўплаб аниқ фанлари ва хулосаларини мужассамлаштиради.

3. Республикамизда юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун давлат молиясини бошқариш тизими ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги молия сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилиш учун «Давлат молиясини бошқариш» фанини ўргатишимиз зарур.

4. Давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви макроиқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади.

5. Молия алоқаларини амалга оширувчи ва молия инфратузилмасини ташкил этувчи давлат идора ва ташкилотлари, фирмалар, банклар, компаниялар молия институтларидир. Фирмалар ва хонадонлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларидаги молия, молия тизимининг бошланғич ва асосий бўғини микромолия ҳисобланади.

6. Микромолия – бу мамлакат доирасидаги ва миллий иқтисодиётга хизмат қилувчи молия бўлиб, давлат молиясидан иборат. Микромолиядан фарқли равишда макромолия умумжамят молияси ҳисобланади ва давлат молиясида ифода этилади, чунки фақат давлат умуммиллий, яъни умумхалқ манфаатларини ўзида гавдалантирувчи сиёсий институт ҳисобланади.

7. Давлатнинг молиявий фаолияти давлат зиммасидаги функцияларни бажарилишини таъмин этиш йўлида пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш соҳасидаги чора-тадбирлардан иборат.

## Таянч сўз ва иборалар

*Давлат молиясини бошқариш, Давлат бюджети, молия сиёсати, давлат молияси, ижтимоий ҳимоя механизми, ижтимоий йўналтирилган бозор, бюджет қонунчилиги, иқтисодий ислохотлар, бюджет харajatларини реструктуризациялаш, ислохотларнинг стратегик мақсадлари, пул-кредит сиёсати.*

## Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. «Давлат молиясини бошқариш» фанининг предмети ва мазмунини айтиб беринг?
2. «Давлат молиясини бошқариш» фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Ўтиш даврида Ўзбекистон Республикасидаги ислохотларнинг стратегик мақсадлари нималардан иборат эди?
4. «Давлат молиясини бошқариш» деганда нимани тушунаси?

## Топшириқлар

1. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлар билан тартибга солинишини изоҳланг.
2. Ўзбекистон Республикасида ўтиш даври иқтисодиётининг моҳияти, хусусиятлари ва ислохотларнинг ҳозирги замон стратегик мақсадларини тушунтиринг.
3. «Бозор иқтисодиётида давлатнинг иқтисодий роли» мавзусида реферат ёзинг.
4. «Давлат молиясини бошқариш» фанидан иқтисодий атамалар бўйича лугат тузинг.

## **2-БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИҚТИСОДИЁТИ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ МОЛИЯСИННИНГ ЎРНИ**

### **2.1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти**

Давлат молияси мамлакат молия тизимининг асосий соҳаси бўлиши билан бир қаторда давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик функцияларини амалга оширишда молиявий ресурслар билан ҳам таъминлаб туради.

Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти бу – жами ижтимоий маҳсулотнинг қийматини ҳамда миллий бойликнинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида давлат ва давлат корхоналари ихтиёрида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган молиявий ресурсларнинг шаклланиши, шунингдек, кенгайтирилган ишлаб чиқариш билан бир қаторда жамиятнинг ўсиб бораётган социал-маданий тадбирларини молиялаштиришдаги пул муносабатлари йиғиндисидир. Мазкур соҳадаги пул муносабатларининг субъектига давлат, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва кенг аҳоли қатлами мисол бўлади.

Давлат молиясида давлат кредити иқтисодиётни барқарорлаштириш ва молиявий соғломлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, давлат кредитидан бюджет тақчиллигини қоплашда кенг фойдаланилади. Муомаладаги пул оқимининг сустлашишини олдини олган давлат кредити пул муомаласидаги пул айланишини ҳам тезлаштиради. Молия-бюджет соҳасида, шунингдек, солиқ-бож соҳасида тўғри сиёсат юритилиши жамият тараққиётининг муҳим шarti ҳисобланади.

Қадимий манбалар шунини кўрсатадики, жамият ҳаётида мустақам ўрин тутган пул ҳисоб-китоби билан боғлиқ молиявий муносабатлар минг йиллар аввал пайдо бўлган. Греция, Хитой, Ҳиндистон, Қадимги Рим империяси қонунларида бож-хирож, солиқлар тўплаш, давлат газнаси ҳисоб-китоби масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Турли мамлакатларда иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг янада ривожланиши улардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, солиқ, бож, кредит каби воситалар ёрдамида ички ва ташқи сиёсатда муайян ютуқларга эришиш имконини яратди. Бундай шароитда давлатнинг молиявий тизимини вужудга келтириш, уларнинг бир маромда ишлашини таъминловчи қоидаларни яратиш, жамият молиявий фаолияти тамойилларини ишлаб чиқиш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолди.

Соҳибқирон Амир Темур «Тузуқларида» «Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни кашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат ғазнасининг камбағаллашувига олиб келади» дея солиқларнинг, молиянинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим рол ўйнашини таъкидлаб ўтган.

Машҳур шотланд иқтисодчиси Адам Смит «халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқот» асарида молиянинг давлат ва жамият ҳаётидаги юксак аҳамиятини кўрсатиб берган. Жамиятни идора қилишда давлат муҳим ўрин тутган бугунги кунда давлат молияси ва молиявий муносабатлар тарихий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди.

Шотландиялик буюк иқтисодчи Адам Смитнинг «Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» асари замонавий иқтисодиёт фанининг бошланиши ҳисобланади. Адам Смитнинг бу асари беш қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида қиймат ва қўшимча даромад муаммолари тадқиқ этилди, иккинчисида—капитал жамғарилиши ва унинг функционал шакллари, учинчисида—капитализм ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари кўрсатиб берилди, тўртинчисида – унинг меркантилизм ва физиократларнинг таълимотига бўлган муносабатлари акс эттирилди, бешинчи қисмида давлат молиясини бошқариш масалалари кўриб чиқилди.

Адам Смитнинг фикрича, давлатни фаровонликнинг энг қуёи босқичидан энг юқори босқичига кўтариш учун фақатгина тинчлик, солиқлар ва бошқарувчилик керак, қолганларнинг барчаси табиий ҳаракат туфайли бўлади. А. Смитнинг ушбу асари иқтисодий таълимотларнинг ривожланишига ва албатта, кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиёти тараққиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. А. Смит давлатнинг айрим функцияларини ижобий баҳолади, масалан, мамлакат ички тартибини сақлаш, ташқи ҳарбий хавф-хатардан асрашни хўжалик ривожининг зарурий шартлари, деб ҳисоблади. Шунингдек, асарда, давлатнинг молиявий фаолиятига алоҳида аҳамият берилди.

А. Смит ўз асарининг бешинчи, охириги китобини давлат бюджети ва давлат қарзларига бағишлаган. У фақат бугун жамият манфаатларига мос келадиган давлат харажатларининггина қўллаб-қувватлади, “арзон давлат” тезисини илгари сурди. Смит замонавий давлатнинг солиқ сибсатининг назарий асосларини яратди. Унинг фикрича, солиқлар фуқароларнинг кучи ва имкониятига мос кели-

ши, ишга яроқли ҳар бир кишига алоҳида белгиланиши керак, солиқ имкони борича арзон, унинг шакли ва олинниш вақти эса тўловчи манфаатига мос келиши зарур бўлади.

Америкалик иқтисодчилар Г. Коун, М. Ключо фикрларига кўра, давлат солиқларидан ва трансферт тўловларидан фойдаланиш йўли билан жамият миллий даромадини камбағаллар фойдасига қайта тақсимлаш имконига эга бўлади. Немис олимлари А. Вагнер, М. Веберв, Г. Шмоллерларнинг фикрига кўра, мамлакатнинг бойлигини ва даромадларини адолатли тақсимлашда давлат молиясидан фойдаланиш мумкин. Шу фикрларга қўшилган инглиз олими Д. С. Милль мамлакатдаги ижтимоий зиддиятларни юмшатиш мақсадида давлат даромадларини тақсимлаш соҳасида ўзгартиришлар киритиш кераклиги тўғрисидаги таклиф билан чиқди.

Давлат молияси ёрдамида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан-техника тараққиётини, ижтимоий эҳтиёжни қондириш масалалари, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш соҳаларини самарали тартибга солинади. Шу йўл билан давлат жамиятнинг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож бўлган қатламларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишларини таъминлайди, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини тезроқ ривожлантириш чораларини кўради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизими Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги иқтисодий-сий шарт-шароитларига мос келадиган бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида шаклланмоқда ва ривожланмоқда.

## **2.2. Давлат молиясининг институционал таркиби ва роли**

Давлат молияси молия тизимининг асосий қисмини ташкил этади, унинг асосий бўғини эса давлат бюджетидир. Давлат бюджети – давлат бюджети даромадлари билан харажатларининг таркибий қисмидан иборат бўлган молиявий режадир.

Давлат молиясининг иқтисодий тузилиши том маънода бир хилда эмас, у бир-бирига боғлиқ бўлган бўғинлардан ташкил топсада, лекин, бажараётган функциялари билан бир-биридан фарқ қиладиган бўғинлар йиғиндисидан иборатдир.

Давлат молияси соҳасининг бўғинларига Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, давлат кредити ва давлат корхоналари молияси киради. Республикамизда давлат тузилиши икки бўғинлидир, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар йиғиндиси.




Республика бюджетидан жамият аҳамиятига молик бўлган чора-тадбирлар молиялаштирилади. Жумладан, марказлаштирилган инвестициялар, мудофаа харажатлари ва бошқарув харажатлари. Республика бюджети яна мамлакат миқёсидаги иқтисодий – ижтимоий масалалар ижобий ҳал қилинишига қаратилади.

Бозор иқтисоди ривожланиши билан бюджет муносабатлари ичида маҳаллий бюджетларга эътибор кучаймоқда. Кейинги пайтларда маҳаллий ҳокимиятларга мустақиллик берилиши муносабати билан маҳаллий бюджетлар тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Маҳаллий бюджетлардан, асосан, маҳаллий аҳамиятга молик бўлган чора-тадбирлар молиялаштирилади. Жумладан, ҳудудий инфратузилмани ташкил қилишда, меҳнат ресурсларини қайта тиклаш, аҳолининг меҳнат фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Давлат молияси таркибида давлат бюджети давлатнинг мақсадли жамғармалари, давлат кредити ва корхоналар молиясининг аҳамияти ажратиб кўрсатилади (2-чизмага қаранг).

2-чизма

### Давлат молиясининг таркибий тузилиши



Давлат молияси соҳасининг таркибий қисмидан бири — давлат мақсадли жамғармаларидир. Давлат мақсадли жамғармаларининг хусусиятли томони шундаки, улар олдиндан маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади ва фақат шу йўналишларда фойдаланилади.

Давлат молиясининг характерли бўлакларидан бири — давлат кредитидир. Давлат кредитининг мазмуни шуки, бунда давлат ўз харажатларини молиялаштириш учун, аҳолининг, хўжалик субъектларининг ортиқча молиявий ресурсларидан вақтинча фойдаланади. Давлат кредитидан фойдаланиш учун ҳукумат молиявий бозорга жисмоний ва юридик шахсларга мўлжалланган заёмлар, қисқа муддатли облигациялар, газначилик мажбуриятлари ва бошқа турдаги давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқаради.

Молиявий муносабатлар пулнинг ҳаракати билан боғлиқ муносабатларнинг фақат бир қисмини ўз ичига олади. Масалан, давлат билан корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар шу корхоналардан бюджетга тушадиган тўловлар ва солиқлар кўринишида ёки давлатнинг бюджет ташкилотлари фондига маблағлар ажратиш йўли билан рўёбга чиқади.

Айтмоқчимизки, давлат билан ташкилотлар ўртасидаги молиявий муносабатлар икки томонлама асосда бўлиши, яъни бюджетдан маблағ ажратиш, солиққа тортиш тизими билан уйғунлашуви мумкин.

Давлат билан аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатлар, аввало, ижтимоий истеъмол фондларидан турли тўловлар ва имтиёзлар олиш муносабати билан юзага келади. Албатта, бу хилдаги муносабатлар жамият тараққиётининг турли босқичларида аниқ вазиятларга, бошқариш усулларига ва хўжалик юритишнинг мақсад ва вазифаларига қараб ўзгариб туради.

Давлат молиясининг моҳияти ижтимоий тузум характери билан, жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари табиати билан, давлатнинг вазифалари билан белгиланади. Шу билан бирга такрор ишлаб чиқаришнинг нисбатларини тўғри белгилашда, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришда, ялпи ички маҳсулот, миллий даромадни тақсимлашда ва қайта тақсимлашда давлат молиясидан муҳим дастак сифатида фойдаланилади.

Демак, давлат молияси умумиктисодий категория ҳисобланади, жами ижтимоий маҳсулотнинг қийматини тақсимлайди ва қайта тақсимлайди, натижада, давлат ихтиёрида марказлашлаган пул фондлари, хўжалик субъектлари ихтиёрида эса марказлашмаган пул фондларини шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат бир қатор ижтимоий-иктисодий ва сиёсий вазифаларни бажариши учун унинг ихтиёрида пул маблағлари бўлиши шарт ва унга давлат молияси орқали эришилади.

Давлат молияси миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир қисмини давлатга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора қилиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлар йиғиндисидир. Агар давлатга қарашли корхона молияси микромолияни ташкил этса, давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли фондлар, давлат кредити макромолияни ташкил этади.

Давлат молияси даромадлар ва харажатларнинг яхлитлигидан иборат. Давлат даромадлари бу миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг давлатга теккан қисмидир. У бевосита давлат ихтиёридаги ва давлат корхоналари кўлидаги даромаддан иборат бўлади. Давлат даромадлари ички ва ташқи манбалардан тушади.

### **2.3. Давлат бюджети давлат молиясининг асосий бўлаги**

Давлат бюджети давлатнинг пул даромадлари ва харажатлари, шунингдек, умумдавлат пул маблағларини ташкил қилиш ва ундан фойдаланишни кўзда тутувчи бош молия режасидир.

Давлат бюджети молия тизимининг энг асосий бўлагидир. Мамлакат иқтисодийётини маълум мақсадда ривожлантириш, турли марказлашган ва марказлашмаган жамғармалар, ва аввало, умумдавлат пул маблағлари жамғармаси Давлат бюджетини тузиш йўли билан таъминланади. Айтиш мумкинки, давлат бюджети мамлакат молия тизимининг марказий бўғинидир.

«Давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдорлари назарда тутилади»<sup>1</sup>. Бюджет – давлатнинг олдида турган мақсад ва вазифаларини молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари фонддини шакллантириш ва харажат қилиш шаклини акс эттиради. Бюджетга мамлакат молиявий тизимида бошқарувчилик ҳолати тегишлидир. У умумдавлат молиявий ресурс фонддини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, бир томондан, давлат ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг бир қисмини, ик-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. 3-модда. Ё Халқ сўзи. 2000 йил, 14 декабрь.

кинчи томондан корхоналар ва аҳоли ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг бир қисмини англатади. Бюджетни шакллантириш бевосита мамлакат миллий даромадини шакллантириш ва уни қайта тақсимлаш билан боғлиқдир.

Бюджет ёрдамида давлат ва ҳудудий ҳукумат бошқарув аппаратини, ҳарбий харажатларни, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни амалга ошириш, иқтисодий вазифаларни амалга оширишни таъминлаш, яъни уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун молиявий ресурсларни оладилар. Шу билан бирга бюджетга аниқ иқтисодий муносабатларни англатадиган иқтисодий категория сифатида қараш мумкин. Давлат бюджетдан бевосита ўз фаолиятини ҳамда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим дастаки сифатида фойдаланади.

Бюджет - турли даражадаги марказлаштирилган пул маблағлари фондиди вужудга келтириш, тақсимлаш ва фойдаланишга оид асосий молиявий режа бўлиб, у тегишли давлат ёки маҳаллий идора томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган ҳуқуқий ҳужжатдан иборат. Бюджет асосий молиявий режа сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўла қамраб олади;
- бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

Бошқача сўз билан айтганда, бюджет инглизча сўз бўлиб, давлат, корхона, муассаса ва айрим шахсларнинг маълум муддатга олдиндан белгилаб қўйиладиган қирим-чиқим, яъни даромад ва харажатлари мажмуини ифодалайди.

Давлат бюджетининг иқтисодий тушунчаси, умумжамиат миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида тўпланадиган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади. Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган, ижтимоий ҳимоя вазифаларини бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофани таъминлаш каби аниқ мақсадларга режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодийни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдан иборатдир.

Турли мамлакатларда давлат бюджетини тузиш ва ундан фойдаланишнинг бир қанча умумий хусусиятлари мавжуд. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бирида, шунингдек, бир мамлакат доирасида жамиятни ривожлантиришнинг айрим босқичларида молиявий сиёсатнинг асосий қуроли бўлган давлат бюджети таркиби ва сарфланиш мазмуни билан фарқланади. Демак, республика молиявий аҳолининг кўзгуси давлат бюджетидир.

Биринчи жадвалда Ўзбекистон Республикасининг 2004-2007 йилги Давлат бюджетини харажатлари таркиби берилган. Шундай қилиб, миллий даромадни бюджет орқали қайта тақсимлаш натижасида таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳалар ҳамда мамлакат мудофаа ва бошқарув органлари эҳтиёжлари молиявий ресурслар билан таъминланади. Ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга қилинадиган бюджет харажатларида корхоналарнинг фаолиятини пул билан таъминлаш ўрнига тармоқлараро йирик лойиҳалар, янги ҳудудларни ўзлаштириш, транспорт шохобчаларини, алоқани ва ишлаб чиқариш инфраструктурасининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга маблағ ажратиш ҳал қилувчи ўринни эгаллаб боради. Тегишли ҳудудда жойлашган корхоналардан олинadиган маҳаллий ва умумдавлат солиқлари ҳамда даромадларнинг бир қисми куйи звено бюджетларининг молиявий пойдеворини ташкил этади. Мазкур маблағлар ҳудуднинг ижтимоий соҳасини, унинг ишлаб чиқариш иқтисодий қудратини ҳисобга олиб ривожлантириш учун сарфланади.

#### **2.4. Давлат кредити – давлат эҳтиёжлари учун пул маблағларини жалб этиш шакли**

Маълумки, кредит юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган маблағларини кредит ресурсларига жалб этиш, уларни қайтариш ва фоизлар тўлаш шарти билан фойдаланувчиларга бериш билан боғлиқ бўлган ўзига хос молиявий муносабатлар мажмуидир. Кредит иқтисодий жиҳатдан ссуда капитали ҳаракати шаклиларидан бири бўлиб, ялпи ижтимоий даромад қийматини, миллий даромаднинг муайян қисмини иккиламчи равишда тақсимлашдан иборатдир.

## Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркиби (2004-2007 йиллар)

№	Кўрсаткичлар	2004 йил		2005 йил		2006 йил		2007 йил	
		сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
I	Ижтимоий-маданий тадбир харажатлари	1305,4	47,6	1510,1	43,6	1909,6	44,3	2885,8	54,1
I.1.	Маориф	753,4	27,5	991,5	28,6	1285,1	29,8	1740,4	32,6
I.2.	Соғлиқни сақлаш ва спорт	282,2	10,3	377,8	10,9	494,7	11,5	636,1	11,9
I.3.	Фан, маданият ва ОАВ	51,3	1,9	77,3	2,2	88,6	2,1	71,5	1,3
I.4.	Ижтимоий таъминот	10,8	0,4	13,9	0,4	16,8	0,4	20,7	0,4
II	Ижтимоий химоя харажатлари	188,8	6,9	228,8	6,6	295,7	6,9	364,5	6,8
2.1.	Ижтимоий зарур хизматлар баҳосидаги фарқни қоплаш	21,7	0,8	15,9	0,5	13,2	0,3	14,5	0,3
2.2.	Болали ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар	167,1	6,1	212,9	6,1	282,6	6,6	350	6,6
III	Иқтисодий харажатлар	367	13,4	459,2	13,3	557,7	12,9	643,4	12,1
IV	Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	300	10,9	345	10	395,0	9,2	460	8,6
V	Давлат бошқаруви ва суд органларини сақлаш харажатлари	54	2	73,1	2,1	88,6	2,1	118,8	2,2
VI	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	15,9	0,6	22	0,6	27,4	0,6	39,1	0,7
VII	Вазирлар Маҳкамасининг резерв фонди	41,3	1,5	17,9	0,5	19,5	0,5	20	0,4
VIII	Бошқа харажатлар	659,6	24	807,9	23,3	970,1	22,5	1119,9	21,0
	Жами харажатлар	2743,2	100	3464,1	100	4313,5	100	5334,2	100

Кредит товар-пул муносабатларига хос бўлган ва пул ҳаракатини билдирувчи категориядир. Кредит деганда вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариш юзасидан келиб чиққан муносабатларини тушуниш керак. Молия билан кредитнинг умумийлиги шуки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам пул маблағлари иштирокидаги муносабатларни англатади, уларнинг фарқи эса пул маблағларини жамлаш ва ишлатиш усулининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, кредит муносабатларининг мавжудлигига қуйидагилар сабаб бўлади:

- ◆ ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида пул товар ресурслари доиравий айланишининг хусусиятлари, баъзиларида вақтинча бўш пул маблағларининг пайдо бўлиши ва бошқаларда қўшимча пул маблағларига эҳтиёж туғилиши;

- ◆ товар ва пул муносабатларининг ва у билан боғлиқ бўлган қиймат қонунинг амал қилиши;

- ◆ турли корхоналарда фондларнинг доиравий айланишида ишлаб чиқариш билан истеъмолнинг бир вақтга тўғри келмаслиги.

Юқоридаги сабаблар давлат, корхона, фирмаларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, капитал қурилиш, техника воситаларини сотиб олиш, айланма маблағларини тўлдириш, товар муомаласини тезлатиш учун вақти-вақти билан қўшимча пул ресурсларини зарур бўлиб қолишига олиб келади.

Кредит кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, корхоналарни илғор техника билан қуроллантиришни тезлаштиришга имкон беради. Уларнинг айланма маблағларини тўлатиш мақсадларига хизмат қилади. Шу мақсадда корхоналар ихтиёридаги пул маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун давлат томонидан пул маблағлари режа асосида сафарбар этилади. Бунга асос юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бир томондан вақтинча бўш пул маблағларининг ҳосил бўлиши ва иккинчи томондан, корхоналарда қўшимча маблағлар учун вақтинчалик зарурият пайдо бўлишидир.

Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади. Бунда бири пул эгаси, яъни қарз берувчи, иккинчиси пулга муҳтож, яъни қарз олувчи ҳисобланади. Кредит субъектлари давлат, корхона, ташкилот ва аҳоли бўлиши мумкин. Кредитнинг объекти ҳар қан-

дай пул эмас, балки, вақтинча бўш турган, эгаси томонидан ишлатилмай ва қарзга берилиши мумкин бўлган пулдир.

Кредит тўрт хил вазифани бажаради:

- пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини юзага чиқаради, бўш турган пулларни йиғиб олади;
- бўш пул маблағларини ҳаракатга туширади, ишдаги капиталга айлантиради, пулни пул топади, деган қондани амалга оширади;
- қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимланиши билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди;
- қарз бериш, қарз ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, пул маблағларидан рационал фойдаланишни назорат қилади.

Кредитни муомаладаги нақд пуллар ўрнини копланганлиги сабабли нақд пулларни тайёрлаш, сақлаш, ташиш даврида қилинадиган харажатларни қисқартиришга, уларни тежашга олиб келади. Кредит муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоиз ундирилади. Фоиз миллий даромадни тақсимлаш шаклларида биридир. Фоиз миқдори ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, ссуданинг характериغا, қарзга бўлган муҳтожликка, кредитга бўлган талабга қараб ўзгариб туради.

Банк кредити-кредитнинг асосий шакли бўлиб, бунда пул маблағлари вақтинча ишлатиш учун банклар томонидан тақдим этилади. Банк кредити иқтисодиётда асосий ва айланма маблағларни шакллантиришнинг муҳим манбаидир. Бу кредит маблағларни бериш ва қайтариш муддатига қараб учга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар – бир йилгача муддат билан берилади, бу кредитлар корхоналарнинг жорий ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган айланма маблағларни ташкил этиш ва ҳаракатини таъминлашга қаратилади;
- ўрта муддатли кредитлар – беш йилгача муддат билан асосий фондларнинг ҳаракати билан боғлиқ ишларни таъминлаш учун берилади;
- узоқ муддатли кредитлар беш йил ва ундан ортиқ муддатга асосан, қурилиш ишларига берилади.

Кредитни беришда қуйидаги тамойилларга риоя қилинади:

- кредит маълум муддатга берилади;
- кредит фоиз билан қайтариб олинади;
- кредит аниқ мақсадга мўлжаллаб берилади;



✦ кредит беришда хўжалик субъектининг тўлаш қобилияти ҳисобга олинади;

✦ кредит моддий бойликлар билан таъминланган бўлади.

Кредит деганда пул маблағлари ёки товарларни қайтариш шарти билан ҳақ олиш эвазига муайян муддатга бериб туриш тушунилади. Кредитнинг бир қатор шакллари бўлиб, давлат кредити шулар жумласидандир. Бошқача қилиб айтганда, пул маблағларини давлат эҳтиёжлари учун жалб этиш шаклларида бири – давлат кредитидир.

Давлат кредити молиявий-иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида бир томондан давлат, иккинчи томондан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлиб, бунда давлат юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини қарзга олувчи шахс сифатида кўзга ташланади. 3-чизмада Давлат кредитининг давлат молияси тизимида тутган ўрни кўрсатилган.

Ҳуқуқий жиҳатдан давлат кредити ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган муносабатлардир. Бу муносабатларнинг мақсади юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган, вақтинча бекор турган пул маблағларини ихтиёрийлик, муддатлилик, қайтариш шарти билан ҳақ тўлаш асосида давлат қўлида жамланишига ва шу асосда давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ва пул муомаласини тартибга солишга қаратилгандир.

Давлат кредити иқтисодий атама сифатида давлат молияси, қимматли қоғозлар бозори, корхоналар ва уй хўжаликлари молияси, иқтисодиёт назарияси, макроиқтисодий статистика, иқтисодий таҳлил, халқаро молиявий муносабатлар, миллий иқтисодиёт, молия ҳуқуқи ва бошқа иқтисодий атамалар билан боғлиқ. Давлат кредити молия тизимининг муҳим бўғини саналувчи кредитнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Муддатлилик, қайтарилиши лозим эканлиги, ҳақ олиш эвазига берилиши каби хусусиятлар ҳар қандай кредитга, жумладан давлат кредитига ҳам хосдир. Аммо шу билан бирга давлат кредити ва банк кредити ўртасида иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан жиддий фарқлар мавжуд.

Давлат кредити иқтисодий жиҳатдан капитални ишлаб чиқаришга қаратилмаган мақсадларда, яъни давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ишлатилади ва ишлаб чиқариш ҳаракати доирасида қатнашмайди. Давлат кредити фоизлари, одатда, солиқлар ёки янги давлат қарзлари ҳисобига қопланади, шу маънода давлат кредити олдиндан олинган солиқлар дейилиши мумкин.

Банк томонидан бериладиган кредит эса қоида тарикасида, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади, муайян фойда олинишини таъ-


минлайди ва шу йўл билан фақат кредитнинг ўзини эмас, балки унинг фонзларини ҳам қоплаш имкони пайдо бўлади. Ҳуқуқий жиҳатдан олганда банк кредитида банк қарз берувчи, жисмоний ва юридик шахслар эса қарз олувчи сифатида қатнашади. Давлат кредитида эса давлат қарз олувчи, юридик ва жисмоний шахслар қарз берувчи сифатида иштирок этади. Агар банк кредити муносабатлари натижасида банк ва кредит олувчи юридик ёки жисмоний шахс ўртасида кредит шартномаси тузилса ва бу муносабатлар фуқаролик қонуни билан тартибга солинса, давлат кредитига оид муносабатлар мамлакат ички қарзлари билан боғлиқ бўлган молиявий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлади.

Давлат кредити юридик ва жисмоний шахслар маблағларининг давлат томонидан вақтинча ишлатилиб турилишига айтилади. Давлат кредити вақтинча давлат тасарруфига тушадиган ва иқтисодиётни ривожлантириш, бюджет тақчиллиги ва бошқа эҳтиёжларнинг устувор йўналишларини молиялаштириш учун фойдаланиладиган қўшимча пул маблағларининг тўпланишини таъминлайди.

Давлат кредитида давлат – қарз олувчи, юридик ва жисмоний шахслар эса қарз берувчи сифатида намоён бўлади. Давлат кредити воситасида юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб этиш турли шаклларда, авваламбор, давлат заёмлари, пул мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Бозор муносабатлари ривожланиши ва қимматли қоғозлар бозорининг юзага келиши шароитларида давлат кредитининг муҳим шакли юридик шахслар орасида жойлаштириладиган давлат қисқа муддатли заёмлари ҳисобланади.

Давлат кредити деганда ихтиёрийлик асосида юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бекор турган пул маблағларини вақтинча фойдаланиш учун давлат эҳтиёжларига жалб этиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари назарда тутилади. Давлат шу йўл билан жалб этилган даромадлар ҳисобига бюджетдаги тақчилликни қоплайди, иқтисодиёт тармоқларини имтиёзли кредит билан таъминлайди ва катта аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжлар учун сарфлайди.

Давлат кредитининг Давлат молияси тизмида тугган ўрни



## 2.5. Корхоналар молиясининг иқтисодий табиати

Корхоналар молияси - бутун молия тизимининг асоси, бошлангич звеноси ҳисобланади. Корхоналар молиясининг моддий ифодаси деганда, биз ҳар бир корхона томонидан ўзининг иқтисодий ривожланиши, ишчиларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва бошқа турли заруриятлар учун махсус пул фондларини тушунамиз.

Корхоналар иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланади ва шу нуқтаи назардан корхоналар молияси мамлакат молия тизимининг асосини ташкил этади. Корхоналар молиясининг ҳолати давлат ва ҳудудий пул фондларининг молиявий ресурслар билан таъминланишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу боғлиқлик бевосита бўлиб, корхонанинг молиявий ҳолати қанчалик барқарор ва мустаҳкам бўлса, умумдавлат ва ҳудудий жамғармаларнинг таъминланганлик даражаси ортади, ижтимоий-маданий эҳтиёжлар тўлароқ қондирилади. Шунинг учун ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиёт ва молияни тартибга солиши билан, корхоналар ва ҳудудларнинг тўла мустақиллигини таъминлаш ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш муҳим масаладир. Ушбу масалани жамият ривожининг маълум босқичидаги мавжуд молия механизми ҳал этиши лозим.

Корхоналар молияси – бу пулнинг ҳаракати натижасида юзага келадиган пул оқимлари ва корхонада пул фондларини ташкил этиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир.

Корхонанинг молиявий механизми – пул оқимлари, пуллик муносабатлар ва пул фондларининг мавжуд иқтисодий қонуниятлари талаблари билан молиявий инструментлар ва категориялар, рағбатлантиришлар, имтиёзлар ва санкциялардан фойдаланиш орқали давлатнинг ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларини мувофиқлаштиришга мўлжалланган молиявий бошқариш тизимидир.

Корхоналарда молия учта функцияни бажаради:

↓ таъминлаш;

↓ тақсимлаш;

↓ назорат.

Корхоналар молиясининг таъминлаш функцияси барча харажатлар ўз маблағлари ҳисобидан қопланиши шарт тамойилини сақлаган ҳолда, корхонани зарурий пул маблағлари билан оптимал даражада таъминлашни назарда тутати. Қўшимча маблағларга бўлган талаб кредит ва бошқа қарз манбалар ҳисобидан қопланиши керак.

Пул маблағлари манбасини оптималлаштириш корхоналар молиясини бошқаришнинг асосий вазифаси саналади. Чунки маблағларнинг ортиқчалигида фойдаланиш самараси тушади, маблағлар етишмаганлигида эса жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган молиявий қийинчиликлар юзага чиқади. Бундан ташқари, пул маблағлари манбасини оптималлаштириш – юкори молиявий натижага эришишнинг йўлларида биридир.

Корхоналар молиясининг тақсимлаш функцияси таъминлаш функцияси билан мустаҳкам боғланган. Тақсимлаш муносабатлари ҳам охириги натижага жиддий таъсир этади. Маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг тақсимланиши қисман корхона харажатларини қоплашга йўналтирилади, қолган қисми эса корхонанинг фойдасини ташкил этади. Фойда корхона билан бюджет ўртасида тақсимланади. Пул даромадлари, фойдани тақсимлаш корхона молия хизмати фаолиятида муҳим ўрин тутуди.

Корхонадаги ушбу муносабатларнинг молия механизми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ❖ иш ҳақининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва у учун тушадиган тўловлар билан боғлиқлиги;

- ❖ фойдани корхона, савдо ва банк ўртасидаги тақсимотда уни катта қисмининг корхона ихтиёрида қолишини асосланиши;

- ❖ фойдани корхона ва турли даражадаги бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар ўртасидаги тақсимотида узоқ муддатлик ва барқарорликни назарда тутувчи тақсимлаш меъёрларининг объективлиги;

- ❖ жамғарма ва истеъмол учун ажратмаларнинг асосланганлиги;

- ❖ ижтимоий эҳтиёжларга илмий-тадқиқот ишларига, кадрлар тайёрлашга ва бошқа мақсадлар учун маблағларнинг етарлилиги.

Корхоналар молиясининг назорат функцияси турли хил рағбатлантиришлар, санкциялар ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланади. Моддий рағбатлантириш ва моддий жавобгарлик, молиянинг назорат функциясини юзага чиқишини ифодалайди. Қатор молиявий кўрсаткичлардан фойдаланиш, молиявий назоратнинг бир шакли ҳисобланади. Масалан, мол етказиб берувчилар, банк, бюджет, ходимлар олдидаги қарз, айланма маблағларни манбалар билан мос равишда таъминланганлиги, зарарлар, ликвидлик, тўлов қобилияти ва бошқалардир. Булардан энг асосийси корхона ихтиёрида маблағлар барқарорлигининг таъминланишидир.

Корхоналар молиясининг назорат функцияси юқоридаги икки функция билан боғлиқлиги, айнан, мана шу ерда намоён бўлади ва бу молия назоратининг юзага чиқиши ҳисобланади. Агар корхона бюджет, банк, мол етказиб берувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширсин, у ўз молиявий натижаларини яқшилайди, ишлаб чиқариш ва маблағлардан фойдаланиш самарасини оширади. Акс ҳолда, у жарималар, фоизлар, қўшимча тўловлар тўлашга мажбур бўлади, молиявий ҳолат таранглашади, охириги натижалар ёмонлашади.

Корхонанинг молиявий аҳволи кўп жиҳатдан пул маблағлари мавжудлиги ва уларнинг ҳаракатига боғлиқ бўлади. Пул бўлмаса ёки етишмаса корхона сотиб олинган товарлар учун уларни етказиб берувчилар билан, солиқлар бўйича бюджет билан, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоб қила олмайди. Буларни барча кредиторлик қарзларининг кўпайишига, жарималарга, олинган кредитлар учун фоизлар ўсишига, ҳар хил санацияларга, қисқаси тўлов қобилияти ёмонлашувига олиб келади.

Кўпинча, раҳбарлар даромад ва кўп миқдорда фойда олаётганликларига қарамай, маҳсулот етказиб берувчилар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қила олмасликлари ёки зарур ускуналарни сотиб ололмасликлари сабабини тушунтирмайди. Асосий сабаб шундаки, ёзилган ва амалда келиб тушган даромадлар билан ёзилган ва амалда қилинган харажатлар ўртасида фарқ бўлади. Фойда, рентабеллик, тўланаётган солиқларнинг катта қисми даромадлар ҳажмига қараб ҳисоблаб чиқилади. Олинган фойдадан эса фақат пул маблағлари мавжуд бўлсагина фойдаланиш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан менежерларни ёзилган даромадлардан кўра, корхона ҳисобрақамига амалда қанча маблағ келиб тушганлиги ва уни сарфлаш мумкинлиги, яъни пул маблағлари оқими кўпроқ қизиқтиради. Пул маблағлари оқимини билиш учун раҳбар “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисоботда келтирилган маълумотларни ўқий олиши, пул тушадиган манбаларни белгилай олиши ҳамда улардан қай тарзда самарали фойдаланишни билиши керак.

«Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисобот – молиявий ҳисобот ҳужжати бўлиб, унда пул маблағларининг тушиши, сарфланиши ҳамда йил боши ва йил охиридаги қолдиқлари, шунингдек, инвестиция ҳамда молия фаолиятидан келадиган пул маблағлари акс эттирилади<sup>1</sup>. Молия функцияларини амалиётда нисбатан тўлароқ жорий

<sup>1</sup> Вахидов С., Пулатов М. Бухгалтерия ҳисобини замон талабларига мослаштириш-давр талаби. // Бозор, пул ва кредит. 2005. 86 б.

этишга эришиш, корхона молия хизматчиларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу, аввало, рентабелликни ошириш эвазига корхона молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали фойдани кенгайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, сифатни ошириш, илмий-техника ютуқларини амалга татбиқ этиш, янги бозорларни эгаллаш йўли билан молиянинг таъминлаш функциясини жорий этишдир.

Корхона молиясининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

❖ ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш мақсадида ресурсларни жамлаш, фойдани ўсишини ва рентабелликни оширишни таъминлаш;

❖ молиявий режа ва ҳисоб-китобларни ташкил этиш асосида бюджет, банк, мол етказиб берувчилар олдидаги, шунингдек, иш ҳақи тўлаш ва бошқа молиявий мажбуриятларни бажариш;

❖ ишлаб чиқариш ва инвестиция фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

❖ молия, кредит ва касса режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

❖ ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ўз айланма маблағлари ҳажмини иқтисодий асосланган меъёрлар даражасига етказиш, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ҳамда сақланганлигини таъминлаш;

❖ молиявий ресурслардан тўғри фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ҳамда сақланганлигини таъминлашни назоратини амалга ошириш.

Тайёр маҳсулот учун ҳисоб-китобларни тўғри ташкил этиш, маҳсулотни сотиш режасининг ижроси ва фойданинг назоратини амалга ошириш корхона молия хизматининг асосий вазифаси саналади. Корхона молияси маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, бюджет билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, банк билан муносабатларини ташкил этиш, ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини таъминлаш корхонанинг молиявий ишларини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги иқтисодий шароитда корхоналар молияси қуйидаги муаммоларга тўқнаш келмоқда:

▪ ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун маблағларнинг сезиларли даражада етишмаслиги;

▪ паст иш ҳақини белгилаш ва уни ўз вақтида тўлай олмаслик, шунингдек, корхона томонидан ижтимоий соҳаларни молиялаштиришнинг тўхтаб қолганлиги;

■ кредитнинг қимматлиги ва ундан корхона эҳтиёжлари учун фойдаланиш имкониятининг етарли эмаслиги;

■ корхоналар ўртасидаги тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги натижасида корхона пул маблағларининг тақчиллигини юзага келиши ва молиявий муаммоларнинг чуқурлашганлиги;

■ амалдаги солиқ тизимининг такомиллашмаганлиги.

Корхоналар молиясини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- корхоналар фаолиятини доимий ва тизимли молиявий таҳлилини амалга ошириш;

- молиявий ҳолатини оптималлаштириш мақсадида айланма маблағларни мавжуд талаблар асосида ташкил этиш;

- бошқарув ҳисобини жорий этиш ва шунга мувофиқ корхона харажатларини доимий ва ўзгарувчан асосда бўлиши ҳамда харажат-тушум-фойданинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини таҳлил этиш;

- фойда тақсимотини оптималлаштириш ва нисбатан самарали дивиденд сиёсатини танлаш;

- пул маблағлари манбаларини оптималлаштириш ва банк тизимига таъсир ўтказиш мақсадида тижорат кредити муомаласини жорий этиш;

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида лизинг муносабатларидан фойдаланиш;

- корхона мулки таркибини ва уни шакллантирувчи манбаларни оптималлаштириш;

- пул оқимларини бошқаришнинг замонавий тизимларини ўзлаштириш;

- корхонанинг стратегик молия сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Корхоналар молиясини мустаҳкамлаш ва шу асосда давлат молиясини барқарорлаштириш - иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёнида давлат ва корхоналар олдига қўйилган бирламчи вазифадир. Ушбу вазифани амалга оширмасдан бошқа муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас. Корхоналар молиясини мустаҳкамлашнинг асосий жиҳатлари, корхоналар томонидан фойдаланилаётган пул маблағларини оптималлаштириш ва унинг тақчиллигини бартараф этиш билан боғлиқ.



## 2.6. Давлатнинг мақсадли жамғармалари фаолиятининг хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари шакллана бошлади. Давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳам давлатнинг молиявий захираларини кўпайтириш ва улардан самарали ҳамда мақсадга мувофиқ фойдаланишга хизмат қилади.

Республикамызда аҳолининг турли қатлами учун ҳар қандай шаклда ижтимоий ҳимояни таъминлаш, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини олиб бориш ҳамда ижтимоий дастурларни рўйбга чиқариш доимо муайян миқдордаги пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва бозор ислохотлари чуқурлашиб бораётган паллаларда кучли ижтимоий сиёсат тўлалигича устувор бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислохотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда, иш олиб боришимиз керак бўлади. Шунинг учун ижтимоий фондлар ҳар қандай ижтимоий механизмнинг ажралмас элементи бўлади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмнинг танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади, қолаверса, бу ишларнинг ҳаммасига давлатга қаршли жамғармаларнинг маблағларини кенг жалб этиш лозим.

Ўзбекистонда давлатнинг мақсадли жамғармаларини шакллантиришда уларнинг ташкил қилиниши бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилиб, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий - иқтисодий муносабатлар эътиборга олинishi лозим. Бундай уйғуллаштиришга эришиш натижасида ижтимоий сиёсатнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги ортади. Ушбу фондларнинг баъзилари бошқа мамлакатлардагига ўхшаш бўлса, бошқалари эса ўхшаши йўқ, бу бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос миллий йўлимиз борлигини тасдиқлаб турибди. 4-чизмада давлат мақсадли жамғармаларининг таркибий тuzилиши берилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари қанчалик кенг қамраб олинганлиги ва илмий жиҳатдан чуқур ўрганилганлигига қарамай, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу масаланинг долзарб-

лиги сақланиб қолаверади. Иқтисодиёт тараққий этган сари мазкур фондларнинг аҳамияти ҳам ортиб боради, бу эса мазкур фондларнинг моҳияти ва вазифасини илмий тарзда тушинишни, тахлил этишни, улар фаолиятини йўлга қўйишда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштиришни талаб этади.

Аҳолининг муҳтож қатламларини ҳимоялаш мақсадида даромадларни аниқ тартибда қайта тақсимлаш зарурияти келиб чиқади, бундай қайта тақсимлашнинг молиявий воситаси мақсадли фондлар ҳисобланади.

Давлатнинг мақсадли фондлари ҳам ҳар қандай пул маблағлари фонди сингари сўзсиз молиявий муносабатлар тизимига киради ва муайян молиявий мазмунга эга бўлади. Давлатнинг мақсадли жамғармаларининг даромадларини бозор тамойиллари асосидагина эмас, балки мазкур жамият учун энг мақбул бўлган ижтимоий адолат тамойилларига кўра мақсадли қайта тақсимлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида мақсадли жамғармалар икки хил йўл билан молиялаштирилиши мумкин:

❖ бюджетдан маълум даражада муҳим харажатлар учун дотация ажратиш;


❖ мақсадли жамғармаларни даромад манбалари ҳисобидан шакллантириш.

Давлат молияси таркибида алоҳида ўринни эгаллайдиган давлат мақсадли жамғармалари тегишли ҳукумат органларининг бюджетига боғлиқ бўлади ва кўпгина мамлакатларда юридик шахс ҳуқуқига эга. Давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳукумат органлари қабул қилган қонун доирасида ташкил этилади.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида молиявий тизимни ижтимоий фондлар мажмуисиз тавсифлаб бўлмайди, уларнинг аксарияти устувор йўналишларда муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШ даги инвестиция жараёнида Пенсия фондининг ҳал қилувчи роли мавжуд. Йигирманчи асрнинг бошларида, даставвал йирик корпорациялар ва фирмалар томонидан ташкил қилинган илк хайрия фондлари пайдо бўлди. Мазкур хайрия фондлари ва лойиҳалар қўйидаги шаклларда қўллаб-қувватлайди: субвенциялар, грантлар, субсидиялар ажратиш, бюджет кредитини бериш, бюджетдан молиялаштириш.

4-чизма

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари



Мулкчиликнинг ижтимоий ривожланиш масалаларига йўналтирилган ва макроиктисодий доирада алоҳида аҳамиятга эга бўлган фондлари вужудга кела бошлади. Амалиётдан маълум бўлишича, хўжалик юритиши билан ажралиб турувчи нотижорат ташкилотларига айланган трастлар ижтимоий, хайрия, маданий, таълим, илмий ва бошқарув мақсадларига ҳамда фуқароларнинг соғлигини сақлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ташкил этилади.

Бу ташкилотлар бюджети бир қатор манбалар: таъсисчиларнинг таъсис ҳужжатида белгиланган тушумлари, ҳукумат субсидиялари ва солиқ тўлашдаги имтиёзлари кўринишида, аъзоларнинг бадаллик тўловлари ва ихтиёрий бадаллари, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг мулкий бадаллари ва хайрия улушлари ҳисобидан, нотижорат ташкилотлар тузилишига сабаб бўлган ижтимоий мақсадларга эришиш учун зарур бўлган тадбиркорлик фаолиятдан олинган тушумлар, акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан олинadиган дивидентлар, нотижорат ташкилотлари мулкидан олинadиган даромадлардан шаклланди. Бу ташкилотлар фаолияти фойда олиш мақсад бўлмагани ҳолда бозор манфаатлари соҳасидан ташқарига чиқади. Бироқ ушбу ташкилотларнинг фаолияти маблағларнинг шаклланиши ва ундан фойдаланиш технологияси бозор қондалари асосида амалга оширилади.

Макроиктисодий таркиб ва хўжалик манфаатларини элтувчилари ўртасидаги алоқа етарли даражада кескиндр. Биринчидан, қулай макроиктисодий ривожланиш иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ортиб боришида, хўжалик таркибининг яхшиланишида, бандликнинг ўсишида, тўлов баланси соғломлашувида, инфляция суръатларининг пасайишида, турмуш фаровонлигининг ошишишида намоён бўлади.

Иккинчидан – бу қулай ривожланиш доимо ижтимоий кескинлик, жамиятнинг ижтимоий табақаланиши, атроф-муҳитнинг ҳолати, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги турмуш шароити ва бошқаларда акс этади. Жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож кам таъминланган меҳнатга яроқсиз аъзоларининг ва болали оилаларнинг турмуш даражаси пасайишининг олдини олишдан иборат зарурият юзага келди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали тизими бундай ҳимояга бевосита муҳтож фуқаролар тоифасигагина эмас, балки, иқтисодиётни энг юқори даражада ривожлантириш, жамиятнинг меҳнатга яроқли ҳар бир аъзосининг меҳнатини рағбатланти-

риш, у ишлаб пул топишни истайдиган ва топа оладиган шароит яратишга ҳам мўлжалланган.

Молиявий муносабатлар вужудга келишининг дастлабки соҳаси ЯИМнинг бирламчи тақсимланиши жараёни бўлиб, пул даромадлари ва жамғармаларининг турли шаклларининг вужудга келиши содир бўлади. ЯИМ нинг хўжалик субъектлари ўртасида кейинги қайта тақсимланиши ва ундан мақсадли фойдаланишнинг аниқлаштирилиши энди молия негизида амалга оширилади.

Молиявий ресурслардан асосан, махсус мақсадларга мўлжалланган пул фондлари орқали фойдаланилади. Жамғарма шакли афзалликларига ҳар қандай эҳтиёжни қондиришни иқтисодий имкониятлар билан бевосита боғлаш, ресурсларни ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг асосий йўналишларида жамлашни таъминлаш мумкин бўлади.

Давлат молияси таркибидаги давлатнинг мақсадли жамғармалари шакли афзалликларига ҳар қандай эҳтиёжни қондиришни иқтисодий имкониятлар билан бевосита боғлаш, ресурсларни ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг асосий йўналишларида жамлашни таъминлаш, жамиятда жамоа ва шахсий манфаатларини бир-бири билан тўлароқ мувофиқлаштириш имкониятини беради.

## Хулосалар

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, бунда ялпи ички маҳсулотнинг қиймати ва миллий бойликнинг бир қисмини тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш жараёнида давлат ва давлат корхоналари ихтиёрида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган молиявий ресурсларнинг шаклланади. Шунингдек, бу маблағлардан кенгайтирилган ишлаб чиқариш билан бир қаторда жамиятни ўсиб бораётган ижтимоий-маданий тадбирларида фойдаланишдаги пул муносабатлари йиғиндиси тушунилади.

2. Давлат молия сиёсати ёрдамида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан-техника тараққиёти, ижтимоий эҳтиёжни қондириш масалаларини, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш соҳаларини самарали тартибга солади ҳамда жамиятнинг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож бўлган қатламларининг ижтимоий жиҳатидан ҳимояланишларини таъминлайди, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини тезроқ ривожлантириш чораларини кўради.

3. Давлат молияси молия тизимининг асосий қисмини ташкил этади, унинг асосий бўғини эса давлат бюджетидир.

4. Давлат молияси миллий даромад ва миллий бойлик қиймати-нинг бир қисмини давлатга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, иқтисодий ўсишни таъминлаш, жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора қилиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлар ҳисобланади.

5. Корхоналар молиясининг ҳолати давлат ва ҳудудий пул фондларининг молиявий ресурслар билан таъминланишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу боғлиқлик бевосита бўлиб, корхонанинг молиявий ҳолати қанчалик барқарор ва мустаҳкам бўлса, умумдавлат ва ҳудудий жамғармаларнинг таъминланганлик даражаси ортади, ижтимоий-маданий эҳтиёжлар тўлароқ қондирилади.

6. Давлат кредити воситасида юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб этиш турли шаклларда, авваламбор, давлат заёмлари, пул мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Ижтимоий эҳтиёж, трансферт тўловлар, даромадларни тақсимлаш, молиявий муносабатлар, ижтимоий самара, бюджет ташкилотлари, умумдавлат харажатлари, давлат кредити, давлат бюджетининг касса ижроси.*

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?

2. Давлат молиясининг институционал таркиби ва ролини кўрсатиб беринг?

3. Ҳозирги замон иқтисодиётида давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

### **Тошшириқлар**

1. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви натижаларини таҳлил қилинг.

2. «Давлат кредити» мавзусида реферат ёзинг.

3. Давлат бюджетининг давлат молияси таркибидаги асосий ўрнини кўрсатинг.

4. «Давлат молиясининг таркиби» мавзусида давра суҳбати ўтказинг.

## **3-БОБ. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ**

### **3.1. Консолидациялашган бюджетнинг моҳияти, уни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва вазифалари**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси бошқа МДХ мамлакатлари каби бозор иқтисодиётига ўтиш, мулк шаклларини ўзгартириш, бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиш билан янги бозор муносабатлари асосида ривожланиб бормоқда. Албатта, бу ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштирилаётган даврда, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби молия, бюджет соҳасида ҳам чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Зеро, Ўзбекистон демократик давлат қуришни ўз олдига вазифа қилиб қўяр экан, бунда консолидациялашган бюджетни шакллантириш муҳим ўрин тутади. Давлат молияси соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида консолидациялашган бюджетни шакллантириш ва улардан янада самарали фойдаланиш, консолидациялашган бюджетни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги тутган ўрнини ошириш масалалари туради.

Консолидациялашган бюджет давлат молиясининг асосий бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланадики, ушбу бюджет орқали давлат ҳокимияти органларининг ва ҳудудларнинг молиявий ресурсларга бўлган талаблари таъминлаб борилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат молиясининг муҳим звеноларидан яна бири давлат мақсадли жамғармаларидир.

Бюджетдан ташқари фондлар давлат бюджети бўғинлари билан бирга консолидациялашган бюджетнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида консолидациялашган бюджет 1995 йилдан бошлаб тузила бошлади. Бюджетдан ташқари фондлар ҳуқуқий шахс сифатида фаолиятини амалга оширади, уларнинг манбаларини ташкил этишнинг ва улардан фойдаланишнинг йўллари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Давлатнинг консолидациялашган (жамланган, бирлаштирилган) бюджетига давлатнинг мақсадли жамғармалари ўз функцио-

нал вазифаларига кўра, баъзилари ижтимоий, бошқалари эса иқтисодий характерга эга бўлади.

Ўзбекистонда аҳолининг юқори турмуш даражасини яхшилаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга асосланган демократик жамият қуриш каби вазифалар қўйилар экан, бунда бюджетдан ташқари фондларнинг ҳозирги ва истикболдаги ривожланишининг хусусиятларини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлат молиясини бошқаришда бюджетдан ташқари фондлар тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш, консолидациялашган бюджет тузиш ва уни ижро этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бюджетни шакллантириш билан собиқ Иттифоқ давридан шуғулланиб келинган. Бирок, иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик усуллари орқали бошқариш асосий ўринни эгаллаганлиги туфайли ва айрим бошқа сабабларга кўра, бу масалага етарли эътибор берилмади. Фақатгина ҳозирги даврга келиб, узоқ вақт танаффусдан сўнг, бюджет масалалари ва унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни муҳим иқтисодий муаммо сифатида иқтисодчи олимларнинг диққат эътиборини тортди. Унчалик кўп миқдорда бўлмаган илмий изланишлар бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатлардаги бюджетнинг моҳияти ва механизмига бағишланади. Бюджетни ўрганувчи мутахассисларнинг тадқиқот йўналишлари марксизм-ленинизм ғоялари ва кўрсатмаларига риоя қилинган ҳолда олиб борилди.

Маъмурий режалаштиришдан, хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда бошқаришнинг шакл ва услублари тизимидаги чуқур ўзгаришлар билан бошланган бозор иқтисодиётига ўтиш, бюджет ва бюджет механизмига бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Косолидациялашган бюджет иккинчи даражали иқтисодий категориядан давлатнинг жамиятга, корхона, ташкилот ва фуқароларнинг хўжалик фаолиятига таъсир қиладиган қувватли воситага айланмоқда.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда янги бюджет тизими ишлаб чиқилганига қарамасдан, бу соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар мавжуд. Бизнинг фирмизча, бу жараён ҳали тўла тугаллангани йўқ ва жамланма бюджет ҳамда бюджет амалиётидаги муаммоларнинг етарли даражада, назарий жиҳатдан ўрнагил-



маганлиги амалиётда улардан самарали фойдаланиш жараёнига муайян даражада тўсқинлик қилмоқда.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, иқтисодчи-молиячи олимларнинг илмий изланишлари, бюджет тизимини назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш билан биргаликда, бюджет маблағларини амалиётда қўлланилиши, бюджет механизмнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, унинг вазифалари ҳамда амалиётдаги бюджет механизмини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишга ҳам қаратилган бўлиши лозим.

Давлат молиясининг моҳияти ва унинг вазифалари тўғрисида фикр юритар эканмиз, дастлаб Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, бошқариш тамойиллари, вазифалари ва таркибий тузилиши билан ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига миллий даромаднинг sanoатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни, савдо-сотиқни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга, аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини юксалтиришга, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларини таъминлашга сарфланадиган қисми жамланган бўлади.

Биз биламизки, давлат ва корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги молиявий муносабатларга бюджет муносабатлари дейилади. Бюджет муносабатларини ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан бу муносабатлар давлат ва уни қуйи бошқарув органлари иштирокида тақсимлаш жараёнида вужудга келса, иккинчидан, умумжамиат талаб ва эҳтиёжини таъминлаш учун керак бўлган марказлашган пул фондининг шаклланиши ва самарали фойдаланиши билан боғлиқдир.

Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий моҳиятига кўра давлат бюджети бу тармоқлар иқтисодиётини, ижтимоий-маданий тадбирларни, муҳофаа ва бошқарувни молиялаштириш учун зарур бўлган бюджет фондининг шаклланиши ва фойдаланишини таъминлаш, давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида миллий даромадни тақсимлаш борасидаги пул муносабатларидир.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимиз иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, иш олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.

### 3.2. Давлат бюджетини шакллантиришнинг хорижий тажрибалари

Биз ушбу бўлимни ёритишда ривожланган давлатлар бюджет тузилиши тамойилларига бир назар ташлашни лозим топдик.

Давлат бюджетига биринчи бўлиб, XV асрда Англияда асос солинди. Феодализм босқичида ҳеч қандай ҳужжатлар юритилмас, харажатларни эса ўша даврда давлат бошлиғи ҳисобланган Қирол давлат хазинасидан хоҳлагинидек, кўр-кўрона сарфларди. Бу харажатлар, асосан, қирол ва унинг оиласини сақлаб туриш учун сарфланар эди. Франция қироли Генрих XIV нинг харажатлари мамлакат йиллик даромадининг ярмидан ошиғини ташкил этган. Англия Қироли Людовик XIV нинг саройида 14 мингдан зиёд ҳарбийлар ва хизматчилар хизмат қилар эди. Ушбу харажатларни яшириш мақсадида хазина харажатлари қаттиқ сир сақланган. Лекин буржуазия ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун давлатнинг молиявий ёрдамига муҳтож эди. Шу сабабли буржуа монархлари билан қирол ўртасида молиявий келишмовчилик келиб чиқа бошлаган. Улар Қирол харажатлари эълон қилинишини ва солиқларни жорий қилиш ва бекор қилинишида улар ҳам иштирок этишларини талаб қила бошлаганлар.

Ҳозирда ривожланган давлатлар орасида Буюк Британиянинг бюджет жараёни ўзига хос характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Ушбу давлатда бюджет даромадлар ва харажатларни тартибга солувчи яхлит куч сифатида намоён бўлмайди. Масалан, бу мамлакатда ҳар йили иккита асосий молиявий қонун қабул қилинади:

1. Бюджет ажратмалари тўғрисидаги қонун (бунда давлат бюджети харажатлари акс эттирилади).

2. Молия тўғрисидаги қонун (бунда давлат даромадлари ва уларнинг манбалари акс эттирилади).

Давлат бюджетини кўриб чиқиш ва уни қабул қилиш парламентнинг алоҳида эътиборли масаласи ҳисоблангани учун бюджет ҳуқуқининг, аниқроғи, бюджет жараёнининг айрим томонлари 1911 ва 1949 йилларда қабул қилинган «Парламент тўғрисида»ги Қонун ҳамда палаталарнинг доимий қондалари билан тартибга солинади.

Давлат бюджетининг лойиҳаси газначилик томонидан тузилади. Ҳар йилнинг 1 октябрида алоҳида департаментларга, вазирлик ва идораларга сўравнома юборилади. У келгуси молия йили учун харажатлар сметасини, ички даромадлар департаментидан эса даромадлар, божхона божлари акцизларининг даромадлар сметасини

юритишини талаб этади. Вазирлик ва идоралар сметаларни ўрганиб чиқади ва уни газначиликка текшириш ва аниқлаш учун такдим қилади. Қиролликнинг даромадлар базаси ва бюджетнинг харажатлари билан боғлиқ молиявий ташаббуси амалиётда ҳисобга олинади. Қироллик ҳукумат орқали, ўзининг харажатларини давлат газнасидан қоплаб беришлари учун палатага таклиф такдим этади.

Буюк Британия ҳукумати номидан вазирликлар ва бош бошқармаларнинг йиллик харажатлари сметаси тариқасида палатадаги газначилик канцлери томонидан ўзининг ҳар йиллик талабномасида палатага такдим этади. Буюк Британияда давлат бюджети қабул қилинишининг ўзига хослиги шундан иборатки, бунда молия ва маблағ ажратиш тўғрисидаги қонуи лойиҳалари парламент томонидан алоҳида қабул қилинади. Сўнгра, бюджет лойиҳасини молиялаштириш бўйича етакчи ҳисобланган умумий палата томонидан кўриб чиқилади.

Бюджетнинг харажатлар қисмини кўриб чиқиш жараёни 29 сессия кунига бўлиниб, 5 августгача амалга оширилади. Давлат харажатлари бир неча босқичларда аниқланади. Давлат бюджети даромадлари қиролича фикридан сўнг, хоҳлаган вақтда палата томонидан муҳокамага қўйилиши мумкин. Ҳар бир бюджет таклифлари муҳокама қилингандан сўнг, умумий палатанинг резолюцияси қабул қилинади ва 4 ой муддат ичида комитетлар томонидан резолюция қабул қилинади ва 25 сессия кунини ичида қиролича томонидан маъқулланади.

Буюк Британияда бюджет тизимининг куйидаги тамойиллари талаб қилиб қўйилган:

1. Бюджет яхлитлиги тамойили. Бу тамойил Давлат бюджет даромадлари ва харажатлари яхлитлигини, яъни ҳар бир харажат учун даромад бириктирилиши ва уни ягона бюджет томонидан бошқарилиши, жами даромад ва харажатларни ўз ичига қамраб олинishi, юритилаётган ҳужжат ва моддаларнинг бир хиллиги кабиларни ўзида акс эттиради.

2. Бюджет тўлиқлиги тамойили. Бу тамойил ўзида йиғма бюджетни ташкил қилиш ва харажатларнинг моддаларини ҳужжатларда қайд қилиб борилишини ўзида акс эттиради.

3. Бюджетнинг ҳақиқийлиги тамойили. Бу тамойил ўзида ҳукумат харажат ва даромадларини, ҳарбий ва шу каби бошқа харажатларини яширмасдан ҳужжатларда акс эттиришини ўз ичига қамраб олади.

4. Бюджетнинг ошқоралик тамойили. Бу тамойил ўзида давлатнинг жами даромад ва харажатларини ҳамда уларнинг манбалари эълон қилинишини ўзида акс эттиради.

Латвиянинг бюджет тизими «Молия ва бюджетни бошқариш тўғрисида»ги (1994 й), «Ўз-Ўзини бошқариш органлари бюджетлари тўғрисида»ги (1995 й), «Ўз-Ўзини бошқариш органлари бюджетларини тенглаштириш тўғрисида»ги (1995 й), «Солиқлар ва бошлар тўғрисида»ги (1995 й) қонунларга асосан бошқарилади. «Латвияда бюджетнинг асосий мақсади - давлат учун қанча маблағлар кераклигини аниқлаш, бошқа давлат хизматлари, молиявий институтлар ва ўз-Ўзини бошқариш органлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатилган харажатларни даромадлар билан таъминланишни тўғри асослашдир»<sup>1</sup>.

Мамлакат бюджети икки асосий бўғинга бўлинади: Давлат бюджети ва ўзи-Ўзини бошқариш органлари бюджети. Давлат бюджети асосий бюджет ва махсус бюджетдан, ўз-Ўзини бошқариш органлари бюджети ҳам асосий бюджет ва махсус бюджетдан иборат.

Мамлакатда бюджетни шакллантириш ва тузиш жараёنларида 1997 йилдан бошлаб, мақсадли дастурлаштириш усулига ўтилган. Вазирлик ва идоралар келгуси йилларда амалга ошириладиган харажатлар учун дастурлар ишлаб чиқади ва мазкур дастурларни молия вазирлиги кўриб чиқади. Бюджет жараёнининг энг асосий хусусияти шундаки, бунда дастурларнинг самараси ва қандай натижага эришилиши эътиборга олинади. Латвияда 2002 йилдан бошлаб, ўрта муддатли бюджетларни режалаштириш жараёни бошланган. Ўрта муддатли бюджетни режалаштиришда келгуси йил учун қўйлаётган ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръати, ишсизлик, инфляция даражасининг ўсиши ва камайиши асос қилиб олинади.

Россия Федерацияси бюджет тизими қуйидаги тамойилларга асосланади: бирлик, даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ, бюджет мустақиллиги, бюджетда даромадлар ва харажатларнинг тўлиқ акс эттирилиши, бюджетнинг мувофиқлиги, бюджет маблағларидан самарали ва тежамли фойдаланиш, бюджет харажатларини ялпи қоплаш, ошкоралик, бюджетнинг ҳаққонийлиги, бюджет маблағларини мақсадли, адресли характердалиги.

Россия Федерациясининг ҳудудлар молияси ҳуқуқий асосини 1991 йилдан 1997 йилгача Россияда чиқарилган қонунчилик ҳужжатлари ташкил этади. «Россия Федерацияси «Бюджет кодекси» 5 қисм ва 9 бўлимдан ташкил топган бўлиб, у давлатнинг бюджет қонунчилиги умумий принципларини ўрнатиб, Россия Федерацияси

<sup>1</sup> Лукашина Ольга. Рекомендации по изучению налогового законодательства. Рига. 2005. стр 37.

бюджет тизими фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асосини Россия Федерацияси бюджет субъектларининг ҳуқуқий муносабатларини ва бюджетлараро муносабатлари тартибини белгилайди. Россия Федерацияси бюджет жараёнини аниқлайди ҳамда Россия Федерацияси бюджет қонунчилигининг бузилиши асосларини ва жавобгарлик турларини аниқлашга хизмат қилади»<sup>1</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қисқа вақт мобайнида Япония дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларидан бирига айланди. Албатта, Япониянинг ушбу ютуқларида бюджет сиёсатининг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этган. Японияда бюджет йили 1 апрелдан 31 мартгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бюджет даромад ва харажатлари бўлим, модда ва параграфларни ўз ичига олган аниқ гуруҳларга эга. Даромадлар 7 бўлим, 11 модда ва 43 параграфдан иборат. Бюджет харажатлари эса 13 бўлим, 41 модда ва 242 параграфда ўз аксини топган.

Бюджет лойиҳасини тайёрлаш молия вазирлиги ва унинг департаментлари томонидан амалга оширилади. Бошқа вазирликлар ва идоралар 31 августдан кеч қолмаган ҳолда, ўзларининг бюджетлари ва бошқа бир қатор молиявий саволларга жавоблар иловаларини, ҳужжатларига мос келган ҳажмда бюджет департаментларига топширади. Сентябрь ойидан декабрь ойигача бўлган давр оралиғида бюджет департаментлари бу маълумотлар асосида бюджет лойиҳасини ишлаб чиқади.

Лойиҳа иқтисодий режалаштириш бошқармасига такдим этилади, сўнгра кўриб чиқишлари учун Вазирлар Маҳкамасига юборилади. Тўғрилашлар киритилгандан сўнг бюджет лойиҳаси ҳукумат томонидан парламентга такдим этилади. Бюджет комиссияси томонидан муҳокама қилингандан сўнг, парламент бюджетни қонун сифатида тасдиқлайди. Япония Конституциясига мувофиқ Парламентга давлат бюджетини тартибга солиш ҳуқуқи берилган. Бюджет ижроси Молия вазирлиги ва бошқа вазирликлар ҳамда идоралар томонидан амалга оширилади. Хорижий мамлакатларнинг давлат бюджетини тузиш ва уни ижро этиш тажрибаларини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ўрта муддатли (уч йиллик) бюджетларни тузиш ва тасдиқлаш ишлари жадаллаштирилмоқда.

<sup>1</sup> Дробозина Л.А. Финансы. Учебник. -М. ЮНИТИ, 2004. стр 51.

### **3.3. Консолидацияланган бюджет – давлат молия тизимининг муҳим зеноси**

Республикамиздаги ислохотларнинг барча босқичларида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари бўйича бюджетдан ташқари фондлар шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ижтимоий фондлар хусусида таъкидлаганидек, Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади, бу ишларнинг ҳаммасига давлатга қарашли бўлмаган жамғармаларнинг маблағларини кенг жалб этиш лозим. Албатта, бу фондларнинг амал қилиши аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг жамиятимиз бойлигига айланган ютуқларига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Республикамизда ижтимоий сиёсатнинг янги босқичи талабларига мувофиқ, объектив равишда жамғармалар сонини кўпайтириш ва уларнинг барчасини амал қилиш самарадорлигини оширишга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Бюджетдан ташқари фондлар ҳам мақсадга мувофиқ равишда ишлатиладиган молия ресурслари ҳисобланади. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари бир томондан такрор ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчилар ўртасида ЯИМ ни тақсимлаш бўлса, бошқа томондан давлат қўлида тўпланган маблағларнинг минтақавий, тармоқ ва мақсадли бюджет жамғармаларини ташкил қилиш учун тақсимлаш объекти бўлиб ҳисобланади.

Бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан фойдаланиш ус-тидан назорат Олий Мажлис, Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, маҳаллий ҳокимият органлари ва солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилади. Бюджетдан ташқари фондлар маблағларини тақсимловчилари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берадилар.

Ўзбекистонда бюджетдан ташқари фондлар умуммиллий ха-рактерга эга бўлиб, улардан умумий ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фойдаланилади. Улар ўзбек моделининг ижтимоий мақсадларини амалга оширишга мўлжалланади. Уларни ташкил этишнинг дастаклари давлат механизмлари орқали даромадларни тўплаш ва қайта тақсимлаш ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, бюджетдан ташқари фондлар аҳолининг бир қатор ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион ҳуқуқларни амалга ошириш учун мўлжалланган пул маблағлари фондидир.

Бюджетдан ташқари фондлар мамлакат ички маҳсулотининг маълум ижтимоий мақсадлар учун қайта тақсимлаш ва фойдаланиш шаклидир.

Бюджетдан ташқари фондлар куйидаги хусусиятларга эга:

- даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги;
- маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши;
- маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиш муддатларининг мос келмаслиги;
- мустақил молия - кредит ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиши;
- бюджетдан ташқари эканлиги.

Кўп укладли иқтисодиёт ўз мазмунига кўра, тақсимланиш муносабатларининг бозор ва нобозор характерини тақозо этади. Тақсимлашнинг бу аралаш жараёнида молиявий муносабатларнинг ўтиш характерини ифодалайдиган бюджетдан ташқари фондлар шаклланади. Миллий иқтисодиётдаги мазкур фондлар ўтиш давридаги тақсимот муносабатлари маҳсули бўлиб, катта ижтимоий юкни кўтаради, улар фирмалар, корхоналар, уй хўжалиқлари ва давлат сингари иқтисодий субъектларнинг даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади. Бу фондлар ҳолати иқтисодиётнинг салоҳияти билан белгиланади. Лекин уларнинг иқтисодий имкониятлардан юқори бўлишининг чегараси бор, акс ҳолда, улар иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилиши мумкин. Ана шу ҳолат давлат томонидан ҳисобга олинади.

Бошқа томондан бу фондларнинг ҳолати ЯИМнинг тақсимланиш характерига боғлиқ, ЯИМнинг ўсиши иқтисодий субъектларнинг бу фондларга маблағ ажратиш имконияти ортаётганинг билдиради. 1999 йилда Ўзбекистонда ишлаб турган 8,9 миллион киши ЯИМни яратди ва улар ҳосил қилган 2,0 триллион сўм миқдорда ЯИМнинг 6,7 фоизи пенсия таъминоти учун ажратилди. Бир томондан, иқтисодиётнинг кўп укладли тузилмаси бюджетдан ташқари фондларни маблағ билан таъминлашнинг ихтиёрийлигини, иккинчи томондан эса, мажбурийлигини тақозо этади. ЯИМнинг бирламчи тақсимланиш босқичида иқтисодиёт субъектларининг даромади таркиб топади, ушбу даромадларни қайта тақсимланиш жараёнида эса турли фондлар вужудга келади. Фондларни шакллантиришнинг ихтиёрийлиги бозор муносабатларининг демократик моҳияти билан белгиланади. Фондларга маблағ ажратишнинг мажбу-

рийлиги эса, давлатнинг бозор иқтисодиётидаги функционал роли, шу жумладан, унинг ижтимоий вазифалари билан олдиндан белгиланади.

Давлат субъект сифатида ўз корхоналари молиявий ресурсларининг бир қисмини фондларга сафарбар этади ва сиёсий институт сифатида қатор муҳим ижтимоий хизматлардан барча фуқаролар баҳраманд бўлишини кафолатлайди. Бунинг учун ўзига тегишли бўлмаган корхоналар ва муассасалар молиявий ресурсларнинг бир қисмини бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш учун сафарбар қилади.

### **3.3. Консолидациялашган бюджетнинг таркиби ва хусусиятлари**

Консолидациялашган бюджетдаги бюджетдан ташқари фондларни ривожлантиришнинг умумий ҳолатини тасаввур қилиш учун уларнинг таркибини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқарув даражасига қараб эса умумдавлат, республика ва ҳудудий фондларга бўлиш мумкин.

Давлатнинг бюджетдан ташқари ижтимоий фондларига функционал вазифаларига мувофиқ қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг Пенсия фонди;
- Ўзбекистон Республикасининг иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикасининг Касаба уюшмалари федерацияси фонди.

Давлатнинг бюджетдан ташқари иқтисодий фондларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг Йўл фонди;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг махсус ҳисоб рақами;
- Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси.

Давлатнинг бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар таркибида салмоқли ўринни Пенсия фонди эгаллайди. Бюджетдан ташқари ижтимоий фондларнинг шаклланиш манбалари махсус солиқлар ва йиғимлар, республика ва маҳаллий бюджетлар, махсус заёмлар, ихтиёрий хайрия тушумлари, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар бўлиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондлар моҳияти жиҳатидан соф давлат фондлари эмас, чунки улар аралаш хусусиятга эга. Улар шаклланиш манбаларига кўра, корхона ва муассасалар ажратадиган маблағлардан



иборат бўлади, марказлашган ҳолда ва давлат назорати остида жамғарилади, давлат томонидан ўрнатилган қондаларга мувофиқ тақсимланади ва фойдаланилади. Бироқ, уларнинг шаклланиши ва тақсимланишида касаба уюшмалари сингари нодавлат ташкилотлар ҳам иштирок этади.

Бу фондларнинг аралаш характерга эгаллиги уларни ҳам бир бутун ҳолда, ҳам алоҳида кўриб чиқишни талаб этади. Барча бюджетдан ташқари фондлар муайян даражада ижтимоий йўналишга эга. Айни маҳалда кўрсатилган йилларда уларнинг даромади ва харажати таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Пенсия фонди даромадлари таркибида давлат бюджетидан трансферт ҳиссаси сезиларли кўпайиш таъминлигига эга. Масалан, давлат томонидан бюджетдан молиялаштирилладиган соҳалардаги минимал иш ҳақи, пенсия миқдори, ижтимоий тўловлар ва нафақалар миқдори оширилиши пенсия фондининг молиявий аҳволини қийинлаштирди ва Пенсия фонди дефицитини қоплаш учун давлат бюджетидан 2005 йилда 28,0 млрд. сўм, 2006 йилда 50,0 млрд. сўм, 2007 йилда 45,0 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Пенсия фондиди даромад билан таъминлашда асосий оғирлик мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ва муассасалар (94,5%) зиммасига тушмоқда. Аҳоли маблағи эса пенсия фонди даромадлари таркибига жуда кам (5,5%) жалб этилган. Айниқса, тадбиркорлик билан шуғулланувчи, патентга эга, лекин юридик шахс сифатида расмийлаштирилмаган шахсларнинг пенсия фонди даромадларини шаклланишида қатнашиши сўст. Хусусан, уларнинг Пенсия фондига тўловлари бир ойлик минимал иш ҳақи миқдоридагина бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, Пенсия фонди даромадларини таъминлаш усуллари ва унинг таркиби республикада авлодлар бирдамлиги пенсия тизими сақланиб қолаётганлиги ва ривожланаётганлигини билдиради. Ўзбекистонда авлодлар бирдамлиги тизими режалар иқтисодий даврдан буён мавжуд бўлиб, аҳолининг айрим қатламлари томонидан ҳали ҳам адолатли тизим сифатида қабул қилинмоқда. Мазкур тизимда ишлаётган авлод ўз меҳнати натижаларини қайта тақсимлаш ҳисобига пенсионерларни таъминлаб турибди.

Республикада пенсия таъминотининг жамғариш қондасига асосланган тизими мавжуд, янги ижтимоий фондларни шакллантиришда бу ҳолатни, албатта, ҳисобга олиш лозим. Шу муносабат билан мамлакатнинг энг йирик ижтимоий фонди бўлган пенсия фондининг фаолиятини ўзгартириш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди, ҳозир

бизда икки хил - авлодлар бирдамлиги ва жамғарма тизилмаларининг тарафдорлари мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Пенсия фонди бошқа давлат мақсадли жамғармаларига нисбатан самарали фаолият кўрсатиши керак. Бу ҳолат айниқса, шаклланаётган даромад таркиби ва маблағларнинг мақсадли фойдаланишни кучайтиришда бир қатор ижобий ўзгаришлар кўринишида содир бўлиши керак. Мустақиллик йилларида Пенсия фонди ўз даромадларини устун даражада таъминлабгина қолмасдан, маблағларнинг мақсадли сарфланишининг устувор тузилмасига катъий риоя этишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республиканинг Меҳнат кодексига, Ўзбекистон Республиканинг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон “Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг маблағларини шакллантирилиш ва ишлатилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига асосан, бюджетдан ташқари пенсия фондига давлат суғуртаси, бадалларни, мажбурий тўловларни ва ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди. Унга асосан, суғурта бадалларининг миқдори тўловчиларга солиқ органлари томонидан етказилади ва фондга тўланадиган мажбурий тўловлар солиқлар ва йиғимларга тенглаштирилади. Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг даромадлари ва харажатлари ҳар йили жамланган бюджетнинг таркибига киритилади.

Давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари ёрдамида ва бандликка таъсир этувчи таркибий соҳа структураларини яратишни рағбатлантириш билан бандлик муаммоларини ечиш мумкин. Ана шундай муассасалардан бири «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси» бўлиб, у янги иш ўринлари яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шунингдек, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда аҳолининг иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш ва меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси» тузилиши кўрсатилган. Қонуннинг 21 модда-

сида таъкидланишича, «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси бюджетдан ташқари жамағарма ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қуйидагилар ҳисобидан ҳосил этилади:

⇒ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг белгиланган фоизи миқдоридаги мажбурий ажратмалари;

⇒ республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан тегишли бюджетларни шакллантиришдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат органлари томонидан белгиланган миқдордаги дотациялар;

⇒ қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бузганлик учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан солинадиган жарима, ҳисоблаб чиқариладиган пенялар; жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг, шу жумладан чет эллик жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

⇒ жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг кўшимча ва янги иш жойларини яратиш учун иш билан билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан шартнома асосида фойдаланганидан келган даромадлар;

⇒ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига ҳосил этиладиган иш билан билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларининг 70 % и туманлар ва шаҳарлар ўртасида қайта тақсимлаш шарти билан вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат органларининг тасарруфида қолади, 30 % и республика миқёсида марказлаштирилади.

«Иш билан билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тегишли республика, ҳудудий ва бошқа махсус дастурларга мувофиқ белгиланади. Амалда маблағ келадиган асосий манба иш берувчи тўлайдиган иш ҳақи жамғармасидан мажбурий ажратмалар мавжуд. Бу ўринда ҳам фондни таъминлаш асосан, корхона ва муассасалар зиммасига тушишини таъкидлаб ўтиш зарур. «Иш билан билан таъминлашга кўмаклашувчи» жамғарма ўз тасарруфига келиб тушаётган маблағларни тижорат фаолияти ҳисобидан кўпайтириш ҳуқуқига эга бўлсада, бу имкониятлардан кам фойдаланмоқда.

## Хулосалар

1. Давлат молияси соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида консолидациялашган бюджетни шакллантириш ва улардан янада самарали фойдаланиш, консолидациялашган бюджетни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги тутган ўрнини ошириш масалалари туради. Консолидациялашган бюджет давлат молиясининг асосий бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади-ки, ушбу бюджет орқали давлат ҳокимияти органларининг ва ҳудудларнинг молияний ресурсларга бўлган талаблари таъминлаб борилади.

2. Иқтисодийётнинг кўп укладли тузилмаси давлат мақсадли жамғармаларини маблағ билан таъминлашнинг ихтиёрийлигини, иккинчи томондан эса, мажбурийлигини тақозо этади.

3. Давлат мақсадли жамғармалари Давлат бюджети бўғинлари билан бирга консолидациялашган бюджетнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида консолидациялашган бюджет таркибидаги давлат мақсадли жамғармалари юридик шакл сифатида фаолиятини амалга оширади, уларнинг манбаларини ташкил этишнинг ва улардан фойдаланишнинг йўллари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## Таянч сўз ва иборалар

*Бюджетдан ташқари фондлар, консолидациялашган бюджет, кучли ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоялаш, молия ресурслари, мажбурий ажратмалар, ижтимоий кафолат.*

## Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Консолидациялашган бюджетнинг моҳиятини айтиб беринг?
2. Консолидациялашган бюджетни ташкил этишнинг зарурлиги, асосий тамойиллари ва вазифалари нималардан иборат?
3. Консолидациялашган бюджет - давлат молия тизимининг муҳим шеноси эканлигини тушунтиринг.

## Топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2005-2008 йиллардаги консолидациялашган бюджетининг даромадлар ва харажатлар таркибини таҳлил қилинг.
2. Давлат мақсадли жамғармаларининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

## **4-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ – КОНСОЛИДАЦИЯ- ЛАШГАН БЮДЖЕТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИДИР**

### **4.1. Давлат бюджети – давлат иқтисодий сиёсатининг қуроли сифатида**

«Бюджет» сўзи инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, ғазна маъносини билдиради, у давлатнинг қўлида марказлаштирилган пул фондларининг ташкил этилиши ва давлатнинг сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ пул муносабатларини тартибга солишни билдиради. Бюджет 17 асрнинг иккинчи ярмида Францияда буржуа революциясидан кейин тузила бошланган, 19 асрнинг иккинчи ярмида бюджет Европа мамлакатларида тарқалган ва 20 асрдан деярли ҳамма мамлакатларда бюджет категориясидан фойдаланилади.

Давлат бюджетини тузиш ва бюджет сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни ҳаётга татбиқ этишда давлатнинг жамият олдидан турган вазифалари таъминланади, иқтисодиётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади, яъни бюджет сиёсати асосий восита сифатида намоён бўлади. Бюджет харажатларининг механизми ва таркибий тузилиши бевосита давлатнинг олдидан турган бурч ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Шунинг учун бюджет харажатларини туркумлаштириш давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатига боғлиқдир.

Мустақилликка эришгандан сўнг бюджет харажатларининг салмоқли қисмини ижтимоий-маданий тадбирлар ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, матбуот, ижтимоий таъминот ташкил этади. Мазкур бўлимда кам таъминланган аҳоли қатламини иқтисодий қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Давлат бюджети давлатнинг пул даромадлари ва харажатлари, шунингдек, умумдавлат пул маблағларини ташкил қилиш ва ундан фойдаланишни кўзда тутувчи бош молия режасидир. Давлат бюджети давлатга зарур бўлган молиявий ресурслар миқдорини шу билан бирга мамлакатдаги солиқ сиёсати йўналишларини белгилайди.

«Давлат бюджети ҳокимияти органлари ўз вазифаларини бажаришлари учун шакллантириладиган ва ишлатиладиган пул маблағларининг марказлаштирилган фонди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> З.Ковалева А. М. Финанси. Учебное пособие. Москва. Финанси и статистика. 2005. 29 с.

Давлат бюджетининг иқтисодий тушунчаси, умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида тўпланадиган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади.

Иқтисодиётда бозор муносабатлари аста-секинлик билан шаклланиб ва ривожланиб бораётган бир пайтда давлатнинг доимий вазифаларини бажариши учун марказлашган молиявий маблағларга эга бўлиш зарурияти кучайиб боради. Бу масалани ҳал этиш, асосан, икки йўл билан амалга оширилади. Хусусан, давлат бюджетни мамлакатнинг даромадларини шакллантириш ва ўстиришда муҳим рол ўйнайди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни бозор муносабатларига яқиндан кўмак бермоқда, иқтисодиёт тармоқларини пропорционал ривожлантиришда, мамлакат аҳолисининг эҳтиёжларини талаб даражасида қондиришда, яшаш тарзини кўтаришда илмий-техника прогрессини жорий этишда, фан ва маданиятни ривожлантиришда, мамлакат муҳофаазини сақлашда бюджетнинг аҳамияти каттадир.

Ҳозирги шароитда Давлат бюджетининг шаклланиши кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти натижаларига ва улардан маълум қисмини Давлат бюджетни ва маҳаллий бюджетларга маблағларни жалб этишдаги ўзаро муносабатларини такомиллаштириб боришига ҳам бевосита боғлиқдир.

Давлат, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у биринчидан давлат ва унинг қуйи бошқарув органлари иштирокида тақсимлаш жараёнида вужудга келса, иккинчидан умумжамият талаби ва эҳтиёжини таъминлаш учун керак бўлган марказлашган пул фондларини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқдир.

Жамият эҳтиёжлари ва уни давлат ҳудудлари бўйича тақсимлаш муносабатлари объектив шартлар асосида қондириш мақсадида давлат бюджетига мустақил категория сифатида қараш мумкин. Бу иқтисодий категория молия тизимининг таркибий қисми бўлиб, ҳудди шу молия сингари бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга, бир вақтнинг ўзида бошқа молия муносабатлар соҳаси ва бўғинларидан фарқ қилувчи томонлари ҳам мавжуд, бу хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

❖ Давлат бюджетини қайта тақсимлаш муносабатларнинг махсус иқтисодий шакли бўлиб, миллий даромаднинг маълум қисмини давлат

қўлида тўпланиши ва унинг бутун жамият ва айрим давлат ҳудудий тузилмаларининг эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлатилади;

❖ бюджет ёрдамида миллий даромадни, миллий бойликни қайта тақсимлаш амалга оширилади, бу жараён халқ хўжалиги тармоқлари, мамлакат ҳудудлари, ижтимоий соҳалар ўртасида амалга оширилади;

❖ бюджет орқали қайта тақсимлаш пропорциялари молиянинг бошқа бўғинларига қараганда, кўпроқ кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан ва тарихий ривожланиши босқичидаги жамият олдидан турган вазибалар билан белгиланади;

❖ бюджет йўли билан тақсимлаш соҳаси давлат молиясининг таркибида марказий ўринни эгаллайди. Бу эса бюджетнинг бошқа молия тизими бўғинларига нисбатан ҳал қилувчи мавқега эга эканлиги билан асосланади.

Бугунги кунда иқтисодчи олимларнинг илмий изланишлари, бюджет тизимини назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш билан биргаликда, бюджет маблағларни амалиётда қўлланиши, бюджет механизмнинг иқтисодий-ижтимоий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда унинг вазибалари ҳамда амалиётдаги бюджет механизмининг такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишга ҳам қаратилган бўлиши лозим.

«Бюджет муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан давлат ва уни маҳаллий бошқарув органлари иштирокида тақсимлаш жараёнида вужудга келади, иккинчидан умумжамят талаб ва эҳтиёжини таъминлаш учун керак бўлган марказлашган пул фондининг шаклланиши ва самарали фойдаланиши билан боғлиқдир».<sup>1</sup>

Давлат бюджетининг таркиби ва ҳажми қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси;
- корхоналар, ташкилотлар, ва муассасаларнинг хўжалик юртиш усуллари;
- иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда давлатнинг тутган ўрни;
- иқтисодиётнинг устувор тармоқларни маразлашган молиявий ресурслар ҳисобидан таъминланиш даражаси.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар таркиби

<sup>1</sup> Радионова В.М. «Финансы». Учебник. - М.: 1995. 67стр.

маълум ўзгаришларга дуч келмоқда. Бюджет харажатларини бошқаришда минимал харажатлар билан максимал самарага эришиш, бюджет ажратмаларини ишлаштиришнинг мақсадли хусусияти, бюджет маблағларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш ўлчами ва олдин берилган ажратмалардан фойдаланишни ҳисобга олиб бориш каби тамойиллар асосида молиялаштирилмоқда. Бюджет даромадларини эса кам харажат қилиб шакллантириш ҳамда солиқли ва солиқсиз даромадлар нисбатини ўзгартириш лозим.

2007 йилги бюджет тузиш вақтида, биринчи навбатда, республиканинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг устувор йўналишлари ҳисобга олинди.

2007 йилги Давлат бюджетининг энг муҳим хусусиятларидан бири – ижтимоий соҳа харажатларини юқори улушининг сақланиб қолинишидир. «Ижтимоий ҳимоя» йилида давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини анчагина ошириш кўзда тутилган». <sup>1</sup> «Ижтимоий ҳимоя йили»да Давлат бюджети харажатларининг 54,0 фоизи айнан ижтимоий соҳага, халқимизнинг умумий эҳтиёжлари учун сарф этилиши мўлжалланган. Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган харажатлар 2,88 трлн. сўмни ташкил этади, бу эса ўтган йилга нисбатан 656 млрд. сўм ёки 29,5 фоиз кўпдир. Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақаларни тўлашга 350 млрд. сўм назарда тутилган, бу харажатлар эса, 2006 йилга нисбатан 24,0 фоизга ошганлигини кўриш мумкин». <sup>2</sup>

Давлат бюджети – давлатнинг марказлашган пул фонди бўлиб, Узида мамлакатнинг миллий даромаднинг маълум бир қисмини давлат томонидан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини акс эттириди. Бошқача қилиб айтганда, марказлаштирилган пул фондидан тиниб қилиб этиш ва ундан фойдаланиш билан боғланган пул муносабатлари бўлиб, республикани иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бир томондан, бюджетнинг пайдо бўлиши давлатларнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлади, иккинчидан, айнан бозор иқтисодиёти шартларида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Нисол манфакатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизimini такомиллаштириш — устувор вазифа. //Халқ сўзи газетаси. 2006 йил 8 декабрь.

<sup>2</sup>Диннинг ҳақиқати — ижтимоий ҳимояга. //Халқ сўзи. 2007 йил 27 январь.



давлат ислохотларини амалга оширишнинг асосий дастаги сифатида бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритилади.

Шунингдек, давлат бюджети орқали жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлинади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларининг молиявий асосларини яратади.

Давлат бюджетининг тўла ҳажмда молиялаштирилладиган биринчи навбатдаги харажатларига иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар, стипендиялар, нафақалар, овқатланиш ва дори-дармонларни сотиб олиш учун сарфланадиган харажатлар киритилди. 2008 йилги Давлат бюджетида иқтисодий салоҳиятни янада ривожлантириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Ижтимоий соҳани ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни аниқ йўналишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маориф ва соғлиқни сақлаш объектларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни рўёбга чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш, иш ҳақини ошириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни кўпайтириш воситасида кучайтирилди.

Юқоридаги фикрлар давлат бюджетини даромадлар билан тўлдириш билан бирга ундан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларида самарали фойдаланишни ҳам тартибга солиш ва бошқариш долзарблигини кўрсатади.

Демак, бюджет – бу молия тизимининг марказий бўғини бўлиб, у молиянинг бутун сифат кўрсаткичларини акс эттиради ва Давлат бюджети молия тизимининг асоси сифатида такомиллаштирилади.

## 4.2. Макроиктисодий барқарорлик ва давлат бюджети

Республикамизда бозор муносабатларининг ривожланиши, бир томондан халқ эҳтиёжларини қондира боришни, иккинчи томондан ишлаб чиқариш тараққиёти учун пойдевор вужудга келтиришни талаб қилади. Бозор муносабатлари шароитида янгидан ҳосил қилинадиган қийматнинг тақсимлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу янги ҳосил қилинган қийматнинг бир қисмини давлат солиқлари воситасида ўзига оладикки, бу унинг асосий даромад манбаини ташкил қилади. Шу боисдан ҳам солиқларнинг иқтисодий моҳиятини, уларни олиш тамойиллари ва услубларини, турлари ва аҳамиятини, одатда, жамиятнинг иқтисодий тизими белгилаб беради. Шуни ҳисобга олган ҳолда, жамият тараққиётининг иқтисодий муаммоларини тадқиқ этишда давлат бюджети иқтисодий асосининг энг муҳим шакли бўлган солиқлар моҳияти ва табиатига алоҳида эътибор берилади.

Бюджет муносабатлари объектив характерга эгадир, чунки давлат ўз олдигаги вазифаларини ва мажбуриятларини бажариши учун ўз ихтиёрида миллий даромаднинг маълум қисмини жамлаши шарт. Сабаби, иқтисодий тармоқларда шундай соҳалар ва бўғинлар мавжудки, кенг масштабли кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни, аҳолини ҳимоялаш ва ижтимоий-маданий ривожлантириш тадбирларини, давлат мудофааси ва бошқарув масалаларини қоплаш билан боғлиқ бўлган харажатларни фақат давлат ихтиёридаги марказлаштирилган фондларга таяниб иқтисодий таъминлаши мумкин.

Давлатнинг қуйидаги вазифаларини бажаришда бюджет муҳим аҳамиятга эга:

- мамлакатимизда миллий даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш;
- миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;
- иқтисодиётни барқарорлаштириш, ишсизлик ва инфляция даражаларини назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мамлакат иқтисодиётига бевосита аралашади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашувининг асосий мақсади, иқтисодиётга янги демократик усуллар билан раҳбарлик қилиш, барча хорижий мамлакатлар билан самарали иқтисодий интеграцияга ўтиш, чет эл ютуқларидан фойдаланиш асосида аҳолининг турмуш даражасини кўтаришдан иборат.

Давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви макроиктисодий сиёсат орқали амалга оширилади. Давлат бюджет харажатларининг кўпайтирилиши ёки қисқартирилиши орқали мамлакат иқти-

содиётига аралашади. Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари товар ва хизматларнинг давлат хариди, ЯММни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқувчиларга молиявий ёрдам кўрсатиш, нархлар устидан назорат ўрнатиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар ўрнатиш, шунингдек, мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимоялаш мақсадида олиб бораётган чора-тадбирлар мажмуасидан иборат.

### **4.3. Мамлакат иқтисодиётини молиявий соғломлаштиришда бюджетнинг аҳамияти**

Давлат бюджети иқтисодиёт ривожланишининг турли босқичларида бюджет сиёсатини амалга ошириш қуроли, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Охир-оқибат айни у давлат ҳокимиятининг кундалик масалаларини ҳам ривожланиш истиқболларини ва вазифаларини ҳал этадиган салоҳиятни белгилайди. Бюджет уч таркибий қисмдан – харажат, даромад ва улар балансидан иборат, яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қондасига кўра тузилган.

Бюджетни шакллантириш, аввало, унинг харажат қисмини тузиш билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажат қилиши мумкин.

Давлат, аввало, жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур маблағлар ҳажмини белгилаш ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджет даромадлар қисмини тўлдиришнинг асосий воситаси – солиқлар ва бошқа манбалар ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак. Давлат бюджети пул ресурсларининг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, мамлакат ҳукумати давлат аппарати, қуроли кучларни сақлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажариш учун уни тасарруф этади.

Ҳозирги шароитда бюджет давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш, хўжалик конъюнктурасига таъсир кўрсатиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳамдир. Ҳозирги давлат бюджети унинг хилма хил функцияларини ақс эттирадиган мураккаб, кўп кўринишли ҳужжат ҳисобланади. Аввало, бюджетда давлат харажатлари ва даромадлари тартиби ўз аксини

топади. Харажатлар бюджет маблағларининг сарфланиш йўналишларини ва мақсадларини кўрсатади. Ўз таркибига кўра, бюджетнинг харажат моддалари қонунда белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети, асосан, солиқлар ёрдамида тўпланадиган ҳамда давлат томонидан ўзининг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун ишлатиладиган пул маблағларининг марказлаштириладиган фондларидир. Давлат бюджети қонуни кучига эга, республика Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Давлат бюджети даромад ва харажатлар баланси шаклида тузилади ҳамда мамлакат бюджети фондиди шакллантириш манбалари ва ундан фойдаланиш йўналишларини акс эттиради. Шунинг учун хилма-хил алоқаларни акс эттирувчи бюджет кўрсаткичлари аниқ-равшан белгиланиши умумдавлат миқёсидаги кучли молиявий назорат учун асос яратади.

Иқтисодий категория сифатида давлат бюджетининг моҳияти, у бажараётган функцияларда намоён бўлади. Давлат бюджети ҳам молия каби иккита асосий функцияни бажаради.

1. Тақсимлаш.
2. Назорат.

Давлат айнан бюджетнинг тақсимлаш функциясига таяниб, ихтиёридаги марказланган молия ресурсларини шакллантиради ва у ёрдамида умумдавлат истеъмолларни пул ресурслари билан таъминлайди. Тақсимлаш функциясининг мазмуни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча бўлимлари ўртасида молиявий ресурсларни қайта тақсимлашни ифодалайди. Давлат молиясининг ҳеч қандай бир бўғини бюджетдек катта тақсимлаш жараёнини амалга оширмайди. Масалан, давлат бюджети маблағлари нафақат тармоқлар, ҳудудлар, минтақалар ўртасида тақсимланади, шунингдек, вилоятлар, районлар, шаҳарлараро бўлинади.

Бюджетнинг назорат функциясида қанча молиявий ресурслар ўз вақтида давлат ихтиёрига тушиши, мавжуд молия ресурсларидан самарали фойдаланилаётгани, суиъстеъмолликлар содир бўлаётгани ёки бўлмаётгани ва бошқа шу каби кўрсаткичлар намоён бўлади.

Бюджетнинг туб моҳияти ва мазмуни шунда намоён бўладики, у фақат алоҳида бир тармоқ, ҳудуд ёки минтақада иқтисодий муаммони ечиш ёки ижтимоий ҳимоя қилиш эмас, балки давлатнинг ўз вазифа ва мажбуриятларини бажаришда асосий иқтисодий қуролидир.

Шунинг учун Давлат бюджети томонидан берилган маблағларни мақсадли йўналишлар бўйича молиявий режада кўзда ту-

тилган сарф йўналишларга мос ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, давлат у ёки бу эҳтиёжларни ихтиёридаги молиявий ресурслардан келиб чиқиб, уларни таъминлаш тартибини белгилаган ҳолда, устунлигини ўрнатади. Давлат бюджетига нисбатан бундай ёндашув мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратади.

Давлат бюджетини ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзгаришида, яъни давлат бюджети томонидан маблағлар тақсимлаш орқали уларни тартибга солиш воситаси сифатида ҳам кўриб ўтиш мумкин. Ҳозирги кунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиявий таъминлаш даражаси бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланмоқда. Айтиш мумкинки, давлат бюджетини умумдавлат манфаатларида тақсимланиши кейинги йилларда ижобий томонга ўзгарди. Буни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

- иқтисодиёт тармоқларида бюджет манбаларини молиявий аҳволга кўра тақсимланиши;

- хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг манфаатлари нуқтаи назаридан маблағларни ҳажмига таъсир кўрсатиш ва бошқалар бу муаммоларнинг ҳал этилиши муҳимлигини кўрсатади. Шу боисдан давлат бюджетининг шаклланган даромадлари ҳисобидан амалий маблағлар йўналтириш ва тўғри тақсимлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет интизомига риоя қилиниши, бюджет маблағларининг белгиланган мақсадда сарфланиши устидан қаттиқ назоратни таъминлашга доир ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 февралдаги «Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 66-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорнинг 2-бандида айтилишича, штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларининг бириктирилган навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш керак. Шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолиятни устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш, инвестиция дас-

турларини амалга оширишга ажратиладиган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланишни назорат қилиш зарур.

## Хулосалар

1. Давлат бюджети - иктисодиёт тармоқларини, ижтимоий-маданий тадбирларни, муҳофаа ва бошқарувни молиялаштириш учун зарур бўлган жамғарманинг шаклланиши ва фойдаланишини таъминлаш, давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида миллий даромадни тақсимлаш борасидаги пул муносабатларидир.

2. Давлат бюджети давлатнинг пул даромадлари ва харажатлари, шунингдек, умумдавлат пул маблағларини ташкил қилиш ва ундан фойдаланишни кўзда тутувчи бош молия режасидир. Давлат бюджети давлатга зарур бўлган молиявий ресурслар миқдорини кўрсатади, шу билан бирга мамлакатдаги солиқ сиёсати йўналишларини белгилайди.

3. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар таркиби маълум ўзгаришларга дуч келмоқда. Бюджет харажатларини бошқаришда минимал харажатлар билан максимал самарага эришиш, бюджет ажратмаларини ишлатишнинг мақсадли хусусияти, бюджет маблағларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш ўлчами ва олдин берилган ажратмалардан фойдаланишни ҳисобга олиб бориш каби тамойиллар асосида молиялаштирилмоқда. Бюджет даромадларини эса кам харажат қилиб шакллантириш ҳамда солиқли ва солиқсиз даромадлар нисбатини ўзгартиришдан иборат.

4. 2007 йилги Давлат бюджетининг энг муҳим хусусиятларидан бири – ижтимоий соҳа харажатларини юқори улушининг сакланиб қолганидир. «Ижтимоий ҳимоя йили»да давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини анчагина ошириш кўзда тутилган. «Ижтимоий ҳимоя йили»да Давлат бюджети харажатларининг 54,0 фоизи айнан ижтимоий соҳага, халқимизнинг умумий эҳтиёжлари учун сарф этилиши мўлжалланган.

## Таянч сўз ва иборалар

*Давлат бюджети, бюджет тизими, Ижтимоий ҳимоя йили, молиявий соғломлаштириш, инвестиция дастури, ижтимоий соҳа, жамаият эҳтиёжлари, умумдавлат харажатлари, хусусий сектор.*

## Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Давлат бюджети – давлат иқтисодий сиёсатининг қуроли тўғрисида нима дея оласиз?
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини бошқариш йўналишлари нималардан иборат?
3. Давлат бюджетини бошқаришда бюджет таснифининг ўрнини кўрсатинг.

## Топшириқлар

1. Мамлакат иқтисодиётини молиявий соғломлаштиришда бюджетнинг аҳамиятини кўрсатинг.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида давлат бюджетига берилган таърифларни келтиринг.
3. Давлат бюджети ифодаланган кластер чизинг.

## 5-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

### 5.1. Бюджет тизими хақида тушунча

Мустақил Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, демократик давлат қуриш йўлидан бораётган лалларда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби бюджет тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Мамлакатнинг иқтисодий сиёсатини барқарор амалга оширишида давлат молияси асосий функцияни бажаради. Давлат молия тизимининг асосини бюджет тизими ташкил этади. Бюджет тизими бир томондан, ресурсларнинг ҳал қилувчи қисмини ўзида жамлайди, иккинчи томондан эса барча молия бўғинлари ва муассасаларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида муҳим таркибий қисми маҳаллий бюджетлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар бюджет жараёни ва бюджетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажарилишини ижтимоий-иқтисодий яратувчанлик руҳида қайта қўриб чиқишни талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланган ҳамда молиявий барқарорликка эришишга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишда давлат молияси ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади».

Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларининг бутун мажмуи асосида шаклланади. Барча давлатларда ҳўжалик субъектларнинг фаолияти натижасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД) яратилади. Моддий ишлаб чиқариш даражасида ишлаб чиқарилган миллий даромад тақсимлаш ва қайта тақсимлаш босқичларидан ўтади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД) қайта тақсимлашда ва фойдаланишда бюджет муҳим вазифани бажаради. Мамлакатда МД ни қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисми пул шаклида бюд-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил. 86 б.



жетга тушади ва молиявий ресурсларнинг марказлашган фондини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида бюджет тизимига қуйидагича таъриф берилган: «Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди»<sup>1</sup>.

Бюджет тизими бу иқтисодий муносабатларга, давлат тузилишига ва қонун нормаларига асосланган давлат, маъмурий-худудий тузилишларнинг, бюджет муносабатларида мустақил бўлган давлат ташкилотлари ва фондларининг мажмуидир. Бюджет тизими давлат молиявий тизимининг асосий звеноси ҳисобланади.

## 5.2. Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет

Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар маҳаллий ҳокимиятнинг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиб, давлатнинг ижтимоий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида бюджетнинг ва маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бюджетдан кўп миқдорда маблағ талаб қилинади, ушбу маблағларни бериш маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилади. Шундай экан, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика ва унинг худудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида Давлат бюджети даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида тушириш, республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини режа-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи. 2000 йил, 14 январь. 4-модда.

лаштиришда ва харажатларни молиялаштиришда янги шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги тақчилликни ўсишга таъсир кўрсатувчи сабабларнинг олдини олиш, иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этиш масалалари туради.

Бюджетнинг қайси даражада эканлигидан қатъи назар унга уч жиҳатдан ёндашиш мумкин:

⇒ иқтисодий категория сифатида;

⇒ моддий маънода;

⇒ ҳуқуқий категория сифатида.

Бюджет иқтисодий категория сифатида турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш пайтида юзага келувчи ва рўёбга чиқувчи иқтисодий муносабатлардир.

Бюджет моддий маънода тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Бюджет ҳуқуқий категория сифатида тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган, ҳуқуқий меъёрлардан иборат асосий молиявий режадир.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

◆ бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;

◆ бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

◆ турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

◆ Давлат бюджетининг баланслилиги;

◆ давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

◆ Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;

- ◆ барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Ҳар бир мамлакат бюджетининг таркиби, аввало, унинг давлат қурилишига боғлиқдир. Унитар тузумга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими икки бўғинли қурилмага — давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга эга бўлади. Федератив тузумга эга бўлган мамлакатларда (АҚШ, ГФР) оралик бўғин — штатлар, ўлкалар (вилоятлар) ва уларга мувофиқ маъмурий тузилмаларнинг штатлари мавжуд.

Давлат бюджетининг кўрсаткичлари мамлакатда марказлаштирилган молиявий маблағлардан фойдаланиш ва уни шакллантиришни таҳлил қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг кўрсаткичлари ёрдамида мамлакатда тузиладиган ва давлат молиявий балансида акс эттириладиган молиявий ресурсларни марказлаштириш даражаси аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборатдир. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади. Маҳаллий бюджетлардан бири - Қорақалпоғистон Республикаси бюджети таркибига унда жойлашган туманлар, шаҳарлар бюджетлари киради.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки бўғиндан иборат: Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри бюджетлари.

Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинларга давлатнинг ягона давлат бюджетига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради. Бюджет биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда умуман, республиканинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади. Бюджет яхлитлиги бюджетга доир прогнозлаштириш услубияти ва ташкил этиш бир бутунлигини кафолатлайди.

Бюджетнинг яхлитлиги туфайли республика ўз тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилган фондиди олади, уни бюджет тизимининг фақат бирор-бир бўғинига тақдим этиш мумкин эмас ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига бирлаштириладиган барча бюджетларнинг мажмуи сифатида ифодаланади. Рес-

публика бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустақамлаб қўйилган, унда қуйи бюджетларнинг бири юқори бўғинга кириши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг етакчи бўғини - республика бюджетидир. «Республика бюджет - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми маҳаллий бюджетлардан иборат (5-чизма).

Умумдавлат пул маблағларини бюджет звенolari ўртасида тақсимланишининг асосини, ҳудудий бюджетлар мустақиллиги, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, улар даромадларини ҳудудий манбалар ҳисобидан шаклланиши тамойиллари ташкил этади. Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ўз даромадлари ва бошқариладиган манбалар ҳисобидаги даромадлардан шаклланади.


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллий бюджетлар маҳаллий солиқлар ва йиғимларни йиғиш ҳамда бошқаришда мустақил бўлсалар-да, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган тегишли меъёрий ҳужжатлар доирасида фаолият юритадилар. Маҳаллий бюджетлар амалиётидаги муҳим хусусият Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўймаслигидир.

Давлат молия сиёсатида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг баланслилиги бюджетлараро муносабатлар орқали амалга оширилмоқда.

Республикамизда бюджетдан молиялаштиришни амалга оширишда эса марказлашмаган йўналиш асосий ўрин тутди. Яъни, маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибидаги улушининг ошиб бориши кузатилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи. 2000 йил, 14 январь.

**Ўзбекистон Республикаси давлат (консолидацияланган) бюджети тизими**



Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли – марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир. Мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди.<sup>1</sup> Бозор иқтисоди ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ, Япония ва бир қатор ғарбий Европа давлатларида 1999 йилнинг бошида шундай тенденция кузатилган эди.

### **5.3. Бюджетлараро муносабатлар. Субвенция. Субсидия. Дотация**

Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар воситаларига республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, солиқларнинг бюджетлар ўртасидаги тақсимлаш тизими, молиявий трансфертлар тизими, ўзаро ҳисоб-китоблар тизими, республика дастурлари, дотация ва субвенциялар киради. Бюджетлараро муносабатларни шакллантиришнинг марказий муаммоларидан бири – бюджетларни баланслаштиришдан иборат. Бюджетлараро муносабатлар бюджет ресурсларини давлат ҳокимиятлари ўртасида тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва марказлаштириш функцияларини бажаради. Бюджетлараро муносабатлар бюджет ресурсларини давлат ҳокимиятлари ўртасида тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва марказлаштириш функцияларини бажаради.

Ҳозирги вақтда бюджет ва бюджет фаолиятининг ушбу хусусиятлари «Бюджетлараро муносабатлар» категорияси билан аниқланадиган йўналишда ўзгармоқда. Ушбу категория билан ифодаланадиган муносабатларнинг шаклланиши 1992 йилдан ривожлана бошланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ажратилди, солиқ тизими шаклланди, бюджет тузилиши ва бюджет жараёни асослари аниқлаштирилди.

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Президент И. Каримовнинг Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1 ўқувчи сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2002 йил, 30 август.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айти пайтда бюджетларро муносабатларнинг асосий вазифаси бюджет тизимини эркинлаштиришдан иборат бўлиб қолди. Бундай эркинлаштириш ҳудудий молия органларини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, бюджет жараёнини такомиллаштириш, маҳаллий бюджетлар родини ошириш, бюджет интизоми ва солиқ интизомини мустаҳкамлаш, бюджет параметрлари муҳокамалари ва қабул қилишнинг очиқлигини таъминлашни назарда тутди.

Маҳаллий бюджет даромадларнинг манбалари белгиланиши ва уларнинг маҳаллий бюджетларга тушиши қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилиши, маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллиги ва бюджетларни шакллантиришдан манфаатдорлигини оширади. Бунда маҳаллий бюджетларга маблағлар келиб тушишининг регулятив манбалари белгиланган бўлиб, уларнинг жумласига белгиланган меъёрлар бўйича давлат солиқларидан ажратиладиган маблағ ажратмалари киради.

Барча даражалардаги бюджетлар харажатларининг йўналишлари аниқ белгилаб қўйилганлиги, шунингдек, кўшимча даромадларни тақсимлашда мустақилликка эга эканликлари жойлардаги ҳокимият органларининг бюджет маблағларини минтақавий ривожланиши дастурларига мувофиқ самарали сарфлаб бориш имкониятини беради.

Бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг зарурий элементи бўлди. Қонун қабул қилингунга қадар давлат бюджети маблағларини турли даражалардаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш аниқ усулни кўрсатмаган ҳолда, бюджет тизимини бошқариш амалга оширилиб келинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунида таъкидланишича, бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари бюджет трансфертлари дейилади. Мазкур Қонунда турли даражалардаги бюджетлар ўртасидаги маблағларни қайта тақсимлаш мумкинлиги қайта тақсимлаш усуллари ҳамда қайта тақсимлашни амалга ошириш зарурлиги мезонлари айтиб ўтилди. Турли даражалардаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш юқори даражадаги бюджет орқали амалга оширилиши белгиланган.

Турли даражалардаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш кўшимча равишда олинмаган даромадлар ёки фойдаланмай қолган ажратма манбаларни сарфлаш тартиби белгиланган, чунончи тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар натижасида тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари кўшимча равишда олинган суммалар тегишли ҳудудларнинг тасарруфида қолиши белгиланган.

Бюджет маблағи ажратмаларига ўзгартиришлар киритилмаганида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқлари қандай бўлиши аниқ тартибга солинган, эндиликда бюджет тизимини бошқаришнинг ҳар бир даражасида бюджетнинг кўрсаткичларини ўзгартириши лимитлари қонун даражасида белгиланган.


Бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари юқори даражадаги бюджет тизимидан қуйи бюджетга республика бюджетидан вилоят бюджетларига, вилоят бюджетидан туман бюджетларига ўтказиладиган маблағлардан иборат. Тартибга солувчи даромадларга умумдавлат солиқлари ва бошқа тўловлар кириб, улар бўйича кейинги молия йили учун маҳаллий бюджетларга ажратмалар нормативлари белгиланади. Бу нормативлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг тартибга солувчи даромадларни берувчи бюджетлар тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлари ёки давлат бюджет тизимининг бошқа даражадаги бюджетдан унга берилган тартибга солувчи даромадларни тақсимлайдиган даражадаги бюджет тўғрисидаги қарори билан белгиланади.

Шундай қилиб, тартибга солувчи даромадларни ҳар бир қуйи бюджетга ўтказиш учун юридик асос, юқори даражадаги бюджетни тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Масалан, тартибга солувчи даромадлардан ажратмалар вилоятлар бюджетларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кейинги молия йили учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макронқтисодий кўрсаткичлар ва параметрлар прогнози тўғрисидаги қарори асосида, туманлар бюджетларига эса, вилоятларнинг халқ депутатлари Кенгашлари қарорига асосан, ўтказилади.

Тартибга солинувчи даромадлар пул маблағларининг йиғиндиси бўлиб, юқори бюджетлардан тартибга солиш мақсадида берилмаган барча молиявий ресурслардир. Бюджетни тартибга солиш турли усуллар билан амалга оширилиб, улар орасида тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш усули энг муҳим усул ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетининг тартибга солувчи даромадлари



Бюджетни тартибга солиш усулининг аҳамияти шу билан белгиланадигани, бириктирилган даромадлар етмаган тақдирда, айни мана шу усул ёрдамида ҳар бир бюджет даромадлари ва харажатларини мувозанатга келтириш учун зарур бўлган маблағларнинг катта қисми берилади.

Тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш йўли билан қуйи бюджетларни мувозанатлаш имконияти бўлмаган ҳолда, бюджетни тартибга солишнинг бошқа усуллари қўлланилади. Юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенцияларини берилади ҳамда бюджет ссудалари ажратилади.

**Субвенция** - қатъий мақсадлар учун бериладиган дотация тури бўлиб, ундан фойдаланиш шarti бузилганда уларни қайтариб олиш мумкин бўлади. Дотациядан фарқ қилган ҳолда, субвенция муайян мақсадлар учун берилади ва мақсадли фойдаланилмаган тақдирда қайтариб олиниши мумкин.

**Субсидия** – бу пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан кўрсатилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта тайёрлашга ажратилган маблағлар тўғри субсидиялар, солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартлар билан кредитлар бериш, пасайтирилган божхона тўловлари эгри субсидиялар ҳисобланади. Аҳоли учун давлат трансфертлари – нафақалар, пенсия, стипендия бериш кўринишида бўлади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қайтариб олмаслик шarti билан берилган маблағлар дотация дейилади. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш учун ажратилган пул маблағлари ҳам дотациядир. Бюджет ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат учун белгиланган баҳо унинг таннархидан паст бўлганда, кўриладиган зарар ўрнига қоплаш учун бериладиган нафақа дотация дейилади. Товар бўйича дотация товар қийматига нисбатан фоизда белгиланади ёки ҳар бир товар бирлигига белгиланиши мумкин. Товар бўйича дотацияни бевосита ишлаб чиқарувчилар Давлат бюджетидан олади, шунингдек, баъзи ҳолларда истеъмолчилар ҳам олишлари мумкин. Товарга дотациянинг қўлланиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, таклиф ҳажмининг кўпайишига олиб келади ҳамда дотация ишлаб чиқарилган товарнинг мувозанат баҳосини кўпайтиради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Давлат бюджетидан товарларга дотация энг зарур ҳоллардагина белгиланади. Дотациянинг қийма-

ти ишлаб чиқаришни рағбатлантира оладиган меъёردа бўлиши шарт. Унинг меъёри илмий изланишлар ва амалий тажриба синовларида, халқаро тажрибалар асосида аниқланади. Дотация, кўпинча, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, болалар ва ногиронлар, учун мўлжалланган маҳсулотларга белгиланади. Масалан, 2006 йилги Давлат бюджети харажатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари 7,5 фоизни ташкил этса, шундан аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларнинг баҳолари ўртасидаги фарқни бюджетдан қоплаш харажатлари 1,6 фоизни ташкил этди.

Агар бюджет тизимини бошқариш ислохотларининг дастлабки босқичида давлат томонидан пул тўловлари турли имтиёзлар дотациялар каби бевосита тартибга солиш усуллари орқали аҳоли кенг қатламларини олдиндан ижтимоий ҳимоялашда асосий қоида қилиб олинган бўлса, ҳозирги вақтда аҳоли турли қатламларига табақалаштирилган ёндашув ҳамда ижтимоий ёрдам муҳтож оилаларгагина кўрсатилишига асосий эътибор қаратилмоқда.

#### **5.4. Бюджет тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ўтган давр ичида чуқур иқтисодий сиёсат негизида барқарор молиявий тизимни, шунингдек, унинг асосини ташкил этувчи мустаҳкам бюджет тизимини шакллантириш соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилди. Даставвал асосий қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг Давлат бюджети шаклан қонуний асослаб берилди. Ўтган давр ичидаги барқарор бюджет тизимини тўлиқ шакллантириш соҳасидаги барча ишларимиз ва тажрибаларимиз бу соҳадаги жаҳон тажрибаси билан уйғунлашди, бу эса Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда ўзининг ҳуқуқий аксини топди.

Ўзбекистон Конституциясида бюджет тизимини бошқаришда кўпгина ўзгаришлар мавжуд. Бу ўзгаришлар биринчидан Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг мақоми ўзгарганлиги билан боғлиқдир, иккинчидан ҳокимият тизимининг ва мулкчилик шакллارининг ўзгариши муносабати билан маҳаллий бюджетларнинг таркиби ўзгарди. Учинчидан, республика давлат бюджетининг вазифалари ва уни молиялаштириш манбалари ўзгариши муносабати билан маҳаллий бюджетларнинг ҳам молиявий манбалари ўзгарди.

2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ҳамда уни бошқариш асосларини ҳамда давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини ва Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ҳамда унинг харажатларини амалга ошириш принципларини кўрсатиб берди. Шунингдек, мазкур қонун давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Бюджет тизимининг харажатлари давлат ва маҳаллий харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Давлат бюджети харажатларини таркиби ва нисбати муайян даврда давлат олдида турган вазифалар билан белгиланади. Бюджет харажатлари даромад таркиби, ҳажмига боғлиқ бўлиб, уларга ўз таъсирини ўтказиб туради. Бюджет тизими харажатлари таркиби қуйидаги йўналишларда сарф-харажатларни ўз ичига олади. Бюджет тизими харажатларини тақсимлаш пайтида икки муҳим вазифа ҳал этилади. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларини улар олдида турган вазифаларни бажариш учун етарли бўлган маблағ билан таъминланишига эришилади. Турли даражадаги бюджетларга улар фаолияти доирасига мувофиқ келадиган харажатлар юкланади.

Бюджет тизимини бошқаришда даромад ва харажатларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш жараёни қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- бюджетларни самарали мувофиқлаштиришга эришиш, улар ўртасида тўғри нисбат ўрнатишни таъминлаш;
- молиявий таъминланадиган харажатнинг аҳамиятлилигига эътибор қаратиш;
- даромадларни бошқаришда ҳудудий итисодиётни ривожлантиришга амал қилиш;
- республика ва маҳаллий ҳокимият идораларини айрим турдаги даромадларини тақсимлашда мустқилликни таъминлаш.

Барча даражадаги бюджетларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар шаклланишининг баъзи бир босқичлари доимий равишда янгиланиб туради ва бюджет доимий ижро этиб борилади. Бу ҳол у ёки бу даражадаги бюджетларни муайян давр давомида амал қилиши, бу муддат тамом бўлиши билан янгидан қабул қилиниши билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нархларни эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори Ўзбекистонда нархларнинг эркинлаштирилишига асос бўлди, бу қарорга мувофиқ 1992 йил 10 январдан бошлаб, республикада ишлаб чиқариш мақсадидаги техник молларга, халқ истеъмоли молларига, ишлар ва хизматларга нисбатан шартномавий нархлар ва тарифларга ўтилди.

Республика ҳукумати аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида баъзи саноат молларига нархлар ва аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг айрим турларига тарифларнинг чеклаб қўйилган миқдорларини белгилади. Ишлаб чиқарувчиларга донни импорт қилишнинг, нон, ун, ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича харажатларнинг бир қисми республика бюджетидан қопланадиган бўлди. Умумий овқатланиш корхоналарининг мактаб ўқувчилари ва талабаларига бепул нонушталар бериш ва имтиёзли овқатлантириши юзасидан вужудга келадиган зарарлари ҳам давлат маблағлари ҳисобидан қоплана бошлади. Бундан ташқари, кир совун, болаларга тегишли молларни ишлаб чиқариш ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлар учун дотация ажратиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг эркинлашуви ва ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодининг шаклланиши ва ижтимоий соҳалар тараққиётида ривожланган давлатлар ижобий тажрибалари ҳамда миллий кадриятларимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бюджетдан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва бюджет тизимини ислоҳ қилиш давом этмоқда.

Дарҳақиқат, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда бюджетдан молиялаштириладиган соҳалар тараққиётининг молиялаштириш тизими ҳаёт кўяётган талаблар ва ушбу соҳанинг аҳамияти нуқтан назаридан такомиллаштирилмоқда. Ислохотларнинг кейинги босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кам таъминланган оилаларга кўмаклашув тизими такомиллаштирилди, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизми шакллантирилди, ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитларга мувофиқ ҳолда, бюджет тизимини бошқаришда янги шакл-усуллар пайдо бўлди.

Масалан, бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ мақсадларда фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини, штат-смета интизомини мустақкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябр-

даги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашга йўналтирилган бюджет маблағларидан янада оқилона фойдаланиш, тургун даволанишдаги фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида 1997 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб тургун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган кишилар учун овқатланиш тўлови жорий этилди. Тургун даволаниш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўлови фуқароларнинг шахсий маблағлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармаларининг ва бошқа ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига меҳнат жамоалари билан келишилган ҳолда, тургун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловини уларнинг тасарруфида қоладиган фойда ҳисобига амалга оширишга рухсат этилади.

Тургун даволаш-профилактика муассасаларида беморларнинг айрим тоифалари учун овқатланиш тўлови жорий этилиши, шунингдек, аҳолини дори-дармонлар билан таъминланишининг тартибга солиниши муносабати билан бўшайдиган бюджет маблағларидан даволаш муассасаларини замонавий тиббий техника, асбоб-ускуналар, касалликларнинг олдини олиш ишларини кучайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш бошланғич бўғинларини ривожлантириш учун мақсадли фойдаланишга рухсат этилади. Айни пайтда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш ва пулли тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини амалиётга жорий қилиш, бунда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини мувофиқ ҳолда, амалга ошириш, кўрсатиладиган тиббий хизматлар тури ва шакллари кенгайтиришни назарда тутиш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 26 августдаги 806-сон Буйруғига асосан, «Режадаги республика бюджети харажатларини схема асосида мақсадли молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қисқа муддатли кредитларини ишлатилиш тартиби тўғрисида» вақтинчалик низом ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади – бюджет тўловлари бўйича қарздорликни камайтиришдир. Буйруқни ишлаб

чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки қатнашдилар.

Республикамызда олиб борилаётган муस्ताкил иқтисодий сиёсат халқимиз учун тараққиётнинг янги қирраларини очиб бермоқда. Яқин-яқинларда тасаввур қила олмаган ҳодисаларимиз ҳозирги кунда одадий бир воқеаликка айланиб бормоқда. Булар жумласига мамлакатимиз давлат молиясининг марказий бўғинида туб ўзгаришларни амалга оширилишини ёрқин мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлиги ва миллий ишлаб чиқаришнинг самардорлигини тўхтовсиз ошириб бориш, республикага чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда унинг халқаро молия-бюджет-солиқ муносабатларида тенг мавқеини таъминлаш каби долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш, ҳам бюджет сиёсатини такомиллаштириш ва бюджет тизимини ривожлантиришга боғлиқдир. Бинобарин, ҳар қандай мамлакатда оқилона юритилган бюджет сиёсати мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қиладиган бюджет-солиқ тизимининг такомиллашувига олиб келади.

## **5.5. Бюджет тизимини бошқаришда Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитасининг аҳамияти ва вазифалари**

Маълумки, давлат молияси, жумладан, давлат бюджети маблағлари республикамызда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги давлат бошқаруви ташкилоти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар Молия Бош Бошқармаси ўз фаолиятида бир томондан давлат бошқаруви ташкилотига, бошқа томондан юқори турувчи молия ташкилотига қарайдиган туман ва шаҳар молия бўлимлари киради.

Ўзбекистон Республикасида Молия вазирининг тайинланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикасида Молия вазирининг тайинланиши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлигининг таркибий бўлинмалари бошлигини тайинлаш ва бўша-

тишни Молия вазирлиги жойлардаги ҳокимлар билан келишилган ҳолда амалга оширади.

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари куйидагилардан иборат:

- ❖ Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди;
- ❖ Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади;
- ❖ Республика бюджети харажатларини амалга оширади;
- ❖ бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиши;
- ❖ бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш норматив ҳуқуқий ҳужжатларини, шунингдек, умуммажбурий тусдаги бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;
- ❖ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги турли бошқармалардан иборат (7-қизма).

Давлат бюджети Бош Бошқармаси Молия вазирлигининг асосий таркибий қисмидир. Давлат бюджети Бош Бошқармаси – Давлат бюджетини режалаштириш ва республика, шунингдек, ундаги ҳудудларнинг молия, ижтимоий-ижтимоий ривожланиши бўйича умумий услубий бошқариш, Молия вазирлиги марказий аппарати ва республика молия ташкилотларининг бюджет ишларини амалга оширади. Давлат бюджети Бош Бошқармаси “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Низом”ига мувофиқ фаолият олиб боради.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида давлат молияси жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги шароитга келиб ҳаракатдаги ва янги шаклланган хўжалик юритувчи субъектларни ишлаб чиқариш, улардаги ҳисоб-китобларнинг аҳволи, молия-кредит ва солиқлар билан бўлган масалаларни қай даражада, ижобий ва мақсадга мувофиқ ҳал этилиши, кўп жиҳатдан Молия вазирлиги ва молиячи мутахассисларнинг билимлилик даражасига ҳам боғлиқ.

Ўз навбатида Молия вазирлиги мутахассисларининг ҳозирги кунда билимдонлик даражаси эса кўпроқ назария билан амалиётни яқинлаштиришга боғлиқ.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. 8-модда.




Республикамизда солиқларнинг зарурлиги бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қонуниятларидан келиб чиқади. Солиқларнинг ба-жарадиган вазифалари кўпчилик мамлакатларнинг солиқ қонунчилиги умумий ўхшашликларига эга. Ана шундай анъанавий вазифалардан бири — умумдавлат вазифаларини ҳал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб беришидир. Бу эса, энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг давлат томонидан молиялаштиришнинг шартлигидир. Масалан, Буюк Британия давлат бюджетда солиқ тушумлари 96,7 фоизни, АҚШда 98,0 фоизни, Францияда 91,5 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ҳисобланади. Солиқ тўлаш — бу қонун билан белгиланган мажбуриятдир. Шу сабабли, фуқаролар солиқ тўлашда ҳуқуқий муносабатларининг фаол иштирокчиларидан бирига айланадилар. Шундай экан, солиқ қонунларини билиш ва уларга риоя қилиш ҳар бир шахснинг қундалиқ фаолиятига айланади.

Ҳозирги даврда солиқ қонунлари ва солиқ тўловчилар ҳуқуқий қафолатларининг юридик чегараси қандай бўлиши керак, бу жараёнларда солиқ органлари ходимларини ишларни қандай такомиллаштириш мумкин, деган масалалар ҳал қилиниши лозим. Давлат ўзининг солиқ сиёсатини амалга оширад экан, биринчи навбатда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий қафолатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим. Бу эса ҳалол ва виждонли солиқ тўловчиларни ҳимоя қилиш демақдир.

Солиқ тўловчиларнинг солиққа тортиш масалалари бўйича ташкил қилинадиган юридик маслаҳатхоналардан ҳуқуқий ёрдам олишни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш, бунинг учун эса солиқ ҳуқуқи масалалари бўйича малакали юристларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

## Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги таркиби



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан солиқ тўловчиларнинг текширув далолатномалари, қайдномалари ва бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ва қонунда белгиланган муддатларда текшириб чиқиш ва текширув ёки солиқ органларининг бошқа хатти-ҳаракатлари тугагандан кейин ўн кун муддатда ёзма равишда эътироз билдириш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Чунки солиқ текшируви уч ойгача ҳам давом этиши мумкин. Солиқ тўловчи эса ҳамма материалларни умумлаштиришни ва ўн кун ичида асосланган эътирозли хат тайёрлаши керак. Бу муддатни бир ойга узайтириш лозим, деб таклиф билдирилмоқда.

### **5.6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Солиқ кўмитасининг функциялари**

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларига бюджет сўрови юборади. Улар ўз навбатида Давлат бюджетидан ажратмалар ажратиш учун асосланган буюртма тақдим этади. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир вақтнинг ўзида сўровномани Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятига, шунингдек, давлатнинг мақсадли жамғармаларига келгуси молия йили бюджет лойиҳасини тайёрлаш учун тақдим қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан биргаликда куйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва ўн бешинчи сентябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади.

Солиқлар давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги молиявий муносабатларни хусусиятлайди, солиқларнинг иқтисодиётда тутган ўрнини кўрсатувчи асосий белгилардан бири - уларнинг давлат бюджети даромадларининг асосий манбаини ташкил этишидир.

Давлат бюджетининг асосий молиявий категория сифатида жамият ҳаётидаги ролининг ошиб бориши биринчи навбатда унинг

даромад базасини қай тарзда ва даражада шаклланишига боғлиқ. Давлатнинг умумижтимоий ва умумиқтисодий харажатларининг ўсиб бориши, пировард натижасида, давлат бюджетининг асосий молиявий категория сифатида жамият ҳаётидаги ролининг ошиб боришига олиб келади. Бу эса биринчи навбатда бугунги кунда давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш амалиётини янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

«Солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишдан ташқари солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб асосида тақдим этилган ҳисоб-китобларда кўрсатилган ёки давлат солиқ хизмати органлари томонидан берилган тўлов хабарномаларида кўрсатилган солиқ ва тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида давлат бюджетига тўлашлари лозим. Солиқ ва тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида давлат бюджетига тўланиши устидан жорий назорат давлат солиқ органлари томонидан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни қабул қилиш, солиқ турлари бўйича солиқ тўловчининг шахсий ҳисобрақамларини юритиш билан амалга оширилади»<sup>1</sup>.

Иқтисодиётнинг реал секторини янада эркинлаштириш, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, бюджет маблағларидан тежамли ва самарали фойдаланиш, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ҳамда бу муносабатларда солиқларнинг тартибловчи ролини ошириш билан боғлиқ масалаларнинг тўғри, оқилона ҳал этилиши ҳозирда мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш даврида ўта муҳим муаммолардан биридир. Республикаимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ✦ солиқ қонунчилигини янада соддалаштириш;
- ✦ солиқларни унификациялаш;
- ✦ солиқ юкини янада енгиллаштириш;
- ✦ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;
- ✦ солиқларни адресли бўлишини таъминлаш;
- ✦ ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи солиқлар ролини ошириш.

<sup>1</sup>Гадовел Э.Ф. Солиқ маъмурчилиги ва уни такомиллаштириш йўллари. «Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари» миптусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-Молия Академияси. 2005 й. 7 бет.

Ҳозирда амалдаги солиқ тизимининг иқтисодий эркинлаштириш талаби даражасида эмаслиги бир неча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- биринчи гуруҳ муаммолари солиқ тизимининг номукаммалигидан келиб чиқади, яъни солиққа тортиш механизмидаги ҳуқуқий жиҳатларга боғлиқ муаммолар;

- иккинчи гуруҳ муаммолари - солиқ маъмурчилигидаги юзага келадиган муаммолар.

Хориж тажрибалари шуни кўрсатадики, Япония, Россия Федерацияси, Озурбайжон Республикаси, Молдава Республикаси, Қозоғистон Республикасида солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарималар солиқ органлари бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан қабул қилинади. Шунингдек, Японияда жарима солиш бўйича низоларни Япония солиқ бошқармаси таркибидаги Солиқ низолари бўйича арбитраж суди учинчи тараф сифатида кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида молиявий ва маъмурий жарималар давлат солиқ хизмати органларининг бошлиқлари ёки унинг ўринбосарлари томонидан қўлланилади. Жиноий жавобгарликка тортиш эса, солиқ органлари тақдим қилган ҳужжатларга асосланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, молиявий жарималар тизимини такомиллаштириш мақсадида қонунчилик меъёрларига риоя қилинмаганлик ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан:

1. Молиявий чоралар таркибидан тўғридан-тўғри бюджетга зарар келтирмайдиган ҳуқуқбузарликларни чегириб ташлаш зарур. Бунда жавобгарликни солиқ тўловчиларнинг мансабдор шахсларига ҳамда хусусий тадбиркорларга маъмурий жазо қўллаш билан чекланса бўлади.

2. Республикамизда қўлланиладиган молиявий жазоларни ҳуқуқбузарлик натижасида давлат бюджетига етказган зарар миқдори билан боғлаш самарали натижалар беради.

3. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўлланиладиган молиявий жазоларни фақат солиқ тўлашдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан қўллаш лозим.

4. Ижтимоий ҳимоя йилида молиявий ҳолатини кескин ёмонлаштиришга олиб келадиган кўп миқдордаги молиявий жазоларни тў-

лаш учун солиқ тўловчига уни босқичма-босқич тўлаш муддатини белгилаш мумкин.

Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларни яширишга уринмасдан, аксинча, ўзининг тадбиркорлик ишларини ривожлантиришга ва даромадини оширишга интилсин. Бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш зарур.

Бизнинг фикримизча, солиқ тўловчиларга малакали маслаҳатлар бериш учун солиқ органлари ходимларини малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Бюджет тизимини бошқариш, давлат бюджетини тузиш, бюджет тамойиллари, бюджет жараёни, бюджет маблағи олувчилар, бюджетлараро муносабатлар, субвенция, дотация, субсидия, солиқ тўловчилар, солиқ тизими.*

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Бюджет тизими ҳақида тушунча беринг.
2. Бюджетлараро муносабатлар деганда нимани тушунасиш?
3. Бюджет тизимини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитасининг функциялари нималардан иборат?
4. Бюджет тизимини бошқаришда Молия вазирлигининг аҳамияти ва вазифаларини айтинг.

### **Топшириқлар**

1. Бюджет тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини мустақил ўрганинг.
2. Бюджетлараро муносабатларнинг воситалари – субвенция. Субсидия. Дотация ҳақида тушунча беринг.
3. «Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги тўғрисида»ги Низомнинг ҳуқуқий асосларини мустақил таҳлил қилинг.
4. Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет мавзусида мустақил иш қилинг.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **6-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **6.1. Бюджет сиёсати – молия сиёсатининг муҳим таркибий қисми**

Ҳар қандай жамиятда ҳам давлат бирор бир мақсадга эришиш, олдига қўйилган вазифалар ва мажбуриятларни бажариш учун бюджетдан кенг фойдаланади. Бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни ва ҳаётга татбиқ этишда, унинг жамият олдига турган вазифаларни бажариш шартларини таъминлаш, иқтисодий манфаатларга таъсир кўрсатадиган асосий қурол сифатида ҳам намоён бўлади. Бюджет сиёсати қўйилган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ташкил этишда асосий рол ўйнайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни яратишга қаратилган изчил иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқда. Ислохотлар стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг кенг қамровли дастакларини ўз ичига олади. Мана шундай дастаклардан энг муҳимларидан бири давлатнинг изчил молиявий сиёсати ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат молиявий сиёсатини олиб бориш ва иқтисодни молиявий тартибга солиш муаммоларига алоҳида эътибор берилади.

Молиявий сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмидир. Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам давлат бирон-бир мақсадга эришиш, вазифа ва мажбуриятларини бажариш учун давлат молиядан кенг фойдаланади. Молиявий сиёсат қўйилган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ташкил этишда асосий рол ўйнайди. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш жараёни ва ҳаётга татбиқ этишда у жамият олдига турган вазифаларни бажариш шартларини таъминлаб, иқтисодий манфаатларга таъсир кўрсатадиган қурол сифатида намоён бўлади.

Молиявий сиёсатнинг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳаларни ўртасида қайта тақсимлаш ва бош йўналишга эга бўлган ижти-

мой-иктисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборат. Молиявий сиёсат ҳақида сўз юритар эканмиз, биз унинг ниҳоятда кўп қиррали ва мураккаб категория эканлигини алоҳида таъкидлашимиз керак.

Ғарб иктисодчилари Стенли Фишер, Рудигер Дорнбуш ва Ричард Шмалензиларнинг фикрича, молиявий сиёсат мустақил тушунча ҳисобланмайди. Улар молиявий сиёсат тушунчасига фискал сиёсат тушунчаси орқали ёндашадилар. «Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши бўлиб ҳисобланади», -деб таъкидланади<sup>1</sup>.

Хориж иктисодий мактабининг Кэмпбелл Р., Макконелл ва Стенли Л. Брю каби намоёндалари ҳам шунга ўхшаш фикрларни билдириб, «молиявий-бюджет ва фискал сиёсат тушунчаларини бир ўринга қўйишади»<sup>2</sup>.

Профессор В.В. Лавровнинг фикрича, молиявий сиёсат ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, меҳнат сифати ва маҳсулотларни тақсимлаш билан боғлиқ. Рус олими И.В. Левчук молиявий сиёсатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги катта ролини кўрсатиб, молиявий сиёсат биринчи навбатда, марказлаштириш ва демократик бошқаришни ташкил этишда хизмат қилади, -дейди.

Молиявий сиёсатга М.К. Шереметьев тўлароқ таърифни ўзининг «Финансы» ўқув қўлланмасида қуйидагича беради: «биринчидан, молиявий сиёсат – бу молиядан фойдаланиш бўйича давлатнинг асосий йўналишидир; иккинчидан, молиявий сиёсат мамлакат иқтисодиётининг ичида рўй берувчи молиявий жараёнларнинг натижасидир»<sup>3</sup>. Юқоридагиларга асосланиб, молиявий сиёсат бу аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш мақсадида молиявий маблағларнинг давлат томонидан тартибга солинишидир, -деб айтишимиз мумкин.

Молиявий сиёсат миллий даромад ҳажмини ва аҳоли бандлиги даражасини оширишга, давлат харажатлари тизимини назорат қилиш, солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солиш, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Молиявий сиёсатни амалга оширишда давлат молиясининг алоҳида бўғинларига эътибор қаратилади.

<sup>1</sup> Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. -М.: Финансы и статистика. 1993.

<sup>2</sup> Беляев Ю.А. Бюджетный федерализм: зарубежный опыт. -М.: Финансы. 1994.

<sup>3</sup> Финансы. Уч. пособие под ред. Шереметьева М.К. М.: Финансы, 2002. 75 с.



Молия сиёсати давлат томонидан юритилади. Асосан, бюджет харажатлари ва даромадлари ҳамда солиқ ставкаларини ошириш ёки пасайтириш ва солиқлардан озод қилиш орқали иқтисодиётнинг таркибини ташкил этади ва унинг ривожланишини таъминлайди. Молия сиёсати мажбурловчи хусусиятга эга бўлиб, бир томондан қисқа муддатда ўз натижаларини кўрсатса, иккинчи томондан хусусий капитал қўйилмаларнинг оёғини тойдирувчи хусусиятга эгадир. Учинчи томондан эса, молия сиёсати иқтисодиётда мажбурий жамғармаларни ташкил этувчи асосий кучлардан биридир. Молия сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлган бюджет сиёсатида давлат ўз истаги билан бюджет харажатлари ва даромадларини шакллантирган ҳолда уч хил бюджет сиёсати юритади.

«Очиқ бюджет» сиёсатида бюджет харажатлари бюджет даромадларидан юксак тутилади. Бу харажатлар трансферт харажатлари сифатида истеъмолни орттиришга ва шу йўл билан билвосита ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилади. Иккинчи томондан бу харажатлар капитал қўйилмалар сифатида бевосита ва билвосита ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилади, яъни давлат ўз маблағлари билан миллий саноатни ривожлантиради. Бу хил сиёсат иқтисодий ривожланишни тезлаштириш ва миллий саноатни қисқа вақтда шакллантириш учун қўлланилади. Асосан, давлат иқтисодий ривожланишининг илк даврида инфляцияга рози бўлган ҳолда, бу сиёсат қўлланилади.

«Мувозанатли бюджет» сиёсатига кўра, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари доимо бир-бирига тенглаштирилиб турилади, қилинган харажатларни солиқлар йўли билан қоплайди. Бу хил сиёсат иқтисодий ривожланишни мўтадиллаштириш учун олиб борилади, даврий тебранишларнинг олдини олишда қўлланилади.

«Ёпиқ бюджет» сиёсатига кўра, бюджет даромадлари харажатлардан ортиқ тутилади, яъни давлат томонидан қаттиқ солиқ сиёсати юритилади. Бу ерда давлатнинг иқтисодиётга қўшган ҳиссаси салбийдир, яъни бу сиёсат, асосан, инфляция даврида олиб борилади. Молиявий сиёсатни амалга ошириш маълум молия механизмига асосланиб бажарилгани каби, бюджет сиёсатини ҳам амалга оширишда асосий қурол бўлиб бюджет механизми майдонга чиқади.

Бюджет даромадлари сиёсатини ишлаб чиқиш учун иқтисодий вазият ўзгариши вақтида даромад қисмининг механизмини ишлаб чиқиш, олдиндан айтиб бериш ва мувофиқлигини таъминлаш керак. Бюджет даромадлари ва уни таъминлаш услублари 1992


йилдан 2008 йилгача сезиларли ўзгаришларни бошидан кечирди. Бу бозор иқтисодиётига ўтишининг тўғридан-тўғри натижасидир. Бозор иқтисодиётига ўтган бошқа мамлакатларда ҳам шунга ўхшаш анъаналар сезиларлидир. 1991 йилдан кейинги ислохотлар янги солиқ тизимига пойдевор қўйди. Бу ўзгаришлар бир қатор янги солиқ турларини жорий қилиб мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар фаолиятида тенгликни вужудга келтирди, солиқларнинг ўзгариши ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш омилига айланди.

Хусусан, Калифорния университети профессори, машҳур иқтисодчи А. Лаффернинг солиқлар оптимал шаклда ўрнатилганда давлатнинг солиқлардан оладиган даромадлари ортишини ўзининг машҳур Лаффер эгри чизиги билан изоҳлаб беради. Мазкур мантиққа кўра солиқлар оптимал даражадан юқори ўрнатилганда давлат бюджетининг солиқ тушумлардан оладиган даромадлари камаяди. Акс ҳолда солиқ тўловчиларнинг солиқлардан ноқонуний қочини ёки кам фойда олиш ва кам солиқ тўлаш истакларининг ортиши бозор иқтисодиётида иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бугунги кунда иқтисодиётда солиқларнинг аҳамияти жуда катта эканлиги барча замонавий иқтисодий назария вакиллари томонидан эътироф этилади. XX асрнинг 80-йилларида иқтисодиёт назариясини илгари сурган америкалик олимлар М. Бернст, Г. Стайн, А. Лаффер солиқлар тўғрисидаги кейнсчилик назарияси қарашларини ривожлантириб, солиқлар иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги ҳақидаги фикрларни қўллаб-қувватлашади. Ушбу назарияга кўра, солиқ юқининг оғирлашуви фақат маълум бир чегарага етгунга қадар давлат даромадларининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бу чегара миллий ишлаб чиқариш солиққа тортиладиган қисмининг қисқариши билан бошланади. Агар ана шу чегара босиб ўтилса, солиқ сийёсатининг ўсиши бюджет даромадларининг ўсишига эмас, балки, аксинча, қисқаришига олиб келади. Бу ҳолатни график кўринишида ифодалаш мумкин.

8-чизмадаги вазиятдан кўриниб турибдики, Лаффер эгри чизиги давлат бюджети даромадларининг солиқ ставкаси даражасига боғлиқлигини кўрсатади. Ундан солиқ ставкаларининг ўсиши маълум бир критик нуқтага етгунга ( $O$ ;  $M$ ) қадар давлат бюджети даромадларининг ўсишига олиб келиши ( $M$ ) мумкинлигини аниқлаш қийин эмас. Ана шу критик нуқтадан сўнг солиқ ставкаларининг яна оширилиши тесқари натижаларга олиб келади.

## Лаффер эгри чизиги



Корхона олинган фойдани қандай қилиб бўлса ҳам, солиқдан «қочиш», уни яшириб қолиш йўлларини кидира бошлайди, ишлаб чиқариш ва инвестициялар ҳажми кискаради.

Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш вазифасини солиқ юқини енгиллаштирилиши орқали ҳал қилиш лозим. Солиққа тортиш ставкасининг пасайтирилиши ишлаб чиқаришнинг ўсишига, ўз навбатида, келажакда солиқ тушумларининг вақтинчалик камайишини компенсация қилинишига олиб келади.

Солиқларнинг ҳаддан зиёд оғир бўлмаслиги солиқ тизими асосий тамойилларидан биридир. Бу ерда гап аслида, солиқ фаолиятининг у ёки бу турини рағбатлантириш ёки рағбатлантирмаслиги тўғрисида кетаяпти. Агар солиқ оғир бўлиб, у ёки бу фаолиятининг ривожланишига кескин тўсқинлик қилса, у ҳолда бундай солиқни ҳаддан зиёд оғир, деб қабул қилиш мумкин ва аксинча.

Солиқларнинг ҳаддан зиёд оғирлик даражасини фақат солиқ тўловчиларгина эмас, балки бу нарсани мамлакатимиз доирасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчилар ва ҳаётга татбиқ этувчилар ҳам аниқ идрок этмоқлари керак. Чунки солиқларнинг ҳаддан зиёд оғир эканлиги муваффақиятли солиқ сиёсатини юргазилаётганлигидан далолат бермайди ва бундай солиқ сиёсати юргизиш билан кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Демак, молия сиёсатини иқтисодиётга татбиқ этишда бир неча умумий ва алоҳида тамойилларга эътибор бериш муҳимдир.

Жумладан:

- ❖ иқтисодий қонунларнинг мавжудлиги ва уларнинг доимо ҳаракатда бўлишини эътиборга олиш;

- ❖ муайян тарихий шароитларни ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- ❖ молия соҳасидаги маҳаллий ва хориж тажрибаларини уйғунликда олиб боришни таъминлаш;
- ❖ молия тизимининг барча бўғинларида даромад ва харажатларни мувозанатлаштириш;
- ❖ бюджетдаги даромадларнинг харажатлардан юқорилигини таъминлаш мақсадида молиявий захираларни ташкил қилиш;
- ❖ жамиятда молия тизимининг самарали тузилишини таъминлаш;
- ❖ молия механизмининг қурилиши мақсадга мувофиқлигини таъминлаш;
- ❖ молия ресурсларини муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириш мақсадида концентрациялаш;
- ❖ молия ресурсларини давлат ихтиёрида шакллантиришни ошириш;
- ❖ пул-кредит сиёсати билан молия-бюджет сиёсатини мувофиқлаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, 2000 йилнинг 14 декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бюджет соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлашга муҳим босқич бўлди. Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан мамлакатимиз молия ва бюджет сиёсатининг ҳуқуқий асослари белгиланди, молия ва бюджет тизими ривожининг келгуси йўналишлари кўрсатиб берилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини бозор иқтисодиёти йўналишида илдам ривожланишида, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб олиб борилаётган ўзига хос молия ва бюджет сиёсатининг роли каттадир. Ҳозирда унинг ижобий натижалари аниқ кўзга ташланмоқда.

## **6.2. Бюджет сиёсатининг моҳияти, тактик ва стратегик асослари**

Иқтисодий ривожланишга молиявий сиёсатнинг таъсирини тўла қонли таъминлаш учун илмий асосланган молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш лозим. Олдинги хўжалик юритиш тажрибаларидан маълумки, молиявий сиёсатнинг жамиятдан номутаносиб ажраб қолиши мудҳиш иқтисодий тангликни вужудга келтиради ва ривожланишни сусайтиради. Масалан, режали иқтисодиётда хўжалик юритиш тажрибасида, хўжалик субъектларига нисбатан иқтисодий, молиявий мустақиллик қўлланилмас эди. Корхоналар бюджетга тегишли бўлган мажбурий тўловларни бажарган бўлса ҳам, молия йи-

ли охирида унинг ихтиёрида қолган молиявий ресурслар мажбуран давлат бюджетига олиб қўйилар эди. Пировардида, хўжалик субъектлари молиявий ресурслардан самарасиз фойдаланишга ҳаракат қилиб, жамғариш ва инвестицион жараёни амалга ошира олмасди.

Бозор иқтисодиёти шароитида молия ва бюджет сиёсатидан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- молиявий ресурслардан кенг фойдаланиш;
- молиявий ресурсларнинг ҳажмини ошириш;
- жамият ривожланишини молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида молиявий ресурсларни ижтимоий муаммоларсиз жалб этиш;
- мамлакатда барча мулк шаклида бўлган тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришга қулай шароит яратиш;
- солиқ тўловчи субъектлар даромадидан бюджет даромадини шакллантиришда мақсадга мувофиқ ставкаларни жорий этиш.

Бюджет сиёсати – давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш концепцияни ишлаб чиқиш, асосий йўналишларини кўрсатиш, молиявий муносабатларнинг ишлатилишининг мақсади ва асосий вазифаларини белгилаш, бюджет механизмини яратиш ва хўжалик субъектларининг молиявий фаолиятини бошқариш борасидаги чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Бюджет сиёсатининг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборатдир.

Илмий асосларга таянган ва иқтисодий қонунлар талаби асосида тўғри ташкил қилинган молия, бюджет сиёсати ижобий натижалар беради. Унинг аҳамияти шундаки, жамият ва унинг замирида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг фаровонлиги, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади.

Бюджет сиёсати амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусияти ва муддатини эътиборга олиб, бюджет сиёсати стратегияси ва бюджет сиёсати тактикасига бўлинади.

Бюджет сиёсати стратегияси иқтисодий ва ижтимоий стратегия белгилаб берган улкан масшабли вазифаларни келажакда бажаришни таъминлашни кўзда тутган молиявий тадбирлар йиғиндисидир. Бюджет стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида молиявий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинади,

уларнинг фойдаланиш концепциялари шакллантирилади ва молиявий муносабатлар тамойилларини ташкил қилиш белгилаб берилди. Шу муносабат билан ҳозирги даврда бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш масаласи ҳар қандай ҳукуматнинг олдида турувчи марказий муаммолардан бирига айланди.

Бюджет сиёсати тактикаси қисқа муддатли ва кичик масштаб-ли молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган йўналишлар мажмуасидир. Бюджет тактикасида бюджет стратегиясига эришиш мақсадидаги босқичлар кўзда тутилади. У бюджет стратегиясига нисбатан эгилувчанлиги, молиявий ресурсларни қайта гуруҳлаш каби хусусиятлари билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет сиёсати тактикаси бюджет стратегияси қўйган мақсадга тежамкорлик ва самарали йўллардан фойдаланиш орқали ларзаларсиз иқтисодий натижаларга эришишдир.

Бюджет сиёсатининг стратегияси ва тактикаси ўзаро узвий боғлиқликдадир. Стратегия тактик вазифаларни яхши, қулайликда бажарилиши учун муҳим имконият яратиб беради. Давлат сиёсатидан маълумки, республикаимиздаги пул-кредит сиёсати молия-бюджет сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, иккаласи биргаликда макромолиявий сиёсатни ташкил этади.

Шунга таянган ҳолда молия бюджет сиёсати ва тактикасига мисол келтирамиз. 1994 молия йилининг июль ойидан бошлаб, мустақиллигимизнинг асосий рамзи бўлган миллий валютамиз муомалага киритилди. Миллий валютанинг тўлақонли валюта вазифасини бажариши учун муайян молиявий стратегия ва тактика қабул қилинган. Миллий валютанинг ички ва ташқи контервенциясининг тўлиқлигича таъминланиши молиявий сиёсатнинг стратегияси ҳисобланади. Ана шу мақсадга эришишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбир босқичлари молиявий сиёсатнинг тактикаси бўлади.

Мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишнинг дастлабки босқичида давлатни молиявий сиёсатининг асосий стратегик мақсадлари қуйидагича белгиланади:

❖ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш;

❖ кўп укладли иқтисодиётни яратиш, хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

❖ корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлат томонидан аралашуви-

да маъмурий-буйрукбозлик усуллари ва рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиш;

❖ иктисодиётда чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иктисодий тизими-га қўшилиб бориш.

Мазкур иктисодий стратегия вазифаларини амалга оширишда қуйидаги йўналишларда молиявий тактика ишлаб чиқилади ва тегишли молия механизми шакллантирилади:

- қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети тақчиллигини иложи борица камайтириш, дотация ва субвенцияларни босқичма-босқич қисқартириб бориш;

- бюджетдан маблағларни энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина ажратиш;

- инвестицияларни молиялаштиришда кредитлардан кенг фойдаланиш;

- солиқ тизимини янада такомиллаштириш;

- бюджет даромадларини барқарор бўлиб туришини таъминлайдиган солиқ сиёсатини олиб бориш.

Бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида, молиявий ресурслардан аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий-маданий тадбирларга маблағларни кенгайтириш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва уларни мамлакат ҳудудида мақсадга мувофиқ жойлашишида, бюджет сиёсатининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Яхши ва тўғри ташкил қилинган молия-бюджет сиёсати ҳар бир минтақанинг моддий манфаатдорлигини оширишда, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш ва маҳаллий хом ашё ресурсларидан кам чикимсиз ва юқори самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўяди. Қолаверса, молия ва бюджет сиёсати мақсадли дастурларни жойларда бажарилиши учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Масалан, меҳнат ресурсларидан жойларда самарали фойдаланиш учун ЎзДЭУ автокорхонасининг Фарғонада, шакар заводининг Хоразм воҳасида, тўқимачилик корхоналарининг Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қурилишини ташкил этишда бюджет сиёсатининг ўрни бекиёсдир.

Давлатнинг молиявий механизмини шакллантириш у ёки бу даврдаги молия ва бюджет сиёсати талабларига тўлақонли жавоб беришини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу ўз ўрнида бюджет сиё-

сати қўйган ва унга эришиш учун амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни ўз вақтида бажарилишига кафолат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет сиёсати ўзининг ривожланишида икки — фискал (1991-1995) ва ноинфляция (1996-2007) босқичини босиб ўтди.

Мамлакатимизда ислохотларнинг бошланиши жараёнида бюджет сиёсати фискал характерда эди, авваламбор давлат пул маблағларини ўзининг функция ва вазифаларини бажариши учун шакллантирди. ЯИМ ишлаб чиқаришининг ниҳоятда тушиб кетганлиги, бюджет даромад қисмининг камайиб кетишига сабаб бўлди, шунингдек, даромадлар ва харажатларнинг самарасизлиги бюджетни бошқариш муаммоларини кўпайтирди.

Айтиш мумкинки, бу босқич анчагина оғир эди, чунки маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишдаги иқтисодий кризис шароитида давлат бюджетини шакллантириш ва бюджет ислохотларини ўтказиш талаб этилар эди. Бюджет сиёсатининг биринчи босқичи иқтисодиётни барқарорлаштириш учун шароит яратиши ва келгусида барқарор иқтисодий ўсиш бўлиши учун асосни таъминлаши лозим эди.

Бюджет ислохотлари қуйидаги вазифаларни бажаришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди:

1. Янги бюджет қонунларини ишлаб чиқиш.
2. Бюджетнинг даромад қисмини реконструкция қилиш жараёнида солиқ ислохотларини ўтказиш.
3. Бюджетнинг харажат қисмини қайта кўриб чиқиш.
4. Бюджетнинг даромадлари ва харажатларини баланслаштириш.

Иқтисодиётда ислохотлар ўтказишнинг биринчи боқичида солиқ тизими фискал вазифаларни бажаришга йўналтирилган эди, унинг асосий мақсади бюджетни баланслаштиришга қаратилган эди. Бу вазифани ишлаб чиқариш тушиб кетган ва солиқ солиш базаси камайиб кетган шароитда ечишга тўғри келди. Бу ўтиш жуда кўп солиқлар, юқори ставкалар, шунингдек, солиқ юқининг турли тоифадаги солиқ тўловчилар ўртасида нотўғри тақсимланганлиги билан характерланади. Номинал солиқ юқи жуда оғир эди, мажбурий солиқ тўловлари 45 фоиздан ортиқ эди, бу хусусий корхонада маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш имкониятини тўсиб қўяди.

Бюджет ислохотларини ўтказиш жараёнида консолидациялашган бюджет тузила бошланиши билан 1995 йилдан бошлаб бюджет



сиёсатининг янги йўналишлари белгиланди. Бу босқичга қадар давлат бюджетининг харажатлар ва даромадлар қисми реконструкция қилинди, янги бюджет қонунлари ишлаб чиқилди. Миллий валютамиз «сўм»нинг муомаллага киритилиши билан пул ислохотлари ўтказилди, пул муомаласи янада чуқурлаштирилди, пул-кредит сиёсатини кучайтириш бюджетни баланслаштириш масаласини ечишга тўртки бўлиб хизмат қилди.

Бюджет сиёсатининг бу босқичида қуйидаги вазифаларни бажариш мақсад қилиб қўйилди:

1. Баланслаштирилган бюджетни шакллантириш.
2. Солиқ тизимини келгусида такомиллаштириш.
3. Бюджет харажатларини оптималлаштириш.
4. Амалиётда қайтармаслик шарти билан молниялаштириладиган иқтисодиёт тармоқларида инвестициялашга ўтиш.
5. Бюджетга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш.
6. Ўрта муддатли бюджетларни тузиш ва ижро этиш.

Бу вазифаларни бажариш учун ҳукумат инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш сиёсатини олиб бормоқда. Хусусий капитал қўйилмалар учун қулай шароитлар яратмоқда ва мулкдорлар ҳукуки кафолатини таъминламоқда.

Солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни кўтариш учун ишбилармонларнинг фаоллигини таъминлаш мақсадида Солиқ кодекси амалиётга киритилди. Солиқ тизимининг тартиблаш функциясини кучайтириш мақсадида доимий равишда солиқ ставкалари ва имтиёзлар тизими қайта қўрилмоқда, бу эса солиқ юқини ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида тақсимлашда ўз ифодасини топмоқда. Бу қўрилган тадбирларнинг барчаси Давлат бюджетига солиқлар тушумининг доимийлигини ва бюджет тақчиллигини камайтиришни таъминлади.

### **6.3. Бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича давлат сиёсати**

Республикамиз мустақилликка эришган пайтдан бошлаб, давлатимиз раҳбарияти молия-бюджет сиёсати йўналишини халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга, мулкчиликнинг турли хилларини шакллантиришга, бюджет тақчиллигини жаҳон андозасига мос келтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга даъват этиб келмоқда. Шу аснода ҳар бир молия йилида реал вазиятдан ва

иқтисодий имкониятдан келиб чиқиб, мамлакат миқёсида йиллик бюджет сиёсати дастурлари қабул қилинмоқда.

Харажатлар сиёсатидаги ислохотларнинг иккинчи босқичи ижтимоий йўналтирилганлиги билан характерланади. Молиявий қийинчиликларга қарамасдан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар миқдори анчагина кўпайтирилди, иқтисодиётга инвестиция йўналтирилди, шу билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг етарли даражада юқори салмоғи сақланиб қолинди.

Бюджет даромадларини бошқаришни такомиллаштиришнинг куйидаги йўналишлари белгилаб олинди:

- давлатнинг молиявий ресурслари ишлатилишининг самарадорлигини ошириш ва мақсадли йўналтириш тамойилини кучайтириш;
- келгусида етарли бюджетни шакллантиришга шароит яратадиган солиқ тизимининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- бюджетни баланслаштиришни қўллаб-қувватлаш;
- келгусида бюджетдан молиялаштиришни камайитириш ва иқтисодиётга инвестицияни кўпайтириш;
- давлат молиясини бошқаришда газначилик тизимини жорий этиш;
- бюджет процедураларини янада такомиллаштириш.

Ҳозирги кунда республикамизда олиб борилаётган молиявий сиёсатнинг марказий бўғинида турган асосий масала — бу юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар, тўловлар, йиғимлар ва ажратмалар юқини имкон қадар пасайтиришдан иборатдир. Хусусий секторнинг мавқеини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади. Давлат бошқарув органи идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг куйи тузилмаларига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий ҳукумат ва бошқарув органларининг жавобгарлиги билан бирга, уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида умумдавлат солиқлари ва йиғимларини тўлалигича қондириш кўзда тутилган.

Давлат бюджети бозор субъектларида шаклланаётган молиявий ресурсларнинг бир қисмини давлат ихтиёрида тўплаб, бюджет ташкилотларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш билан бирга, иқтисодиёт соҳаларини дотация бериб молиялаштириш амалиётидан воз кечмоқда. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджетининг йирик лойиҳали инвестицион дастурларни молия-

лаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, янги иш ўринларини барпо этиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги роли ортмоқда. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга замин яратмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, молия ва бюджет барқарорлиги, иқтисодиётни ривожлантириш, сўнгра уни бир маромда, мувозанатни сақлаган ҳолда ривожлантиришнинг асосий шarti сифатида биринчи даражали аҳамият касб этади. Совет Иттифоқи тарқалиб кетиши билан Ўзбекистон Республикасининг давлат ва иқтисодий мавқеи тубдан ўзгарди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан танлаб олинган мустақил ва суверен давлат мақомига эга бўлди. Чунки, давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши мумкин, лекин у молиявий жиҳатдан мустақилликка эриша олмаса, бундай сиёсий мустақиллик шу мамлакат халқининг озодликдан кутган фаровон турмуш ҳақидаги орзуларини рўёбга чиқара олмайди.

Республика ўз даромадларини мустақил тасарруф этадиган, ўз харажатларини тўла-тўқис ўзи қоплайдиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси давлатнинг зарурий хусусияти саналувчи бюджет сиёсати ва бюджет жараёнида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас эди. Бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш шароитида бюджет маблағларини ҳосил қилиш ва уни тақсимлаш соҳасида давлат билан корхоналарнинг, давлат билан фуқароларнинг ўзаро муносабатлари бутунлай ўзгарди. Миллий даромадни тақсимлаш ва давлат бюджети маблағларини шакллантиришда солиқларнинг роли ортиб бормоқда.

Солиқ иқтисодий категория сифатида, соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли бўлиб, солиқ муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил этади.

Солиқ сиёсати аниқ мақсадга қаратилган молия, бюджет сиёсати билан биргаликда, ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодиётимиз тузиллишини ўзгартиришда, аҳолини итимоий ҳимоялаш кафолатларини таъминлашда бевосита иштирок этади.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, республика-мизда «солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодиётни барқа-

роллаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади»<sup>1</sup>.

Давлат бюджети ва бюджет сиеъати ҳамиша давлатнинг сиеъсий, иқтисодий ва ижтимоий вазибалари билан белгиланганлиги, давлат бюджетининг харажатлар қисмига ҳам, даромадлар қисмига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Давлатнинг иқтисодий ва сиеъсий барқарорлиги бюджет барқарорлигининг асосий шартидир.

Давлат ўз вазибаларини бажариши учун харажатлар қилиши зарур. Давлат харажатлари давлат ихтиёрида молия ресурсларини давлат фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш учун сарфланишини билдиради. Булар таркибида давлатнинг инвестиция учун ажратган, ижтимоий вазибаларни бажаришга қаратилган, бошқариш, мудофааа учун харажатлар асосий ўринда туради. Умумдавлат харажатлари аниқ мақсадларга қаратилади ва режалаштирилади, сўнгра улар сарфланади. Бюджетнинг харажатлари давлат молияси жамғармасини ташкил этган тушумларнинг тақсимланиши ва маълум мақсад йўлида ишлатилишидир.

Маълумки, кейнсчилар ва монетаристлар иқтисодиётни тартиб-лашда бюджет роли масаласига ёндашиш бўйича фикрлари билан бир-биридан фарқланади. Кейнсчилар барқарорликка бозор механизми орқали эришиб бўлмайди, унга давлат аралашуви зарур деб қарасалар, монетаристлар эса аксинча, бу вазифа бозор механизмнинг иши деб тушунтирадилар, чунки бозор иқтисодиётга ички барқарорлик ёрдам бера олади, деб ҳисоблайдилар.

Кейнсчилар давлат режалаштириши эмас, балки иқтисодиётни тартиблаши лозим деган фикр тарафдорлари ҳисобланадилар. Уларнинг тавсиялари бўйича иқтисодиётни тартиблаш хўжалиқдаги мувазанатни таъминлашга кўмак беради, иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришилади. Бозор механизми равон йўлга чиқиб олгандан кейин давлат бюджетининг харажатларига эҳтиёж камаяди. Монетаристлар назарияда илгаридан маълум бўлган пулнинг миқдорий назариясига бориб туташадиган барқарор пул назариясини олға сурадилар. Монетаристлар иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шarti инфляцияни камайтиритиш ва пулни соғломлаштириш, пулни хўжалиқ муомаласи воситасига айлантириш деб қарайдилар. Уларнинг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви инф-

<sup>1</sup> Крпимов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 1995. 204 б.

ляциянинг пасайишига сабаб бўлади, шу боисдан унинг иқтисодий фаолияти пул муомаласини тартибга солиш билан чекланиши керак.

«Бизнинг пировард мақсадимиз биз яшаб турган хўжалик тизими доирасида марказий ҳокимият томонидан онгли назорат қилиш ва бошқариш мумкин бўлган йўлга ўзгарувчан омилларни танлаб олишдан иборат. Давлат иқтисодиётга аралashi зарур, чунки у талабга таъсир этиши билан унинг самарасини ошириши мумкин». Бунда Кейнс талаб самараси деб, давлатнинг чора-тадбирлари бюджет харажатлари туфайли талабнинг кенгайишини назарда тутди.

Ж. М. Кейнс «Бандлик, фоз ва пулнинг умумий назарияси» китобида «давлат иқтисодий ишларни амалга оширишни молиявий таъминласа, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ишчилар бир оз даромад олади, бу ҳол талабнинг кўпайишига, амалий фаолликнинг тикланишига, жонланишига ва тўлиқ иш билан таъминланишга имкон яратилади. Кимдир (давлат) умумий талабни кўпайтириш чораларини кўрмаса, ишсизлик узоқ вақт давом этиши мумкин», деб тушунтиради.

Шундай қилиб, бюджет-солиқ сиёсатини олиб боришнинг самарадорлигини оширишда бу икки асосий иқтисодий назария мактаби намоёндаларнинг фикрлари бир-бирига қарама-қаршидир. Кейнсчилар фикри бўйича ягона тўғри йўл давлат бюджети ёрдамида макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришишдир. Монетаристлар эса бюджет-солиқ сиёсатининг амал қилиши ҳеч қанақа ижобий самара бермайди, деб фикрлайдилар. Уларнинг фикрича, «иқтисодиётга бюджет-солиқ сиёсати ҳеч қанақа таъсир кўрсатмайди, давлат бюджетидан макроиқтисодий барқарорлаштиришда, иқтисодиётдаги мувозанатни таъминлашда фойдаланиш керак эмас»<sup>2</sup>, чунки бунда «сиқиб чиқариш» рўй беради: давлат харажатлари хусусий сектор харажатларини сиқиб чиқаради. Давлат хусусий сектордан олган пулларини харажат қилади. Агар давлат бюджетининг тақчиллиги фақат пул эмиссияси билан қопланганда ижобий натижа олинади. Ялпи талабни ўзгартиришнинг асосий сабаби солиқлар ва харажатларни ўзгартириш эмас, балки муомаладаги пулнинг миқдорини ўзгартиришдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳукуматимиз юритаётган бюджет сиёсатининг айрим жиҳатлари Кейнс назариясининг баъзи ғояларини акс эттиради. Республикамизда қабул қилинаётган

<sup>1</sup> Кейнс Д.М. Общая теория занятости и денег. -М., 1978. 428 с.

<sup>2</sup> Беганов В. С. и др. Финансовая политика, налоги и налогообложение. -Т.: Мир экономики и права. 1998. 36 с.

давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш зарурияти корхона ва ташкилотларни солиққа тортишнинг юқори даражада бўлишини тақозо этувчи сабаблардан бири бўлган.

Иқтисодий қийинчиликлар даврида истеъмол даражасининг пастлиги сабабли корхона ва ташкилотлар, шунингдек, аҳоли қўлида йиғиладиган маблағлар кўп ҳолларда инвестицияга эмас, балки истеъмолни тўлароқ қондиришга сарфланади. Ҳатто тадбиркорларимиз сармоя қўйишни хоҳлаганларида ҳам уларнинг маблағлари катта аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш объектларини куришга етмайди. Бу ҳолда яқин келажакда иқтисодий тараққиётга эришиш учун молиявий ресурслар тақчиллиги шароитида бу маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида уларни юқори даражада солиққа тортиш орқали давлат бюджетига жамғариш бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ҳукуратимиз солиқ сиёсатининг йўналишларидан бири ҳисобланади.

Давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати давлат харажатлари ва солиққа тортиш даражасининг ўзгаришига бевосита таъсир этади. Давлат харажатларининг ошиши даромадларни берилган даражасида режалаштирилаётган жами харажатларни ўсиб боришини билдиради.

Аммо Кейнснинг фикрича, юқори солиққа тортиш иқтисодиётда ижобий рол ўйнайди, бюджет даромадларини таъминлаш орқали иқтисодиётда мувозанатни таъминлаш мумкин бўлади. Солиқ тушумларининг пасайиши бюджет даромадлари ва харажатларини пасайтириб, иқтисодий барқарорликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Прогрессив солиққа тортиш эса иқтисодиётда мувозанатни сақлайди, яъни солиқлар бу бекарорликни тўғрилайди.

Айрим давлатлар бу концепцияни давлат харажатлари юқори бўлган қуролланиш давлари учун муваффақиятли қўллашди. Лекин иқтисодий ўсишнинг талабларидан бири бўлган ишлаб чиқаришга илмий-техника тараққиётини жорий этиш зарурияти туфайли давлат иқтисодиётни бошқариш йўналишларини давлат дастурлари орқали талабни кучайтириш воситасида ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратди. Кўп ҳолларда мамлакатда талабни кучайтириш чет мамлакатлардан товарлар олиб келишига сабаб бўлди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, юқори даражада солиққа тортиш концепцияси ортқача ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ муаммолар мавжуд пайтда ўзининг айрим ижобий натижаларини бериши мумкин бўлади. Аммо иқтисодий тушқунлик ва инфляция

даврида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсади давлатнинг иқтисодийёта бевосита аралашувини камайтиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида давлат харажатларини камайтириб, солиқ ставкаларини пасайтириш учун имкон яратади.

#### **6.4. Ҳозирги замон бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсади ва фискал сиёсат билан боғлиқлиги**

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат ўзи ишлаб чиққан иқтисодий сиёсатни амалга оширишда, уни ҳаётга татбиқ этишда турли воситалардан, дастаклардан, усуллардан фойдаланади. Иқтисодий сиёсатни амалга оширишда баҳоларни шакллантириш механизмини, божхона тизимининг ўзига хос бўлган тартиб ва қоидаларини, Марказий Банкнинг пул-кредит инструментларини, давлатнинг марказлаштирилган инвестиция дастурини молиялаштиришнинг турли манбаларидан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Юқоридагиларнинг ҳар бири ҳам давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда маълум рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади».<sup>1</sup> Уларнинг орасида солиқларнинг энг муҳим омил эканлигини эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг маданийлашган, энг соғлом йўли ҳақиқаттан ҳам солиқлардир. Буни жаҳон тажрибаси яққол кўрсатиб турибди, бу жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам узил-кесил эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим»<sup>2</sup> -деган фикрларида бюджет-солиқ сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий воситалари асосан, бюджет ва пул-кредит сиёсати воситаларидан иборат бўлади. Булар ҳам ўз навбатида бевосита ва билвосита усулларга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.,«Ўзбекистон». 1998. 358 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.,«Ўзбекистон». 1998. 358 б.

бўлинади. Умуман олганда, кўпчилик ривожланган мамлакатларда бозорни тартибга солишда бевосита ва билвосита услублардан фойдаланилади. Молия, кредит воситалари, солиқлар сиёсатини олиб боришни тартибга солишни билвосита усулларига киради. Юқоридаги вазифаларни бажаришда давлат фискал ва пул сиёсати, ижтимоий сиёсат ва даромадларни тартибга солиш сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат воситаларидан фойдаланади.

Маълумки, давлатнинг бюджет маблағларини тақсимлаш билан боғлиқ сиёсатига, унинг фискал сиёсати дейилади. Бу фаолиятнинг икки тарафи мавжуд, булардан биринчиси солиқ тизими орқали бюджетни таркиб топтириш, иккинчи тарафи эса уни сарфлашдан иборат. Худди шу бюджет давлатнинг вазифаларини бажаришда молиявий асос бўлиб ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда бюджет шаклида давлат жуда катта ҳажмда молиявий ресурсларни жамлайди.

Иқтисодийни макроиқтисодий барқарорлаштиришда фискал сиёсат муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Фискал ва пул-кредит сиёсати усуллари устун даражада иқтисодийни тартибга солишнинг билвосита усулларига таллуқлидир. Улар хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун иқтисодий муҳитни яратади. Давлат харажатлар таркиби ва солиқларни ўзгартириш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириши, ишсизлик ва инфляцияга таъсир кўрсатиши мумкин.

Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари жумласига давлат харидларини, ижтимоий дастурларни, ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шаклларини қайд этилган нархларни ҳамда экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталарни киришиш мумкин.

Давлат бу усулларнинг барчасидан бир-бирига мос равишда фойдаланади. Ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этади ва натижада ялпи миллий маҳсулотнинг мувозанатлашган даражасини, уни ишлаб чиқариши мумкин бўлган ҳажмга яқинлашишини таъминлайди.

Бошқача қилиб айтганда фискал сиёсат деганда, ҳукумат харидлари ва солиқ тизимини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ҳам тушунилади. Давлат бюджети харажатларини кўпайтириш ёки қисқартириш, тўғридан-тўғри хўжалик юритишни тартибга солишни амалга оширади. Чунки бу тадбирлар жами талабга бевосита таъсир қилади. Солиқлар давлат харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.



Шунинг учун ҳам давлат солиқ тизими сиёсатини, солиқ ставкалари миқдорларини ва имтиёз турларини аниқлар экан, шу билан у бюджет харажатларига ва бутун макроиктисодий вазиятга таъсир кўрсатади.

Маълумки, давлатнинг иқтисодий усуллар билан бозорни тартибга солиш тадбирлари давлат ихтиёридаги корхона ва ташкилотларни бошқариш, уларни молиялаштириш, бюджет, солиқ ва кредит-пул сиёсати орқали ҳамда капитал сарфларни назорат қилиш орқали амалга оширилади. Давлат иқтисодий услубларни қўллаганда, унинг салбий оқибатларини доимо кузатиб олдиндан унинг олдини олишга ҳаракат қилиши керак. Масалан, солиқ сиёсатини олиб борганда, у тадбиркорлик ташаббуси даражасини пасайтиришга олиб келмаслигидан эҳтиёт бўлиш зарур. Баҳоларни тартибга солиш эса талаб ва таклиф мувозанатига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш воситалари бир-бири билан боғлиқдир. Бунда бир соҳада қабул қилинаётган қарорни бошқа соҳаларга таъсирини, албатта, инobatга олмоқ зарурдир. Масалан, давлат харажатлар ва солиқларга, яъни фискал сиёсатдаги ўзгартириш киритиши шунга мувофиқ пул массасидаги ўзгаришларни талаб этади. Фискал ва пул сиёсатидаги ўзгаришлар инвестицияларга, бандликка, ишлаб чиқариш ҳажмига, соф экспортга таъсир этади.

Маълумки, Ўзбекистонда «бозорга ўтилан сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгарди. Давлат унинг ҳокимият бошқарув тузилмалари тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашидан четда бўлиши керак. Бозор иқтисодиётининг ўзини-ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта рол ўйнайди. Давлатда фақат иқтисодий дастур ва рағбатлантириш вазифалари қолди. Иқтисодиётни тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади»<sup>1</sup> ва иқтисодиётни тартибга олувчи иккинчи восита бўлади.

Бозор шаронтида солиқ функцияларининг аҳамияти ошади. Улар иқтисодий регуляторлар сифатида майдонга чиқади. Бозор муносабатларининг ривожланиши шаронтида солиқларнинг муҳим функцияси уларнинг фискал функцияси ҳисобланади, унинг ёрдамида пул ресурсларининг марказлаштирилган фонди барпо этилади, унга давлат аппарати, армияни тутиб туриш, зарур ижтимоий-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т., «Ўзбекистон». 1992. 49 б.

иктисодий вазифаларни бажариш учун мамлакат ҳукумати эгалик қилади. Энг муҳими умумдавлат вазифаларини ҳал этиш учун корхона ва фуқаролар олган даромадларининг бир қисмини солиқ тўловлари сифатида олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш солиқлар фискал функциясининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Солиқларнинг қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида солиқлар тушишидан ҳосил бўладиган пул ресурсларининг давлат бюджети орқали олинган даромадлар бир қисмини давлат қайта тақсимлайди. Уларнинг бир қисмини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожлантиришга, яна бир қисмини устувор тармоқларга, хусусан, инвестицияларга йўналтиради. Кўпгина мамлакатларда бюджетдан каттагина маблағлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратилади.

Солиқ солишнинг қайта тақсимлаш функцияси нотўғри қўлланилган ҳолларда иқтисодий вазиятга ва бюджетга даромадлар келиб тушишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунончи, агар давлат кейинчалик бюджет орқали иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида ўз қўлида молия ресурсларининг иложи борича катта ҳажмини жамлашга интиlsa, у солиқларни оширади ва бу билан уларнинг фискал функциясидан фаолроқ фойдаланади. Бироқ даромаднинг қанчалик кўп қисмини давлат солиқ сифатида олиб қолса, даромад ёки фойда олиш мақсадида фаол ишлаш учун рағбатлар шунчалик кам бўлади. Ҳаддан ташқари юқори солиқлар тадбиркорлар фаоллигини сусайтиради. Бу эса ўз-ўзидан улар даромадлари пасайишига ва бюджетга солиқ тўловлари сифатида келиб тушадиган маблағларнинг қисқаришига олиб келади. Бунда давлат солиқ солишнинг, бир томондан эркин иқтисодий фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилмайдиган, бошқа томондан, эса бюджетга маблағларнинг иложи борича кўп келиб тушишини таъминлайдиган ставкаларни белгилашдан манфаатдор бўлади.

Бюджет сиёсати иқтисодий сиёсатнинг ядроси ҳисобланади ҳамда ўзида жамият институтлари ва аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатларни яққол ифодалайди. Бюджет сиёсати, айтиш мумкинки, макроиктисодий барқарорликнинг бош омилидир. Давлат бюджети сиёсатини юритишда икки дастакка эга, булар давлат даромадлари ва харажатларидир. Буларни бевосита ва билвосита усуллар деб аташ мумкин.

Бюджет сиёсатининг билвосита усуллари бўлиб, солиқлар ва солиқсиз тўловлар орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш каби тадбирлар ҳисобланади. Солиқ ставкаларининг ўзгариши, солиқлар бўйича имтиёзлар яратиш ёхуд уларни бекор қилиш, турли хил тўловларни жорий қилиш каби билвосита усуллар орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатиш мумкин. Бунда солиқ тўловларининг моддий қизиқишлари бюджет сиёсатидаги ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Бюджет сиёсатининг бевосита усулларига эса бюджетнинг харажатлар қисми орқали ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатиш киради. Тармоқларни молиялаштириш харажатлари миқдорини ўзгартириш, ночор корхоналарга дотациялар ажратиш, субвенциялар бериш, бюджет ссудаларини ажратиш, улар бўйича имтиёзлар жорий қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун кафолатлар бериш каби тадбирлар бюджет сиёсатининг тўғридан-тўғри усуллари ҳисобланади.

Барқарор бюджет сиёсатини юритиш ўз навбатида бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Бюджет солиқ сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш иқтисодиёт олдидан турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда асосий рол ўйнайди.

Давлат бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик вазифаси давлат маблағларини тузилмавий қайта қуришни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланаётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфратузилмасига мақсадли таъсир кўрсатишга йўналтиришдан иборат. Бу ерда бюджет сиёсат деганда давлатнинг бюджет даромадларини оптимал шакллантириш ва давлат харажатларини рационализация қилиш учун солиқ олишни такомиллаштириш соҳасидаги сиёсати тушунилади.

Айни пайтда бюджет-солиқ сиёсати ишлаб чиқаришни ўстиришга ва унинг самарадорлигини оширишга, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бюджет-солиқ сиёсатининг хусусияти шундан иборатки, у нафақат давлатнинг даромадлар базасини таъминлаш ва келиб тушган пул маблағларини харажат қилиш, балки жамиятда макроиқтисодий барқарорликни ҳамда инфляциянинг паст даражасини, аҳолининг оптимал бандлигини таъминлаши зарур.

Бюджет-солиқ сиёсати кенг маънода макроиқтисодий барқарорлик ва мустақкам иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда таркибий ўзга-

ришларини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва босқичма-босқич валюта бозорини эркинлаштириш, аҳолининг барқарор моддий фаровонлигини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ошириш каби умумдавлат макрониктисодий вазифаларни таъминлашга йўналтирилган. Бюджет-солиқ сиёсати амалиётда амалга ошириш нуқтаи назаридан бирламчи вазифалар ўртасида тўғри мувофиқликни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Бошқача айтганда, бюджет-солиқ сиёсати доирасида умумий стратегияни ишлаб чиқиш билан бир қаторда навбатдаги амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларга фақат тўғри ургу бериш орқали муваффақиятга эришиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтишнинг муайян босқичи вазифаларига мос равишда бюджет-солиқ сиёсати инструментлари ҳам ўзгариб боради. Миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан бири давлат бюджети даромад ва харажатлари мувофиқлигини таъминлашга қаратилган. Бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик вазифаси давлат харажатларини тузилмавий қайта қуришни, даромадларнинг янги манбаларини излаб топишни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланаётган бозор иқтисодиёти механизмларига мақсадли таъсир кўрсатишни йўналтиришдан иборат. Бунда бюджет-солиқ сиёсати давлатнинг бюджет даромадларини бюджет харажатлари таркибий тузилишининг ўзгаришига қараб шакллантириш, даромадларни оқилона сарфлаш механизминини ишлаб чиқиш соҳасидаги сиёсат тушунилади.

Давлат бюджети сиёсати давлатнинг даромадлари ва харажатларини рационал шакллантириш, бюджет бўғинлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, маҳаллий бюджетлар манфаатларини мувофиқлаштириб туришни таъминлаши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг асосий вазифалари иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, яъни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун солиқ сиёсати соҳасида солиқ ставкаларини пасайтириш, янги инвестициялар учун солиқ имтиёзларини бериш, тезлаштирилган амортизацияни қўллаш каби тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистондаги бюджет-солиқ сиёсатининг характерли хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

⇒ ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ва бюджет-солиқ сиёсатининг

ўзаро боғланганлиги ва бир-бирини тўлдириши;

⇒ бюджет-солиқ сиёсатининг макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий юксалишни рағбатлантиришга эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтириш;

⇒ солиқ йиғимини оқилона усулда ташкил этиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи родини таъминлаш;

⇒ бюджет харажатларини ижтимоий мақсадларга йўналтириш.

Мамлакат ҳукумати томонидан ўтказилаётган бюджет-солиқ сиёсати давлат хазинаси билан солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ва бюджет харажатларининг энг мақбул тузилмаси ўртасидаги ўзаро нисбатнинг самарадорлигига эришиш имконини яратди. Ўз навбатида, даромадлар бўйича бюджетнинг барқарор ва тўла қонли ижроси бюджетда белгиланган барча тадбирларни ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни таъминлайди. Макроиктисодий жиҳатдан эса давлатнинг самарали бюджет сиёсати инвестиция иқлимини яхшилаш, молиявий барқарорлик, пул ва молия бозорлари ривожини, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва аҳолининг реал даромадлари ўсишига имкон беради.

Солиқ тадбирлари бюджет тадбирларини тўлдириб туради ва улар биргалликда талаб мажмуасини ривожлантиришга, натижада эса ишлаб чиқаришни ҳам ривожлантиришга олиб келади. Бюджет-солиқ сиёсати пул-кредит сиёсати каби давлатнинг яхлит тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ҳолатни кўтариш даврида давлат бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатида қарама-қарши тадбирларни мужассамлаштириб туриш сиёсатини ўтказди. Ушбу даврдаги бюджет-солиқ сиёсати солиқлар ставкасининг кўтарилиши, давлат харажатларининг қисқариши, амортизация сиёсатини ўтказиш доирасида чегараланишлар билан характерланади.

2. Молиявий барқарорликни таъминлаш. Бунинг учун, энг аввало, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг асоси сифатида пул муомаласини барқарорлаштириш бўйича зарур чоралар кўриш даркор. Фақат барқарор пул тизими яратилган шароитда хўжалик механизмнинг барча қатнашчилари ва ташкилий қисмлар ўртасида алоқалар ўрнатиш мумкин.

3. Инвестицион фаолликни ривожлантириш ва унинг миллий даромаддаги улушини кўпайтириш.

4. Бюджетнинг давлат дотациялари бўйича алоҳида моддий ишлаб чиқариш соҳаларига ишлаб чиқариш харажатларини қисқарти-

риш. Харажатлар орқали бюджет, иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришнинг муҳим дастаги бўлиб хизмат қилади.

5. Бюджетнинг даромад базасини, солиққа тортишни такомиллаштириш ва солиқларни тўлиқ тўланиши бўйича назоратни кучайтириш ҳисобига барқарорлаштириш. Солиқлар орқали корхоналар фаолиятини рағбатлантириш рақобатбардошликни оширади, қаритал йиғилиши учун қулай шароит яратади. Бунда турли солиқлардан имтиёзлар берилиб, иқтисодий ривожланиш учун замин яратилади.

6. Давлат харажатларини мақсадли ва самарали ташкил қилиш бўйича молиявий назорат тизимини шакллантириш.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири бу бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдан иборат. Бунда асосий ўринни бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига эришиш масаласи эгаллайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида издан чиққан иқтисодиётни қайтадан қуриш, янги жамият бошқарув тизимини шакллантириш, аҳолини «ижтимоий ларзаларсиз» бозор муносабатларига мослаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш жуда катта маблағларни талаб этди. Лекин бу корхоналар зиммасидаги солиқ юқининг ортиб кетишига, улар иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига олиб келди. Шунинг учун кейинги йилларда асосий эътибор бюджет-солиқ сиёсатининг фақат фискал томонинигина эмас, балки узоқ муддатли истиқболга эришиш мақсадида бюджет харажатлари таркибини қайтадан кўриб чиқиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини оширишга ҳам қаратилмоқда.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Бюджет сиёсати, бюджет тактикаси, бюджет стратегияси, молия сиёсати, фискал сиёсат, очик бюджет, мувозанатли бюджет, ёпиқ бюджет сиёсати.*

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Бюджет сиёсатининг моҳияти нималардан иборат?
2. Бюджет сиёсати - молия сиёсатининг муҳим таркибий қисми тўғрисида нима дея оласиз?
3. Давлат бюджети даромадлари нималардан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги замон бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари нималарда кўринади?

## Топшириқлар

1. Ҳозирда бюджет харажатлари бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатини изоҳланг.
2. Бюджет сиёсатининг фискал сиёсат билан боғлиқлигини таҳлил қилинг.
3. Бюджет сиёсатининг тактик ва стратегик асосларини мустақил ўрганинг.

## **7-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН МУАММОЛАРИ**

### **7.1. Давлат молиясини бошқариш тизимида бюджет тақчиллигини бошқаришнинг аҳамияти ва вазифалари**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳозирги даврдаги иқтисодий-сиёсий шарт-шароитларига мос келадиган бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида шаклланимқда ва ривожланимқда.

Иқтисодиёт ривожланишининг турли босқичларида бюджет давлат сиёсатини амалга ошириш қуроли, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Бюджет давлат ҳокимиятининг кундалик масалаларини ҳам, ривожланиш истиқболларини ҳам ҳал этишдаги салоҳиятини белгилайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика бюджетини аҳамияти янада кенгайди, яъни янги тармоқлар вужудга келтиришда ва ривожлантиришда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда, мамлакат муҳофаазини мустаҳкамлашда, бошқа мамлакатлар билан яқин иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашда бюджетнинг роли беқиёсдир. Турли мамлакатларда давлат бюджетини тузиш ва ундан фойдаланишнинг бир қанча умумий хусусиятлари бор. Шу билан бирга уларнинг ҳар бири, шунингдек, бир мамлакат доирасида жамиятни ривожлантиришнинг айрим босқичларида молиявий сиёсатнинг асосий қуроли бўлган давлат бюджети таркиби ва сарфланиш мазмуни билан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов давлат бюджети интизомига риоя қилиш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаб ўтдилар. Давлат бюджети миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг бутун жараёнига хизмат қилади. Давлат бюджетида турли шаклларда тўпланган миллий даромад ишлаб чиқаришнинг турли секторлари ва бўлиналари ўртасида, тармоқлар ва мамлакат ҳудудлари ўртасида қайта тақсимланади ҳамда жамиятда моддий ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси пул билан таъминланади.

Давлат бюджети тақчиллиги – давлат томонидан маълум ва муайян бир давр давомида, яъни бюджет йилида амалга оширилган



харажатларнинг даромадлардан ортиб кетишидир. Ҳукумат мамлакатнинг шароитларидан келиб чиққан ҳолда, бюджет сиёсатини олиб боради. Бундай сиёсат мамлакатни пул потенциали доирасида ҳукуматни молиявий ишларини аниқ дастурига эга бўлиши, бюджет тақчиллиги устидан назорат ўрнатилиши ва уни қоплаш манбаларини қидиришни, жуда катта самара берадиган иқтисодий дастурларга бюджетдан маблағ ажратишни талаб этади.

Бюджетни самарали бошқариш тартиби унинг уч таркибий қисми – харажат, даромад қисмлари ва улар балансидан иборатлиги, яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қондасига кўра тузилган. Бюджетни шакллантириш, аввало, унинг харажат қисмини тузиш йўли билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажатлар қилиши мумкин эмас. Давлат, аввало, жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур маблағлар ҳажминини белгилаши ва шундан кейингина ўз кўлида бўлган бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг асосий воситаси – солиқлар ва бошқа манбалар ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2002 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисда “Биз бугун бюджет маблағларидан нечоғли самарали фойдаланаётганлигимиз тўғрисидаги масалага ҳам жиддий қарашимиз зарур. Бугун биз давлат маблағларини оқилона сарфлашнинг энг мақбул таркибига эгамиз, деб айта олмаيمиз” деб таъкидлаб ўтган эди. Шу сабабли, яқин келажақда давлат бюджетини ижро этишнинг фазначилик тизимини изчил жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш тақчилликни бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

## 7.2. Давлат бюджети тақчиллигининг келиб чиқиш сабаблари ва турлари

Маълумки, бюджет жараёнида бюджет даромадлари ва харажатлари баланслаштирилади. Лекин шунга қарамасдан мамлакатларда харажатлар даромадлардан ортиқ бўлади. Давлат бюджети тақчиллигининг пайдо бўлишига сабаб, турли соҳаларни ривожлантиришда давлатнинг роли ўсганлиги, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайганлиги, ҳарбий ва бошқарув харажатларининг кўпайганлигидир. Агар бюджет харажатлари оширилса-ю, солиқ тушумлари кўпайтирилмаса, тақчилликнинг хронологик асосда ошишига сабаб бўлади. Амалий циклнинг кризис босқичларида такрор ишлаб чиқаришнинг пасайганлиги сабабли солиқ тушумлари миқдори камаяди. Бу вақтда давлат ўз харажатларини, айниқса, ижтимоий харажатларни кўпайтиради, шунингдек, иқтисодиётнинг тармоқларини қўллаб-қувватлайди, давлат учун аҳамиятли тармоқларга инвестицияни сақлаб қолади.

Бюджет тақчиллигининг келиб чиқиш сабаблари куйидагилар бўлиши мумкин:

❖ тақчиллик давлатнинг кредит қўйилmalarини кўпайишида иқтисодиётни ривожлантириш зарурияти юзасидан келиб чиқиши мумкин, бундай ҳолат иқтисодиётда кризис ҳолатини билдирмайди, балки давлатни иқтисодий конъюктурасини тартибга солиш, прогрессив одимланишини таъминлашга қаратилган ҳаракатидан келиб чиқади;

❖ тақчиллик фавқулудда ҳолатлар натижасида келиб чиқиши мумкин, бундай ҳолатларда бюджетдаги захиралар етарли бўлмайди ва ортиқча маблағлар манбасига эҳтиёж туғилади;

❖ тақчиллик кризис ҳолатидан келиб чиқади, бунда иқтисодиёт пароканда ҳолатда бўлади, молия-кредит алоқалари самарасиз бўлиб, ҳукумат мамлакатдаги молиявий ҳолатни ўз назорати остига ололмайди.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, бюджет тақчиллиги давлат молиясини чуқур баланслаштирмасликнинг давомидир, шунингдек, пул муомаласи соҳасидаги жиддий ларзаларнинг сабаби бўлиши мумкин. «Харажатларнинг даромадлардан ортиқ бўлишидан фаол бюджет тақчиллиги пайдо бўлади, давлат даромадларининг қисқариши натижасида иқтисодий фаоллиги тушиб кетганда пайдо бўладиган тақчиллиги суест тақчиллик бўлади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Беганов В.С. и др. Финансовая политика, налоги и налогообложение. - Т.: Мир экономики и права. 1998. 25 с.

Бюджет тақчиллигининг мавжудлиги узоқ йиллар давомида мамлакат иқтисодиёти ва жамиятдаги салбий ҳодиса ва жараёнлар ифодасидир. Улар бирданга пайдо бўлиб қолмай, узоқ даврлар мобайнида вужудга келди ва оқибат натижасида иқтисодиётимизга катта таъсир кўрсатди. Булар ўз навбатида давлат бюджети ва пул муомаласида ўз ифодасини топди. Бюджет тақчиллиги инфляция жараёнининг кучайганлигини, савдо шохобчаларида аксарият маҳсулотларнинг камайиб кетганлигини, моддий бойлик ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий жабҳаларда таъминот муаммоларининг кучайганлигини ҳам билдиради.

Бир сўз билан айтганда, бюджет тақчиллиги жамиятнинг ижтимоий ривожланиши йўлидаги улкан тўсиқдир. Бюджет тақчиллиги иқтисодиётнинг баланслаштирилмаслиги, хўжалик юритишнинг экстенсив усули, ўзгалар ҳисобига яшаш, иқтисодиётнинг дотацион характердалиги, суғ (пассив) молия сиёсатини олиб бориш натижасидир.

Барча мамлакатлар учун хос бўлган бюджет тақчиллигини келтириб чиқарувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни ривожлантириш учун давлатнинг марказлашган капитал қўйилмалар ҳажмининг оширилиши;

- иқтисодий пасайиш пайтида давлат даромадларининг пасайиши ва харажатларнинг янги турларининг молиялаштирилиши;

- давлат бюджетида турли хил кўзда тутилмаган харажатларнинг пайдо бўлиши (уруш, табиий офат, юқумли касалликлар);

- мамлакатда ЯИМ нинг абсолют ва нисбий миқдори ошмасдан, давлат бюджетидан ижтимоий-маданий тадбирларга мақсадсиз маблағларнинг ажратилиши.

Жаҳон тажрибасида турли хил давлатлар турли даврларда бюджет тақчиллиги билан тўқнаш келган. Масалан, ўтган асрни 80-йилларининг охирида харажатларга нисбатан бюджет тақчиллиги Францияда -9,6%, АҚШда - 11,6%, Германияда - 14%, Японияда - 15,6%, Италияда - 25,2 %ни ташкил этган.

Собик Иттифокда маъмурий-бўйруқбозлик йилларида Давлат бюджети камомати узоқ вақтларгача мустақил иқтисодий категория сифатида тан олинмади. Давлат бюджети фондини шакллантиришда молиявий ресурсларга бўлган талабдан келиб чиқиб, кейин уларни молиялаштириш учун тўлайдиган маблағлар қидириб топилди ва шу асосида давлатнинг молиявий манфаатлари таъминланди. Давлат иқтисодиёти ҳеч қанақа тўхташларсиз, бир текисда маъмурий бўйруқбозлик асосида ривожланиб бориши даромадлар ва хара-

жатлар орасида “касаллик” аломатларини аниқ кўрсатмади. Аммо, кўп ўтмай собиқ Иттифокда бюджет тақчиллиги юзага чиқа бошлади.

Дастлабки йиллардаги давлат бюджети камомати жамғарма кассаларидаги маблағлар, ҳаётни узоқ муддатга сугурта қилдиришга бадал ўсиши ва аҳоли ўртасида давлатнинг ички ютуқли заём – облигацияларини чиқариш ҳисобига қоплаб борилди. Бу турдаги қарзлар мавжуд ресурсларни яна қайта тақсимлаш бўлгани учун молиявий – моддий балансининг бузилишига олиб келмади, аммо бу жараён давлат қарзларининг ўсишига олиб келди. 1986 йилда бюджет тақчиллигининг жуда тез суръатда ўсиб кетиши (45,5 млрд рубль) Иттифок молия тизимини парокандалик ҳолатини бошлаб берди.

Адабиётларда кўрсатилишича, социалистик мамлакатлар учун уларнинг иқтисодий режа асосида ривожланишидан келиб чиққан ҳолда, бюджет тақчиллиги уларга ёт, деб тушунтирилар эди. Шунга қарамасдан собиқ Иттифок бюджети ҳар йили тақчиллик билан яқунланди.

Давлат бюджети тақчиллигининг келиб чиқиш сабаби, аввало 12-беш йиллик режасини кўрсатмасига биноан, мамлакат мавжуд потенциалини ҳисобга олмай, иқтисодий ўсишни тезлатиш концепциясидир. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий соҳанинг ривожланиши жуда орқада қолиши, давлат сиёсатини барқарорлаштириш ва жамият ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий-маданий эҳтиёжлар харажатларини кўпайтиришни талаб этади. Бу ўсиш мамлакат ташқи иқтисодий операцияларидан даромаднинг камайиши, хомашё ресурсларига жаҳон баҳосининг пасайиб кетиши, вино ичимликларидан келадиган айланма солиқни тушиб кетиши бюджет камоматини кўпайтириб юборди. Даромаддан ошиб кетган харажатларни давлат банки кредити томонидан молиялаштириш, моддий манбалар билан таъминланмаган иқтисодиётнинг тўлов қобилиятларини ва эҳтиёжларини кескин ошириб юборди, бу эса халқ хўжалигида инфляция жараёнини келтириб чиқарди.

Бюджет тақчиллигининг икки турини бир-биридан фарқлаш лозим, бирламчи ёки фойзсиз тақчиллик ва давлат қарзлари бўйича фойзлар тўловлари.

**Умумий тақчиллик = бирламчи тақчиллик + фойз тўловлари**

Бирламчи тақчиллик ёки ижобий қолдиқ фойз тўловларидан ташқари, барча давлат харажатларидан давлат даромадларининг айрилганига тенг. Бирламчи тақчиллик фойзсиз тақчиллик ҳам деб аталади.

### **Бирламчи тақчиллик =фоизсиз харажатлар – умумий даромадлар**

Юқоридаги иккала кўрсаткич орасидаги фарқ давлатнинг бюджет бўйича қарзини акс эттиради. Агар қарз ёпилмаган бўлса, унда фоиз тўлаш лозим бўлади. Бирламчи актив қолдиққа нисбатан қарзлар бўйича фоиз тўловлари юқори бўлса, унда умумий бюджет тақчиллиги бўлади.

Шундай қилиб, бюджет тақчиллиги муаммоси наинки, пул муомаласининг мураккаб комплексли масалаларига балки, бюджет сиёсати, давлатнинг иқтисодийёта, шунингдек, ижтимоий соҳа жа- раёнларига самарали таъсир этишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

### **7.3.Бюджет тақчиллиги тўғрисидаги концепциялар ва назариялар**


Ҳозирги даврда бюджетни тартибга солиш масаласи ҳар қандай ҳукуматнинг олдида турувчи марказий муаммолардан бирига айланди. Давлат бюджети тақчиллигига тааллуқли концепциялар – тақчиллик ривожланиши билан боғлиқ асосий тамойил ва анъаналар, шунингдек, уларни тартибга солиш, молиялаштириш манбалари билан таъминлаш орқали кўрилган чора-тадбирлардир. Жаҳонда бу муаммони ҳал қилиш учун бир қанча концепциялар, ғоялар, ёндашувлар, механизмлар ишлаб чиқилган.

Иқтисодчилар ҳозиргача бюджет тақчиллиги ҳолатига ижобий ёки салбий эканлиги тўғрисидаги баҳс ва мунозараларга дуч келмоқдалар. Бу муаммони ҳал қилиш бўйича жаҳонда бир-бирига зид бўлган бир қанча концепциялар мавжуд (9-чизма).

Доимий ёки ҳар йили баланслаштириладиган бюджет ғоясига кўра, бюджет ҳар йили даромадлар ва харажатларнинг тенглиги асосида тузилиши шарт. Ҳар йили баланслаштирилган бюджет концепцияси бўйича бюджет тузишда унинг даромадлари ва харажатлари тенг бўлиши шарт эди. Лекин ҳар йили бюджетни баланслаштириш иқтисодий танглик тебранишини кучайтиради. Давлат бюджетни баланслаштириш мақсадида солиқ ставкаларини кўпайтиради, харажатларини камайтиради ёки иккала усулни бирга қўллайди.

Бюджетни баланслаштириш мақсадида ҳукумат биринчидан, солиқ ставкасини оширади, давлат харажатларини қисқартиради ва учинчидан иккаласини уйғунликда амалга оширади.

## Бюджет тақчиллиги тўғрисидаги концепциялар



Бу тадбирлар иқтисодиётдаги ялпи талабни рағбатлантириш эмас, балки уни қисқартиришга олиб келиши мумкин. Ҳар йили баланслаштирилган бюджет инфляция суръатларини тезлаштиради, иқтисодий ўсиш даврида пул даромадлари ортади. Ҳар йили баланслаштирилган бюджет ўтган асрнинг 30-йилларидаги «Улуғ депрессия» гача давлат молиясини бошқаришда умумжаҳон микёсида тан олинди. Яқин-яқингача ушбу ёндашув молия сиёсатининг мақсади ҳисобланди. Аммо бу ёндашувни чуқурроқ ва атрофлича кўриб чиқадиган бўлсак, унинг иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган фискал сиёсатининг самарадорлигини пасайтириб юборишини кўришимиз мумкин. Фараз қилайлик, иқтисодиёт сурункали ишсизлик билан тўқнаш келади, табиийки, аҳоли даромадлари бундай вазиятда, пасаяди. Бундай вазиятда албатта, давлат бюджетини, баланслаштириш учун солиқ ставкасини ошириш ёки давлат харажатларини камайгириш лозим бўлади.

Ҳозирда кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрлари бўйича, баъзи бир сабабларга кўра, бюджетнинг ижобий ёки салбий қолдиққа эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундай муаммоларга қарамасдан, кўпчилик давлатларда баланслаштирилган бюджет концепциясининг турли шакллари орқали қўллаб-қувватлаш, жумладан, Францияда XX асрнинг 70-80 йилларида намоён этилди. Францияда

баланслаштирилган бюджет концепциясининг тамойили қонунда қайд этилган, бюджет тақчиллиги бўлиши ман этилган.

Мазкур тамойил муваффақиятли амалга оширилди, лекин вақт ўтиши билан бюджет тақчиллигига эришиш қийинлаша борди. Шунда уни тўғрилаш йўллари кидирила бошланди, ҳар йили баланслаштирилган бюджет тузилди ва қабул қилинган йил охирига яқинлашгач, кўшимча бюджет тузилди. Дастлабки кўшимча бюджет миқдори катта эмас эди, лекин йил ўтган сари у катталаша борди. Шундай қилиб, бу мамлакатларда баланслаштирилган бюджет ҳаёт текширувидан ўтмади. 1990 йилларга келиб катта бюджет тақчиллиги юзага келди ва иқтисодчи олимларнинг долзарб муаммоларига айланди.

Кўпгина иқтисодчилар давлат молиясини самарали бошқариш ва давлат бюджетини баланслаштиришдан воз кечиш зарурлигини билдирди. С.Слихтер, В.Катчинес каби иқтисодчилар кўп ҳаракат қилиш ва давлат бюджети тақчиллигидан кўркиш керак эмаслигини уқтирдилар. Иқтисодиётдаги таназулдан сўнг, бюджет даромад ва харажатлари балансга эга бўлиши керак, деб ҳисобладилар. Бундай шароитда давлат бюджетининг цикл асосида баланслаштирилиши концепцияси келиб чиқди.

Бюджетни доиравий асосда баланслаштириш ғоясига кўра, давлатнинг молиявий сиёсати имкони борича иқтисодий жараёнлар билан мос равишда амалга оширилиши зарур. Иқтисодий танглик ва турғунлик даврида содир бўлган тақчиллик иқтисодий ўсиш йилларида юзага келадиган тақчилликни қоплашга ишлатилади. Бу ғоянинг асосий муаммоси шундан иборатки, иқтисодий ўсиш ва инкирозлар иқтисодий доирада бир хил бўлмаслиги мумкин, шунинг учун иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммоси бюджетни баланслаштириш муаммосига қарши чиқади. Масалан, йирик иқтисодий инкироз натижасида юзага келадиган бюджет тақчиллигини қисқа муддатли иқтисодий ўсиш жараёнида вужудга келадиган бюджет профицити ёки ижобий қолдиқ билан қоплаш етарли бўлмайди.

С. Меланднинг фикрича, давлатнинг молия сиёсати илжи борича, иқтисодий ритм билан синхронлашуви керак. Таназул ва депрессия вақтида юз берадиган камомад юксалиш давридаги вужудга келадиган бюджет профицити ҳисобига қопланиши керак. Бюджетнинг «цикл асосида баланслаштирилган бюджет» назарияси, цикл асосида баланслаштириш орқали ҳукумат цикл сиёсатига қарши туради ва бир вақтнинг ўзида бюджетни баланслаштиради. Шунда бюджет ҳар йили балансга эга бўлиши мумкин эмас. Унинг

иктисодий цикл давомида баланслашуви етарлидир. Бу бюджет тақчиллиги тўғрисидаги концепциянинг асоси жуда содда, аниқ ва қизиқарлидир. Ҳукумат иктисодиёт ривожланишининг пасайишини олдини олиш учун солиқларни камайтиради, харажатларни оширади, натижада бюджет тақчиллигини ҳосил қилади. Келгуси инфляция юксалиш даврида солиқни кўпайтиради ва ҳукумат харажатларини қисқартиради. Шу асосда ҳосил қилинган ижобий қолдиқ иктисодиётдаги ҳолатни пасайиш даврида ҳосил бўлган фарқни қоплаш учун ишлатилиши мумкин. Аммо буларни амалга ошириш жами талабни янада пасайишига олиб келади. Иккинчи концепциядаги энг асосий муаммо шундан иборатки, иктисодий фаолиятнинг кўтарилиши ва таназзул вақт давомийлиги нуктаи назаридан фарқ қилади. Масалан, таназзул даври 3 йил, юксалиш даври 2 йил бўлиши мумкин, унда 3 йилда юзага келтирилган дефицит миқдорини 2 йилда пайдо бўлган бюджетнинг «ижобий сальдо»си билан қоплаб бўлмайди.

Давлат молиясини бошқаришда иктисодий юксалиш ва иктисодий динамика назарияларини ривожланиши билан капитал жамғаришни тезлаштирувчи янги, кўпроқ самара берувчи воситалар қидирилди. Бюджет сиёсатини амалга ошириш ва иктисодий билимлар ичида ўз ўрнига эга бўлган функционал молия ғояси асосида бюджет эмас, балки иктисодиёт баланслаштирилиши керак, деган қонда молиянинг дастлабки вазифаси, деб қабул қилинган. Функционал молия ғояси янги бўлишига қарамасдан, иктисодиёт ва бюджет сиёсатида муҳим ўринни эгаллаган. Шу ўринда иктисодчи олим Р.Линдкольм фикрини келтириб ўтиш ўринли бўлади: «молиянинг эски қондаси бўйича бюджет баланслаштирилиши керак эди, янги қонда бўйича эса бюджет иктисодиётни баланслаштирилиши керак». Мазкур назарияга кўра, бюджетни ҳар йили ёки доиравий асосда баланслаштириш иккиламчи масаладир.

Давлат молиясининг биринчи мақсади – бу ноинфляцияли тўла бандликни таъминлашдир, яъни бюджетни эмас, балки иктисодиётни баланслаштиришдир. Ҳатто бунга эришиш учун баъзан давлат қарзлари ўсиши кутилса-да, давлат бюджети тақчиллиги муаммолари узоқ муддатли инқирозлар ва инфляция олдида иккинчи даражалидир. Шунинг учун давлат бюджети макроиктисодий барқарорликни таъминловчи энг асосий воситадир.

Мазкур концепция биринчи марта XX асрнинг 60-70 йилларида ГФРда ўз тажрибасини намойиш этди, давлат молиясини бошқариш соҳасидаги фаолияти биринчи навбатдаги бюджетни ба-



ланслаштиришга эмас, балки иқтисодиётдаги тенгликни таъминлашга хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, бюджет камомати тўғрисида ҳар хил қарашлар мавжуд. Кимдир ҳар қандай шароитда унинг бўлмаслигини ёқлайди, кимдир маълум иқтисодий цикл даврида бўлиши мумкин деб қарайди. Кимдир бу масалага биринчи даражали аҳамият бермайди, чунки давлат молиясининг асосий мақсади давлат бюджетини баланслаштириш эмас, балки иқтисодиётни баланслаштиришдир.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, дунёдаги ҳеч бир мамлакат ўзининг иқтисодий ривожланиш босқичларида бирор концепцияга қатъий риоя этмаган, чунки бюджет ҳолати муаммосини ечиш турлича ёндашувни талаб этади. Иқтисодиётни тўлиқ барқарорлаштириш учун тақчилликнинг олдини олиш мақсадида давлат харажатларини қайта кўриб чиқиш ва камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий иқтисодчилардан бири, Ж.М.Кейнс ҳам иқтисодий ўсишни дадиллаштириш ва тўла бандликни таъминлаш мақсадида тақчилликни молиялаштириш сиёсатини амалга оширишни таклиф қилган. Бюджет тақчиллиги фавқулудда ҳолатлар - урушлар, табиий офатларда доимий захиралар етарли бўлмай қолиши ва махсус манбаларга мурожаат қилишга мажбур бўлиш натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Табиийки, бундай ҳолатларда бюджет тақчиллиги пайдо бўлади.

Юқоридаги илмий қарашларни таҳлил қилиб, биз бугунги кунда кўпчилик мамлакатлар амалиётида устувор аҳамият касб этаётган функционал молия гоёсининг бизнинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун афзал эканлигини айтиб ўтмоқчимиз.

#### **7.4. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари**

Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ҳам ички, ҳам ташқи қарзлардан фойдаланиш мумкин. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда қарзли молиялаштириш ноинфляцион манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига асосан, давлат бюджетининг тақчиллиги ёки унинг бир қисмини маҳаллий ёки халқаро молия бозорларидан олган қарз мажбуриятлари ҳисобига ёки давлатнинг молиявий инструменти эмиссия ҳисобига молиялаштириш ҳуқуқи мавжуд.


Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бюджет тақчиллигининг ўрнини қоплаш мақсадида кредит олинishi мумкинлиги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида»ги Қонуннинг

48-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унда айтилишича, кредитлар ҳукуматга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган миқдорда, эркин муомалада бўладиган ва олти ойлик муддат ичида қиймати тўланадиган қарз мажбуриятлари кўринишида, тасдиқланган давлат қимматли коғозлари гаровга қўйилиш шарти билан берилади. Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси давлатнинг ички қарзлари дейилади. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунида Давлат қарзи – давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси, деб таъриф берилади.

Давлат томонидан хориждан маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси давлатнинг ташқи қарзлари дейилади. Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш активларни ички манбалардан резидент-юрidik ва жисмоний шахслардан жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини – қарзларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келишидир. Давлат томонидан хориждан маблағни жалб қилиш – активларни хориж манбалардан (чет эл давлатларидан, норезидент юрidik шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини - қарзларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келишини тушунамиз.

Давлат томонидан ички ва ташқи маблағ жалб қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат (10-чизма):

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг Давлат томонидан маблағ жалб қилиш, деб номланган 40-моддасида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси келгуси молия йили учун Давлат бюджети қабул қилинаётганда давлат ички ва ташқи қарзининг энг юқори миқдорини тасдиқлайди. Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишга ҳамда давлат қарзи кўпайишига олий келадиган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан амалга оширилади.

**Давлат томонидан ички ва ташқи маблағ жалб қилиш йўналишлари**

Дунё амалиётида давлат томонидан пул ресурсларини қарз олишни амалга оширишнинг бир нечта мақсадлари бўлади, кўпинча, давлат харажатларини молиялаштиришни солиқлар ва солиқсиз тушумлардан вақтинчалик ундирилмаган миқдорини қоплаш мақсадида ҳамда мажбуриятларни кўпайтириш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида қарз олинади. Давлат томонидан давлат харажатларини молиялаштириш мақсадида олинган қарзлар инвестиция ва тақчиллик харажатларига бўлинади.

Давлат томонидан олинаётган қарзлар бу давлат харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағларини молия бозорларидан қарз олиш йўли билан жалб қилишдаги давлатнинг молиявий фаолиятidir. Давлат олаётган қарзлари — давлат номидан қарз олишни амалга ошириш ваколатини олган давлат органларининг қарз мажбуриятлари ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, улар давлатнинг қарздорлик қимматли қоғозлари бўлади ва бозорда эркин айланиши мумкин бўлади. Давлат қарзлари иккита вазифани бажаради: давлат ғазнасига пул маблағларини жалб этиш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришдир. Америкалик иқтисодчи олим, Линвуд Гайгернинг фикрича, «қарз ҳисобига тақчилликни молиялаштириш иқтисодиётга куйидагича таъсир кўрсатади: пул массасини қисқартиради ва фоиз ставкаси даражасини кўтарди, шунга боғлиқ ҳолда бир томондан хусусий инвестициялар даражасини пасайишини келтириб чиқаради (сикиб чиқариш омили), ташқи савдо балансини ёмонлаштиради, бошқа томондан инфляция босимини пасайтиради, миллий валюта курсини кўтарди, сақлаб қўйилган маблағларни ишлатади»<sup>1</sup>.

Давлат бюджети тақчиллигини ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириш, жорий харажатлар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун зарур бўладиган чет эл валютасини бюджетга келиб тушишини таъминлайди. Ташқи қарзлар таркибининг яхшиланиб бориши, Ўзбекистонни махсус халқаро кредит ташкилотлари олдидagi кредит рейтингини оширади.

Ташқи қарзлар орқали молиялаштириш мамлакат учун зарур маблағларни ташқи манбалардан жалб қилишни назарда тутати ва бу капитал етишмовчилиги каби муаммони ҳал қилиш имконини беради. Шунинг билан бирга, ташқи қарзлар эвазига ишлаб чиқариш қувватларини замонавий жиҳозлар билан таъминлайди, халқаро ташкилотлардан паст фонзлар эвазига олинган қарзлар ички иқ-

<sup>1</sup> Л.Гайгер. Макроэкономическая теория и переходная экономика. -М.: Инфра-М. стр. 218.

тисодий ва ижтимоий инфратузилмани яхшилайти, ижтимоий тангликни юмшатишга таъсир этади.

Ташқи қарзлар орқали бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ижобий томонлари билан биргаликда, миллий иқтисодиётга жиддий салбий таъсирини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Биринчидан, ташқи қарзлар бўйича фоиз тўловларининг ортиши билан бюджетда бу қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича янги харажатларни келтириб чиқаради. Бу турдаги харажатларнинг ортиши бюджет тақчиллигини ортишига олиб келувчи жиддий омилга айланиши билан, ташқи қарзлар ва тақчиллик бир-бирини келтириб чиқарувчи ўзаро боғлиқ муаммо сифатида ёндашишни талаб этади. Иккинчидан, мамлакат миллий бойлигининг маълум қисмини чет эллик фуқаро ва фирмалар қўлига ўтиб кетишига олиб келади. Ва ниҳоят, кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича, мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини пасайтириб, иқтисодий ўсишни чеклайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида таъкидланганидек, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Иқтисодий адабиётларда тақчилликни молиялаштириш учта йирик гуруҳга бўлиб ақс эттирилади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг эмиссияли ва қарзли молиялаштириш усули билан бирга, яна бир ноинфляциян усул давлат активларини сотиш орқали тақчилликнинг маълум қисми молиялаштирилади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришни ҳар қайси ҳолатининг иқтисодиётга таъсири бир хил бўлмайди, шунинг учун манбаларни тахлил қилиш ва ҳар бир манбани алоҳида кўриб чиқишни тақозо этади.

Ҳап шундаки, давлат молиявий ресурсларини қайси манбалар ҳисобидан қоплаши бутун иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиши ва пул муомаласи учун катта аҳамиятга эгадир. Инфляцияга қарши тадбирларнинг мураккаблиги шундаки, уларни амалга ошириш давлат харажатларини қисқартиришни, кредитнинг қимматлашиши ва пул массасининг қисқаришини талаб этади. Бу эса ялпи талабнинг қисқаришига, капитал қўйилмаларнинг камайишига, иш фаолиятнинг тушиб кетишига ва ишсизликнинг кўпайишига олиб келади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети  
тақчиллигини молиялаштириш манбалари**

Бўлим	Банд	Молиялаштиришнинг манбалари
50	0	Молиялаштиришнинг ички манбалари
	1	Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар
	2	Марказий банк кредитлари
	3	Давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан маблағлар
	4	Республика бюджети маблағлари қолдиғи
	5	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари қолдиғи
	6	Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари қолдиғи
	7	Йўл жамғармаси маблағлари қолдиғи
	8	Давлат мулки кўмитасининг махсус ҳисоб рақам маблағлари
	9	Бошқа ички манбалардан маблағ жалб қилиш
	0	Молиялаштиришнинг ташқи манбалари
	1	Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар
	2	Халқаро молия институтларининг ва ташкилотларнинг кредитлари
	3	Хорижий давлатлар кредитлари
	4	Бошқа ташқи манбалардан маблағ жалб қилиш

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 15 октябрдаги 112-сон буйруғи. Давлат молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, 3- жилд, -Т.: «Ўзбекистон», 2002.

Мамлакат харажатларини қарзлар эвазига молиялаштириш масаласини ўрганишда, бу қарзли маблағларни қайси йўналишларга сарфланаётганлигини жиддий таҳлил қилиш лозим. Чунки олинаётган қарзларнинг инсон капитали ва ишлаб чиқаришга инвестициялаш ижобий натижалар беради, аммо олинган қарзларнинг самарасиз соҳаларга жалб қилиниши иқтисодий таназулга ва чет мамлакатларга қарамлик олиб келади. Ўзбекистон Республикасида ташқи қарзлардан фойдаланишда маблағларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш йўналишларига тўғри сарфланишига эътибор берилиши керак.

## 7.5. Бюджет тақчиллигини камайтириш муаммолари ва ечимлари

Бюджет сиёсатининг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида, давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборат.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан бюджет тақчиллигини маълум нисбатда ушлаб туриш ва уни тартибга солиш, бюджет маблағларини сарфлашда мақсадли, самарали ва оқилона ишлатишга риоя этиш билан бирга даромадларни ўз вақтида тушириш бюджет ижросини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидланганларидек, иқтисодий ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш ва камомад ўртасида энг қулай бўлган мутаносибликни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу мутаносиблик, албатта, истемол ва иқтисодий қайта қуриш харажатларинигина қисқартириш эвазигагина бўлиши нотўғридир. Чунки у иқтисодий ислохотларнинг чўзилиб кетишига олиб келади. Бюджетдаги тақчиллик фақат иқтисодий молиявий соғломлаштириш бўйича амалга ошириладиган катта тадбирлар орқали барҳам бериш, яъни етиштирилган хом ашё ва материалларни шу ернинг ўзида тугал қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришни йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин.

Маълумотларга кўра, «2006 йил якунлари бўйича бюджетга 4 триллион 380 миллиард сўмдан ортиқ маблағ келиб тушди. Бюджет даромадлари 2005 йилга қараганда 27,7 фоизга ошганлиги маълум бўлди. Бунда бевосита солиқлар бўйича тушум камида 1,05 триллион сўмни ташкил этди. Давлат бюджети даромадларини (мақсадли жамғармалардан ташқари) прогноздаги маълумотларга нисбатан 3,1 фоизга оширишни таъминлаш имконини берди, Давлат бюджети ЯИМ нинг 0,5 фоиз профицити билан ижро этилди».<sup>1</sup>

Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг пул-кредит эмиссияси, давлат заёмларини чиқариш, давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириш усуллари мавжуд. Бюджет тақчиллигини камайтириш усуллари муо-

<sup>1</sup> 2006 йил Давлат бюджети қандай тўлдирилди? Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг кутилаётган маълумотлари асосида тайёрланган. //Халқ сўзи. 2007 йил 24 январь.

маладаги пул маблағларини олиб қўйиш ва давлат қарзларини тўлаш киради»<sup>1</sup>. Ҳукумат мамлакатнинг шароитларидан келиб чиққан ҳолда, бюджет сиёсатини олиб боради. Бундай сиёсат мамлакатни пул потенциали доирасида ҳукуматни молиявий ишларининг аниқ дастурига эга бўлишни, бюджет камомади устидан назорат ўрнатилиши ва уни қоплаш манбаларини қидиришни, жуда катта самара берадиган иқтисодий дастурларга бюджетдан маблағ ажратишни талаб этади. Шунга қарамадан давлат харажатлари таркибини қайта кўриб чиқиш ва молиялаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 490-сонли Қарорига асосан, 2002 бюджет йилида республикада асосий молиявий сиёсат йўналишлари қуйидагича ақс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг чегаравий тақчиллиги мамлакатимиздаги ЯИМ га нисбатан 2 фоиз қилиб белгиланди ва мазкур тақчилликни қоплаш манбалари қуйидаги ресурслар ҳисобига таъминлаш кўзда тутилган. Мавжуд тақчилликнинг 0,5 фоизи Марказий банк кредитлари ва 1,5 фоизи давлатнинг қисқа муддатли мажбуриятлари ҳисобидан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 ноябрдаги 610-сонли қарорига асосан, 2005 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тақчиллиги мамлакатимиздаги ЯИМга нисбатан 1 фоиз қилиб белгиланди. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш фақат кадрсизланмайдиган манбалар, шу жумладан, давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинadиган тушумлар, давлат облигациялари, республика бюджети маблағларининг 2005 йил бошидаги қолдиқлари ва хориждан маблағ жалб қилиш ҳисобига амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йил 18 декабрдаги 532-сонли Қарорига асосан: «2007 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тақчиллиги мамлакатимиздаги ЯИМ га нисбатан 1 фоиз қилиб белгиланди ва мазкур тақчилликни қуйидаги ресурслар ҳисобига таъминлаш кўзда тутилган.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш республика бюджети маблағларининг 2007 йил 1 январь ҳолатидаги қолдиқлари ва белгиланган айланма касса маблағларининг меъёридан ошган қисми ҳисобига, давлатнинг мақсадли жамғармаларининг 2007

<sup>1</sup> Ахмедов Д.К. Макроиқтисодиёт. –Т.: ТДИУ. 2004. -121б.



Йил 1 январь ҳолатидаги қолдиқлари (Пенсия жамғармаси, Молия вазирлигидаги мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари) ҳисобига ва кадрсизланмайдиган бошқа манбалар ҳисобига таъминланади»<sup>1</sup>.

Мазкур манбаларнинг иқтисодий тузилишидан маълум бўлмоқдаки, ушбу молиявий манбалар миллий валютанинг кадрсизланишига бевосита таъсир этмайдиган ресурслардан таркиб топган.

Бюджет харажатларини камайтириш – энг осон ва энг оғир йўлдир. Давлат фақат зарур бўлган чора-тадбирларни молиялаштиради. Шунингдек, жамиятда зарур хизматларнинг кескин камайиши кузатилади. Бундай қадамлар жамиятда ижтимоий кескинликка олиб келиб унинг сиёсий барқарорлигини бузади. Шунинг учун ҳукумат агар бошқа давлат бюджетининг тақчиллигини бошқариш усулларини бажара олмаса, ижтимоий дастурларни қисқартириш йўли энг охирида ишлатилади.

Бюджет даромадларининг ортиши – табиийки энг яхши йўлдир, лекин ҳақиқатда бу муаммони ечиш жуда қийин. Бизга маълумки, инфляция ўсиши билан хўжалик субъектларининг ва фуқаролар даромадларининг абсолют суммаси ошади, демак, шу даромадлардан солиқлар тушуми ҳам ортиб боради. Аммо инфляциянинг ўсиши билан бюджетнинг харажатлари ҳам ортади.

Дунё тажрибаси кўрсатганидек, бюджет харажатлари солиқ тушумларига нисбатан тезроқ ўсади ва тақчиллик қисқармайди, аксинча, ортади. Бунинг сабаби оддий: харажатларни ҳозир қилиш керак ва бугунги нархда, аммо солиқлар ҳар доим ўтган даромадлардан олинади. Эски нархларда шакллантирилган солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши эса аҳолининг меҳнатга бўлган рағбатини сўндириши ва ишлаб чиқаришни секинлаштириши мумкин.

Республикамызда ўтказилаётган ислохотларнинг биринчи босқичида бюджет сиёсати иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий қайта куриш шароитларида давлат томонидан барча зарур харажатларни амалга ошириш учун даромадларни таъминлаши зарур эди.

Бюджет ислохотлари давомида бюджет сиёсатида янги йўналишлар ишлаб чиқилди, улар жамланма бюджетни тузишда амалга оширила бошлади. Шу даврда давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмлари қайта кўриб чиқилди, бюджет қонунчилиги ишлаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532 сон Қарори.

чиқилди. Пул ислоҳоти миллий валюта — сўмни муомалага кири-тиш, пул муомаласини тартибга солиш, пул-кредит сиёсатини мустақамлаш бюджетнинг баланслиги вазифаларини ҳал қилишга имконият яратди.

Давлат бюджети тақчиллигини маълум даражада камайтириш сиёсатининг олиб борилиши, харажатларда маблағларни тежамкорликка риоя этиш билан даромадларни бюджетга ўз вақтида тушириш сиёсати бюджет ижросида яхши натижалар берди. Бюджет сиёсатининг асосий йўналиши ва долзарб муаммоларидан бири — бюджет тақчиллигини маълум нисбатда ушлаб туриш, уни тартибга солиш усулларини ривожлантириш деб аниқланди. Бунда ҳал этиладиган устувор масалалар сифатида куйидагилар белгиланди:

- ◆ давлат бюджети маблағларини сарфлашда самарали ва мақсадга мувофиқ ишлатишга эътибор бериш ва иқтисодий тежамкорлик устидан назорат ўрнатиш;

- ◆ баҳоларнинг ўсишидан аҳолини ҳимоя қилиш ва кам таъминланган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- ◆ моддий ишлаб чиқариш тармоқларини бюджетдан молиялаштиришдан воз кечиш, кредит ва инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали иқтисодиётнинг энг керакли соҳаларга бюджетдан имтиёзли кредит бериш;

- ◆ иқтисодиётни таркибий қайта қуриш билан боғлиқ қўшимча харажатлар заруриятини ҳисобга олиш ва ижтимоий дастурларни молиялаштиришни қайта кўриб чиқиш;

- ◆ давлат бюджетидида солиқсиз даромадларни кўпайтириш ва кўп даромадли солиқ тўловчиларга мос солиқ тизимини такомиллаштириш;

- ◆ республика ва ҳудудлар ўртасида бюджет муносабатларини такомиллаштириш;

- ◆ даромад ва харажатларни тақсимлашда маҳаллий бюджетлар ҳиссасини кўпайтиришга ҳаракат қилиш.

Юқоридагидек тадбирлар ва олиб борилган бюджет сиёсати давлат бюджети тақчиллигини тартиблайди.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, бюджет тақчиллиги муаммоси наинки, пул муомаласининг мураккаб комплексли масалаларига, балки, бюджет сиёсати, давлатнинг иқтисодиётга, шунингдек, ижтимоий соҳа жараёнларига самарали таъсир этишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Маълумки, биз «баъзи мамлакатлар бюджетидидаги тақчилликни барқарор иқтисодиёт деб талқин қилар эдик, лекин дунёда ҳеч бир давлат йўқки, у ёки бу даврда бюджет тақчиллиги билан тўқнаш келма-

син. Умуман олганда, бюджет тақчиллиги объектив нарса ва уни ўз вақтида молиялаштириш зарур. Аммо, тўғри келган услуб билан эмас, балки андозали ва самарали усуллар билан молиялаштирилади»<sup>1</sup>.

Бюджет тақчиллигини бошқаришда қуйидаги талабларга эътибор бериш лозим:

- ❖ миллий валюта барқарорлигини бошқаришда аниқ дастурларни ишлаб чиқиш;

- ❖ бюджет тақчиллигини қоплашнинг самарали йўллари кидириб топиш;

- ❖ давлат бюджети ҳисобидан тармоқлар иқтисодиётини молиялаштиришни қисқартириш;

- ❖ ҳарбий харажатларга маблағни оқилона сарфлаш.

Ҳозирги кунда давлат бюджетини тартибга солиш масаласи давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятининг муаммоли ва долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бюджет тақчиллигини қоплашнинг асосий манбаларини топишимиз керак бўлади. Ўзбекистон шароитида бюджет тақчиллигини камайтириш иқтисодиётда мутаносибликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, газначиликда эркин маблағларни самарали бошқаришни амалга ошириш учун, республика молия бозорларида газначилик хизмати турларини кенгайтириш лозим. Давлат бюджетининг эркин маблағларини банк активларига ва бошқа депозитларга қўйиш ички кредит олувчиларни рағбатлантиради, бунинг натижасида Давлат бюджети даромадлари қўшимча равишда ўсади, деб ўйлаймиз.

Республикамыз мустақилликка эришган пайтдан бошлаб, давлатимиз раҳбарияти молия-бюджет сиёсатини халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга, мулкчиликнинг турли хилларини шакллантиришга, бюджет тақчилигини жаҳон андозасига мос келтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтириб келмоқда. Шу аснода ҳар бир молия йилида реал вазиятдан ва иқтисодий имкониятдан келиб чиқиб, мамлакат миқёсида йиллик бюджет сиёсати дастурлари қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон шароитида бюджет тақчиллигини камайтириш иқтисодиётда мутаносибликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бунинг учун эса бошқарув харажатларини қисқартириш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларини қоплаш учун маблағ ажратилишини тугатиш, ишлаб чиқариш тармоқларини ри-

<sup>1</sup> Жумаев Н., Бурхонов У. Молиянинг долзарб муаммолари. Монография. Тошкент, 2006. 38 б.

ножлантиришга маркашлаштирилган тарзда маблағ ажратишни чеклаш, бюджет харажатларини кескин ўсишини чегаралаб қўйиш ҳамда харажатларни оптималлаштириш сиёсати олиб борилмоқда.

Давлат бюджетида тақчилликнинг бўлиши нормал ҳолат деб қиралмайди, аммо унинг бўлишига иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан натижа сифатида ёндашиш мумкин. Чунки бюджетнинг баланс ҳолда бўлиши жуда кам учрайдиган ҳолат эканлиги дунё мамлакатлари бюджетини кузатиб кўришимиз мумкин. Шунинг учун биз тақчиллик бўлиш чегараларини белгилаб олишимиз керак. Чегарадан чиқадиغان, ўсиб боровчи, узок давом этувчи характердаги тақчилликка қарши курашишимиз керак. Давлат бюжети тақчиллигини камайтириш қуйидаги тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

\* бюджет маблағларининг инвестицион йўналишини ўзгартириш ва энг кўп самара берадиган лойиҳаларни бюджетдан молиялаштириш;

\* хўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи молиявий имтиёз кенг фойдаланиш;

\* Давлат бюджетидан молиялаштиришни ва давлатнинг иқтисодиёт соҳаларига аралашувини кескин қисқартириш;

\* ҳарбий харажатларни самарали бошқариш;

\* энг муҳим ижтимоий дастурларни молиялаштириш;

\* йирик бюджет харажатларни талаб этувчи дастурларни қабул қилишни тўхтатиб туриш.

Бюджет тақчиллигини камайтириш дастурига шундай чоратадбирларни киритиш керакки, улар бир томондан, пул маблағларини мамлакат бюджет фондларига жалб қилишга, иккинчи томондан, давлат харажатларини камайтиришга ёрдам бериши мумкин, бўлсин. Бозор иқтисодиётида давлатнинг молиявий ресурсларни бошқариши аҳамияти бекиёс ҳисобланади, шу сабабли республикамизда Давлат бюджетни ижросини амалга оширишда ғазначилик тизимига ўтиш зарурияти пайдо бўлди.

Ғазначилик тизимининг фаолияти нафақат давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини мунтазам бошқариш имкониятини яратади, балки улар устидан самарали назорат қилиш имконини ҳам беради.

Бошқача қилиб айтганда, ривожланган молия тизимини шакллантиришда давлат молиявий ресурсларини малакали бошқариш ва бюджетни тўхтовсиз ижро этиш ҳамда бюджет маблағларини олувчилар томонидан маблағларни мақсадли ишлатилишини назорат қилишни таъминлайди. Охириги йилларда кўпчилик мамлакатларда ғаз-

начилик органлари ўзларининг турли даражадаги бюджетлар ижросини таъминлаш каби асосий функцияларидан ташқари, умуман давлат молия тизимида фаолроқ рол ўйнамоқда. Улар иқтисодий ва давлат молияси соҳасида универсал вазифаларга эга ўзига хос давлат молиявий органларига айланиб бормоқда.

Масалан, газналар вақтинчалик эркин бюджет маблағларига эга бўлгани учун банклараро кредитлар бозори ҳамда корхона ва ташкилотлар учун кредит ресурслари сифатида ишлатилмоқда. «Ҳисобрақамлардаги касса қолдиқларини ишлатиб, газналар вақтинчалик эркин бюджет маблағларини депозитлар ёки қимматли қоғозларга жойлаб, шу йўл билан бюджет учун қўшимча даромадлар жалб қилиш учун капиталлар бозорида қарз олувчи ёки қарз берувчи сифатида иштирок этмоқда»<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати давлат молиясини бошқариш соҳасида бошланган иқтисодий ислохотларни давом эттириб, Давлат бюджети тақчиллиги ҳажмини ва инфляция суръатларини пасайтириш, саноат ишлаб чиқариши ва экспорт ҳажмини, аҳолининг реал даромадларини ошириш сиёсатини юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасида бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар каторида Давлат бюджети тақчиллигининг ҳажмларини қисқартириш, уни халқаро ташкилотлар томонидан белгиланган меъёрий даражаларга тушириш соҳасида катта ютуқларга эришилмоқда. Давлат бюджети тақчиллигини белгиланган режадагига нисбатан, ҳақиқатда анча кичик ҳажмда бўлиши, мамлакатнинг макроиқтисодий жиҳатидан барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

## Хулосалар

1. Бюджет тақчиллиги – бу иқтисодий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич, аммо жамият учун буни соф математик операциялар билан ҳисоблаш, уни «даволаш» ўрнига, бу «касаллик»ни яшириш янада хавфлидир.
2. Бюджет баланслилигини ёки ижобий қолдиқли бюджетни динамик ҳолда яхши ривожланаётган иқтисодий, деб қараш мумкин.
3. Бюджет камомади ҳажмини дунё тажрибасидан келиб чиқиб ЯИМнинг 2-3 фоиздан ортшига йўл қўйиб бўлмайди.

<sup>1</sup> Безденежных А.В. Институт казначейства как инструмент государственного влияния на экономнку государства. Финансы. 2003. №2. –стр. 25.

4. Бюджет камомадини енгиб ўтиш учун иктисодиётни ўзини соғломлаштириш зарур. Иктисодиётнинг ривожланишини таъминламай туриб, молиявий барқарорликка эришиб бўлмайди.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Бюджет тақчиллиги, пул массаси, харажатлар меъёри, бюджет стратегияси, бюджет тактикаси, баланслаштирилган бюджет, бюджет тақчиллигини молиялаштириш механизми, Давлат бюджети тақчиллиги таснифи, маблағ жалб қилиш.*

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Бюджет тақчиллигининг келиб чиқиш сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
2. Ҳозирги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. «Тахминий бюджет тўғрисида» нима дея оласиз?

### **Топшириқлар**

1. Бюджет тақчиллиги тўғрисидаги концепциялар ва назариялар ҳақида гапириб беринг.
2. Бюджет тақчиллигини камайтириш йўллари айтинг.
3. Функционал молия концепциясининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.

## 8-БОБ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИДА БОШҚАРИШ

### 8.1. Давлат молиясини бошқаришда ғазначилик тизимининг аҳамияти

Бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатлари шароитида Давлат бюджетининг роли ошади ва ундан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга мамлакат ичида иқтисодий-ижтимоий барқарорликни юзага келишини таъминлайди. Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида бюджетнинг касса ижроси иккита усулда, яъни банк ва ғазначилик тизими орқали амалга оширилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек, Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат. Глобаллаштириш жараёнлари ва иқтисодиётни либераллаштирилиши молиявий соҳада тегишли ислоҳотлар ўтказишни талаб қилади. Чунки, давлат харажатларини қисқартириш мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши учун қўшимча имкониятлар беради.

«Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий тамойиллари – кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат. Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли млия органи ҳамда унинг Қорағалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудлар бўлинмалари томонидан амалга оширилади»<sup>1</sup>.

Авваламбор, ғазначилик тўғрисида сўз юритилганда, унинг маъносини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. «Ғазна» инглизча “treasure trove” сўзидан олинган бўлиб, инсонлар томонидан маълум бир мақсадларда ерга қўмилган олтин ва кумушнинг топилиши ҳамда бу топилма подшоҳларга (давлатга) тегишли бўлганлигини англатади»<sup>2</sup>. Юридик маълумотномада кўрсатилишича, ғазна ҳар қандай мулк эмас, балки фақат пуллар, яъни олтин ва кумуш тангалар, валюталар ва чет эл валюталари ёки бошқа қимматбаҳо предметлар,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. 4-модда. \\\ Халқ сўзи. 2004 йил, 29 октябрь.

<sup>2</sup> Англо-русский толковый словарь - М. ИНФРА. 1998 г. 427 с.

ини қимматбаҳо тошлар, марваридлар, қимматбаҳо қуйма металлар, улардан ясалган буюмлар ва буюм парчалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасида 2002 йилда имзоланган Меморандумда иқтисодий ислохотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишлари билан биргаликда давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Улар қаторида республикада Ҳазначилик тизимини жорий қилиниши энг муҳим вазифа, деб эътироф этилди. Ҳазначилик ҳукуматимизнинг яқин келажақдаги молия сиёсатининг негизини ташкил этади. Лойиҳани амалга ошириш ишлари 2002-2006 йилларни қамраб олади. Мана шу муносабат билан 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сонли «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрлашни чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга, асосан, лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил қилинди ва у ҳозирда иш олиб бормоқда. Лойиҳанинг асосий мақсадлари бу давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш, Давлат бюджетини тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш ва Давлат бюджети ижросининг Ҳазначилик шаклига ўтиш орқали бюджет маблағларини самарали сарфланишини таъминлашдан иборатдир.

Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш учун Ҳукумат томонидан ажратилган маблағлардан ташқари Жаҳон банки томонидан – 14,2 млн. долларлик кредит, Япония ҳукумати томонидан – 2,8 млн. доллар, ТАСИС томонидан – 2,8 млн. доллар ва Ислон тараққиёт банки томонидан – 0,2 млн. долларлик грантлар ажратилиши кўзда тутилган.

Ҳазначиликни жорий этиш бюджет даромадларининг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини ва харажатлар қисмида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишининг назоратини кучайтириш ва пул оқимларини самарали бошқариш имконини беради. Мазкур тизимни жорий этиш билан бюджет бажарилишини кузатиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда қулайлик яратиш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишдан ҳимоялаш ва бюджетни ривожлантириш ва прогнозлаштириш сифатини ошириш мумкин.

Давлат бюджетининг Ҳазначилик тизими жорий этилиши қуйидаги ижобий натижаларга эришишга имконият беради:



- давлат молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини доимий назорат қилиш;

- давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ва мунтазам равишда ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;

- давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмларини касса ижросини ҳар қувғи аниқлаштирилган мониторингини ўтказиш;

- тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларининг товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларини қабул қилиш босқичида дастлабки назоратни амалга ошириш;

- молия органлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва адресли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилари томонидан суиъстеъмол қилиш ва нотўғри ишла-тишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат олиб бориш;

- бюджет ташкилотлари мажбуриятларни олгандан кейин пул маблағларини Ғазначилик ҳисоб рақамидан тўғридан-тўғри товар етказиб берувчилар ҳисоб рақамига ўтказиш орқали пул оқимлари ҳаракатини тезлаштириш ўз вақтида тўловни амалга ошириш орқали таъминотчиларни молиявий имкониятларини яхшилаш;

- Ғазначилик тизимининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига пул маблағлари ўтказишни тезлаштириш орқали бюджет маблағларини тезкор ҳаракат қилинишини таъминлаш.

Республикада давлат молиясини ислоҳ қилиш дастурининг мақсади харажатларни самарали бошқариш, пул-кредит интизомини мустаҳкамлаш ва ажратмаларни олдинги вазифаларни назарда тутган ҳолда тақсимлаш, бюджет ижроси ва бюджет назоратини самарали таъминлаш, унинг тивиклигини ошириш ва давлат маблағларини ишлатганлиги учун ҳисоботни такомиллаштиришга йўналтирилади. Мазкур мақсадларга эришиш учун бюджет ижроси ва уни тайёрлашни такомиллаштириш, шу жумладан, Ғазначилик тизимини жорий қилиш ва уни барча зарурий жиҳозлар, ахборот технологиялари билан таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш тегишли институционал ислоҳотлар ёки бошқача қилиб айтганда бюджет тизимида ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади. Ғазначилик тизими жорий қилиниши давлат бюджетини режалаштириш, харажатларни амалга ошириш ва уларни бошқаришга, молиявий ҳисобот, назорат вазифаларига ёндашиши ва ба-жариш ишларига жиддий таъсир қилади ҳамда бу функцияларни

ҳозирги кунда амалга оширувчи субъектлар фаолиятига тегишли ўзгартиришлар киритиш заруриятини юзага келтиради.

«Давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга ошириш босқичлари асосий элементлари 11-чизмада келтирилган.

11-чизма

### «Давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга оширишнинг асосий босқичлари



Ғазначилик тизимида Давлат бюджети харажатларини, биринчи навбатда, биринчи даражали харажатларни ўз вақтида тўлаш ва кас-сали узилишлар ҳолатларининг олдини олиш, бир минтақага тушадиган ресурсларни бошқа минтақанинг мажбуриятини таъминлаш

учун йўналтириш йўли билан, марказлашган тарзда турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини бошқариш механизмини жорий қилиш мумкин.

Ҳазначилик органлари – Молия вазирлигининг консолидациялашган бюджетнинг касса ижроси учун, давлат даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб борилиши учун, давлат харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган таркибий бўлим ҳисобланади. Ҳазначилик тизими бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятини ижрога қабул қилади ва кейин тақдим қилинган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳазначилик уларнинг номидан ва уларнинг топшириғига асосан, ваколатни ўзига олади ва бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш асосида тўловни амалга оширади.

Ҳазначилик тизимини жорий қилишнинг асосий компонентларини мавжудлиги талаб этилади: вилоятлардаги бўлинмалари орқали давлат тушумларини йиғиш ва тўловларни амалга ошириш билан шуғулланадиган Ҳазначиликни Молия вазирлиги таркибидан тузиш, давлатнинг молиявий ресурсларини Марказий банкдаги Ҳазначиликнинг ягона ҳисобрақамида жамлаш, Ҳазначиликнинг Бош китобидан фойдаланган ҳолда, давлат маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларининг ҳисоб-китобини юритишни такомиллаштириш, давлат сектори учун молиявий бошқариш ва режалаштиришни ишлаб чиқиш. Ҳазначилик тизими марказий ҳукуматни марказлашган ва ҳамма томонларни қамраб олган ҳолда, тўлов қоғозларини ишлашни, ҳисоб-китоб юритишни, ҳисоботлар тайёрлашни ўз ичига оладиган асосий молиявий хизматлар билан таъминлайди.

## **8.2.Ҳазначилик фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари**

Ўзбекистон Республикаси ҳазначилик тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган ислохотларни Давлат бюджети ижроси жараёнидаги тубдан ўзгариш деб баҳоласа бўлади. Бюджет ижросини ислоҳ қилишда Давлат бюджети ижросига масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилик тизимини яратиш назарда тутилади. Республикамизда Давлат бюджети Ҳазначилик ижросига босқичма-босқич ўтиш режаси Ўзбекистон Республикаси ҳазначилигини ташкил этиш концепциясига асосан, ишлаб чиқилган ва унда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши хусусиятлари инобатга олинган.

Республикада гозначилик тизимига боскичма-боскич ўтишнинг асосий элементлари куйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий-меъёрий база яратиш;
- гозначиликнинг материал-техник базасини яратиш;
- гозначилик тизими учун кадрларни тайёрлаш;
- инфорацион-ахборот дастурларини тайёрлаш.

Гозначилик тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос ҳолда давлат харажатларини самарали бошқаришга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндисидан иборат. Бу муносабатлар давлат бюджетининг даромад ва харажатлари бўйича амалиётларни қамраб олганлиги сабабли, Ўзбекистон шаронтида давлат молиясини бошқаришнинг марказидан ўрин эгаллайди.

Гозначилик органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш жараёнида давлат бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Белгиланган тартибга кўра, мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда гозначиликка кўмаклашишлари лозим.

Гозначилик органлари ўз иш фаолиятида давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетиде маблағлар олиши назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг Гозна ижросига тегишли маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат бюджетининг Гозна ижросини амалга оширишда ташкил этиладиган Гозначиликнинг ягона ҳисобварағини алоҳида ўрни мавжуд. Гозначиликнинг ягона ҳисобварағи гозначилик томонидан бошқариладиган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган махсус банк ҳисобварақ бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари) ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона Гозна ҳисобварағидан Давлат бюджетидан маблағлар берилиши назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ҳазначилик тизимининг тузилмаси уч поғонали бўлади:

Биринчи поғона — Республика бўйича Молия вазирлиги Ҳазначилиги Ҳазначилик ҳисобварақларидаги маблағлар ҳаракатини бошқаради ва давлат бюджети даромадлари ва ҳаражатларининг жамланма ҳисобини юритади. Қонун билан белгиланган ташкилотларга бюджет ижроси тўғрисида тегишли маълумотномалар беради. Қуйи Ҳазначилик идоралари ишини бошқаради, улардан бюджет даромадлари ва ҳаражатлари тўғрисида маълумот ва ҳисоботларни қабул қилади ва қуйи органлар томонидан бюджетнинг ижросини қонунчиликка биноан таъминлайди.

Иккинчи поғона — вилоят Ҳазначилик бошқармалари маҳаллий бюджетнинг даромад қисмининг шакллантирилиши ва ҳаражатларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Вилоят бюджети маблағларининг ҳаракатини бошқаради. Маҳаллий бюджет даромадлари ва ҳаражатлари ҳисобини юритади, қуйи Ҳазначилик органлари ва бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотлар фаолиятини назорат қилади.

Учинчи поғона — шаҳарларда, туманларда ва шаҳарлардаги туманларда Ҳазначилик бўлинмалари, ҳудудда бюджетнинг даромад қисмининг шакллантирилиши ва бюджет муассасалар бўйича ҳаражатларнинг мақсадли молиялаштирилишини таъминлайдилар. Ҳазначилик ҳисобварақларида маблағлар ҳаракати ҳисобини юритадилар ва ҳудудда даромадлар ҳамда ҳаражатлар бўйича бюджет ижроси тўғрисида юқори Ҳазначилик органларига ахборот берадилар.

Марказий Ҳазначиликни ташкил қилишдан мақсад — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси жараёнида маблағларни самарали бошқариш, давлат буюртмаларини ва дастурларини молиялаштиришда тезкорликни ошириш, бюджет даромадлари тушумини ва давлат маблағлари мақсадли сарфланишини назорат қилишда тезкорликни таъминлашдир.

Марказий Ҳазначилик — даромадлар ва ҳаражатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросида, бюджет ҳисобварақлари ва маблағларини бошқаришда аниқ ваколатларга эга ва у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ташкилий тизими ҳисобланади. Марказий Ҳазначилик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Давлат қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли-

гининг кўрсатма ва йўриқномалари ҳамда бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Давлат бюджетининг Ҳазначилик ижросини таъбиқ этишни босқичма-босқич амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори асос бўлди, 2006 йилда Давлат бюджетининг Ҳазна ижросининг айрим механизмлари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жорий қилинди. 2007 йилдан бошлаб ушбу механизм республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам жорий этилди. Ушбу жараёнларни тартибга солиш, Ҳазначилик тизимини жорий қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджетининг Ҳазначилик ижроси методологияси ва уни жорий этиш бошқармаси ташкил этилди ва тегишли молия органларида Ҳазначилик тизими жорий этилди. 2005 йил май ойида 1475-сонли «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш ва хизматлар) етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш ва улар ҳаражатлари тўловини назорат қилиш тўғрисида»ги вақтинчалик Низом қабул қилинди ва унга асосан, Ҳазначилик тизими органлари фаолият кўрсата бошлади.

Низомда белгиланганидек, бюджет маблағлари олувчиларнинг иқтисодий тасниф бўйича IV гуруҳ ҳаражатлари Ҳазначилик орқали назорат этиб борилади.

Ҳазначиликда бюджет рўхсатномаларини бошқариш:

- Давлат бюджетини тайёрлаш, тасдиқлаш, ижро қилиш ҳалқаро андозаларга мос келувчи янги бюджет таснифи асосида қабул қилинади;
- банк тизими билан боғлиқ операцияларнинг ўзгариши муносабати билан мавжуд тайинлаш сертификатлари бекор қилинади.

Бюджет ҳаражатлари амалга оширилишини бошқаришни муҳассамлаштириш мақсадида:

1. Тегишли бюджет ва Давлат мақсадли жамғармаларидан ҳаражатларнинг тегишли рўхсат орқали амалга оширилиши ҳамда уларнинг ҳажми йиллик ажратмалар ва ҳаражатларни амалга ошириш рўхсати миқдоридан ошмаслиги керак.

2. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари тегишли рухсат асосида амалга оширилиши ҳамда бюджетдан ташқари даромадлар ҳажми доирасида амалга оширилади.

3. Мақсадли грантлар ва давлат қарзлари ҳисобига молиялаштирилувчи харажатлар учун харажатлар тегишли рухсат ва амалдаги меёр ва қўлланмалар асосида мавжуд ҳолда маблағлар доирасида Ғазначилик органларининг тегишли рухсати асосида амалга оширилади.

Мавжуд Ғазначиликда тўловлар уч босқичда амалга оширилади:

1. Юридик мажбуриятлар: шартномалар, битимлар, қарорлар (суд органлари, имтиёзлар), бир тарафлама қарорлар (грантлар).

2. Молиявий мажбуриятлар: ҳисоб-фактуралар, иш ҳақи ведомостлари, бошқалар.

3. Тўловни амалга ошириш.

Ғазначилик тўловларини амалга ошириш бюджет маблағлари олувчиларнинг юридик мажбуриятларни олиши асосида молиявий мажбуриятларини бажариши, деб тушунилади.

Ғазначиликда кассани режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий мақсади:

- бюджет ижросининг ўз вақтида бажарилиши;
- давлат бошқаруви органлари ва бюджет ташкилотларининг кредит қобилиятининг ўсишини таъминлаш;
- бюджет харажатларини минималлаштириш;
- кассанинг ҳолати ва касса оқимлари бўйича олдиндан маълумот олиш ва уларни молиявий қарорларни қабул қилишда фойдалана олиш имкониятини беради.

Кассани бошқаришни такомиллаштириш куйидагилардан иборат:

- бюджет ташкилотларининг барча бюджетларини ўз вақтида ижро қилишни таъминлаш;
- хўжалик субъектларининг бюджет тўловлари муддатлари билан боғлиқ кредит қобилиятини пасайтириш хавфини камайтириш;
- харажатларни амалга ошириш ва тушумларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан, фоизларни тўлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни камайтириш имкониятини беради.

Ғазначиликда кассани режалаштириш ва бошқариш белгиланган вақт параметрлари билан чегараланади:

1. Касса режалари вақт давомийлиги 57 ҳафтани ташкил қилади. Касса режалари ҳар ҳафтада расман янгиланиб турилади. Касса режалари йилнинг бошланғич 3 ойига ҳар бир иш кунини бўйича ҳамда қолган 57 ҳафтагача бўлган муддатга ҳар ҳафтага аниқланиши керак.

### **8.3. Ўзбекистон Республикасида «Ғазначиликни жорий этиш» концепциясининг яратилиши**

Давлат бюджетининг даромадлари ва маблағлари ҳисобини юритиш учун Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамаи фаолиятининг концепцияси яратилади. Давлат бюджети маблағларини самарали бошқариш, бюджет маблағларининг олувчиларига бўлган муддатларни қисқартириш, турли даражадаги бюджет тизимидаги тушумнинг марказлаштирилган ҳисоб-китобини юритишни таъминлаш, Давлат бюджети ижроси тўғрисида тезкор ахборот олиш, Давлат бюджети маблағлари оқимларининг ҳаракатини оптималлаштириш зарурияти пайдо бўлганлиги учун Давлат бюджети маблағлари Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамаида жамғарилади.

Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамаи фаолияти концепцияси компьютерлаштирилган ғазначилик тизимида ва пул ўтказиш эса Марказий банк муассасаларида электрон тўловлар орқали амалга оширилиши мумкин. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамаи Давлат бюджети пул маблағлари тўпланадиган ва миллий валютада Давлат бюджети ижроси операциялари ифодаланадиган Марказий Ғазначиликнинг ҳисобрақамаидир.

Ғазначилик фаолиятида очиладиган Ягона Ғазначилик ҳисобрақамаи муҳим аҳамиятга эга. Ягона Ғазначилик ҳисобрақамаи (ЯҒҲР) – бу сўм ҳисобидаги ҳисоб – рақам бўлиб, у Марказий банкда очилади. У давлат бюджетининг барча даромадлари келиб тушадиган ҳамда барча харажатлари амалга ошириладиган ҳисобрақамдир. Барча бюджет ташкилотлари ўз операцияларини ЯҒҲР орқали амалга оширадilar. Мавжуд қонунчилик асосида, ғазначилик ЯҒҲРга қўшимча равишда бошқа сўм ва валюта ҳисобидаги ҳисоб рақамларни МБда ёки Ўзбекистон ва чет мамлакатлардаги тижорат банкларида очиши мумкин. Бироқ бу ҳисоб рақамлар ЯҒҲРнинг ажралмас қисми ҳисобланмайди ва ундаги маблағлар ҳаракати алоҳида назорат қилинади.

ЯҒҲРга қуйидаги тушумлар ва харажатлар келиб тушади:

#### **ТУШУМЛАР:**

- умумдавлат солиқлари;
- маҳаллий бюджет даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг бюджетга тўловлари;
- божхона тўловлари;
- махсус йиғимлар маблағлари;



- давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тушумлари;
- муддатли депозитлар қайтарилган суммалар, шу жумладан фоизлар;
- давлат қисқа муддатли облигацияларини ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган тушумлар;
- давлат бюджетининг валюта тушумлари.

### **ХАРАЖАТЛАР**

- давлат бюджетининг режалаштирилган харажатлари;
- банк кредитлари учун фоиз тўловлари;
- нотўғри ёки ортикча тўланган солиқларни қайтариш;
- бюджет ташкилотлари томонидан олинган нақд пул маблағларини қоплаш учун маблағлар;
- муддатли омонат жамғармаларига бюджет маблағларини қўйиш;
- қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш.

Ҳазначиликда бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги концептуал усуллардан фойдаланилади.

*Касса усули.* Бунда пул маблағлари банкка келиб тушган пайдан бошлаб даромад ҳисобланади ҳамда пул маблағларининг тўлови амалга оширилгандан кейин улар харажат ҳисобланади. Бу усул ўтиш даврида қўлланилади.

*Ҳақиқий харажат усули.*

Бунда пул маблағларининг қачон ҳаракатланишидан қатъи назар, даромад ёки харажат улар билан боғлиқ воқеа ёки операция содир бўлган вақтдан бошлаб ҳисобга олинади.

Ҳазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва бошқа банкларда тегишли банк ҳисобварақлари очиши ва у орқали тўловларни амалга ошириши мумкин. Ҳазначиликнинг банк ҳисобварақларидаги бюджет маблағларидан белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш ва ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди. Ҳазначилик тизимида давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона Ҳазна ҳисобварағига киритилиб, улар белгиланган тартибда республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳам ягона Ҳазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади ва унинг назорати амалга оширилади.

Давлат бюджетининг Ғазначилик ижросида бюджет харажатларини назоратга олишга алоҳида эътибор берилади. Бу борада Давлат эҳтиёжлари хариди учун қилинадиган тўловлар муҳим аҳамият касб этади. Давлат бюджетининг харажатлари ягона Ғазна ҳисобварағи ёки ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишлича республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Ғазначилик органлари тамонидан ягона Ғазна ҳисобварағидаги ва ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари тўловлари кўзда тутилган харажатлар белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширилади. Шунингдек, Давлат бюджети бўш маблағлари банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш орқали ҳам бошқариб борилади.

#### **8.4. Ғазначилик тизимида давлат молиясини бошқариш юзасидан хорижий тажрибалар**

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва муваффақиятли ривожланиши, ҳукумат томонидан қўйилган мақсадли вазифаларни амалга оширилиши давлат бюджети маблағларининг самарали ишлатилиши билан белгиланади. Бу борада республикамизда бюджет ижросида ғазначилик тизимини жорий қилиш мазкур жараённинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади, бу ҳолат, чет мамлакатлар амалиётида бевосита ўз тасдиғини топмоқда.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадамдек давлат ғазнаси ҳисоб-китоби масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ғазначиликнинг келиб чиқиш тарихи узоқ даврни ўз ичига олиб, дастлабки қуртаклари Қадимги Рим империясининг ҳукмронлик даврига тўғри келади.

Агар тарихга назар солсак, илгари молиявий ресурсларни бошқариш давлатларнинг газна ва фазначилик ишлари билан шуғулланувчи махсус ходимга юклатилган. Унинг мажбуриятларига давлат газнасига молиявий ресурслар тушишини ва уларнинг сарфланиши устидан маълум даражада назорат ўрнатиш киритилган. Тор маънода эса “газна” пул тушадиган ва аниқ мақсадлар учун тўлов ўтказиладиган, яъни масъул мансабдор шахслар пулни сақлайдиган жой, деган тушунчани англатган.

Жаҳон тажрибалари кўрсатадики, турли мамлакатлар фазналарига ҳар хил вазифалар юклатилган эди, уларнинг маҳаллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, янги вазифалар юклатилиб ёки олиб ташланар эди. Узоқ давом этган урушлар сабабли давлат бойлигининг камайиши оқибатида фазналарга янги вазифа, ички ва ташқи қарз мажбуриятларини ишлаб чиқиш юклатил эди. Баъзи мамлакатларда фазначилик тасдиқланган бюджет асосида бюджет ташкилотларига фақатгина ресурслар ажратиш билан чекланган тақдирда, бу фазначиликнинг роли суист бўлиши мумкин. Агар фазначиликнинг роли фаол бўлганда харажатларни тўлаш мажбуриятларининг лимитларини олдиндан кўзда тутилган мезонлар асосида белгилайди.

“Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, давлат молиясини бошқаришнинг ва ташкилий тузилиши бир хил бўлган фазначилик тизимининг ягона модели мавжуд эмас. Ҳар бир мамлакатда фазначиликни бошқармалари ва бўлинмаларининг тузилиши ҳамда уларнинг аниқ функциялари турлича белгиланади. Бундан ташқари, фазначилик тизимининг вазифалари вақт ўтиши билан, албатта, ўзгаради”<sup>1</sup>.

Фазначилик деб аталадиган органларнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланган.

- ❖ Давлат молиясини бошқариш.
- ❖ Бюджетни ижро этиш.
- ❖ Бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш.
- ❖ Назорат қилиш ва баҳолаш.

Австралияда вазирлик мақомига эга бўлган ва тўғридан-тўғри ҳукуматга бўйсунадиган Фазначилик департаменти мавжуд. Унинг асосий вазифаларидан бири тушумларни йиғишдан иборат. Фазначилик департаменти таркибида Солиқ бошқармаси жойлашган бўлиб, Фазначилик департаменти шу бошқарма орқали солиқ тўловчилар билан муомалада бўлади ва ташқи тушумлардан ташқари барча

<sup>1</sup> Иванова Н.Г., Маковник Т.Д. Казначейская система исполнения бюджетов. -СПБ: Петер, 2001. 51 с.

солиқ тўловларни йиғиб олади, ташқи тушумларни йиғиш билан эса божхона хизмати шуғулланади. Бюджетнинг харажатлар қисмининг ижроси бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўрови асосида амалга оширилади. Мамлакатда бюджетдан маблағ олувчиларни бюджет мажбуриятларининг аниқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган, шунингдек, бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатишнинг назорат усуллари мавжуд бўлиб, улар тармоқ вазирликлари томонидан амалга оширилади. Бунда Ҳазначилик департаменти фаол ғазначилик ролини ўйнайди.

Австралияда ғазначилик вазифасини Ҳазначилик Департаментидан ташқари Молиявий Департамент бажаради. Мамлакатда давлатга қаршли маблағлар ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида тўпланади. Молиявий Департамент банкда ягона ҳисобрақамни амал қилиш механизми учун шарт-шароит ва усулларни белгилайди.

Австралияда давлатнинг молия-ахборот тизими фаолият кўрсатади. Бунда бюджетни тайёрлаш, уни ижро этиш ва йиғилган тушумларнинг ҳисобини юритиш амалга оширилади. Мазкур ахборот тизими орқали Ҳазначилик Департаменти билан Молиявий департамент бўлимлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган, бундан ташқари, тармоқ департаментлари билан алоқа боғланган.

Францияда Ҳазначилик вазифалари Давлат Ҳазнаси ва Давлатнинг ҳисоб-китоб юритиш бош дерекцияси ўртасида бўлинган. Ҳар иккала ташкилот юқори ташкилотларнинг иккинчи поғонаси ҳисобланади: Давлат Ҳазнаси Молия вазирлигининг, Давлатнинг ҳисоб-китоб юритиш бош дерекцияси Бюджет вазирлигининг таркибига киради.

Францияда барча молиявий ресурслар Ҳазначиликнинг ягона ҳисобрақамида йиғилади, бу маблағларнинг миқдори Марказий банкда жойлашган барча тушумлар ва тўловлар йиғиладиган шу ҳисобрақам билан назорат қилинади. “Давлат Ҳазнаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бюджет маблағлари тақсимловчиларининг тақдим қилган қирим ордерларини, шартномаларда белгиланган қарз талабномаларини ижро қилиш учун қабул қилади, шунингдек, қарз мажбуриятлари бўйича нақд пулларни ва давлат ташкилотларининг ҳуқуқи бўлган бошқа шаклдаги тушумларни олади;

- буйруққа асосан, кредиторларнинг талаби бўйича тақдим қилинган ҳужжатлар асосида харажатларнинг тўловини амалга оширади, шунингдек, суд қарорларини ижро қилади;

▪ давлат муассасаларини ёки уларнинг ишончли вакилларига қарашли пул маблағларни ва моддий бойликларни сақлашни ва қўриқлашни таъминлайди;

▪ нақд пуллар билан амалга ошириладиган операцияларни бажаради;

▪ амалга оширилган молиявий операцияларни тасдиқлайдиган бухгалтерия ҳисоб-китоби бўйича юритиладиган ҳужжатларни сақлайди;

▪ бухгалтерияда уларга юклатилган бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб боради.

Бош Ғазначи жойлардаги 27000 муассасаларни (давлат бухгалтерларини, давлат ташкилотларини – таълим муассасаларини, ижтимоий таъминот ва бошқарув органларини ҳамда ижтимоий турар жой ташкилотларини) назорат қилиши шарт. Давлат бухгалтерлари минтакалар, департаментлар, коммунналар, шунингдек, маҳаллий давлат ташкилотлари бўйича ҳисоб-китоб юритадилар. Давлат бухгалтерлари бюджет маблағлари тақсимловчиларининг молиявий маслаҳатчиларидир. Мазкур функцияларни бажариш учун солиқли тўловлар ва тўловларни йиғишнинг автоматлаштирилган процедуралари ишлаб чиқилган. Қўшимча қиймат солиғини тўлайдиган 2000 га яқин солиқ тўловчилар тўловларни тўғридан-тўғри Марказий банкнинг ягона ҳисобрақамига ўтказиш, қолган солиқларнинг 50 фоизи Тушумлар Директорати томонидан, 35 фоизи Давлатнинг ҳисоб-китоб юритиш бош дирекцияси томонидан, 15 фоизи Божхона хизмати томонидан йиғилади.

Хориж тажрибалари кўрсатадики, ғазначиликнинг ҳудудий бўлиниши ҳар бир давлатнинг маъмурий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Масалан, Қозоғистон Республикасида 1994 йилда Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида ғазначилик тизими жорий қилинди. 1995 йилнинг охирида эса Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигида Ғазначилик Бош бошқармаси Ғазначилик қўмитаси ташкил этилди. 1996 йилда бюджет Миллий банкнинг ҳисоб-касса марказида республика ва маҳаллий бюджетларнинг ҳисоб-кассасига хизмат қилувчи Бюджет банки ташкил этилди. Бунда Ғазначилик идораларига нақд пул операцияларидан бошқа банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга даромадлар ва харажатлар учун Ғазначиликнинг ягона ҳисоби Миллий банкда очилиб, унинг ҳудудий идоралари билан корреспонденция ҳисоблари тартиби жорий қилинди. 1997 йилда Бюджет банки бекор қилиниб, унинг функцияси ғазначиликнинг ҳудудий идораларига берилди. 1995 йилда ғазначилик-

нинг худудий идоралари вилоятларда, туман ва шаҳарларда ташкил этилди. Айни вақтда Қозоғистон Республикасида 16 та вилоят ва 184 та туманда мавжуд босқичнинг барча бўғинларида ғазначилик фаолият кўрсатмоқда.

Қозоғистон Республикаси ғазначилик тизимининг таркиби қуйидагича тузилган:

1. Ғазначилик қўмитаси-Марказий ғазначилик.
2. Ғазначиликнинг вилоят бошқармалари.
3. Туманлардаги Ғазначилик бўлимлари.

Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 1999 йил 24 майда 626-сонли «Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик қўмитаси масалалари тўғрисида» Қарор қабул қилинди. Қарорда Қозоғистон Республикаси Ғазначилик қўмитаси тўғрисидаги Низом белгиланди ва Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик қўмитасининг таркибий тузилиши аниқланди.

Қозоғистон Республикаси Ғазначилик қўмитаси Молия вазирлигининг бошқармаси бўлиб, Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги унга берган ваколат чегарасида ўзига юклатилган махсус ижро ва назорат текширув функцияларни бажаради, шунингдек, республика бюджетини ижро этилишида минтақалараро мувофиқлаштириш ишини амалга оширади, Давлат бюджетига ва бюджет ташкилотларига ҳисоб-касса хизматини кўрсатади. Ғазначилик қўмитаси Қозоғистон Республикаси Конституцияси, Қозоғистон Республикаси қонунлари, Президент актлари, Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, мазкур Низом асосида фаолият кўрсатади.

Россия Федерациясида Ҳозирги пайтда бюджет ижросининг асосий мезонлари Бюджет кодексига асосланади. Россия Федерацияси Бюджет кодексининг 215-моддасида таъкидланишича, Россия Федерациясида бюджет ижроси ғазначилик тизими орқали амалга оширилади. Шу моддага асосан, ҳокимият ижроя органларига бюджетнинг ижроси ва уни ташкил этиш, шунингдек, бюджет маблағларини ва бюджет ҳисобрақамларини бошқариш юклатилади. Худди шу органларининг ўзи барча тақсимловчиларнинг ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг қассирлари ҳамда бюджет ташкилотлари номидан бюджет маблағлари ҳисобидан тўловни амалга оширадилар.

Худудий Ғазначилик органлари уч босқичга бўлинади:

Биринчи босқич. Федерал Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси Молия вазири ўринбосари миқёсидаги бошлиқ томонидан бошқа-

рилади. Доимий равишда йиғма, тўлиқ ва стандартлаштирилган ҳисоб-китоб ва ғазначилик ҳисобини олиб боради, маҳаллий бюджетнинг кирим-чиқими тўғрисида юқори ижро ва қонун чиқариш органларига ахборот беради. Ғазначиликнинг қуйи органлари ишнини назорат қилади, Федерал бюджет тушуми тўғрисида улардан тезкор ахборотлар ва ҳисоботлар йиғади, бюджет ижросининг қонунчилик асосида ижросини таъминлайди.

Иккинчи босқич. Федерал Ғазначиликнинг Бошқармаси Санкт-Петербург, Москва шаҳарлари, автоном уюшма, област ва Россия Федерацияси ичидаги республикаларидан иборат. Худудлардан Ғазначиликнинг органлари томонидан федерал бюджетнинг кирим-чиқим қисмини шакллантиришда барча қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди.

Учинчи босқич. Федерал Ғазначилик бўлимлари. Шаҳар, туман ва шаҳар туманлари, туманга қарашли шаҳарлардан ташқари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан қилинадиган харажатларни мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва худудларда федерал бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришни таъминлайди. Федерал Ғазначилик бўлимлари худуддаги федерал бюджетнинг тушум ва харажатлари ижроси тўғрисида юқори ташкилотларга ахборот беради.

Россия Федерациясида 1992 йилдан бошлаб бюджет ижросининг ғазначилик хизмати фаолият кўрсатмоқда. Ғазначилик бўлимлари федерал бюджет харажатларини молиялаштиришда қуйидаги асосий вазибаларни бажаради:

-минтақада барча федерал бюджет маблағи олувчиларни ҳисобини юритади;

-шаҳсий ҳисобрақам ва транзит ҳисобрақамларни очади ва юритади;

-бюджет маблағлари тақсимловчиларининг молиялаштириш ҳисобини юритади;

-ғазначилик бўлимларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобрақамлардан молиялаштириш бухгалтерия ҳисобини юритади;

-бюджет харажатларини молиялаштиришда амалга оширилган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритади;

-бюджет харажатларини молиялаштиришнинг тезкор ҳисоботини тайёрлайди;

- бюджет ижроси тўғрисида умумий ҳисобот тайёрлайди.

Ғазначилик бўлимларида барча бюджетдан маблағ олувчилар харажатларини молиялаштиришнинг ҳисоби ягона реестрда бух-

галтерия ҳисоби юритилади. Худудий бошқармалардаги федерал бюджет харажатларини молиялаштиришда амалга оширилган операцияларнинг ҳисобини юритишнинг технологик операцияларида қуйидаги бўлимлар қатнашади:

- Ғазначилик бўлимлари орқали молиялаштиришни бошқарадиган молиялаштириш ҳисобини юритувчи харажатлар бўлими;

- ФХ бўлимларида тўлов қоғозларини расмийлаштирадиган ва назорат қиладиган, банк билан алоқани амалга оширадиган операциялар бўлчми;

- Молиялаштириш бўйича бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот бўлими;

- Федерал Ғазначилик органларини, бюджетдан маблағ олувчиларни ва бюджет маблағи тақсимловчиларини ўзаро алоқасини электрон ахборотлар билан таъминлайдиган ва автоматлаштирилган тизимга раҳбарликни амалга оширадиган ахборот бўлими.

Ғазначилик бўлимларидаги харажатлар бўлими шахсий ҳисобрақамлар бўйича ҳужжатларни шакллантиради ва ҳисобот қилади. Бу ҳужжатлар ғазначилик бўлимининг ичида молиялаштириш операцияларини синхронлаштириш, бу жараёни ҳисобга олиш, шахсий ҳисобрақамлар ҳолатини ифодалаш, молиялаштириш тўғрисида якуний ҳулосаларни шакллантириш ва назорат қилиш учун ишлатилади.

Операциялар бўлими ғазначилик бўлимларида хизмат кўрсатиладиган бюджетдан маблағ олувчиларни шахсий ҳисобрақамларини молиялаштириш учун банк ҳужжатларини шакллантиради. Операциялар бўлими Ғазначилик Бошқармасининг транзит ҳисобрақамига маблағларни ўтказиш учун, ундан Ғазначилик бўлимларига маблағ ўтказиш учун банк ҳужжатларини тайёрлайди. Операциялар бўлими тайёрлайдиган ҳисоботларни уч хилга ажратиш мумкин: банк учун ҳужжатлар, Ғазначилик бўлимлари миқозлари учун ҳужжатлар, харажатларни молиялаштириш тўғрисида ҳисоботлар.

Ғазначилик бўлимлари миқозлари учун ҳужжатлар қуйидагилардан иборат: миқознинг шахсий ҳисобрақамига маблағ ўтказиш учун мемориал ордерлар, миқознинг транзит счётига маблағ ўтказиш учун мемориал ордерлар, миқознинг шахсий ҳисобрақамининг кўчирмалари ва миқознинг транзит ҳисобрақамининг кўчирмалари. Миқознинг шахсий ҳисобрақамидан маблағ ўтказиш учун асос тўлов қоғозининг нусхаси бўлади.

Операциялар бўлими операция қуни тамом бўлиши билан икки нусхада ҳар бир шахсий ҳисобрақам ва транзит ҳисобрақамларидан



кўчирмани беради, бу кўчирманинг бири мижозга берилади. Операция кунни – молия-кредит ташкилотларини иш кунининг бир қисми ёки мижозларга хизмат кўрсатиш ва мижозлар билан ишлаш вақти. Операция кунини даромадларни ҳисобга олиш - ғазначилик органларидаги маълум лавозимдаги ходимларнинг давлат бюджети маблағларини ҳисоблаш, тақсимлаш, ўтказиш ва ҳисобини юритишдан иборат аниқ ҳаракатдан иборат фаолияти. Операциялар бўлимида харажатларни молиялаштириш тўғрисида ҳисоботлар Ғазначилик бўлимида харажатларни молиялаштириш операцияларини ҳисобини юритиш учун хизмат қилади. Ғазначиликда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ғазначиликни банкдаги ҳисоб-рақамларида пул маблағлари ҳаракатини ҳисоботини юритиш, федерал ғазначилик бўлимида молиялаштириш операцияларини, бюджетдан маблағ олувчиларни шахсий ҳисоб-рақамларини назорат қилиш, бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш ва федерал бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботларни тайёрлаш ҳисобланади. Ҳисоботларни тайёрлашда ахборотлар автоматлаштирилган тизимдан олинади, шунинг учун операцияларни амалга оширишда бошқа бўлимларда йўл қўйилган хатолар топилади. Федерал бюджет ижросида қатнашадиган барча бўлинмаларнинг тўғри синхронлашган ишлари федерал бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботларни тўғри тузиш имконини беради. Бу маълумотларни ишлашда тизимнинг маълуми раҳбар вазифасини бажаради, унга тизимнинг барча маълумотларини олишга ва файлларга киришга ҳуқуқ берилган.

Федерал бюджет даромадлари тўғрисида ҳисобот РФ Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартиб бўйича ғазначилик органлари томонидан амалга оширилади. Банк билан ғазначиликнинг ҳисобот кунлари ўртасидаги тушумлар молиялаштириш учун даромадлар суммаси ҳисобланади.

Тушган ҳисоб-китоб пулининг ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш учун, Федерал Ғазначилик органининг билдиришномаларини, мемориал ордерларни федерал бюджет харажатлари ижросининг бухгалтерия ҳисоб-китобини юритишда ифодалаш учун ва шахсий ҳисоб-рақамларни ҳар кунги балансини қилиш учун ҳужжатлаштириш қуйидагича ташкил этилган.

Федерал Ғазначилик органида барча операцияларнинг ҳужжатларини белгиланган график асосида қабул қилиш учун ва федерал бюджет харажатларини ижросининг бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш учун функциялар барча ходимлар ўртасида тақсимланади.

## 8.5. Бюджет ижроси ҳақида ҳисоботларни шакллантириш асослари

Давлат бюджетининг ижроси бюджет жараёнидаги асосий босқичлардан бири ҳисобланадики, бунда белгиланган истиқбол кўрсаткичлари, режалар ва дастурлар ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади. Давлат бюджетининг даромадларини ижросининг ҳисоботи ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ягоналиги, Давлат бюджети гозначилик ижросининг асосий тамойилларидан ҳамда гозначилик органларига юклатилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда давлат бюджетининг ҳисобини юритиш ҳамда давлат бюджети ягона гозначилик ижроси бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига мос келади ва ҳисоботларни жамлашни анча энгилаштиради.

Гозначиликнинг Бош китоби билан ҳукумат ресурсларининг ҳисоб-китоби юритилади ва молия тизимининг ахборот тизими фаолият кўрсатади. Гозначиликнинг Бош китоби—бюджет операцияларини бухгалтерия ҳисоб-китоби юритишнинг компьютерлашган тизимидир. Гозначиликнинг Бош китобида давлат муассасалари билан бўладиган барча молиявий операциялар ифода этилади.

Гозначиликнинг Бош китоби ҳам республика бюджетидан, ҳам маҳаллий бюджетдан молиялаштиришнинг ўз вақтида ҳисоб-китобини юритишни таъминлайди. Гозначиликнинг Бош китоби жуда кўп бюджет бирликларини ўз ичига бирлаштиради. Гозначиликнинг Бош китобида бюджет даромадлари ва харажатларининг ҳаммаси кўринади. Давлат операцияларининг бухгалтерлик ҳисобини банк тизимидан Молия вазирлигига ўтказилиши билан, барча операциялар ягона гозначиликнинг тизимининг Бош китобида акс эттирилади. Ушбу Бош китобидаги ҳисобрақамлар барча харажатларнинг ҳисоби, бюджет ташкилотларини қамраб олади, уларнинг ягона бюджет таснифини ва бюджет маблағларининг сарф қилинишини барча жараёнлари акс эттирилиши керак.

Гозначиликнинг Бош китоби ҳудудлардаги гозначилик бўлимларида фойдаланилаётган барча бирламчи ҳужжатлар гозначиликнинг ахборот тизимига киритилганда тегишли бухгалтерия ёзувлари (проводкалар) билан расмийлаштирилади ва шунинг натижасида Гозначиликнинг Бош китобида акс эттирилади.

Гозначиликнинг Бош китоби гозначилик ижросида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун ишлаб чиқилган. Бухгалтерия ҳисоби ма-

ҳаллий бюджетларни ижросида барча ҳисобларни инobatга олади, яъни барча даромадлар ва харажатларнинг молиявий оқимларини, барча молиявий ва номолиявий қолдиқларнинг ҳисобини ҳам юрилади. Ғазначилик органи Ғазна тизимининг таркибини тузиш, бошқариш ва давлатнинг барча молиявий активлари, мажбуриятлари ва операциялари учун жавобгар ҳисобланади. Молия йили тугагандан сўнг, ғазначилик республика, Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича молиявий ҳисобот тақдим этади.

Ғисоботда:

- солиқ ва бошқа тушумларнинг худудий кўриниши;
- давлат қарзи;
- харажатлар, шу жумладан капитал қўйилмалар ҳақида мукамал маълумотлар берилади.

Ғазначилик тизимида бюджет даромадлари бюджет ва солиқ қонун хужжатларига мувофиқ шакллантирилади. Белгиланган бюджет даромадлари бўйича асосий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлади:

- ◆ бюджетнинг ягона ҳисобрақамига барча даромадларни ўтказиш;
- ◆ бюджетда тасдиқланган тартибга солувчи даромадларни тақсимлаш;
- ◆ бюджетга нотўғри тўланган ортиқча даромадларни қайтариш;
- ◆ бюджет даромадларининг ҳисоби ва барча даражадаги бюджетларнинг даромадлари бўйича ҳисоботни тайёрлашдан иборат.

Даромадларни бошқариш усулларини такомиллаштириш улар ҳажмининг оптимал ҳолатини таъминлаш, бюджетга маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ тушириш, бюджетлараро муносабатларни уйғунлаштириш учун учун йўналтирилади. Даромадларни бошқариш бўйича ғазначилик органларининг функцияси қуйидагилардан иборат:

- бюджетнинг ягона ҳисобрақамига даромадлар тушишини ташкил этиш;
- бюджетга тўланган нотўғри суммаларни қайтариш;
- тасдиқланган меъёрга мувофиқ тартибга солувчи даромадларни тақсимлаш;
- бюджет даромадларининг ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тайёрлаш.

Давлат бюджетининг харажатлар ва даромадлар қисмининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ғазначилик томонидан тузилади. Бугунги кунда бюджетнинг ижро этилишида ғазначилик тизимига ўтиш бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишнинг, бошқарув ор-

ганлари харажатларини қисқартиришнинг имкониятини берадиган тўғри йўллардан бири ҳисобланади.

Бюджет ижросини бошқариш дастаки - газначилик тизимини шакллантиришда, аввало, газначиликда бошқаришнинг ташкилий тузилиши ва бошқарув органларининг самарали таркиби ишлаб чиқилади, штатлар шакллантирилади ва улар ўртасидаги функциялар тақсимланади. Молия вазирлигининг Газначилик органи қонуний, меъёрий ҳужжатлар асосида, унга юклатилган вазифалар чегарасида бюджет даромадлари ва харажатларини тўлиқ ва таққослама ҳисобини олиб боради. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солади, бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлайди. Бу масалаларни ҳал этиш учун турли муассасалар ва ташкилотлар, жумладан, Марказий банк, Молия вазирлиги назорат-тафтиш бошқармаси, солиқ органлари, ҳуқуқ тартиби ҳимоясини таъминловчи органлар билан ҳужжатлар айланишининг ва ахборотлар алмашувининг аниқ тартиби ташкил этилди. Бу таркибий тузилишларнинг алоқадорлиги асосида қўйидаги вазифалар ҳал этилади:

- бюджет ижросининг ҳисоби ва ҳисоботини ишончли маълумотлар билан таъминлаш;
- турли даражадаги бюджетлар ўртасида тартибга солувчи солиқларни тақсимлаш;
- назорат ишларини ташкил қилиш ва ўтказишда мувофиқлаштириш фаолиятини таъминлаш;
- бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишининг самарали-назоратини амалга ошириш;
- бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишининг якуний назоратини амалга оширишда ташкилий ва услубий масалаларни биргаликда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;
- бюджет ижросини таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш учун тезкор ва жорий ахборотдан фойдаланиш;
- бюджет тизимига солиқлар ва мажбурий тўловлар, ажратмаларни таъминлайдиган турли органларнинг ҳисоби ва ҳисоботини таққослаш имконини яратиш;
- турли даражадаги бюджетларга даромадларни тушишидаги махсус шаклдаги ҳисоб-китобларни қўллаш билан, солиқ тўловчиларга берилган имтиёзлар билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш;
- бюджет қонунчилиги бузилган фактлар аниқланганда чоратадбирлар амалга ошириш.

Маълумки, газначиликда қисқа муддатли молиявий режалаштириш тизими ишлаши керак. Газначилик тизимида бюджетни режалаштириш қўллаб-қувватланади. Бюджетни режалаштиришни қўллаб-қувватлаш механизми қуйидагилардан иборат:

- ❖ доимий равишда даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисоботларни, бухгалтерия ҳисоботларини тақдим қилиш;

- ❖ зарур бўлган ҳолларда махсус ҳисоботларни тақдим этиш;

- ❖ даромадларни тушуми лойиҳаси бўйича ахборотларни алмашиш.

Газначиликнинг молиявий ҳисобот тизимини тузишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- қамраб олиш тўлиқлиги ва ахборот ишончлилиги;

- шаклларнинг стандартлиги;

- фойдаланишда тезкор ва қулайлиги.

Газначилик тизимида молиявий ҳисобот икки асосий йўналиши бўйича тайёрланади:

- бюджет ижроси бўйича ҳисобот;

- бухгалтерия ҳисоботи.

Бюджет ижроси бўйича ҳисоботлар қуйидаги кўринишда тайёрланади:

- даромад ва харажатлар иқтисодий таснифи бўйича ҳамда пул оқими бўйича кунлик ҳисобот;

- тузилган контракт ва тўловлар бўйича бюджет ташкилотлари мажбуриятлари бўйича ҳисобот;

- ажратилган молиялаштириш лимитлари бўйича ҳисобот;

- дастлабки ва ўзгартирилган бюджет ажратмалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ойлик бюджет бажарилиши ҳисоботи;

- жорий йил тугаши билан бюджет ажратмалари ҳисоботи ташқи аудит ва ҳуқуқий органларга топширилиши лозим бўлган ҳисобот.

Газначилик тизими қошида қуйидаги ҳисоботларни тайёрлаш таъминланади:

- давлат маблағлари статистикаси стандартларига мувофиқ, бюджетдан ташқари жамғармалар, маҳаллий ва республика бюджети ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган умумлаштирилган ҳукумат молиявий операциялари ҳақидаги аналитик ҳисобот;

- қарз субъектлари бўйича бюджет ташкилотларининг кредиторлик қарзлари ҳолати тўғрисидаги ҳисобот;

- давлатнинг кўп йиллик дастурларига бўлинган функционал тасниф бўйича бюджет бажарилишининг ҳисоботи. Ҳисобот бюджет

ажратмаларининг дастурлар бўйича қолдиги ва ўтган йил маълумотларини ҳам ўз ичига олади;

- ҳукумат кафолатидаги заёмлар ва қарзларнинг келаси 5-10 йил хизмат кўрсатиш нархи ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган давлат қарзининг ўрта муддатли ҳолати ҳақида ҳисобот;

- давлатнинг молия бозоридаги қисқа муддатли фаолияти ҳақида ҳисобот;

- давлат томонидан ажратилган кредитлар ҳақида ҳисобот;
- ҳукумат ҳисобрақамидаги пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;
- солиқ имтиёзлари ва субсидиялари ҳақида ҳисобот;
- шартли ва бошқа мажбуриятлар ҳақида ҳисобот;
- бюджет ташкилотлари активлари ҳақида ҳисобот;
- грантлар ҳақида ҳисобот.

Давлат молияси статистикаси кўрсатмалари аналитик мезонига мувофиқ, касса ва ҳисоблаб қўшиш усулида ҳисобот ҳамда бюджет маблағларидан капитал қўйилмаларни молиялаштириш ҳақида ҳисобот тайёрланади. Мазкур ҳисоботлар гзначиликнинг ахборот тизими орқали шакллантирилади.

## **8.6. Давлат молиясини бошқаришда гзначиликдан фойдаланишнинг ҳозирги замон муаммолари**

Давлат бюджетининг Гззна ижросидан фойдаланиш - бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатишга ҳамда кредитор тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва натижада дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш, Давлат бюджети ижроси жараёнини жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги сифат поғонасига чиқаришдир.

Тажрибалар шунини кўрсатадики, мазкур тизимни жорий этиш билан бюджет бажарилишини кузатиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда қулайлик яратиш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишидан ҳимоялаш ва бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш сифатини ошириш мумкин. Гзначиликни жорий этиш бюджетнинг даромадлар қисмида тушумларнинг тушишини ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишининг назоратини кучайтириш имконини беради. Гзначилик тизимини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган асосий ишлар қуйидагилардан ташкил топади:

• келгусида бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар турли банкларда очилган кўплаб бюджет ҳисоб ракамлари ўрнига Марказий банкда очиладиган Молия вазирлиги Гззнасининг Ягона ҳисобварақасига жамлантирилади;

• бюджет ташкилотлари харажатларини ҳисобга олиш ва бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш учун уларнинг шахсий ҳисобварақалари Ғазначиликда очилади;

• банк ўрнига Ғазна томонидан бюджет касса ижроси амалга оширилиши ва бюджет жараёни барча бошқичлари, яъни даромад тушуми, бюджет маблағлари ажратишдан тортиб бюджет ижроси ҳисоботини тайёрлашгача бўлган ишлар бирлаштирилади;

• замонавий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллаган ҳолда ғазначиликнинг ягона ахборот тизими яратилади ва у банкларнинг электрон тўлов тизимига уланади. Бу эса давлат бюджети даромадлари ва харажатлари касса ижросини кунлик мониторингини таъминлайди ҳамда барча даражадаги бюджетлар аҳоли ҳақида маълумотларни тезкор йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни таъминлайди. Мамлакатимизда тасдиқланган лойиҳа асосида Ғазначилик тизимини жорий қилиш ишлари ташкилий-ҳуқуқий, техник-иқтисодий ва кадрларни ўқитиш ҳамда қайта ўқитиш ишларини ўз ичига олади.

Ғазначилик тизимининг фаолияти давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини бошқаришни мувофиқлаштиришдан ташқари, улар устидан самарали назорат ташкил қилиш имконини ҳам беради. Ғазначилик тизимида қилинаётган харажатларнинг энг юқори даражадаги тиниклиги ва ҳисоботга тортилишлигига эришилади. Ғазначилик Давлат қарзларининг барча кўринишларини бошқариш, улар бўйича тўловлар ва давлатнинг мажбурият ҳамда кафолатлари учун масъул ҳисобланади.

Республикамиздаги ғазначилик тизимида бюджет даромадларини бошқаришга киришишдан олдин барча ҳудудий бошқарма ва бўлимлар қуйидагиларни амалга оширади:

- тушумларни ҳисобга олиш бўйича ғазначилик органларида ҳисоб очишга қаратилган комплекс тадбирларни ўтказиш;

- солиқ органлари билан биргаликда ҳисобрақамларнинг ўзгариши тўғрисида солиқ тўловчиларни огоҳлантириш;

- маҳаллий бошқарув органлари орқали бошқариладиган солиқ тушумларини ҳисобга олиш ва булар бўйича имтиёз, ҳисобга олиш, вақтдан бир оз кечиктириш бўйича ахборот бериш;

- жойларда банк ташкилотлари, молия органлари ва солиқ органлари билан ғазначилик органларининг ўзаро алоқа тартиби ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

Кейинчалик даромадлар режасининг ижросида ғазначиликнинг барча босқичларида даромадлар тушуми бўйича тезкор ҳисоботлар тузиш чора-тадбирлари кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари бўйича Ғазначилик бошқармасида тезкор ҳисоботлар деталлаштирилган маълумотлар асосида тузилади, бюджет харажатларини молиялаштиришга ўтказилиши керак бўлган бюджет тушуми суммаси ведомости тузилади. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан бюджет харажатларини молиялаштиришга бюджет тушумлари миқдорини тўлов коғозлари орқали ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Ғазначиликнинг органлари бюджетдан маблағ олувчилардан бошқариш функцияларини тортиб олмайди. Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси бюджетнинг бажарилиш жараёнини яхшилаш учун уларни янада кенгрок ахборотлар билан таъминлайди. Бюджет таснифи бўйича берилган харажатлар тўғрисидаги ахборотлар бутун йил бўйи харажатлар тенденциясини ва харажатларни амалга ошириш учун кўшимча керак бўладиган эҳтиёжларни аниқлашга ёрдам беради. Ғазначиликнинг фаолият кўрсатиши нақд пулларни тўғри ва самарали бошқариш йўли билан бюджетга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Даромадлар режаси бажарилмаган ҳолатда, боқимандалик муаммосини ечишга ҳаракат қилади.

Ғазначиликнинг тизимининг модулларни келгусида такомиллаштириш йўналишлари, асосан, ахборот тизимининг ривожланиши, молиявий режалаштириш ва пулларни бошқариш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлади. Яъни, ушбу соҳадаги фан-техника тараққиёти ҳамда ижтимоий ғояларни ривожланиши билан биргаликда юксалиб бораверади. Бундан ташқари, ғазначиликнинг тизимида бошланғич поғоналарда ҳисоб-китоб касса усули билан амалга оширилса, келгусида ғазначиликнинг тизимида ҳисоб-китоб ишлари ҳисоблаш усулига ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчи жадвалда Ўзбекистон Республикасида Ғазначиликни жорий этиш босқичлари кўрсатилган (3-жадвал).

Ҳозирги кунга келиб ташкил этилган Ғазначилик бўлимлари жорий таъмирланди, замонавий компьютер техникаси, офис мебели ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминланди.



**Ўзбекистон Республикасида Ғазначиликни жорий этиш босқичлари**

<b>Ғазначиликни жорий этиш босқичлари</b>				
<b>Босқичлари</b>	<b>1-босқич</b>	<b>2-босқич</b>	<b>3-босқич</b>	<b>4-босқич</b>
<b>Йиллар</b>	<b>2009-2010</b>	<b>2010-2011</b>	<b>2011-2015</b>	<b>2015-2018</b>
Амалга оширилган чора-тадбирлар	Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими бошланғич варианты шакллантирилади	Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими фаолияти амалиётга киритилади	Давлат молиясини бошқаришнинг статистикасига мослаштирилади	Ҳисоблаш услуги бўйича бюджет ташкилотларининг ҳисоб-китоб юритиши жаҳон стандартларига мослаштирилади

Манба. Ашрафхонов Б.Б. Современное состояние и перспективы развития государственных финансов в Республике Узбекистан. «Актуальные аспекты современного состояния и перспектив развития государственных финансов». Международная научно-практическая конференция. Ташкент. 2008. 2 апреля.

Бу борада авваламбор, ташкил этилаётган Ғазначилик бўлинмаларини тажрибали ва малакали кадрлар билан таъминлаш, мазкур соҳа учун кадрлар танлашда уларнинг профессионал билимига алоҳида эътибор берилмоқда ва танлов асосида Ғазначилик тизими ходимлари ишга қабул қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда Ғазначилик органлари ходимларини қайта тайёрлаш Республика Ўқув марказида уч ҳафталик ўқув Дастури асосида амалга оширилмоқда. Ғазначилик тизими, молия органлари ва бюджет ташкилотларининг ҳисобот-молия ходимларини қайта тайёрлашни ташкил этиш учун «Ўқув маркази» ташкил этилди.

**Таянч сўз ва иборалар**

*Ғазначилик тизими, банк тизими, бюджет исжроси, молиявий назорат, молия режаси, пул маблағларига эҳтиёж, давлат тушумларини тўплаш, қимматли қозғолар, ғазначилик сертификатлари, ғазначилик мажбуриятлари.*

**Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Ғазначилик фаолиятининг моҳияти ва вазифалари нималардан иборат?

2. Ғазначилик тизимида давлат тараққиёт дастурларини амалга ошириш учун зарур бўлган пул маблағларига бўлган эҳтиёж қандай аниқланади?

3. Ғазначилик тизимида барча давлат тушумларини тўплаш ва тақсимлаш қандай амалга оширилади?

4. Ғазначилик тизимида давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ишлари қандай ташкил этилади?

### Топшириқлар

1. Давлат молиясини бошқаришдаги ўтказилаётган ислохотлар масаласини гуруҳда муҳокама қилинг.

2. Бюджет ижроси ҳақида ҳисоботларни мустақил таҳлил қилинг.

3. Бюджет ижросининг амалдаги механизми билан ғазначилик тизими солиштирилган кластер тузинг.

## **9-БОБ. ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ**

### **9.1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти**

Миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юритишни талаб этади. Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бирidir. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Президентимиз И.Каримов 2006 йил якунлари ва 2007 йилни асосий социал-иқтисодий ривожланишидаги вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаган эдилар: “Биринчи навбатдаги ҳал қилувчи асосий вазифа – бу иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат”.<sup>1</sup>

Мазкур вазифани ечиш борасида Давлат бюджетини ривожлантириш, унинг истиқбол режаларини белгилашни такомиллаштириш, бюджет-солиқ сиёсатини яхшилаш, молия ресурсларидан унумли фойдаланиш, иқтисодиётда ишлаб чиқариш тармоқлари таркибини янада такомиллаштириш, унда фан-техника тараққиётини таъминловчи тармоқлар ривожини белгилаш, солиқ сиёсатини эркинлаштириш, инвестицияларнинг аҳамиятини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестиция фаолиятини янада ривожлантириш, инвестиция сиёсати йўналишларини ўзгартириш, бу соҳани молиялаштириш механизминини такомиллаштириш муаммоларини илмий жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

<sup>1</sup> Каримов И. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2007 йил, 13 февраль.

« Биз иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қурмасдан, илғор замонавий технологияларни қўллаган ва республикамиз учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни ривожлантирмасдан иқтисодий мустақилликка эриша олмаймиз. Бу муаммоларни ечиш республикамиз иқтисодиётига катта ҳажмда инвестициялар қўйишни талаб қилади.

Ҳозирги кунда “инвестициялар” тушунчаси, аксарият ҳолларда, кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсади, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб “инвестициялар” тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади.

Давлат молияси нуктаи назаридан инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Инвестициялар атамаси латин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш” маъносини беради. Кенг маънода инвестициялар кўпайтириб, қайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунида таъкидланишича, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият фойда олиш мақсадларида киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқдир, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари саналади”<sup>1</sup>.

Айрим иқтисодчилар эса “инвестициялар бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромаднинг жорий истеъмолга эмас, балки келажакда янада юқори ҳажмда даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки яқка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган қисми”<sup>2</sup>, деб қарайдилар. Бошқача айтганда, инвестициялар ҳозирги муайян капитал қийматни кутиладиган, келажакдаги ноаниқ қийматга алмашишни билдиради. Айрим адабиётларда мамлакат ичида ёки хорижда ишлаб чиқаришни,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 1998 йил, 30 апрелда қабул қилинган ва 1998 йил 20 майдан амалга киритилган.

<sup>2</sup> Тумусов Ф.С. Инвестиционний потенциал региона: Теория, проблеми, практика. —М.: Экономика, 1999. 13-бет.

тадбиркорликни ривожлантириш, фойда олиш ёки бошқа натижалар олиш мақсадида турли тармоқлар, дастурлар ва айрим тадбиркорларга молиявий, мулкый ва интеллектуал неъматлар қўйилмаларининг жами турларини инвестициялар, деб кўрсатадилар.

Молиявий таъриф бўйича инвестициялар - хўжалик фаолиятига қўйиладиган жами турдаги активлар бўлса, иқтисодий таъриф бўйича инвестициялар асосий ва айланма капитални барпо этиш, кенгайтириш ёки қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга қилинган сарф-харажатлардир. Инвестициялар биринчи навбатда миллий даромад бир қисмининг ҳаракати бўлиб, улар миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш параметрларини аниқлаб беради, истеъмол ва иқтисодий ўсиш қатъийлигини, ижтимоий ривожланишнинг келажагини реал акс эттиради.

Инвестиция – жуда кенг маънодаги тушунча. Шунинг учун инвестицияга ягона, ҳар томонлама таъриф бериб бўлмайди, чунки у жуда кенг ва чуқур маънодаги ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттиради. Инвесторлар капитални корхона қуришга ёки сотиб олишга йўналтирадилар, ишлаб чиқариш ускуналарини ёки поток линияларини сотиб оладилар, қимматли қоғозларга қўядилар. Акциялар, облигациялар сотиб оладилар, пул маблағларини банк депозитига маълум фойз олиш учун қўядилар, ўз жамғармаларини ўзларининг илм ва маданий савияларини кўтариш учун сарфлайдилар, маълум маҳсулот ишлаб чиқариш учун патент ёки лицензия сотиб оладилар, капитални коллекциялаштириш учун қўядилар, шунинг учун китоблар, маркалар сотиб оладилар.

Ватанимиз иқтисодчиларидан Д. Тожибоевнинг фикрича, “инвестиция” деганда келажакда натижа учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилашга мўлжалланган молиявий ресурслар тушунилади. Бу фикрга яна қўшимча равишда “инвестиция” деганда малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар ҳам тушунилади.

Инвестицион фаолият икки макро ва микро даражада амалга оширилади. Биринчи даражада давлат миқёсида амалга оширилса, иккинчисида эса хўжалик юритувчи субъектлар–корхоналар, фирма-лар, компаниялар ва бошқаларни амалга оширадилар.

Макроиқтисод даражасида инвестициялар деганда, миллий иқтисодиёт миқёсида ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, инсон омилини ривожлантиришга, уй-жой фондини,


товар захираларини кўпайтиришга учун қилинган чикимларнинг бир қисми тушунилади. Микроиқтисод даражасида инвестициялар деганда, корхона, фирма, корпорация, холдинг миқёсида капитални такрор ишлаб чиқаришга, захиралар миқдорини орттиришга ва шу қабиларга қилинган харажатларга, яъни фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қисмини англатади.

Инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришда етакчи ўринни эгаллайди, чунки инвестиция орқали капитал жамғарилади ва унинг натижасида мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайтирилади ва иқтисодий ўсишга эришилади. Медицина тили билан айтганда, инвестиция бу иқтисодиётга қилинган инъекция бўлади. У иқтисодиётни соғломлаштиради ва бардам қилади.

Инвестициялаш субъектлари нуқтаи назаридан инвестицияларни хусусий, корпоратив ва давлат инвестицияларига ажратиш мумкин.

12-чизма

## Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг таснифланиши



Чизмадан кўриниб турибдики, инвестицияларнинг мақсади ва улар билан боғлиқ рисклар, уларни йўналтириш соҳалари, инвестициялаш объектлари, инвестициялаш субъектлари ва молиялаштириш манбалари ишончилиги ўртасида, бир назар ташлаганда кўзга кўринмас узвий алоқалар мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Инвестицияларнинг асосий манбаи – давлат, уй хўжалиги, корхона, фирмалардир. Бошқача айтганда, миллий иқтисодиётдаги ялпи даромаднинг истеъмол қилинмаган қисми ҳисобланади ва улар турли молия институтлари, банклар, жамғармаларда сақланади.

Бугунги кун амалиётида уч хил инвестиция турлари мавжуд: молиявий, моддий ва номоддий инвестициялар.

Молиявий инвестицияларга муддатли депозитга қўйилган банк қўйилмалари, кредитлашнинг ҳар хил формалари, эркин конвертацияланадиган валютани сотиб олиш ҳам киради.

Моддий инвестициялар – материал объектлар яратилишини тақозо қилади. Уларга кўчмас мулклар (бинолар, иншоотлар, ер участкалари,) транспорт инфратузилмаларга: ишлаб чиқариш ускуналари (станоклар, машиналар, поток линиялар, технологик комплексларга) айланма маблағлар (ҳом ашё, материаллар, бутловчи қисм ва механизмларга) қўйилган қўйилмалар киради.

Номоддий инвестициялар – инвестор капитални кенгайтириш ва қайта такрор ишлаб чиқариш учун қўйилган номатериал қўйилмалар бўлиб, улар мулквий маблағлар балансида ўз аксини топмайди. Улар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун фирма ёки корхона ходимлари малакасини ва илм даражасини кўтариш ёки мамлакат миқёсида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш учун қўйилган қўйилмалар ёки кенг маънода «инсон интеллектига» қўйилган маблағлар ва патент, лизензия, ноу-хау (интеллектуал капитал), инновациялар (кашфиёт ёки янги техника ва технология ечимлари) учун қўйилган қўйилмалар киради. Буларга яна ҳар хил ижтимоий тадбирлар ва дастурларни амалга ошириш учун қўйилган қўйилмалар киради.<sup>1</sup>

Тайинланиш объектига кўра, инвестицияларнинг капитал, инновацион, ижтимоий инвестицияларга бўлинишини айтиб ўтишимиз керак. Капитал инвестициялар реал активларга сарфланади, ин-

<sup>1</sup> Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. -Т.: Монография. «Молия». 2003.-27 б.

новацион инвестициялар техниканинг янги авлод ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга сарфланади.

Демак, инвестициялар ҳар қандай миллий иқтисодиёт учун муҳим ва дефицит ресурс бўлиб, улардан фойдаланиш иқтисодий салоҳиятни ошириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, мавжуд иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат ресурслари бандлик даражасини кўтариш, таълим тизимини ривожлантиришдир. Бир сўз билан айтганда, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради. Иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида, аҳолининг турмуш даражасини ошириш имконини яратади. Учинчидан, бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди. Шунингдек, корхонанинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади.

## **9.2. Инвестиция фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши**

Инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг бир бўлаги бўлиб, агар ялпи ички маҳсулот ҳажми ортса, инвестиция ҳажми ҳам ортади. Давлатнинг солиқлар ва бошқа тушумлар шаклида олган даромади бюджет орқали тақсимланиб, унинг ихтиёридаги инвестиция ресурсларини ташкил этади.

Давлатнинг инвестиция сиёсати унинг лойиҳаларни бюджетдан молиялаштириш билан чекланиши нотўғри бўлади. Бу сиёсат доирасини кенгайтиради, унинг уч жиҳатига эътибор беради.

1. Давлатнинг ўз даромадлари ва олган қарзлари ҳисобидан инвестицияга йўналтириш.

2. Давлат томонидан миллий ва хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион шароит яратиш.



3. Давлат бюджети билан барча секторлардаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатининг мана шу уч жиҳати амал қилади. Бозор иқтисодиётга ўтишнинг «Ўзбек модели»да давлат бош ислоҳотчи бўлгани боис, у бош инвестор ҳам ҳисобланади. Инвестиция субъектларининг бўлинишига қараб хусусий ва давлат инвестицияларига бўлинади. Давлат инвестициялари – бюджет ажратмалари, узоқ муддатли ссудалар ва бошқа жалб этилган ресурслар ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий инвестициялар – ўз хусусий капитали, заёмлар, шунингдек, жалб этилган капитал ҳисобидан амалга оширилади.

Давлатнинг инвестиция сиёсати унинг иқтисодий сиёсатини амалга оширилишига хизмат қилади. Ўзбекистон эндиликда замонавий иқтисодиётга ўтиши керак. Бунга эса давлатнинг фаол инвесторлиги орқали эришилади. Албатта, бу давлат укладининг инвестициялар борасидаги устуворлигини таъминлайди. Аммо бу бошқа укладлар ривожини учун ҳам зарур шарт-шароит яратади. Давлат укладидаги инвестициялар миллий доирадаги такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам инвестиция фаолиятини молиялаштириш кўрсаткичлари дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини эркинлаштириш самарали кечаётганлигидан дарак беради. Бюджетдан инвестициялаш давлат инвестиция фаолиятининг фақат бир жиҳатидир. Бюджетдан ташқари ҳосил бўлган, лекин марказлаштирилган инвестициялар, шунингдек, давлат корхоналари инвестициялари ва хориж капиталининг давлат кафолатлаган инвестициялари унинг иккинчи жиҳатидир. Давлат укладидаги инвестиция фаолиятини молиялаштириш куйидаги манбаларга таянади: бюджет, корхонанинг ўз маблағи ва кредитлар. Инвестицияларни укладлараро қиёлашда, биринчидан, капитал инвестицияси, иккинчидан, ишлаб чиқариш тавсифидаги инвестициялар инobatта олинishi зарур бўлади.

Ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистонда қатор вазифаларни бир вақтнинг ўзида ҳал этиш учун катта инвестицияларни талаб қилади. Хусусий укладдаги капитал жамғариш етарли бўлмагани ва бу капиталнинг серкапитал соҳаларга ошиқмаганлиги сабабли миллий иқтисодиётдаги инвестиция юқини давлат ўз зиммасига олади. Бу эса инвестицияларнинг укладлараро тақсимланишига жиддий таъсир кўрсатади. Бунда ҳам инвестиция жараёнида давлат уклади

устунлиги кузатилади. Ҳар иккала укладда ҳам давлат иштироки мавжуд. Бу кўрсаткич давлатнинг даромадларини қайта тақсимлаб, инвестиция ресурслари ҳосил этиш ва уни жойлаштиришда етакчилик қилишни кўрсатади.

Республикамизнинг Давлат инвестиция дастурида таркибий ўзгаришларни, қайта қуришларни кўзда тутувчи соҳалар, йўналишлар белгиланганки, уларга маблағлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳимдир. «Бунинг учун ички сармояларни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарурдир»<sup>1</sup>.

Хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва амалга ошириш услуги ва услугиётини ишлаб чиқиш масалалари ғоят муҳим ҳисобланади. Жаҳон амалиётида фақат муҳим лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатадиган ва кенг тарқалган инвестиция лойиҳалари цикли концепцияси мавжуд.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, давлат томонидан лойиҳаларни бошқариш энг самарали услугиётдир, чунки бу услугиёт турли режалаштириш ва назорат усулларидан малакали фойдаланишда рискларни бошқариш, низоларни ҳал қилиш имкониятларини беради. Инвестиция лойиҳалари турли инвестиция фаолиятларини режалаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш услубини қўллашга имкон беради. Режалаштириш, ҳужжатлаштириш, таҳлил ва баҳолаш услугиёти эса, инвестиция имкониятларини таққослашга имкон беради.

Жаҳон амалиётида лойиҳаларнинг мураккаблигига қараб уларни бошқаришнинг турли усулларидан фойдаланилади. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш, улар самарасини белгилаш, уларни танлаш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни ички ва ташқи ресурслар ҳисобидан молиялаштиришда мамлакатнинг халқаро бозорга чиқиши кучли замин ва асос ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида инвестицияларнинг самардорлигини ошириш учун инвестиция қарорларини қабул қилишнинг барча даражаларида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаб олиш ва амалга ошириш бўйича ягона мукамал тизимни шакллантириш талаб этилади. Ягона мукамал тизимни қўллашда жаҳон амалиётида синондан ўтган ва эътироф этилган, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил қилиш стандарт усулига таяниш зарур.

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон». 1995. 243 бет.

«Корхонага бир қатор муқобил инвестиция лойиҳаларини таклиф қилинаётган ҳоллар кўп учрайди. Бундай ҳолларда энг қулай лойиҳаларни танлаб олиш учун бир нечта лойиҳани бир-бирига қиёслаш зарурияти пайдо бўлади. Кейинги йилларда кўзга ташланаётган иқтисодий ўсиш тамойилига иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришдаги жонланиш кўп жиҳатдан асос бўлмоқда»<sup>1</sup>. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мамлакатнинг ташқи бозорга чиқиши ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариши стратегияси асосида амалга оширилиши зарур. Миллий иқтисодиёт манфаатлари лойиҳаларни танлаш, шунингдек, уларни амалга оширишда устувор ва асосий мезон бўлмоғи лозим.

Шундай қилиб, инвестиция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишнинг муҳим омили. У ҳар қандай миллий иқтисодиёт учун муҳим ва долзарб ресурс ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танловини ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий манбаларни излаб топиш, капитал бозорини тегишли солиқ сиёсати асосида ривожлантириш ва хорижий инвестицияларини жалб қилиш усулларини аниқлаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш зуруриятини кўндалик қилиб қўяди.

### **9.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида инвестиция дастурини молиялаштириш масалалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз иқтисодиётида йирик таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, қайта ишлаш ва халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқарувчи етакчи тармоқларни янада юксалтириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини кенгайтириш ва ривожлантириш каби вазифаларни ечиш иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишни ва инвесторларнинг инвестиция қўйишларини рағбатлантиришнинг энг самарали усулларини яратишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги миллий иқтисодиётни ривожланишида янги саҳифа очди. Тармоқлар ва тармоқлараро пропорцияларда ижобий ўзгаришлар юз берди, янги тармоқлар бунёд этилди, қўшма корхоналар ўсиб бормоқда, иқтисодий ўсишга

<sup>1</sup> Лойиҳани молиялаш-инвестиция лойиҳаларини кредитлашнинг самарали усули // Бозор, пул ва кредит. 2007. 1-сон. 64-66 бет.

катта инвестициялар юборилди. Ёқилги-энегетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия, кимё мажмуаси, енгил саноат, саноатнинг озик-овқат ва қайта ишлаш тармоқларига сафарбар этилган йирик миқёсдаги инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо қилиш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди.

Кейинги йилларда транспорт мажмуасига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳага, шу жумладан, таълим соҳасига инвестициялар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай тузилмавий ўзгартиришлар жаҳон хўжалигига кириб бориш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришиш имкониятларини яратади. Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташки ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади.

«Республикада асосий капитални кўпайтиришга йўналтиришган инвестиция ҳажми 2006 йилнинг 9 ойлик якунида 2606,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,0 фоизга кўпдир. Инвестиция қилинган жами маблағларнинг 26,2 фоизини марказлаштирилган маблағлар ва 73,8 фоизини марказлашмаган маблағлар ташкил қилди. Ушбу даврда асосий капитални кўпайтиришга йўналтирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 108,8 млрд. сўмни ёки 24,9 фоизни давлат мулкидаги корхоналар, 228,9 млрд. сўми ёки 56 фоизи хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотларига тегишлидир. Инвестиция маблағларининг асосий қисми, яъни 1671,7 млрд сўми ёки 64,1 фоизи ишлаб чиқариш объектларининг қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга, 734.4 млрд. сўми ёки 43,4 фоизи ноишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, турар жойлар ва таълим объектлари қурилишига сарфланди»<sup>1</sup>.

Давлат инвестиция дастурида капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари лойиҳалаштирилади, устувор инвестиция таклифларининг умумий рўйхати тайёрланади ва инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури тузилади. Дастурда қуйидагиларни таъминлаш мақсад қилиб қўйилади:

<sup>1</sup> Марказий банк пул-кредит ва монетар сиёсатининг 2007 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит. 2007. 1-сон. 3-4 бет.

❖ табиий, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни кўпайтириш;

❖ давлат бюджети билан давлатнинг ташқи ва ички маблағ жалб қилиш ишларини ўзаро боғлаш;

❖ янги корхона ва ташкилотларни қуришдан олдин уларнинг иқтисодий ва экологик асослаш;

❖ минтақаларни комплекс ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда, барча ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларга кўшимча куч яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жорий ва келгуси йил учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бўлимидаги қурилишларни алоҳида кўрсатган ҳолда капитал қўйилмалар лойиҳасини ишлаб чиқади. Лойиҳа марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар манбаларини ҳисобга олиши керак.

Марказлашган капитал қўйилмалар манбалари қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджети ва давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма маблағлари;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан чет эл инвестицияси ва кредитлари.

- Марказлашмаган капитал қўйилмалар манбалари қуйидагилардан иборат:

- кўшма, хорижий, хусусий, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хусусий корхонаси маблағлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг маблағлари;

- тижорат банкларининг кредитлари;

- аҳолининг маблағлари.

Давлат дастурига киритиладиган инвестиция тақлифлари биринчи навбатда экологик талаб ва меъёрларга албатта, жавоб бериши керак, унинг асосий мезонлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) ишлаб чиқариш аҳамиятидаги объектлар учун:

- ❖ маҳаллий хом ашё ва менерал ресурсларни қайта ишлашни кенг масштабларда кенгайтириш, уларни рақобатбардош тайёр маҳсулот даражасига етказиш;

- ❖ ирригация, ишлаб чиқариш инфраструктураси ва замонавий коммуникация тизимини ривожлантириш;

❖ экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган, юқори технологияга асосланган ва ресурслар тежалиб ишлатиладиган рентабелли ишлаб чиқаришни яратиш;

❖ бозорни биринчи даражадаги энг керакли товарлар ва хизматлар билан тўлдириш.

б) ноишлаб чиқариш аҳамиятидаги объектлар учун:

❖ аҳолининг биринчи даражали ижтимоий инфраструктура хизматларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш;

❖ аҳолига хизмат кўрсатиш инфраструктура соҳасида янада кўпроқ аҳолини қамраб олиш ва хизмат сифатини ошириш.

“Ўзбекистоннинг 2000-2002 йилларга мўлжалланган давлат инвестициялар дастурида инвестицияларнинг умумий ҳажми 2,3 трлн. сўм қилиб белгиланган. Бу маблағларнинг 30 фоизи sanoat секторини, 25 фоизини таълим соҳасини ривожлантиришга, 23 фоизини - транспорт, энергетика, агросаноат мажмуи ва бошқа секторларни ривожлантиришга йўналтириш мўлжалланган”<sup>1</sup>. Рақамлардан кўринадикки, инвестициялар дастурида таълимга ажратиладиган ҳиссанинг кўпайганлигини ижобий омил сифатида баҳолаш мумкин бўлса, қишлоқ хўжалигига сарфларнинг камлигини дастурнинг салбий жиҳати, деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда ўтказилаётган сессиясида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга ошириш учун ҳам уни инвестициялаш лозим бўлади. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” халқаро ва чет эл ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди ва Ўзбекистонга кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда дарсликларни, ўқув-услубий қўлланмаларни чоп этишда, таълим тизимини моддий-техник базасини мустаҳкамлашда, бошқариш самарадорлигини орттиришда, ўқитишнинг экспрементал усуллари амалга оширишда қўллаб-қувватлаб, бевосита инвестициялар, кредитлар ва грантлар ажратмоқдалар.

Табиий равишда Ёшлар йилида катта молиявий маблағлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва уни “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга оширишдаги ролини аниқлаш ва инвестициялар самарадорлиги даражасини баҳолаш муаммолари ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шуларни эътиборга олиб, таълим соҳасига инвестицияларни йўналтириш қонуниятларини, таркибини ва хусусиятларини тадқиқ этиш, улар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Давлат инвестициялари дастури. // Халқ сўзи. 2000. 2-бет.

ни умумлаштириш ва молиялаштириш манбаларини такомил-лаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат томонидан катта миқдордаги маблағлар сарфланмоқда. Бу масала Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий сиёсатида асосий ўрин тутмоқда. 1998 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш тўғрисида»ги Қарори ҳам бу ҳолатни яққол исботлайди.

Иқтисодий таснифлаш бўйича таълим харажатлари иккита асосий гуруҳга бўлинади: булар жорий ва капитал харажатлардир. Капитал харажатлар инвестицион дастурни амалга ошириш билан боғлиқ. 1999-2000 йилларда янги коллежлар ва лицейларни қуриш муносабати билан капитал харажатлар салмоғи аввалги йилларга нисбатан ортиб кетди. Аммо, бюджет маблағларининг чегараланганлиги туфайли кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича коллеж ва лицейларни қуриш бўйича дастур 2005 йилдан 2010 йилгача узайтирилди. 2001 йилнинг ўзида бундай муассасаларни қуриш анча қисқартирилиши натижасида умумий харажатлардаги капитал харажатлар салмоғи сезиларли даражада қисқарди. Агар 1999 йилда капитал харажатлар салмоғи 24.1 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда капитал харажатлар 14.1 фоизга қисқарди. Жорий харажатлар салмоғи эса 1999 йилдаги 75.9 фоиздан 2005 йилда 85.9 фоизгача ошди.

Республикамызда “таълим-бутун умр давомида” тамойили ўрнига, «узлуксиз таълим тизими» тамойили асосида бу соҳага инвестицияларни жалб этиш амалга оширилмоқда. БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда таълим тизими ислохотларини молиявий қўллаб-қувватламоқда. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни молиялаштириш манбаи сифатида грантлар ва имтиёзли кредитлар жалб қилинди.

Корея Республикаси 30 млн. АҚШ доллари, Япония 58.8 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди, Германия 15.0 млн. немис маркаси миқдорида имтиёзли кредит ажратди, Осие тарраққиёт банки 57.0 млн. АҚШ доллари миқдорида, Европа Иттифоқи ТАСИС гранти 1 млн. евро ҳажмида маблағ ажратди. Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция дастури маълумотларига қараганда, таълимга бўлган харажатларнинг ортиши кузатилди. Масалан, 1999 йилда давлат инвестицион дастурининг 11.5 фоиз таълим улушига тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 15.8 кўтарилди

ва 2005 йил Давлат инвестиция дастурига асосан, бу кўрсаткич 14-16 % га етказилди. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасига қўйилган инвестицияларнинг фақат нисбий кўрсаткичлари эмас, унинг абсолют кўрсаткичлари ҳам юқори даражада ижобий равишда ўзгарди. Агар 1995 йилда таълим соҳасига қўйилган инвестиция ҳажми 1.6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 1999 йилда 159.2 млрд. сўмни, 2000 йилда 358.8 млрд. сўмни, 2001 йилда 500.0 млрд. сўмни, 2005 йилда 658,0 млрд. сўмни ташкил этди. Давлат консерваторияси қайта қурилди, янги университетлар, коллежлар, академик лицейлар, ўқув академиялари қуриб эксплуатацияга топширилди. Бу ҳолат давлатимизнинг таълимни ривожлантиришга бўлган эътиборини кўрсатиш билан бирга, унинг ўқув юрларини инвестиция томонидан қувватлаганлигини билдиради.

Шундай қилиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда, Ўзбекистон инвестицияларни молиялаштиришнинг самарали усуллари, механизмлари ва воситаларини излашда давом этмоқда. Инвестицияларнинг қаерга йўналтирилганлиги, қандай жараёнларга бириктирилганини ва уларнинг мақсадлари қандай эканлигини билган ҳолдагина уларнинг моҳиятини англаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, давлатнинг инвестиция сиёсати инвестицион муҳитни ташкил этиш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, иқтисодиётга хорижий инвестициялар кириб келишини кучайтириш ва шу йўл билан мамлакатнинг иқтисодий раўнақини таъминлашга қаратилган. Шу мақсад йўлида Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ўзига хос тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу тизим бугунги кунда самарали ишламоқда.

#### **9.4. Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари**

Республика иқтисодиёти учун инвестициялар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сармояларни тўғри молиялаштириш ва мониторингини олиб бориш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун иқтисодий сиёсатни олиб бориш, давлат бошқарув органларининг инвестиция жараёнларни тартибга солиши, иқтисодиётда давлатнинг аралашуви, халқаро битимларда иштирок этиши ва хорижий инвестицияларни жалб қилиши инвестицион муҳитга катта таъсир кўрсатади.



Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар билан мустаҳкамланган. Хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш йўлида солиқ қонунчилигида бир нечта имтиёзлар ўрин олган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан, даромад (фойда) солиғидан қуйидагилар озод қилинади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда чет эл инвесторлари уставда камидан 30% ли, яъни 15 минг АҚШ доллари эквивалент суммали улуш билан қўшма корхоналарни ташкил этиши мумкин. Бундай корхоналар ўз маҳсулотларини лицензиясиз экспорт қилиш ва ўз ишлаб чиқариши учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириб, уларга хорижий валютада тўловлар амалга ошириш мумкин. Хорижлик инвесторлар ўз фойдаларини олиб чиқиб кетишлари кафолатланади. Агарда улар инвестициялашни амалга оширсалар, бу маблағлар солиққа тортилмайди.

Шунингдек, бундай корхоналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташкил этилган ҳолларда ҳам 2 йилга фойда солиғидан озод этилади. Қонунга мувофиқ, хорижлик инвесторлар ҳуқуқлари, фаолияти ва уларнинг фойда олишликлари давлат томонидан ҳимоя қилинади ва кафолатланади.

Шунингдек, бизнесни ривожлантириш учун ҳам қўпгина шарт-шароитлар, имтиёзлар яратилган. Чунончи, улар хорижий кредит линиялари орқали имтиёзли кредитлаш, кредит маблағлари ҳисобига уқуналар олишда қўшилган қиймат солиғидан, божхона тўловларидан озод этилиб, уларга давлат томонидан инвестицияларни амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча қўллаб имтиёзлар берилган.

Бугунги кунда республикамизда хориж инвестицияларини жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича давлатнинг юротаётган сиёсати ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бузор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган ҳар хил манбалар, молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан, кредитлар эвазига қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш турли шакл ва усулларда олиб борилади. Ҳозирги вақтда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини шакллантириш, инвестиция лойиҳала-

ри фаолиятининг бош муаммоларидан бири ҳисобланди. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш кўйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилмоқда.

1. Инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик резервлари (фойда, амортизация ажратмалари, махсус резерв фондлар).

2. Инвесторнинг қарз маблағлари (банк кредити, бюджет кредити, облигация бўйича қарзлар).

3. Жалб қилинган молиявий ресурслар (акцияларни сотиш меҳнат жамоасининг пай ва бошқа кўринишидаги бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари).

4. Бюджетдан инвестиция ассигнованиялар (маҳаллий, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари).


5. Чет эл инвестиция лойиҳалари (чет эл кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестиция лойиҳалари, қўшма корхоналар кўринишида).

6. Лизинг (инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг бир тури бўлиб, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, бино ва иншоотларни ижарага бериш).

Ушбу молиялаштириш шакллари ва манбаларининг ҳар бири ўзининг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига эга, шу сабабли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш шаклларини таҳлил қилиб энг қулай шакл ва усул танланади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, КФВ (Германия). Халқаро молиявий корпорацияси, ДГ(Германия), Хиповеренейс банк (Германия), Кросероудс Осиё кредит компанияси кредит линиялари фаолият кўрсатмоқда. Бу кредит линияларидан техника – технология ва асбоб ускуналарни импорт қилиш, са-ноат сектори, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар бериллади. Чет эл инвестициялари жаҳон иқтисодиёти ва алоҳида бир мамлакат иқтисодиётини интернационаллашувида муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда тўғридан-тўғри чет эл инвестиция лойиҳалари халқаро савдога нисбатан тезроқ ўсмоқда ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаи сифатида аҳамияти ошмоқда.

### Иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари



Манба. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги 244-сонли Қарори.

Ҳозирги вақтда ривожланаётган давлатлар учун чет эл инвестицияларини жалб этиш катта амалий аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун асосий манбалардан ҳисобланса, иккинчидан, замонавий технологиялар кириб келиши, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мамлакат экспорт салоҳиятини олишга, янги иш ўринларини кўпайишига олиб келади, бу эса ўз-ўзидан аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишини кафолатлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизмида давлат иштирокининг фаоллиги объектив жиҳатдан миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ўстириш эҳтиёжлари билан боғлиқдир ва ҳаминша бевосита давлат харажатларига бориб тақалади. Харажатлар эса фискал воситалар орқали нодавлат секторларини молиялаштириш учун фойдаланиш мумкин бўлган пул маблаглари ҳисобидан қопланади. Худди шу тартибда иқтисодиёт соҳаларидаги инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети ҳисобидан молиялашти-

тириш ҳажмларини, шунингдек, бошқа манбалар ҳажмларини республика бўйича тўртинчи жадвалдан кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция дастури лойиҳа-кидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларини назарда тутган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

4-жадвал

### Инвестиция дастури бўйича капитал қўйилмаларнинг асосий кўрсаткичлари (2006 йил)

(млн. сўмда)

Молиялаштириш манбалари	Кўрсаткичлар
<b>Жами капитал қўйилмалар</b>	<b>2873627</b>
<b>I. Марказлашган инвестициялар</b>	<b>862437</b>
Бюджет маблағлари	345000
Бюджетдан ташқари жамғармалар	134370
Жумладан:	
Республика Йўл жамғармаси	50000
Ёшлар спортини ривожлантириш жамғармаси	16000
Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси	68370
Давлат кафолати остида чет эл институтлари	383067
<b>2. Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>862437</b>
Корхона маблағлари	1070000
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа заём маблағлари	60000
Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари	564096
Аҳоли маблағлари	317094

Манба. Информационно-аналитический обзор «Экономика Узбекистана». 2006. за январь-март. 55 стр.

Инвестиция дастурида лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугаланмаган қурилиши ва қурилишини тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Инвестиция дастурининг тахлилий қисми республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолдаги капитал қўйилмалар ҳажмлари ва молиялаштириш манбаларини асослашдан, дастур самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларидан иборат бўла-

ди. Дастурнинг таҳлилий қисми таркибида инвестицияларнинг так-  
рор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда,  
умуман, дастур иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари, молиялаш-  
тириш манбалари ва ҳудудлар амалга ошириш йўллари бўйича  
капитал қўйилмалар таркиби белгиланади.

Марказлаштирилган манбалар ва давлат корхоналари маблағла-  
ри ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатла-  
ри Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган  
ҳолда инвесторлар томонидан тасдиқланади. Бошқа манбалар ҳисо-  
бига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари ин-  
весторлар томонидан мустақил равишда тасдиқланади. Кредит ре-  
сурсларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция  
лойиҳаларининг аниқ рўйхатлари тегишли кредит шартномаси ёки  
кредитловчи банкнинг ёзма розилиги мавжуд бўлганда тасдиқланади.

Республикада инвестициялар динамикаси, одатда, пул-кре-  
дит ва бюджет сиёсати орқали, шунингдек, чет эл инвестициялари-  
ни жалб қилиш билан барқарорлаштирилади. Инвестиция сиёсати-  
да икки йўл мавжуд, бири солиқ юкни энгиллаштириш ва маблағ-  
ларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга боғлаш, иккинчиси  
маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастур-  
ларини амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон учун иккинчи йўл  
мақбул деб олинган. ЯИМда ишлаб чиқариш соҳаси ҳиссасини  
ошириш мақсадларида рағбатлантириш йўли билан ишлаб чиқ-  
аришда инвестиция сиёсатини фаоллаштириш талаб этилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб  
чиқариш соҳаларининг асосий капиталига киритилган инвестиция-  
лар нисбатларида ишлаб чиқариш соҳаси капиталида уларнинг ҳис-  
саси пасайиши тенденцияси кузатилади, лекин шунга қарамай улар  
устун ҳолатда қолиб, асосий капитал жами инвестицияларнинг 55.5  
фоиздан кўпроғини ташкил қилади. Бундай манзара ноишлаб чиқ-  
ариш мақсадларидаги инвестицияларнинг сезиларли ўсиши, айниқ-  
са, нодавлат мулкчилик шаклларидаги турли субъектларда улар-  
нинг ҳиссаси юқори эканлиги натижасида келиб чиқади. Умуман  
олганда, ноишлаб чиқариш қурилишига инвестицияларнинг орти-  
ши кузатилади. Республика асосий капиталига йўналтирилган ин-  
вестицияларнинг тармоқ тузилмаси шундай ҳулосага олиб келади-  
ки, кейинги йилларда инвестиция сиёсатида асосий эътибор бозор  
инфратузилмасини яхшилашга, яъни транспорт, таълим, алоқа ва  
улар билан боғлиқ секторларни ривожлантиришга қаратилди.

Инвестицияларнинг тармоқ тузилиши таҳлили кўрсатишича, сўнгги йилларда, биринчидан, давлат инвестиция сибсатида асосий эътибор коммуникация билан боғлиқ секторларни ривожлантиришга қаратилди, иккинчидан, инвестиция тузилишида ноишлаб чиқариш соҳаси улушининг юқорилиги таъминланди, учинчидан, жами инвестицияларда давлат улушининг катта бўлиши таъминланди. Бу билан давлат нафақат бош ислохотчи, балки бош инвесторлик вазифасини ҳам ўтади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, лойиҳаларни дастурга киритишда минтақалараро аҳамиятга эга бўлган ва технологик бир-бирига боғлиқ лойиҳаларни, қишлоқ жойларда ва меҳнат ресурслари кўп бўлган минтақаларда бизнесни ривожлантиришни, республика экспорт салоҳиятини ўстиришни таъминлаш эътиборга олинishi керак.

Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари молиялаштиришга таъсир этиш, солиқ ва бошқа имтиёзларни бериш ва давлат мониторингини ташкил қилиш ҳисобланади. Молиялаштиришга таъсир этиш бу устувор инвестиция лойиҳаларни реализация қилиш учун аванс ва бошқа тўловларини қўшган ҳолда, бюджетдан қайтариб бериладиган ва қайтариб берилмайдиган бюджет маблағларини ажратиш, шунингдек, ҳукумат қафолат берадиган чет эл кредитларини беришдан иборат. Албатта, дастур бўйича ёки ҳар бир лойиҳа бўйича солиқ имтиёзлари рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Марказлашган молиявий ресурсларнинг кейинги йил прогноз лимитлари Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодий ва статистика вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан сентябрдан кечикмасдан эълон қилинади. Марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан давлат қўллаб-қувватлаши керак бўлган устувор давлат лойиҳаларини амалга оширишни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция Дастурлари Департаменти билан Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодий ва статистика вазирлиги ва бошқа вазирликлар ҳамда идораларнинг биргаликдаги таклифи асосида аниқланади. Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида давлат мониторингини ўтказиш давлат томонидан қилинадиган назоратнинг асосий механизми ҳисобланади.

Давлатнинг молиявий назорат мониторингининг асосий вазифалари:

• чет эллик ҳамкорлар олдида қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз ижро этилишини таъминлаш;

✦ лойиҳани амалга ошириш жараёнида туғилган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ечишни таъминлаш;

✦ инвестиция лойиҳаларини тасдиқланган ҳажмда ва белгиланган муддатда узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш;

✦ дастурга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа инвестиция жараёни қатнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

✦ долзарб муаммоларни ўз пайтида ечишда уларнинг масъулиятини ошириш;

✦ инвестиция иқлимни такомиллаштириш учун тақлифлар бериш.

Давлатнинг инвестиция фаолияти орқали амалга ошириладиган инвестициялар марказлашган инвестициялар (капитал қўйилмалар) бўлади. Марказлашган инвестициялар икки йўл билан амалга оширилади:

1. Тўғридан-тўғри давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли фонд ҳисобига молиялаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қафолати билан чет эл инвестицияси жалб этилади.

Марказлашган инвестицияларни бошқариш давлат инвестицияси мақсадида объектларни аниқлаш ва шунга тааллуқли масалаларни ҳал этишдан иборат. Марказлашган инвестицияларни бошқариш жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари томонидан берилган ваколат чегарасида амалга оширилади.

Давлат инвестициясининг энг асосий манбалари бюджет ажратмалари ва бюджет кредити ҳисобланади. Бюджет ажратмалари капитал қўйилмалар ва ноишлаб чиқариш соҳаси объектлари, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият учун ишлатилади. Бу ҳолатда Молия вазирлиги чоракларга ажратилган молиявий ресурслар тўғрисида махсус фармойиш чиқаради. Молия вазирлигининг бюджет ҳисобрақамидан шу тармоқнинг корхона ва ташкилотининг капитал қўйилмалар махсус ҳисобрақамига маблағлар ўтказилади. Шу ҳисоб рақамидан мол етказиб берувчилар томонидан товар-моддий бойликлар ва бажарилган ишлар молиялаштирилади.

Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёнларига бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини химоя қилишни мустақкамлаш чора-тадбирларининг таъсири бўлди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, қатор йиллар давомида мамлакатимизда асосий капиталга инвестициялар ҳажми мунтазам ра-

вишда ўсиб, уларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби ҳам такомиллашиб бормоқда.

5-жадвалдан кўринадики, инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари орасида корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши сезиларли равишда ошиб бормоқда. Ўз навбатида, давлат бюджети ва банкнинг марказлашган кредитлари ҳисобидан инвестициялашнинг улуши аҳамиятли даражада қисқармоқда. 2006 йилда барча сармояларнинг 77,5 фоизини ташкил этадиган марказлашмаган сармояларнинг асосий ўсиши хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш, корхоналарнинг ўз маблағи ва банк кредитлари ҳисобидан таъминланди.

Натижада, йил давомида Кўнғирот сода заводи, Тўполанг ГЭСи ишга туширилди, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида мис ва унинг қўйилмаларидан тасма ленталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, «Кўкдумалоқ» қўшма корхонасида газни қайта ишлаш қувватининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида газни қисмларга ажратадиган қурилма, Газли-Саримой газ қувури қурилиши, тўқимачилик саноатида эса 11 та инвестиция лойиҳаси якунига етказилди, саноатнинг қатор етакчи тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга киришилди.

Тошгузар-Бойсув-Қумқўрғон темир йўли қурилиши, Тошкент иссиқлик электр станциясини модернизация этиш, Навоий шаҳри аэропортини реконструкция қилиш, Резаксой ва Оҳангаронсой сув омбори ҳамда бошқа объектларни барпо этиш билан боғлиқ йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Арис-Ўзбекистон темир йўл тармоғи электрлаштирилди. Йўловчи ташиш поездларининг янги тезюрар йўналишлари ишга туширилди.

Йўл қурилиши дастурининг амалга оширилиши туфайли 2006 йилда халқаро транспорт тармоғи таркибига қирадиган 130 километр автомобиль йўли реконструкция қилинди, умумий фойдаланишда бўлган 2400 километр йўл таъмирланди, 34 та кўприк қурилди. Иқтисодийга йўналтирилган сармояларнинг қарийб 50 фоизи технологияларни янгилаш ва замонавий ускуналар харид қилишга сарфланди.

Кейинги йилларда асосий капиталга инвестициялар оқимининг қайта тақсимланиши билан боғлиқ бўлган саноат ва инфратузилма тармоқларининг ривожланиши иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат асосий капиталга инвестицияларни иқтисодий тармоқлари бўйича таркибининг ўзгаришига олиб келмоқда. Жум-



ладан, 2006 йилдаги инвестициялар ҳажмининг 47,7 фоизи иктисодиётнинг таянч тармоқлари (саноат, транспорт ва алоқа)га йўналтирилди, бу эса капитал қўйилмалар салмоқли ҳажмининг (68,3% гача) ишлаб чиқариш соҳасида тўпланишига олиб келди. Ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2619,8 млрд. сўмни ташкил этди.

5-жадвал

**Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий тармоқлари бўйича таркиби**

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Ишлаб чиқариш соҳалари	57,5	63,1	57,1	63,0	64,1	65,3	68,3
Саноат	29,7	38,9	32,4	28,0	28,6	29,9	27,0
Қишлоқ хўжалиги	5,7	5,5	5,8	4,3	3,4	3,2	4,6
Қурилиш	0,5	0,6	0,4	0,5	0,4	0,8	1,3
Транспорт ва алоқа	16,7	14,0	10,0	20,3	23,1	20,2	20,7
Савдо ва умумий оврақатланиш	4,3	1,5	2,6	3,3	1,3	1,3	2,1
Бошқа соҳалар	0,6	2,6	5,9	6,6	7,3	9,9	12,6
Ноинлаб чиқариш соҳалари	42,5	36,9	42,9	37,0	35,9	34,7	31,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Шунингдек, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ўз натижасини кўрсатмоқда. 2006 йилда жами хорижий инвестициялар ҳажми 730,4 млрд. сўмни ёки умумий инвестицияларнинг 19,0%ини ташкил этди. Бу эса 2000 йилдагига нисбатан деярли 5 барабар кўп демакдир. Шунингдек, йилдан-йилга хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий сармоя ва кредитларнинг салмоғи ўсиб бормоқда. 2006 йилда уларнинг ҳажми 539,9 млрд. сўмни ёки жами хорижий инвестицияларнинг 73,9%ини ташкил этди.

2006 йилда умумий қиймати 186 млн.доллар бўлган, тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий сармоялар иштирокида 53 та лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш якунланиб, махсулот ишлаб чиқариш бошланади. Жумладан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида – 11 та лойиҳа, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида – 4 та, «Ўзбек-чарм-пойабзали» акциядорлик компа-

ниясида – 2 та ва республикамизнинг турли ҳудудларида 31 та лойиҳа амалга оширилди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳали мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Таҳлиллар кўрсатадики, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда қуйидаги бир қатор омиллар тўсқинлик қилмоқда:

- ✦ мамлакатдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма даражасининг пастлиги;

- ✦ хорижий инвестицияни жалб этувчи корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишда етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги, халқаро бозордаги мавқеининг пастлиги;

- ✦ инвестиция жараёнида иштирокчи томонларнинг ўзаро бир-бирлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмасликлари ёки бу маълумотларнинг доимо ҳам тўлиқ ва ишончли бўлавермаслигидир.

Бу каби муаммо ва тўсқинликларни бартараф этиш учун мамлакатимизда қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ✦ халқаро майдонда мамлакатимиздаги инвестиция муҳити, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ, компания ва ташкилотларининг инвестицион имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасдиқлаш каби тадбирларни кучайтириш;

- ✦ мамлакатимиздаги бозор ахборот хизматини ривожлантириш, маркетинг хизмати фаолиятини ва ташқи иқтисодий қонунчиликни фаоллаштириш;

- ✦ йирик хорижий банкларнинг филиалларини, халқаро компания ва корпорациялар ваколатхоналарини очиб учун етарли шароитлар яратиш;

- ✦ инфратузилма соҳасидаги (йўллар, транспорт, алоқа) қўшма инвестицияларни амалга оширишни фаоллаштириш;

- ✦ хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик стратегиясини, айниқса денгиз йўлларига чиқиб олиш ва шу орқали экспорт-импорт юк ташувларини амалга оширишга йўналтирилган, ўзаро фойдали кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Кадрлар тайёрлаш жараёнига таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Шунга кўра, мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларини ўқув-лаборатория жи-

хозлари билан таъминлаш дастурда алоҳида чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашда хорижий инвестиция кредитларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга касб этади. Шунга кўра 1998-2006 йилларда 924 та таълим муассасаларининг 371 таси (40,2%), шу жумладан, 2006 йилда 62 таси хорижий инвестиция кредитлари ҳисобидан тўлиқ жиҳозланди. Бунинг учун 135,6 млн. АҚШ доллари миқдорига ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш бўйича инвестиция дастурига киритилган хорижий лойиҳалар ва уларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни б-жадвалдан кўриш мумкин.

б-жадвал

### 2006 йил Инвестиция дастурига киритилган хорижий лойиҳалар

№	Лойиҳани молиялаштирувчи хорижий инвесторлар	Лойиҳа қиймати млн. АҚШ долл.	Бажарилган қисми млн. АҚШ долл.	Бажарилиш фоизи
	<b>Кредитлар</b>			
1.	Осиё тараққиёт банки	4,5	2,8	62,6
2.	Польша Республикаси	9,0	8,12	90,24
3.	Корея ҳукумати	2,5	0,047	1,88
4.	Германия тараққиёт банки	7,9	4,17	52,6
	<b>Грантлар</b>			
1.	Европа Иттифоқининг Таъсис дастури	1,17	1,17	100,0
2.	Швецария ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги	0,73	0,73	100,0
3.	Польша Республикасининг «SkyBone» Sp.z o.o. ва «Abplanalp Consulting» Sp.z.o.o. фирмалари	0,62	0,62	100,0
4.	Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти (GTZ)	2,12	2,12	100,0
5.	Германия тараққиёт банки	1,27	0,45	35,28

Манба: Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши ҳақида маълумотнома.

Шунингдек, 2007 йилда хорижий инвестиция кредитлари ҳисобидан 14 та академик лицей ва 100 та кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги касб-хунар коллежларини жиҳозлаш бўйича инвестиция дастури доирасида Корея ҳукуматининг 22,9 млн. АҚШ доллари ҳамда Бельгия Қироллиги ҳукуматининг 5,04 млн. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий лойиҳаларини ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз ўз маърузаларида 2007 йилда иқтисодийни ривожлантиришнинг навбатдаги учинчи устувор йўналиши хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат эканлигини кўрсатиб бердилар. Бу борада мамлакатимизда аҳамиятли даражадаги ютуқларга эришиб келинмоқда. Чунончи, яратилган қулай имтиёз ва преференциялар тизими туфайли 2006 йил ҳолатига иқтисодийтимизга жами 20 млрд. АҚШ долларидан зиёд миқдордаги хорижий инвестиция жалб этилди. Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми эса, факатгина 2000-2006 йиллар мобайнида 9,3 марта ошди ва 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда имтиёзли хорижий сармояларни жалб этиш рақобатбардош, кучли иқтисодийни барпо этиш ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашнинг ўзига хос йўли эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда ҳар йили Инвестиция дастури қабул қилинади ва унда энг муҳим инвестиция лойиҳалари ўз ифодасини топади.

2007 йил учун ҳам Инвестиция дастури тасдиқланган бўлиб, унда реал иқтисодийнинг энг муҳим тармоқлари ва ижтимоий соҳада йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш, қиймати 3 млрд. 950 млн. АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция маблағларини ўзлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу дастур доирасида 1 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилиши мўлжалланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги миллий иқтисодийни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида амалга ошириладиган асосий вазифалардан бири иқтисодийга хорижий инвестицияларни жалб қилишдан иборатдир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бизнинг мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодийни ривожлантиришга салмоқли

хисса қўшмоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ташкил этиш билан бевосита иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ва модернизациялашга, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлашга ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришиш мумкин.

### **9.5. Бюджет орқали инвестициялаш самарадорлигини ошириш муаммолари**

Ўзбекистон иқтисодиёти учун иқтисодий ривожланишни молиялаштиришнинг ташқи манбалари ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чет эл инвестициясини жалб этишнинг жаҳон амалиёти жаҳон бозорида рақобатбардош тармоқларни ривожлантириш учун қарзлар олиш ва қўшма ишлаб чиқаришда иштирок этувчи чет эл инвесторлари бевосита кириб келиши учун бозорни очишдан иборат.

Бу инвестицион фаолиятни ҳар томонлама рағбатлантириш ва иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида чет эл инвесторлари учун фойдали шарт-шароитлар яратиш йўлидир. Инвестицион қарорларни қабул қилиш ва самарадорликни баҳолашда, айниқса, молиялаштиришда хорижий манбаларнинг кенгайиб бориши муносабати билан, ташқаридан жалб этиладиган манбаларнинг нарх ва қийматларини ҳисобга олиш зарурияти пайдо бўлади. Халқаро молия институтларининг валюта кредит линияларидан фойдаланиш лизингни ривожлантиришга йўналтирилган ишлар ва бошқалар инвестицияларни молиялаштириш амалиётига жиддий ўзгартиришлар киритади.

Инвестициялашнинг бозор механизмларини жорий этиш, бевосита хорижий инвестициялар, кредитларни жалб қилиш, молия бозори орқали инвестиция манбаларини шакллантиришни кенгайтириш, ноанъанавий молиялаштириш усулларидан фойдаланиш амалиётини чуқур, атрофлича тадқиқ этиш ва уларни умумлаштириш заруриятини кун тартибига қўяди.

Мамлакатда чет эллик инвесторларга кенг имкониятлар яратилган, чунончи, инвестиция мақсадларида ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар, ускуна-жиҳозлар, уй-жой сотиб олиш, ерни узоқ муддат ижарага олиш, хусусийлаштириш дастурида қатнашиш ҳуқуқлари берилган. Чет эллик инвестор инвестиция натижалари ва объектларига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилиш ҳуқуқига эга.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини, глобал билимларни олиш, солиқларнинг тартибга солиш ролини такомиллаштириш, рағбатлантирувчилик ро-

лини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундаги асосий вазифа - чет эллик шерикларга капитал қўйишнинг самарали йўналишларини таклиф қилишдан, ўзаро манфаатли соҳаларни белгилашдан, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари ва уларни ҳимоя қилишнинг ҳақиқий амал қиладиган механизмларини амалга оширишдан иборат.

Инвестиция муҳитида инвесторларнинг инвестиция рискларини баҳолаш асосида чет эл инвестициялари кириб келишига қулайликлар яратилиши керак. Чет эллик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитини, унинг хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг суғурталаниши, инвестициялаш мақсадларига мувофиқлиги, иқтисодиётнинг бошқаларга қараганда қулайлиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар. Мамлакатга хос риск даражасикарзлар масаласи, импорт ва экспорт баланси, ҳукуматнинг барқарорлиги, маҳаллий шароитнинг қўшни мамлакатга нисбатан устун томонлари муҳим ўринда туради.

Инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари импорт хом ашёга божхона божларини бекор қилиш, корпоратив солиқни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, солиқлар бўйича имтиёзлар, экспорт саноати районлари, эркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга. Бозорга ўтиш даврида ва унинг тўлиқ қарор топишига қадар солиқ имтиёзларини жорий қилиш ҳамда божхона божини камайтириш, иқтисодиётнинг меҳнат талаб секторларида чет эл инвестициялари жойлаштирилишини рағбатлантириш лозим, бу секторларни ривожлантириш эса айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал қилиш имкониятини яратади.

Бизнинг фикримизча, хорижий инвестицияларни жалб этишда, биринчи навбатда, илмталаб, капиталталаб тармоқларга устуворлик бериш лозим. Чет эллик инвесторлар учун ҳар қандай кафолатлар ҳамда имтиёзлар берилиши мумкин ва айни пайтда улардан мамлакатимиз фуқаролари саломатлиги ва атроф-муҳитга зиён етказмайдиган энг янги ва самарали технологиялар талаб қилмоқ зарур. Янги илғор технологияларни ишлаб чиқувчи ва истеъмолчиси бўлган қўшма корхоналарни имтиёзли солиққа тортиш, нафақат технологиялар экспортини кўпайтиради, балки янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини техника билан қайта куроллантиришни ҳам таъминлайди.

Шундай қилиб, бозорга ўтиш босқичида жамғармаларнинг етишмаслиги, ялпи инвестициялар ҳажмида аҳоли маблағлари ҳис-

сасининг пастлиги объектив зарурият – чет эл инвестицияларини жалб этишдан иборат бўлган инвестиция фаолиятини тартибга солишни юзага келтиради. Бу эса амалда бўлган қонун ҳужжатларини соддалаштириш ва барқарорлаштириш йўли билан такомиллаштиришни, шунингдек, мамлакатда янги лойиҳалар учун бевосита чет эл инвестициялари оқимларини рағбатлантиришни талаб қилади. Ривожлантириш механизмлари валютани қоплайдиган лойиҳаларни ва маҳаллий хом ашё ресурслари негизидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиши лозим.

Республика инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизимида солиққа тортиш тизими суэт ишга солинган, қўлланиладиган солиқ имтиёзларида халқаро солиқ протекционизми тажрибалари етарли даражада ҳисобга олинмаган. ИТТКИ ва фан-техника ютуқларини жорий қилиш учун инвестиция солиқ кредити етарли даражада қўлланилмайди. Хусусий сектор инвестицияларини жалб қилишга ва ишлаб чиқариш инвестицияларини рағбатлантириш, истемол инвестицияларини камайтиришга йўналтирилган имтиёзларни кенгайтириш лозим. Умуман, улар бўйича солиқ кредитлари, имтиёзлар ва рағбат омиллари иқтисодий субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда капитал жамғарилишини рағбатлантириши лозим.

Ставкалар миқдорини пасайтиришни, имтиёзлар турларини, солиқ кредитлари, тўловларни кечиктиришни кенгроқ қўллаш, қўшилган қийматни икки томонлама ва ундан кўп солиққа тортишни бартараф этиш ҳамда солиқ солинадиган базани кенгайтириш керак. Солиқ солинадиган фойдани қисқартиришнинг ҳақиқий механизми бу «икки томонлама камайиб борувчи қолдиқ» кўринишдаги жадаллаштирилган амортизация усулини жорий этиш ва ҳар бир конкрет ҳолатда чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чораларини таъминлашдир. Рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг амал қилишини, шунингдек, инсон капиталига инвестицияларни кенгайтирадиган, технологиялар ва техника билимлари соҳаларини ривожлантирадиган йўналишларга татбиқ этмок зарур. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инвестиция муҳитини моделлаштиришни талаб этади.

Иқтисодиётни марказлашган тартибда бошқариш даврида «инвестицияларнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар бўлиб, инвестицион лойиҳалар давлат режасига киритилган тақдирдагина бюджетдан молиялаштирилган. Иқтисо-

диётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик даврида хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция мақсадларида банк кредитларидан ҳам эркин фойдаланиш имкониятига тўла эга бўла олмаган. Банклар ягона давлат банки тизимида бўлгани учун кредит ресурсларини тақсимлаш унинг ихтиёрида бўлган ва кредитлаштириш давлат режаси асосида амалга оширилган.

Мутахассисларнинг фикрича, давлатнинг иқтисодий қонунларини ҳисобга олмаган ҳолда молия тизимига ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ эмас, негаки, молия муносабатларининг шакли иқтисодий шароит билан аниқланади. Давлат амалиётга фақат шундай солиқ турларини киритиши ва шундай харажатлар тизимини танлаши керакки, булар объектив иқтисодий қонунлар ҳаракати ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг объектив эҳтиёжига мос келсин. Яратилган молиявий муносабатларнинг ташкилий тизими инвестицион фаолиятни рағбатлантириб, иқтисодиётнинг ривожланишини тезлатувчи омил бўлиши лозим.

Давлат солиқ, бюджет харажатлари, амортизация ва фоиз сиёсати каби воситалардан иқтисодиётга таъсир этишнинг шундай механизмини яратадики, улар ёрдамида инвестицион фаолиятни кескин рағбатлантириш мумкин бўлади. Инвестицион жараёнга таъсир этиш учун ҳар қандай молиявий рағбатлантириш корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий боғланган бўлиши лозим.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назардан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб ижтимоий зарур инвестиция муносабатларни шакллантириш меъёрларини назарда тутати. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари чет эллик инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан, чет эллик шахсларгача бу муносабатларнинг иштирокчиларига айландилар.

Ўзбекистонда инвестиция жараёнини қайта қуришнинг муҳим ўзига хос масаласи оғирлик марказини бюджет ҳисобидан молиялаштиришдан иқтисодиёт субъектларининг ўз маблағлари, махсус фондлар, банк-кредит институтлари ва минтақалар ресурслари ҳисобига молиялаштиришга кўчиришдан иборатдир. Бунда инвестицияларни молиялаштиришнинг турли манбалар тузилмасини оптималлаштириш йўли билан таъминлаш, давлат секторида тармоқлараро пропорцияларни назорат қилиш ғоят муҳим масаладир.

Давлатнинг солиқлар ва бошқа тушумлар шаклида олган даро-



мади бюджет орқали тақсимланади, унинг ихтиёридаги инвестиция ресурсларини ҳосил қилади. Давлат укладининг умуммиллий аҳамияти уни инвестиция соҳасида етакчи бўлишига олиб келади, бу сиёсат бюджет инвестициялари орқали молиявий таъминланади.

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, иқтисодиёт ривожланишининг турли стратегиялари мавжуд. «Бу стратегияларнинг айримларидан ўтган асрнинг 60-йилларида ресурсларни самарали тақсимлаш ва капитал жамғариш, 70-йилларида бозор механизмларини кенг жорий қилиш ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувини тугатиш, 80-йилларда давлат молиясининг мувозанатлашганлиги ва пул-кредит сиёсати масалаларидан фойдаланилган»<sup>1</sup>.

Айрим мавжуд қарашларга кўра ижтимоий капиталда иштирок этишга асосланган ривожланиш стратегияси йўлидан бориш лозим. Бунда инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича, инвестиция ресурсларини сафарбар этиш ва улардан самарали фойдаланиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини «давлат-тижорат молиялаштириш»<sup>2</sup> тадбирларида фойдаланилади. Албатта, бу ўринда инвестицияларни ҳар томонлама рағбатлантириш, инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш, бевосита чет эл инвестициялари келишини қўллаб-қувватлаш зарурлигига қўшилиш керак.

Молиялаштириш манбалари тузилмасини оптималлаштириш инвестицияларни молиялаштиришда корпоратив мулк иштирокини кенгайтиради, инвестиция рискларини минималлаштиради, молиялаштириш иштирокчилари жавобгарлигини оширади, инвестициялар самарадорлигини кўтаради ва даромадларнинг капиталлашувини таъминлаш вазифаларини ҳал қилишда имкониятлар яратади. Айникса, кредит ресурслари ҳиссасини кўтариш молиялаштириш натижалари учун масъулиятини оширишга ёрдам беради, чунки уларнинг роли ўшиши билан банк ва кредит рисклари даражаси ҳам ўсади.

Давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқаради ва бунинг устига инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароитлар яратиб боради.

Шу сабабли давлат корхоналарига нисбатан, бюджетдан молиялаштиришни белгиланган арзон, имтиёзли фониз ставкаларда, бюджет ҳисобидан шакллантириладиган мақсадли махсус фондлар маб-

<sup>1</sup> Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. – Т.: Монография. Молия. 2003.-276.

<sup>2</sup> Стиллиц Д. Развитие, основанное на участии: стратегия государства с переходной экономикой. Экономическое обозрение. июн. 1999. 20-21 бет.

лағларидан молиялаштириш билан алмаштириш мумкин. Бизнинг фикримизча, Давлат бюджети маблагларини фақат иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни белгилайдиган йўналишларда сафарбар этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги молиялаштириш тизими инвестицияларни молиялаштириш давлат механизмини ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, бу механизмнинг фаолият доираси аста-секин торайиб, унинг ўрнини бозор механизми эгаллаши лозим. Молиялаштиришда давлат ва бозор механизмларининг ёнма-ён ишлатилиши инвестиция фаолиятининг турли субъектларини тенг бўлмаган шароитларда ишлашга таъминлайди.

Иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш инвестициялашнинг бозор механизмларидан фойдаланишни кенгайтиришга, инвесторларнинг ўзларига, банкларга, молия институтларига, чет эл инвесторлари, халқаро кредитлар ва қарзларга хос рисклар кўламини оширишга олиб келиши кутилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат ташкилотлари ва корхоналарига нисбатан қўлланиладиган молиялаштиришнинг бюджет усули ҳукуматнинг бюджет сиёсатига асосланади ва ундан келиб чиқади. Шунини таъкидлаш лозимки, инвестицияларни бюджет усулида молиялаштиришда маблагларни қайтариш мажбурияти йўқ, бу эса қарз олувчиларнинг ўз фаолиятини янада самарали амалга оширишга замин яратди. Иккинчи томондан, бюджетдан молиялаштириш қарз олувчиларга фаолият эркинлиги ва ижодий ташаббус кўрсатишни таъминламайди, боқимандалик кайфиятини уйғотади.

Хулоса қилиб айтганда бюджетдан молиялаштириш тизимини тубдан ўзгартириш лозим. Давлат томонидан инвестицияларни молиялаштиришни Япония тажрибасига асосланган ҳолда, давлат молия институтлари тизими орқали амалга ошириш керак. Бунда давлат тараққиёти банклари ёки молиялаштириш бўйича давлат корпорациялари ташкил этилади. Бу институтлар минтақавий ривожланишдан бошлаб экспорт, импорт ва чет эллардаги инвестицияларни молиялаштиришга қадар турли соҳаларни қамраб олиши мумкин. Бундай амалиёт бугунги кунда уй-жой қурилиши учун ссудалар беришда яхши натижалар бермоқда.

## **9.6. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари**

Республика минтақалари бўйича асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари тузилмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, инвестициялашда ҳамон давлат бюджети маблағлари ҳиссаси юқори бўлиб қолмоқда. Республиканинг ҳамма минтақаларига хос хусусият инвестицияларни молиялаштириш манбалари орасида банк кредитлари, чет эл инвестициялари ва кредитларига нисбатан оз ҳиссани ташкил қилади. Умуман, бу манбаларда корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳиссасининг камайиши кузатилади.

Молиялаштириш манбалари тузилмасини батафсил таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, корхона ва аҳолининг ўз маблағлари ҳиссаси пасайиш тенденциясига эга, бу иқтисодийнинг ҳам давлат, ҳам нодавлат секторларига хос. Шу билан бирга чет эл инвестицияларининг асосий капиталини шакллантиришдаги иштироки қисқариб, айни пайтда чет эл кредити ва бошқа кўринишдаги ташқи қарз маблағлар кўпайиб бораётганлиги кузатилади. Иқтисодийнинг давлат секторидан бюджетдан молиялаштириш ва чет эл кредитлари кўринишларидаги қарз маблағлар ҳиссаси ортиб бормоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, асосий капиталга сафарбар этилган инвестицияларнинг учдан икки қисми давлат томонидан молиялаштириш воситасида амалга оширилмоқда. Бунда ишлаб чиқариш соҳасига сарфлар улушининг пасайиши кузатилмоқда, хусусий мулк доирасидаги инвестицияларда ноишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ харажатлар ошиши кузатилмоқда.

Давлат сектори ҳисобидан чет эл кредитлари ва бошқалар ҳисобидан молиялаштириш устунлигича қолиб келди. Инвестициялаш жараёнларини эркинлаштириш бозор механизмининг тўлароқ ишлашини тақозо қилади. Бунда нодавлат сектор доирасида инвестиция фаолиятини жадаллаштириш талаб этилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, молиялаштиришнинг давлат воситаси, ҳозирча, инвестиция харажатларининг самараси ошишига олиб келмади, бу ҳолни давлат ва нодавлат мулк миқёсидаги инвестициялар, тармоқ ва технологик тузилмалардаги ўзгариш динамикаси ҳам тасдиқлайди. Буларнинг барчаси молиявий воситачиликни ривожлантиришга кўмаклашувчи турли давлат молиявий институтлари тармоғини кенгайтиришни талаб қилади. Уй хўжалиги

бўш маблағлари ва индивидуал жамғармаларни жалб этиш йўли билан улардан узоқ муддатли инвестиция ресурсларини ҳосил этиш мумкин. Шунингдек, турли лизинг компаниялари тармоқлари фаолиятини кенгайтиришга имконият берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Инвестицияларни молиялаштириш манбаларидаги яна бир муҳим хусусиятга эътибор бериш лозим. Бу манбаларда давлат бюджети маблағлари салмоғи юқори, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳиссаси эса жуда паст, бунинг устига бу маблағлар ҳиссаси кейинги йилларда деярли икки марта камайди, айти пайтда чет эл инвестициялари ҳиссасининг камайиши ҳисобига қарз маблағлар салмоғи бир неча марта ортиб кетди. Инвестицияларни молиялаштиришнинг давлат ва бозор воситаларининг бир вақтда амал қилиши иқтисодий турли субъектларини тенг бўлмаган шароитга қўяди, ҳаракат эркинлиги ва ижодий ташаббусни бўғади, бюджет маблағини олувчиларда боқимандаликни юзага келтиради. Бюджетдан ташқари давлат маблағларини ҳам ҳисобга олганда инвестициялашда давлатнинг устуворлиги кузатилади.

Шу боис Ўзбекистонда инвестиция жарёнини қайта куришнинг асосий йўналиши инвестиция юқини бюджетдан молиялаштиришдан иқтисодийнинг субъектларининг зиммасига ўтказиш бўлади. Бу ўз-ўзини молиялаштиришдан иборат бозор тамойилига мос келади. Инвестициялаштириш жараёнларида яна бир муаммо мавжудки, бу иқтисодийнинг давлат секторидаги инвестицияларни тармоқлараро тақсимотини алоҳида назорат қилган ҳолда, турли манбалардан келган инвестициялар нисбатини самарали бўлишига эришиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш инвестицияларни молиялаштиришда индивидуал ва корпоратив мулклар родини оширади, инвестиция рискларини субъектлар ўртасида диверсификациялаш, уни минималлаштириш, ресурс эгалари масъулиятини ошириш, даромадларнинг жадал капиталлашуви самарасини ошириш масаласини ҳал этишга ёрдам беради. Банк кредити ролининг ошиши молиялаштириш натижалари учун корхоналар масъулиятини кучайтиради, чунки кредитнинг аҳамияти ошиши билан банк кредит рисклари мажмуининг даражаси ошади.

Шунинг учун давлат корхоналарига нисбатан, давлат бюджетидан инвестиция ажратишни, белгиланган ва паст даражадаги имтиёзли фойз ставкалари асосида давлат молия институтлари тизими

томонидан бошқариладиган арзон кредитга айлантирилиб, уни тендер асосида тақсимлаш бозор талабига мос келади.

Инвестицияларни молиялаштириш манбаларида ҳукумат кафолатлари билан олинadиган кредитларни камайтириш ҳисобига чет эл инвестициялари ҳиссасини кўпайтириш масаласи кун тартибда турибди. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари тuzилмасида юз берган жиддий ўзгаришлар, умуман олганда ҳали иқтисодий субъектларининг ўз маблағлари, банк кредитлари ва чет эл инвестициялари ҳиссасини кўпайтиришга олиб келиши зарур.

Давлат харажатларини молиялаштириш учун турли даражадаги бюджетларга зарур маблағлар тушумларини таъминлашга қаратилган фискал вазифанинг бажарилиши, миллий иқтисодийнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тартибга солиш функциясининг ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим тармоқларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодийнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функциясидан ҳам фойдаланилади. Солиқларни тартибга солиш макроиқтисодий жараён ва пропорцияларга таъсир этишига қаратилади. Солиққа тортишда имтиёзлар асосан, микроиқтисодийга қаратилган ва иқтисодий субъектлар манфаатларини ҳисобга олади. Солиқ ставкалари миқдорини ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар қўллаш, солиқ кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечиктириш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади.

Ғарбий Европа мамлакатларида солиқ имтиёзлари, биринчи навбатда инвестициялар ва илмий техника фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек, айрим тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун жорий қилинади. Уларнинг ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш, техникалар билан қайта жиҳозлаш учун шароитлар яратилади. Солиқ имтиёзлари қуйидаги шаклларда қўлланилади:

- ❖ фойда солиғидан чегирма тарзида берилadиган солиқ кредити;
- ❖ фойда солиғи базасини камайтириш чегирмалари;
- ❖ солиқдан бутунлай озод қилиш ёки пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш;
- ❖ жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Инвестицион базани ривожлантириш бизнинг реформаторлик страте-

гиямизнинг муҳим шарт ҳисобланади. Фақат кучли инвестицион сиёсат асосида иқтисоднинг таркибий тузилишини ўзгартириш, республика экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва уни халқаро жамиятга аъзо бўлишини таъминлаш мумкин»<sup>1</sup>. Республика инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми кўндалмайдиганча бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга солиқдан озод этилади».<sup>2</sup>

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ, иқтисодиётнинг

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. -110 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бозор иқтисодиётида инвестиция муносабатлари давлат томонидан ўрнатилган меъёр ва қондалар доирасида муайян мулкдорларнинг хусусий манфаатларини тенг ва қафолатланган шартлар асосида амалга оширилишини таъминлайди. Ўзбекистонга чет эл сармоялар оқими кенгайиши муносабати билан, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси оммавий ва хусусий манфаатлар, хорижий мамлакатлар, компаниялар, муайян инвесторлар манфаатларининг самарали нисбатини белгилаш ҳисобланади. Иқтисодиёт эркинлаша боргани сари, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартиблаш тадбиркорлар ва иқтисодиётнинг аралаш секторларини инвестиция фаолиятига кенгроқ жалб этиш ва бу борада уларни давлат молиясини бошқариш тадбирлари билан янада рағбатлантириш зарур.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Инвестиция, инвестиция иқлими, инвестицион фаолият, солиқ кредити, давлат инвестиция дастури, марказлашган пул жамғармалари, инвестиция лойиҳалари, хорижий инвестициялар, лизинг.*

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Давлат инвестиция дастурининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Давлатнинг инвестиция дастурини молиялаштириш қандай амалга оширилади?
3. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторларга қандай имтиёзлар берилган?
4. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар таркибий тузилиши нималардан иборат?
5. Марказлашган капитал қўйилмалар манбалари нималардан иборат?

### **Топшириқлар**

1. Давлат инвестиция дастурига кирган лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини гуруҳларда муҳокама қилинг.
2. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг таснифланиши таҳлил қилинг.

3. Давлатнинг инвестиция фаолиятида давлат молиясини бошқариш органларининг вазифалари кўрсатилган жадвал тузинг.

4. Республикамизда хорижий инвесторларнинг рағбатлантириш механизмни ўрганинг.



## **10-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИ ТАХМИНЛАШТИРИШ**

### **10.1. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари**

Мустақил республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, демократик давлат қуриш йўлидан бораётган ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби Давлат бюджетини бошқаришда ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида Давлат бюджети даромадларини тўлик ва ўз вақтида тушириш, республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий ва ижтимоий соҳа харажатларини режалаштиришда ва харажатларни молиялаштиришда янги шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги тақчилликнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи сабабларнинг олдини олиш, иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этиш масалалари туради.

Мамлакатимизда бюджет тизимини тубдан ислох қилиш, Давлат бюджетини халқаро андозаларга мувофиқ келадиган тарзда ривожлантириш, бюджет истиқболини белгилашнинг янги механизмларидан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадларини шакллантириш ҳамда харажатларини молиялаштириш механизмнинг ҳозирги ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ҳамда Давлат бюджетини ривожлантириш ва истиқболини белгилашни такомиллаштиришни талаб этади.

Маълумки, мамлакатда миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисми пул шаклида бюджетга тушади ва молиявий ресурсларнинг марказлашган фондиди ташкил этади. Яъни, бюджетни шакллантириш бевосита мамлакат миллий даромадини шакллантириш ва уни қайта тақсимлаш билан боғлиқдир.

Миллий даромадни қайта тақсимлашнинг асосий молиявий усуллари куйидагилар ҳисобланади:

- ↓ пул тушумларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;
- ↓ солиқларни жорий қилиш;
- ↓ иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш;

• умумистеъмол ва резерв фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш.

Ушбу жараёнларнинг барчасида бюджет асосий ўринни эгаллайди. Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар, таълим, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий химояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини сақлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиши зарурияти туфайли келиб чиқади. Миллий даромадни қайта тақсимлашда давлат бюджети асосий рол ўйнайди. Қайта тақсимлаш жараёнида биринчидан, корхоналар ва ташкилотлар, фуқаролардан олинган солиқ ва йиғимлар асосида марказлашган бюджет жамғармаси ташкил этилади. Иккинчидан, шу даромадлар бюджетда кўзда тутилган эҳтиёжларни қондириш учун тақсимланади.

Бюджет ёрдамида марказий ва ҳудудий ҳукумат бошқарув апаратини, ҳарбий харажатларни, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни амалга ошириш, иқтисодий вазифаларни амалга оширишни таъминлаш, яъни уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун молиявий ресурсларни оладилар. Шу билан бирга бюджетга аниқ иқтисодий муносабатларни англатадиган иқтисодий категория сифатида қараш мумкин.

Бюджет орқали миллий даромадни қайта тақсимлаш бир-бири билан боғлиқ ва узвий бўлган босқичлардан иборат:

- бюджет даромадларини шакллантириш;
- бюджет маблағларини тақсимлаш.

Бюджет даромадлари – бу давлат билан хўжалик субъектлари ва фуқаролар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир. Шу билан биргаликда бюджет даромадлари-бу давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисобига ўтадиган пул маблағларидир. Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида давлат фойдасига миллий даромадни бир қисми ўтади, булар асосида давлат билан корхоналар ва аҳоли ўртасида молиявий муносабатлар юзага келади.

Консолидациялашган бюджетнинг кўрсаткичлари мамлакат марказлаштирилган молиявий фондидан фойдаланиш ва уни шакллантиришни таҳлил қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида консолидациялашган бюджетнинг кўрсаткичлари ёрдамида мамлакатда тузиладиган ва давлат молиявий балансда

акс эттириладиган молиявий ресурсларни марказлаштириш даражаси аниқланади. Давлат бюджети кўрсаткичларини ҳисобга олмасдан молиявий режалаштиришни умумлаштириш мумкин эмас, чунки давлат молиявий балансини ва ҳудудий молиявий балансларнинг кўпгина кўрсаткичлари консолидациялашган бюджетдан олинади.

Бюджет давлат учун зарур бўлган молиявий ресурсларни акс эттириб ва шу билан биргаликда мамлакат солиқ сиёсатини белгилайди. Бюджет маблағлари сарф этишнинг аниқ йўналишларини, миллий даромад ва ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланишини ўзида акс эттиради, бу эса унга иқтисодиётнинг самарали бошқарувчиси сифатида чиқишга ёрдам беради. Шу мазмунда бюджетдан аниқ иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи иқтисодий категория сифатида фойдаланилади.

Ўқорида таъкидланганидек, бюджет муносабатлари, биринчидан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичида вужудга келади. Иккинчидан, марказлаштирилган молиявий ресурсларни шакллантириш ва ундан давлат манфаатлари юзасидан фойдаланишга йўналтирилади. Шунингдек, давлат бюджети орқали жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлинади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимияти иқтисодий имкониятларининг молиявий асосларини яратади.

Демак, бир томондан бюджетнинг пайдо бўлиши давлатнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлади, иккинчи томондан айнан бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги давлат ислохотларини амалга оширишнинг асосий дастаки сифатида бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритилади.

Бюджет-солиқ сиёсати давлат ғазнаси билан солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ва бюджет харажатларининг энг мақбул тузилмаси ўртасида ўзаро нисбатнинг самарадорлигига эришиш имконини яратади, даромадлар бўйича бюджетнинг барқарор ва тўлақонли ижроси бюджетда белгиланган барча тадбирларни ўз вақтида тўла молиялаштиришни таъминлайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджетнинг асосий вазифалари миллий даромадни тақсимлаш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишнинг молиявий назора-

тини амалга оширишдан иборат. Чунки, бюджетда кўзда тутилган тадбирлар дастурларни аниқ ва ўз вақтида молиялаштирилиши айна пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада тўлиқ бажарилишини таъминлайди. Ўрни келганда шунини таъкидлаб ўтиш керакки, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

## **10.2. Давлат бюджети харажатларнинг белгиланган йўналишлари**

Бугунги кунда Давлат бюджетини шакллантиришда унинг ҳам харажатлар қисмини, ҳам даромадлар қисмини белгилаш муҳимдир, чунки бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўзаро бир-бирини такозо этади, уни тўлиқ ҳисобга олмаслик, нохуш оқибатларни келтириб чиқаради.

Давлат бюджети иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омилдир, бошқача қилиб айтганда, бюджет – ислохотларнинг энг муҳим дастакларидан бири вазифасини ўтайди, чунки қиримга қараб чиқим қилиш иқтисодиётнинг олтин қондаси ҳисобланади. Ҳар қандай давлатнинг молиявий фаолияти, энг аввало, давлат бюджетини шакллантириш, унинг ижро этилишини таъминлаш, солиқ сиёсатини амалга ошириш, банк-кредит тизимларини самарали ишлатиш, пул муомаласи барқарорлигига эришиш, бюджет тақчиллигини бошқариш каби соҳаларни қамраб олади.

Давлатнинг ўз вазифаси ва функцияларини бажариши, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни амалга оширишга имкон берадиган қурол дастаклардан бири – бу давлат бюджетидир. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети харажатлари муҳим аҳамият касб этадиган категориядир.

Давлат харажатлари – ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш, халқ фаровонлигини ошириш, бутун жамиятнинг бошқа эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида режали тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларга айтилади. Харажатлар орқали давлат ўз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги мақсадларини амалга оширади. Харажатлар ёрдамида миллий даромаднинг маълум қисми қайта тақсимланади, давлат ўз таъсирини ишлаб чиқаришга ўтказиши.

Давлат харажатларининг мазмуни, хусусияти, давлат соҳаларини молиявий ресурслар билан таъминлаш тадбирлари билан ажралиб туради. Давлат харажатларининг мазмуни, хусусияти бевос-

сита давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, бошқарув ва мудофаа функциялари билан боғлиқ. Бюджетни биринчи даражали аҳамияти республикамиз раҳбарияти олга сураётган жамиятнинг ижтимоий вазифаларини бажаришни таъминлашдан иборат.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, давлат харажатларининг салмоқли қисми аҳолини ижтимоий - иқтисодий талабларини қондиришга йўналтирилмоқда. Бугунги кунда мазкур соҳанинг асосий қисми давлат бюджети ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳисобига молиялаштириш орқали амалга оширилмоқда.

Республикамизда давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти умумдавлат манфаатларини ҳамда аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари манфаатларини уйғун бирлаштирувчи ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни назарда тутди. Шу мақсадда, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ҳолатлари ўзаро алоқадор ҳамда ўзаро боғлиқ тизимда таҳлил этилади, солиқ солиш, кредитлар, сармоялар, антимонопол қонунчилик, ижтимоий дастурларни молиялаштириш ҳолатларининг тартибга солиш механизмлари яратилди ва ҳаракатга келтирилди. Бюджет харажатлари иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўзгартириш ва фуқароларнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги вазифалари пайдо бўлади. Буларга бизнинг республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил қилиш киради. Шу ерда давлат кучли ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун пенсионерлар, талабалар, кўп болали оналарни кўпроқ маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб, чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди ва уларга бошқа харажатларни давлат ўз ҳисобидан амалга оширади, маҳаллаларда кам таъминланганларга моддий ёрдамлар ташкил этади. Шу билан бирга, давлат жамият аъзоларини осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилиятини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга маблағлар сарфлайди. Қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб интизом ўрнатиш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбур бўлади. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган бюджет даромадларини ҳам объектив зарур қилиб кўяди. Давлат бюджетини бошқариш ишлаб чиқаришни ўстиришга ва унинг самарадорлигини

оширишга, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар даромадини кўпайтиришга қаратилади.

### 10.3. Давлат бюджети даромадларининг асосий манбалари

Давлат бюджети даромадлари манбалари корхоналар ва аҳолининг даромадлари ва мулкидан олинадиган солиқлар ва йиғимлар ҳисобига шаклланишини ҳисобга олиб, бюджет маблағларининг ҳар бир қисмидан ўта самарали фойдаланиш ислохотларимизни тезлаштириш имконини беради.

Ватанимиз олимларидан Қ.Яҳёев солиқларни бюджет даромадларининг манбаи ва хусусияти сифатида тадқиқ қилар экан, “солиқларнинг объектив зарурлиги давлатнинг бажариладиган қатор функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади” деган хулосани шакллантирган.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, давлат бюджети даромадларининг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқлардан тушадиган тушумлар давлат бюджети мустақиллигининг бош манбаидир. Солиқларнинг бюджет даромадларининг манбаи сифатидаги моҳиятини очиб беришга бағишланган назарий қарашларини таҳлил қилиш кўйидагиларни кўрсатади:

- солиқлар давлатнинг функцияларини бажаришнинг асосий ва бирламчи молиявий манбаи ҳисобланади;
- солиқларнинг миллий даромадни қайта тақсимлашдаги роли бевосита давлатнинг иқтисодийётга аралашуви даражаси билан белгиланади;
- солиқлардан бюджетнинг иқтисодий мазмундаги харажатини молиялаштиришда фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор бериш амалий аҳамият касб этади, чунки ривожланаётган давлатларда иқтисодийётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш давлатнинг иқтисодийётга фаол молиявий аралашувини зарур қилиб қўяди;
- солиққа тортиш тамойилларини бузилишига йўл қўймаслик солиқ тушумларининг барқарорлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади;
- республикамиз иқтисодийётини инвестицион ресурсларга бўлган юқори даражадаги талабини қондириш мақсадида солиқлар-

<sup>1</sup> Яҳёев Қ.А. “Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти”.-Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 11 б.

нинг жамғармаларга таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Солиқларнинг фискал функцияси орқали солиққа тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлат молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек, давлатнинг умудавлат ва мақсадли дастурларини амалга ошириш учун маблағларни жамғаришдир. Солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил қилади. Масалан, АҚШда солиқ тушумлари давлат бюджетининг 98%ини, Буюк Британияда 97%ини, Францияда 91%ини, МДХ давлатларида, хусусан Россияда бу кўрсаткич 82,7%ни, Қозоғистонда 97%ни, Ўзбекистонда эса жамланган бюджетга нисбатан 86,3%ни ташкил этади. Давлат ўз тасарруфида ишлаб чиқарган ЯИМнинг анчагина қисмини солиққа тортиш йўли билан олади ва қайта тақсимлайди. Солиқ тушумларининг улуши ижтимоий фондларга тўловлар билан биргаликда ЯИМга нисбатан АҚШда-29,0%, Германияда-41%, Россияда-24,3%, Қозоғистонда -22,4%, Ўзбекистон Республикасида 32,3%ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимида муҳим таркибий қисми Республика бюджет ташкил этади. Республика бюджети, Давлат бюджетининг умудавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланадиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари миқдори назарда тутилади<sup>1</sup>.

Миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш жараёни Республика бюджети орқали тартибга солинади. Республика бюджети маҳаллий бюджетларнинг харажатларини даромадлари билан қопланмаган қисмини қоплаб турувчи ва харажатлар қисмининг бажарилишини назорат қилувчи юқори бюджет саналади.

Таҳлил маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, Республика бюджети даромадлари Давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил қилади (7-жадвал). Масалан, 2003 йилда Республика бюджети даромадларининг Давлат бюджети даромадларидаги салмоғи 56,8%ни, 2004 йилда 55,2%ни, 2005 йил 49,7%ини, 2006 йил эса 48,0%ини ташкил қилди. Маълумотларга эътибор берсак Республикаси бюджети даромадлари Давлат бюджетининг даромад-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонуни. Халқ сўзи. 2000 йил, 14 январь.

ларидаги салмоғи 2006 йилда 2003 йилга нисбатан 8.8% кам. Бу ижобий ҳолат, чунки Давлат бюджети даромадлари таркибида маҳаллий бюджетларнинг улуши катта ҳисобланади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, йилдан-йил Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми маҳаллий бюджет даромадлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда эгри солиқлар нисбатан узоқ давр мобайнида ўзининг фискаллик аҳамиятини сақлаб қолади. Бизнинг мамлакатимиз ҳам ана шундай давлатлар қаторига киради ва бинобарин, эгри солиқларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғига нисбатан юқоридир. Иккинчидан, аҳолининг турмуш даражаси ошиши, уларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун зарур бўлган зарур шарт-шароитларнинг яратилиши аҳоли даромадларининг номинал ва реал ҳажмларининг ошишига олиб келади.

Маъмурий бошқарув тизимидан бозор муносабатларига ўтиш Ўзбекистон Республикасининг бутун молиявий тизими ва унинг асосий таркибий қисми ҳисобланган бюджет тизимини тўлиқ ислоҳ қилиш учун кенг шароит яратиб берилди.

(Қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишда «бюджет даромадларининг истиқбол режаларини белгилашнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтиш лозим:

- давлатнинг молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича кутилаётган натижаларни аниқлаш;
- давлат даромадлари тушумларини таҳлил қилиш;
- иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг бюджет даромадларига таъсирини ўрганиш;
- давлат дастурларини молиявий таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бошқалар»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Острогожская Э.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджетни режалаштиришни такомиллаштириш. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бюджетини прогнозлаш, ижро этиш ва назорат. Маърузалар тўплами. Молия, 2006. 106 б.



7-жадвал

## Давлат бюджетининг 2004-2007 йиллардаги даромад ва харажатлари

Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз)	2004		2005		2006		2007	
	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
Давлат бюджети	2621300,0	100	3353100,2	100	3992207,6	100	5100867,9	100
Шу жумладан:								
Республика бюджети	1485506,17	56,7	1881089,2	56,1	2315480,0	58,0	2785073,8	54,6
Маҳаллий бюджет	1135793,83	43,3	1472011,0	43,9	1676727,1	42,0	2315794,0	45,4
Харажатлар (мақсадсиз жамғармаларсиз)								
Давлат бюджети	2743230,1	100	3462070,9	100	4263269,3	100	5334229,1	100
Шу жумладан:								
Республика бюджети	1315728,381	48,0	1623711	46,9	1969630,5	46,2	2560429,9	48,0
Маҳаллий бюджет	1427501,719	52,0	1838599,6	53,1	2293638,8	53,8	2773799,1	52,0

Давлат томонидан юритилаётган молиявий сиёсатга, шу жумладан даромадларни режалаштиришга қўйиладиган талаб ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган. Бунда аниқлик, эҳтиёткорлик ва маъқул йўлни танлаш каби вазифалар муҳим ўрин тутати. Чунки даромадларни режалаштириш, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлардан кутилаётган натижаларни тўғри баҳолай билмаслик бир томондан, катта миқдордаги давлат маблағлари йўқотилишига ёки хатоларни тузатиш учун кетадиган узоқ вақт сарфланишига олиб келса, иккинчи томондан эса, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юқининг ошиб кетиши, уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтириши мумкин бўлган маблағларини олиб қўйишга сабаб бўлиши мумкин.

Шу нуқтага назардан, бюджет даромадларини режалаштиришни иқтисодий ҳолатини чуқур ўрганган, кўзда тутилаётган солиқ сиёсатининг натижаларини тўғри баҳолаган ҳолда, иқтисодий-математик усуллар ёрдамида ва иқтисодий кўрсаткичларнинг динамикасида фойдаланган ҳолда, амалга ошириш молиявий сиёсатнинг муҳим қирраларидан бўлиб келган. Айниқса, бозор муносабатларига ўтишни бошдан кечираётган давлатлар, хусусан, республикамизда бу вазифа ўзига хос ўрин тутати.

#### **10.4. Бюджет даромадлари истиқболлини белгилашнинг такомиллаштириш йўллари**

Давлат бюджети даромадларини режалаштириш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, бюджет жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги кунда даромадларни истиқбол режаларини белгилаш Адлия вазирлигидан 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатдан ўтган «Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш» қоидаларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда бюджет даромадларини режалаштириш Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармаси, ҳудудий молия идораларидаги тегишли бўлимлар томонидан Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, шунингдек Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Давлат бюджети даромадларини режалаштиришда макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланишнинг сабаби шундан иборатки, давлат иқтисодиётда макроиқтисодий агент сифатида ўзаро товар ва пул айланмасида иштираётган эҳтиёткорлик ва давлат харажатлари ва

шунга тенг бўлган даромадлари ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, мамлакатда яратиладиган маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми, иқтисодий ўсиш кўрсаткичи, нархлар даражаси, миллий валютанинг эркин алмаштириладиган валюталарга нисбатан курси давлат бюджети даромадлари миқдорига бевосита таъсир қилади. Даромадларни режалаштиришда шу кўрсаткичлардан фойдаланилади.

«Солиқ ва йиғимларнинг бюджети тушумларининг прогнозлаштириш тушунчаси маълум даврда қўйилаётган тўловлар ҳажмини ҳисоблаш, шунингдек, жами прогнозлаштирилаётган тўлов манбалари ва ҳар бир тўлов тури бўйича тушумларни олдиндан билишни англатади. Солиқ ва йиғимларнинг бюджетга тушумининг прогноз ҳисоб-китобини тузишда Давлат солиқ хизмати органларида қўлланиладиган ҳисоб-китоб шакли ва усулларини ягона тартиб қондаси жорий этилган»<sup>1</sup>. Солиқлар тушумини прогнозлаштиришнинг ҳисоблаш усулларини тайёрлаш тўлов манбаларининг аниқлиги ҳамда ушбу тўлов турлари тушум ҳажмини аниқ кўрсатиб беришига боғлиқ. Ушбу танланган усул прогнозлаштирилаётган тўлов турини ҳисоблаш ва тўлаш хусусиятларини, шунингдек, прогнозлаштирилаётган даврда солиққа тортиш шарт-шароитлари (ставкалар, имтиёзлар, тўлов муддатлари)ни тўлиқ намоён этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимиятлари жорий этган турли даражадаги ҳар бир тўлов турлари бўйича солиқлар тушумини прогнозлаштириш Давлат солиқ органлари томонидан ўтказилади. Солиқлар тушумини прогнозлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

о солиқ органлари томонидан кейинги молия йилида бюджетга прогнозлаштирилаётган тўловларнинг ҳар бир тури бўйича умумий ва ҳудудий тушумларнинг турли даражадаги прогноз ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш;

о жорий қилинган солиқ тушумлари прогнозининг ижроси ус-тидан доимий назорат қилиш.

Давлат солиқ инспекцияси ходимлари прогноз кўрсаткичларини солиқ тўловчилари ҳамда солиқ турлари бўйича умумлаштириб,

<sup>1</sup> Абдуллаев Х. Солиқ ва йиғимларни солиқ органлари томонидан Давлат бюджети тушумларини прогнозлаштириш. «Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сифатини янада такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. «QJTISOD-MOLIYA». 2006 й. 180 бет.

қайта ишлаганларидан сўнг шаҳар ёки туман миқёсида кейинги молия йили учун солиқлар тушумини прогноз лойиҳасини тузади ва жорий йилнинг 1 апрелигача Давлат солиқ бошқармасига тақдим қилади. Давлат солиқ бошқармаси кейинги молия йили учун солиқлар тушумини прогнозлаштириш лойиҳасини ишончлилиги ва асослилигини текширади. Лойиҳани таҳлил қилади, бутун ҳудуд бўйича умумлаштиради ва жорий йилнинг 10 апрелигача Давлат солиқ қўмитасига тақдим қилади. Давлат солиқ қўмитаси солиқлар тушумининг прогнозини таҳлил қилади, бутун республика бўйича умумлаштиради ва жорий йилнинг 20 апрелигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилади. Бизнинг фикримизча, Давлат солиқ хизмати органларидан солиқлар тушумини прогнозлаштириш учун кўрсаткичларнинг маълумот базасини яратиш бюджетга тўловларнинг барча турларини жамлаш, мунтазам тизимлаштириш ва такомиллаштириш устида доимий иш олиб бориш талаб этилади.

Ҳозирги пайтда бюджет даромадларни истиқбол режаларини белгилашни режалаштиришда, асосан, иккита усулдан кенг фойдаланилади.

1. «Тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули».
2. «Динамика усули».

«Тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули»да келгуси йилга солиқ солиш базаси ва ундаги ўзгаришлар режалаштирилади ҳамда мўлжалланаётган солиқ ставкалари ёрдамида тушумлар режалаштирилади.

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумларни режалаштиришга мисол келтирилган бўлиб, ундаги маълумотлар Давлат статистика қўмитасидан ёки унинг ҳудудий бўлинмаларидан олингани мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ўртача йиллик энг кам ойлик иш ҳақи ва ойлик иш ҳақи миқдорлари бюджет сиёсатида кўзда тутилаётган индексация миқдорлари ёрдамида аниқланади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, имтиёзга эга бўлган тўловчилар бўйича алоҳида солиқ тушумлари шартли равишда ҳисобланиб, жами ишловчиларга тўғри келадиган прогноз кўрсаткичидан чегириб ташланади.

Бу усулни шу каби аниқ ҳамда уни келгуси йилларда бирон-бир кўрсаткич ёрдамида аниқлаш мумкин бўлган базага эга бўлган солиқ турлари бўйича қўллаш яхши натижа беради.

«Динамика» усулидан фойдаланишнинг моҳияти шундан иборатки, илгари айтиб ўтганимиздек давлат даромадлари унинг харажатларига деярли тенг бўлганлиги сабабли, ялпи ички маҳсулот таркибига киради ва шу нуқтан назардан солиқ солиш базалари,

яъни яратилган кўшилган қиймат, хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаси, товар айланмаси ва ўз-ўзидан солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушининг кейинги йиллардаги динамикасининг ўртача кўрсаткичини топиш орқали бюджет даромадлари режалаштирилади. Бу усулнинг ўзига хос томони шундан иборатки, солиқ солиш базаси тўғрисидаги маълумотларнинг турличалиги ёки аниқ бир маълумотнинг йўқлиги, уни келгуси йилга режалаштиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган омилларнинг кўплиги шароитида мазкур усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу усулнинг қўлланилишига доир 8-жадвалда кўшилган қиймат солиғини режалаштириш бўйича мисол келтирилади.

8-жадвал

Кўрсаткичлар	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил
ЯИМ, млрд.сўм	4 000	5 230	7 600	10 000	13 690	18 000
Кўшилган қиймат солиғи тушуми, млрд. сўм	177,2	262,4	371,7	467,3	617,8	846,9
ЯИМ таркибидаги улуши, фоизда	4,431	5,017	4,891	4,673	4,513	4,705

Манба: Острогужская Э.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджетни режалаштиришни такомиллаштириш. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бюджетини прогношлаш, ижро этиш ва назорат (маъруза матнлари тўплами). 117бет.

8-жадвалдан кўриниб турибдики, 2007 йил учун кўшилган қиймат солиғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 2002-2006 йиллар давомидаги ўртача кўрсаткич сифатида 4,705 фоиз миқдориди мўлжалланмоқда ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тақдим этиладиган макроиқтисодий кўрсаткичлар таркибидан жой олган ялпи ички маҳсулотга нисбатан тушум режалаштирилмоқда. Бунда ҳудудлар бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот қўлланилади.

Албатта, шу иккала усул бир-бирдан алоҳида ҳолда қўлланилмайди ва улар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Битта усул билан режалаштирилган даромад миқдори иккинчиси ёрдамида таҳлил қилинади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, даромадларни режалаштиришга қўйиладиган талаб режалаштирилган тушумни ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқишни тақозо қилади.

Ушбу даромадларни режалаштиришнинг амалдаги ҳолати тўғрисида айтиб ўтилган фикрлар мазкур соҳани муаммолардан холи,

деб айтишимизга асос бўлмайди. Ўтиш даврига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳолат давлат бюджети даромадларини режалаштиришни ҳам кундан-кунга такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Хусусан, айтилган пайтда бу борадаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

- режалаштириш учун зарур маълумотлар базасининг етарли даражада эмаслиги;

- молия идораларида даромадларни режалаштириш учун зарур ахборотларни компьютерлаштириш паст даражада эканлиги;

- зарур адабиётлар, компьютер дастурий маҳсулотларининг камлиги ва бошқалар.

Даромадларни режалаштиришни тамокиллаштириш йўналишларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу йўналишлар режалаштиришнинг жаҳон тажрибаларига ўтишга мос келиши, ҳар бир ҳудуд бўйича даромадларни режалаштиришнинг ва тушумларни таҳлил қилишнинг тегишли макроиқтисодий кўрсаткичлар, пул-кредит сиёсатининг натижалари ва асосий солиқ тўловчилар молиявий ҳолатлари билан тўла мувофиқ келишини таъминлашни кўзда тутиши лозим.

Бу фикрларимиздан келиб чиқиб, қуйида асосий йўналишларни санаб ўтмоқчимиз:

- давлат бюджети даромадларини режалаштиришнинг юзага келадиган иқтисодий ҳолат ва иқтисодий сиёсат йўналишлари билан боғлиқлигини кучайтириш мақсадида, тегишли идораларнинг ҳамкорлигини ошириш ва қонунчиликка зарур ўзгартиришларни киритиш;

- даромадларни режалаштиришнинг жаҳон тажрибаларига асосланган усулларини амалиётга жорий қилиш. Хусусан, даромадларни режалаштиришда корреляцион-регрессион, яъни бюджет даромадларига таъсир кўрсатадиган омиллар ўрнини баҳолаш орқали прогнозлаштириш усулларига ўтиш;

- молия идоралари томонидан тегишли солиқ ва статистика идоралари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш даражасини кучайтириш. Хусусан, молия идораларида тегишли ҳудуд бўйича даромадлар базаси тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишни таъминлаш;

- солиқ ва статистика идораларида юритилаётган иқтисодий субъектларнинг молиявий ва бошқа кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларининг ўзаро мос келишини таъминлаш борасида чоратадбирлар кўриш. Солиқ идораларида солиқ тўловчиларнинг солиқ солиш базаси тўғрисидаги маълумотларини электрон шаклда қабул қилишни жорий қилиш.

Даромадларни прогноллаштиришни такомиллаштириш тўғрисидаги фикрларимизга хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, маъмурият мақсадларга молия идоралари раҳбарларининг бунга эътибор қаратишлари, кадрлар масаласига жиддий ёндашишлари ва тегишли ходимларнинг ишчи ўринларини компьютер ва бошқа технологиялар билан таъминлашда фаоллик кўрсатишлари орқалигина эришиш мумкин.

Даромадларнинг истиқболлини белгилашни такомиллаштиришда молия идоралари раҳбарларининг бунга эътибор қаратишлари, кадрлар масаласига жиддий ёндашишлари ва тегишли ходимларнинг ишчи ўринларини компьютер ва бошқа технологиялар билан таъминлашда фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Молия идораларида тегишли ҳудуд бўйича даромадлар базаси тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишни таъминлаш керак.

Солиқ ва статистика идораларида юритилаётган иқтисодий субъектларнинг молиявий ва бошқа кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларнинг ўзаро мос келишини таъминлаш борасида чора-тадбирлар кўриш керак. Солиқ идораларида солиқ тўловчиларнинг солиқ солиш базаси тўғрисидаги маълумотларини электрон шаклда қабул қилишни жорий қилиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб бориш билан солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳолат давлат бюджети даромадларини режалаштиришни ҳам кундан-кунга такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Давлат бюджети даромадларини режалаштиришда макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланишнинг сабаби шундан иборатки, давлат иқтисодиётида макроиқтисодий агент сифатида ўзаро товар ва пул айланмасида иштирок этади ҳамда давлат харажатлари ва шунга тенг бўлган даромадлари ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, мамлакатда яратиладиган маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми, иқтисодий ўсиш кўрсаткичи, нархлар даражаси, миллий валютанинг эркин алмаштириладиган валюталарга нисбатан курси давлат бюджети даромадлари миқдорига бевосита таъсир қилади, даромадларни режалаштиришда шу кўрсаткичлар фойдаланилади. Давлат бюджети даромадларини режалаштиришнинг юзага келадиган иқтисодий ҳолат ва иқтисодий сиёсат йўналишлари билан боғлиқлигини кучайтириш мақсадида, тегишли

идораларнинг ҳамкорлигини ошириш ва қонунчиликка зарур ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **10.5. Давлат бюджети харажатлари истиқболини белгилаш услубларини мукаммалаштириш йўналишлари**

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизими, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, бюджет тизимига қирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради. Барча даражадаги бюджетлар ягона бюджет таснифи даромадлар ва харажатларни тасниф объектларига гуруҳловчи хос рақам (кодлар) бериш билан гуруҳлаш кўрсаткичлари доирасида прогнозлаштирилади, шакллантирилади ва ижро этилади.

Бюджетнинг истиқбол режаларини белгилаш – давлатнинг молия сиёсати талабларига мувофиқлаштирилган молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Бундай режалаштиришнинг иқтисодий вазифаси турли даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларини тузиш ва ижроси жараёнида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умуммиллий дастурлари асосида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини молиявий тизим бўғинлари ўртасида марказлаштирилган ҳолда режалаштиришдан иборатдир.

Бюджетни истиқбол режаларини белгилаш давомида молия мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларининг асосий иқтисодий ва сифат кўрсаткичларига ҳамда табиий, моддий, меҳнат, молия ресурсларидан самарали фойдаланиш захираларини топишга фаол таъсир кўрсатади. Бюджетни режалаштириш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджетини истиқбол режаларини белгилашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: ✓

✦ бюджет масалаларини ягона ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши;

✦ бюджет маблағлари йўналишларининг аниқ манзили ва мақсадли характери;

✦ йиллик бюджетни режалаштиришнинг узлуксизлиги;



✦ молиявий кўрсаткичларнинг (меъёрлар, солиқ ставкалари, сметалар) барқарорлиги;

✦ баланс усули.

Бюджетни режалаштириш турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш тартиби, унинг меъерий-ҳуқуқий базаси ва ташкилий асоси тарзида бюджет жараёнини, шунингдек, мамлакат бюджетини тузишнинг назарияси ва методологияси масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бюджет бўйича прогноллаштириш асослари мамлакат конституцияси ва қонунлари билан белгиланади. Бюджет жараёни бюджетни режалаштиришнинг асосий шакли сифатида ҳоқимият органларининг давлат бюджети ва унга қирадиган бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган фаолиятдан иборат.

Бюджет жараёни бюджет фаолиятининг тўрт босқичини қамрайди:

✦ бюджет лойиҳасини тузиш;

✦ бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

✦ бюджетни ижро этиш ва унинг ижросини назорат қилиш;

✦ бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва уни тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмалари ва Давлат бюджетининг тузилмасига қирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси:

• бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджетни даромадлари ва харажатларини;

• умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари ҳамда харажатлари миқдорларини;

• Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблағи меъери миқдорларини;

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутил-

маган харажатларини қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдорларини;

- Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбаларини;

- Давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманинг энг юқори миқдорини ўз ичига олади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштиришни ва назорат қилинишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси ёки унинг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва 15-сентябр-гача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилга яқунларининг башорат баҳоси;

- ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги давлат бюджетининг қутилаётган ижроси баҳоси;

- келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макронқтисодий кўрсаткичлари;

- мамлакат бюджети ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишлари лойиҳаси;

- мамлакат бюджети ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар;

- давлат ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳолати тўғрисида маълумотлар;

- келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет истиқболини белгилаш жараёнининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- бозор иқтисодиёти шароитида муҳим тараққиётга эришиш мақсадларида иложи борича кўпроқ моддий ва молиявий захираларни излаб топиш;

- бюджет даромадларини алоҳида солиқлар ва бошқа тўловлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогнозлари ва мақсадли дастурларига мувофиқ ҳолда умумий ҳажми бўйича белгилаш;

- бюджет харажатларини мўлжалланган вазифалар бўйича, шунингдек, бюджетнинг умумий ҳажмини назарда тутилган умумдавлат аҳамиятига молик жами тадбирларни узлуксиз молиялаштириш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

- бюджетнинг иқтисодийдаги инфляция тенденцияларини бар-тараф этиш ва миллий пул тизими барқарорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган умумий молиявий барқарорлаштириш дастури билан мувофиқлаштириш;

- иқтисодий мақбул манбалар ҳисобидан бюджет тақчиллигини кискартириш ва тугатиш;

- турли даражадаги бюджетларнинг балансанишини таъминлаш мақсадларида давлат даромадлари манбаларини шу бюджетлар ўртасида, шунингдек хўжалик соҳалари ва иқтисодий минтақалар ўртасида қайта тақсимлаш йўли билан бюджет бошқарувини амалга ошириш;

- барча йиллик миқёсли ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг мутаносиблиги ва балансланганлигини таъминлаш мақсадларида истиқболга мўлжалланган бюджетни режалаштириш, прогнозлаш ролини ошириш;

- юридик шахслар ва айрим фуқароларнинг ўз солиқ мажбуриятларини бажаришларида уларнинг молиявий фаолиятини ва даромадлари устидан назоратни кучайтириш;

✓ - электрон ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланган ҳолда молиявий ҳисоб-китобларни автоматлаштириш тизими орқали бюджетларни тузиш ва унинг ижроси жараёнларини автоматлаштириш.

Бу бюджет барқарорлигини таъминлаши ҳамда маблағларни хўжалик соҳалари, иқтисодий минтақалар ўртасида тақсимлашда зарур пропорцияларни яратиши лозим. Унинг муҳим шarti - бюджет харажатларининг даромадларга мос бўлиши, молиявий захира-лар ташкил қилишдан иборат. Бу принцип бутун молиявий сиёсат-нинг асосий мақсади ҳисобланади ва давлат бюджетини ташкил қи-лувчи бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда давлат даромадла-рини аниқ манбалар бўйича ва харажатларни аниқ мақсадларга йў-налтириш доирасида амалга оширилади.

Солиқларнинг иқтисодий восита сифатида аҳамияти шунда кў-ринадики, республика аҳолисининг турмуш даражасида зарур му-возанат сақлаб турилади. Ўзбек олимларидан Қ. Яхёев солиқларни бюджет даромадларининг манбаи сифатида тадқиқ қилар экан, со-лиқларнинг объектив зарурлиги – давлатнинг бажарадиган қатор

функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади, деган хулосани шакллантирган.

Солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ бюджетга тўланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати идоралари томонидан амалга оширилади. Солиқ соҳасидаги давлат мажбурлови деганда - Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланган, солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланиладиган чоралар йиғиндиси кўзда тутилади. Бу чораларни қўллаш, солиқ қонунчилига риоя этишни таъминлаш мақсадини кўзлайди ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни қайта тиклашга қаратилган бўлади.

Солиқ сиёсати ва солиқ қонунлари турли хил қонуний манфаатларни ҳимоя қилиб, такомиллашиб бориши билан бир қаторда солиққа оид қонун бузилишларнинг турлари ҳам ўзгариб боради. Яъни, солиқлардан қочишнинг янги шакллари ва усуллари пайдо бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга солиқ тўловчилар орасида сезиларли табақаланиш юзага келади. Бунга қарши солиқ идоралари доимо курашишлари ҳамда кучсиз бўлиб қолган қонунлар ўрнига таъсирчан ва оқилона қонунларни қўллашлари талаб этилади. Бугунги кунда солиқ сиёсати кўп муҳокама қилинмоқда, бу муҳокамаларнинг асосий йўналишларидан бири – солиқ қонунчилигининг бузилиш ҳоллари, уларга нисбатан солиқ органлари томонидан қўлланиладиган жарима ва жазо чораларини ҳамда бундай оқибатларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятлари ифодаланган. Ушбу мажбуриятларнинг бажарилиши, яъни солиқ тўловчи ҳисобланадиган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган солиқ ва йиғимларни давлат бюджетига тўланиши бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши давлат солиқ хизмати органларида биринчи навбатда солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш йўли билан таъминланади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолиятини бошлашдан олдин белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Гадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сон Қарорига мувофиқ, юридик шахсларни рўйхатдан ўтказадиган давлат органи солиқ органларига рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисида, уларга солиқ тўловчининг идентификация

рақамини бериш учун маълумот юборади. Ушбу рақам солиқ тўловчининг солиқ органларида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бўлади ва бу рақам солиқ тўловчининг барча молиявий ҳужжатларида кўрсатилиши керак. Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш Давлат солиқ кўмитасида Ягона давлат реестрида олиб борилади. Давлат солиқ хизмати органлари, солиқ тўловчиларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотни олиши билан уни Давлат солиқ кўмитасига етказадилар ва у Ягона давлат реестрига ўтказилади, унга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади. Шунини қайд қилиш керакки, солиқ органларида мазкур жараён тўлиқ автоматлаштирилган ва ушбу рақамни бериш муддати 3 кундан ошмаслиги лозим.

Солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтиб, идентификация рақамини олгандан сўнг хўжалик фаолиятини амалга оширишни бошлаши мумкин. Шундан бошлаб, унинг солиқ ва йиғимларни тўлаш мажбурияти вужудга келади ҳамда у солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларида тақдим этиш билан амалга оширилади. Лекин, айрим солиқ тўловчилар, ер ва мол-мулк солиқларини тўловчи жисмоний шахсларга тартиб бошқача белгиланган. Улар учун ер ва мол-мулк солиқлари давлат солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилиб, тўлов хабарномалари тарқатилади.

Давлат солиқ кўмитаси томонидан мунтазам солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим қилиш жараёнини соддалаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Давлат солиқ идораларида молиявий ҳисоботларни ва солиқ бўйича ҳисоб-китобларни қабул қилиш билан шуғулланувчи махсус тузилмалар ташкил этилган. Ҳозирги пайтда ҳисоботларни ва ҳисоб-китобларни электрон почта орқали олиш ишлари ташкил этилмоқда. Ушбу тартибнинг жорий қилиниши, солиқ тўловчиларга солиқ идораларига бормасдан туриб, ҳисоботларни тақдим этиш имкониятини яратади.

Шунини қайд этиш керакки, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларига, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълимни ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар солиқ ва йиғимларга тенглаштирилган бўлиб, уларни ундириш устидан назорат ҳам солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Республика Йўл жамғармаси келгуси йил харажатларининг тасдиқланган параметрларини "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига, даромадларининг йил чорақлари бўйича тақсимланган параметрларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига ва Давлат божхона кўмитасига етказди. Жамғарма даромадларининг

тушум манбалари ва республика минтакалари бўйича, шунингдек харажатларининг асосий йўналишлари бўйича ҳисобини олиб боради, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси биргаликда Республика Йўл жамғармасига тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш ишларини олиб боради»<sup>1</sup>.

Солиқ тўловчининг шахсий ҳисобрақами солиқлар бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга асосланиб юритилади, бюджетга тўланган солиқлар миқдори банклардан олинган маълумотлар асосида қайд этилади. Шахсий ҳисобрақамдаги солиқлар бўйича қолдиқ суммалари солиқ тўловчи томонидан бюджет олдига мажбуриятларини бажариш даражасини ифодалайди. Табиийки, бундай мураккаб ва катта ҳажмдаги ишларни автоматлаштирилган ҳолда юритиш анча қулайликларни яратади. Ҳозирги кунда мазкур тизимни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ва йиғимларни тўғри ҳисобланиши устидан назорат олиб бориш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари томонидан текширишлар ташкил қилинади. Бундай текширишлар давлат солиқ органларининг масъул ходимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг қарорига мувофиқ икки йилда бир марта режали тарзда амалга оширилади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилаётганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларда қўшимча маълумотлар келиб тушган тақдирда ҳамда текширишларни тартибга солиш борасидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳолларда Республика Кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссиялари билан келишилган ҳолда, режадан ташқари текширишлар ҳам ўтказилиши мумкин.

## Таянч сўз ва иборалар

*Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, миллий даромад, бюджет жараёни, бюджетнинг истиқбол режалари, бюджет истиқболини белгилаш тамойиллар, солиқ солиш, кредит.*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги «ЎЗАВТОЙЎЛ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисидаги 361-сон Қарори.

## Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Миллий даромадни тақсимлаш усулларини айтинг.
2. Бюджетнинг истиқбол режалари деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбекистонда бюджет истиқболини режалаштиришнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Бюджет истиқболини белгилаш тамойилларини биласизми?
5. Давлат бюджети даромадларини шакллантириш манбаларини тушунтиринг.
6. Давлат бюджети харажатларининг йўналишларини айтиб беринг.

## Топшириқлар

1. «Республика бюджетининг аҳамияти» мавзусида мустақил иш тайёрланг.
2. Бюджет даромадларининг истиқбол режаларини белгилашни «тўғридан-тўғри ҳисоблаш» усули ва «динамика» усулига мисоллар топинг.
3. «Давлат молиясини бошқариш» фани бўйича якуний маърузага мустақил тайёрланг.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Қонунилари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т., «Ўзбекистон» 1992 . -32 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. \ \ Халқ сўзи. 2000 йил, 14 январь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \ \ Халқ сўзи. 2004 йил, 29 октябрь.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил, 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 244-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил, 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 532-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 594-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 24 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори. \ \ Халқ сўзи. 2007 йил, 24 январь.

### III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сон «Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш» лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. \ \ Халқ сўзи. 2002.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан



таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. // Халқ сўзи. 1999 йил, 4 сентябрь.

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

10. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т., «Ўзбекистон», 1995. – 269 б.

11. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997. 326 б.

12. Каримов И. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004.

13. Каримов И. «Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз». // Халқ сўзи 2004 йил, 10 февраль.

14. Каримов И. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.-Т., «Ўзбекистон», 2005. 526 б.

15. Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифа. //Халқ сўзи газетаси. 2006 йил, 8 декабрь.

16. Каримов И. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Халқ сўзи. 2007 йил, 13 февраль.

17. Каримов И. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

#### **V. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар ва монографиялар**

18. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш. Р., Ҳайитов А.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асослари. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 36 б.

19. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш. Р., Ҳайитов А.Б. Аҳоли даромадлари ва уларни далаат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 40 б.

19. Ашрафхонов Б.Б. Современное состояние и перспективы развития государственных финансов в Республике Узбекистан. «Актуальные аспекты современного состояния и перспектив развития государственных финансов». Международная научно-практическая конференция. Ташкент. 2008. 2 апреля.

20. Ахмеджонов А. ва бошқалар. Америка Қўшма штатларининг федерал бюджет тизими. Ўқув қўлланма. «Фан». 2004. 430 б.

21. Аҳмедов Д.К. Макроиктисодиёт. Дарслик. -Т.: ТДИУ. 2004. 121 б.

22. Андик Ф. Децентрализация и государственные финансы. //Экономическое обозрение. 2002. №10.

23. Ахмеджанов А. Государственные расходы: увеличивать или сокращать? // Экономическое обозрение. 2002. №10.

24. Асамутдинов Х. Ижтимоий соҳаларда ислохотлар. //Мулкдор. 2003 йил, 15 август.

25. Афанасьев М. Основы бюджетной системы. Учебное пособие. -М.: ГУВШЭ. 2004. 243 с.

26. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5 қисм. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 310 б.

27. Бекмуродов А.Ш. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 120 б.

28. Бекмуродов А.Ш., Сафаров Б.Ж. Қишлоқ жойларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишлари. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 23 б.

29. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. -М.: Финансы. 2001. 687с.

30. Бабич В, Павлова С. Финансы.- Учебник. М.: Финансы и статистика, 2005. 594 с.

31. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. под редак. Романовская. -М.: ЮРАЙТ. 2000. 615 с.

32. Беркинов Б.Б. Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. Ўқув қўлланма. Т., ТДИУ. 2007. 44б.

33. Беркинов Б.Б. Пўлатов Н. Акциядорлик жамияти. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 41б.

34. Вахобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. «Янги аср авлоди». 2003. 333 б.
35. Вахобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. Тошкент. «Шарқ». 2003. 400 б.
36. Вахобов А.А. Қосимова.Г.А., Жамолов Х.Н. Бюджет-солик сиёсати яхлитлиги. Ўқув кўллан-ма. «Молия». -Т., 2004. 296 б.
37. Вахобов А.А. Жамолов Х.Н., Сogласование межбюджетных отношений. Учеб. пособие. «Молия». Т., 2002. 267 б.
38. Дробозина Л. А. Финансы, денежное обращение, кредит. Учебник. – М.: Банки и Биржи. Издательское объединение «ЮНИТИ», 2005.
39. Дробозина З.С. Финансы. Учебник. -М.: Финансы и статистика, 2006. 474 с.
40. Давронова Ш. Методика составления бюджета аудиторской проверки. // Бозор, пул ва кредит. 2007 йил. №3. 41-42 б.
41. Жамолов Х. Н., Иминохунов А. Вопросы совершенствования институциональной структуры доходной базы местных бюджетов \ \ Аспирант и соискатель. М.: 2003. №1. 40-41с.
42. Жумаев Н., Бурхонов У. Молиянинг долзарб муаммолари. Монография. Тошкент. 2003. -385б.
43. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. «Фан». Монография. 2004. 243б.
44. Йўлдошев М., Й.Турсунов. «Молия ҳуқуқи». Дарслик. Тошкент. Тошкент Давлат юридик институти. 2004. 240 б.
45. Кабулов Х. Факторы и принципы оптимального управления бюджетами территорий. \ \ Аспирант и соискатель. М.: 2003. №1. 42-43с.
46. Ковалева В.З. Финансы. Учебник. -М.: ПРОСПЕКТ. 2006. 636с.
47. Ковалева В.З., Барулин С.В. Бюджет и бюджетная политика в Российской Федерации. Учеб. пособие. -М.: ПРОСПЕКТ. 2005. 210с.
48. Лексин В., Швецов А. Бюджетный федерализм в период кризиса и реформ. //Вопросы экономики. 1998, №3.
49. Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Дарслик. - Т.: 2004. 398 б.
50. Ли В. Проблемы обеспечения устойчивости бюджетных поступлений. // Экономическое обозрение. 2003. №7.
51. Леткемен Н. Бюджет тизимини давлат томонидан тартибга солиш механизмни такомиллаштириш. //Бозор, пул ва кредит, 2001 йил, июль.

52. Максимова Н.С. О реформировании межбюджетных отношений в Российской Федерации. //Финансы, 1998. №6.
53. Максимова Н.С. Местные финансы и формирование бюджетов муниципальных образований. // Финансы, 1997. №11.
54. Муслимдинов Н. Келишмовчиликларни бартараф этиш. // Солиқ тўловчининг журнали. 2007 йил. 3-сон. 34 бет.
55. Мирзаев Т., Мусағалиев А. Солиқ ислохотлари-иқтисодиётни модернизациялаш асоси. // Бозор, пул ва кредит. 2007 йил. №3. 286.
56. Назарова Г.Г. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2005. 224 б.
57. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати. Ўқув қўлланма. Тошкент. Молия. 2005. 338 б.
58. Салимов Б.Т. Абдуганиев А., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 366.
59. Ковалева В.М.- Финансы. Учебник. М.: ЮНИТИ, 2006. 586 с.
60. Поляк Г.Б. Бюджетная система России. -М.: ЮНИТИ. 1999. -539с.
61. Раҳматуллаев Б. Бюджет-давлат иқтисодий қудрати асоси. //Бозор, пул ва кредит, 2001. №7.
62. Рахимов Ш. Оқилона сиёсат. //Солиқ тўловчининг журнали. 2007 йил. 1-сон. 25 бет.
63. Рашидов О.Ю., Тожиев Р.Р. Ўзбекистон Республикасида микрокредитлаш тизими ва уни ривожлантириш йўллари. Ўқув қўлланма. Т., ТДИУ. 2007. 356.
64. Тўхлиев Б., Азизов О. Солиқ юқини камайтириш-иқтисодиётни юксалтириш омили. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 34 б.
65. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Т.: Консаудитинформ. 2001. 656 б.
66. Холмуратов С. Ишлаб чиқариш ресурслари қайта тақсимланмоқда. // Солиқ тўловчининг журнали. 2007 йил. 3-сон. 36 бет.
67. Христенко В.Б. Межбюджетные отношения и управление региональными финансами: опыт, проблемы, перспективы. -М., "Дело", 2002. 608 с.
68. Шодиев Р.Х., Махмудов Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Дарслик. Гофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005. 312 б.
69. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Молия». 2002. 414 б.

70. Ўлмасов А. Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. «Шарқ». 2006. 480 б.
71. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 168б.
72. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: «Фанва технологиялар маркази», 2003 йил. 248 б.
73. Юсупова Н. Формирование программ социально-экономического развития регионов. \Солиқ тўловчининг журнали. 2007 йил. 1-сон. 36 бет.
74. Хайдаров Н.Х. “Давлат молиясини бошқариш”. Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: “Академия”, 2005.
75. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Т.: Монография. Молия. 2003.-276.
76. Қосимова М. С., Юсупов М.А., Джалалов И.А., Имомов Х. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожлантириш, муаммолари ва ечимлари. Ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ. 2007. 29 б.
77. Қосимова Г.А. Ғазначилик фаолиятини ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. -Т., «IQTISOD -MOLIYA»2005. 305 б.
78. Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. -Т., Фан ва технологиялар маркази. 2007. 280 б.
79. Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. Монография. -Т., «Молия». 2004. 152 б.
80. Қосимова Г. А. Харажатларни бошқариш асоси. Жамият ва бошқарув. 2005 йил, 1-сон. 31-33 бет.
81. Қосимова Г. А. Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги. Солиқ тўловчининг журнали. 2005 йил. 5-сон. 47-48 бет.
82. Қосимова Г. А. Давлат молиясини бошқариш ислохотлари. Жамият ва бошқарув. 2003. 4-сон. 46-48 б.
83. Қосимова Г. А. Кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари. //Бозор, пул ва кредит. 2004 йил. №3. 53-55 б.
84. Қосимова Г. А. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни молиялаштириш манбалари. Иқтисодиёт ва таълим. 2004 йил, 1-сон. 117-125 бет.
85. Қосимова Г. А. Маҳаллий бюджетларни бошқариш. Жамият ва бошқарув. 2004 йил, 3-сон. 24-25 бет.
86. Қосимова Г. А. Ғазначилик-бюджет ижросини таъминлашнинг янги усули. Иқтисодиёт ва таълим. 2004 йил, 3-сон. 85-87 бет.

87. Қосимова Г. А. Ғазначилик фаолиятининг ҳуқуқий базасини яратиш масалалари. Хўжалик ва ҳуқуқ. 2004 йил, 12-сон. 30-31 бет.
88. Қосимова Г. А. Ижтимоий соҳаларни молиялаш жараёнларини эркинлаштириш. // Бозор, пул ва кредит. 2005 йил. №2-8. 25-28 б.
89. Қосимова Г. А. Ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётининг молиявий муаммолари. Иқтисодиёт ва таълим. 2003 йил, 2-сон. 98-106 бет.
90. Қосимова Г. А. Маъмурий буйруқбозликдан-иқтисодий усулларга. // Солиқ тўловчининг журнали. 2006 йил. 3-сон. 29-31 бет.
91. Қосимова Г. А. Бюджет маблағи ва унинг самарадорлигини ошириш муаммолари. // Мулкдор. 2006 йил, 7 апрель. 14(597)-сон. 7 б.
92. Қосимова Г. А. Иқтисодиётнинг олтин қоидаси. // Мулкдор. 2006 йил, 14 апрель. 15(598)-сон. 2 б.
93. Қосимова Г.А. Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш. // Жамият ва бошқарув. 2006, 1-сон. 62-64 бет.
94. Қосимова Г. А. Ўзбекистонда аҳолини социал муҳофаза қилиш хусусиятлари. // Солиқ тўловчининг журнали. 2007 йил, 3-сон. 28-30 бет.
95. Қосимова Г. А. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш долзарб масала. // Бозор, пул ва кредит. 2007 йил. №3. 30-32 б.
96. Қосимова Г. А. Малака оширишда халқаро лойиҳаларнинг ўрни. // Маърифат. 2007 йил, 2 май. 35(7956)-сон. 14 б.
97. Қосимова Г.А. Ғазначилик – давлат бюджети ижросини такомиллаштириш механизми. «Актуальные аспекты современного состояния и перспектив развития государственных финансов». Международная научно-практическая конференция. Ташкент. 2008. 2 апреля.
98. Colander D. “Macroeconomics” Theory and policy London. SF&C Press, 2002.
99. Emmi Nakino, Yuki Nagakura. “Practical approach to economic reforms in CIS countries” Nigata SUS Press., 2004.
100. Levy Anderson. Priciples of corporate finance New Jersey Prentice Hall, 2003.
101. Halpern, Weston J. F, Brigham E.F. “Canadian managerial Finance” Toronto: HR&W, 2002.
102. Ross, Westerfield and Jordon. “Essentials of Corporate finance”. Boston Irwin, 2003.
103. Ross, Westerfield and Jordon. “Essentials of Corporate finance”. Boston Irwin, 2004.

104. Thomson A., Strickland A. "Strategic management" Boston MC Graw Hill & Irwin, 2004.

105. Peter Bond "The Monetary and Finance System of London States, 2005.

106. Micheal Partillo "Democratic Values and the Currency" London The Insitute of Economic Affairs, 2003.

**«Internet» тармоғи бўйича тавсия этиладиган веб-сайтлар**

1. <http://www.bankofengland.co.uk>
2. <http://www.federalreserve.gov>
3. <http://www.review.uz>
4. <http://www.uzland.uz>
5. <http://www.nalog.ru>
6. <http://www.finansy.ru>
7. <http://www.finance.rambler.ru>
8. <http://www.bankinfo.uz>
9. <http://www.UzReport.com>
10. <http://www.referat.uz>
11. <http://www.bankofengland.co.uk>
12. <http://www.federalreserve.gov.com>
13. <http://www.boj.or.jp.uz>
14. <http://www.revalision.com>

**Асосий капиталга инвестициялар ва уларнинг  
молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**

(фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Асосий капиталга инвестициялар, млн. сўм	744,5	1320,9	1442,4	1867,4	2473,2	3012,9	3838,6
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети	29,2	21,5	25,0	17,7	14,9	12,8	10,7
Корхоналар маблағлари	27,1	31,0	40,0	41,8	43,2	48,5	48,1
Аҳоли маблағлари	12,0	10,3	12,0	11,1	12,4	11,8	11,7
Хукумат томонидан кафолатланган хорижий инвестициялар	19,8	23,2	15,7	19,2	14,5	6,0	4,9
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	3,4	4,8	4,7	7,1	10,0	13,2	11,1
Банкнинг марказлашган кредитлари	5,2	5,9	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0
Тижорат банклари кредитлари	1,7	2,2	1,5	1,9	2,3	2,9	3,4
Нобюджет фондлар маблағлари	1,2	0,5	0,3	0,4	2,4	4,7	6,9
Бошиқа қарз маблағлари	0,4	0,6	0,7	0,8	0,3	0,2	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



**Ўзбекистоннинг 2004-2006 йиллар мобайнида Давлат  
инвестиция дастури параметрлари**

Манбалар	2004 йил		2005 йил		2006 йил	
	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
Капитал қўйилмалар, жами	2669,2	100	2873,6	100	3533,1	100
Марказлашмаган инвестициялар, шу жумладан:	1669,9	62,5	2011,1	69,9	2467,9	69,8
Корхоналар маблағлари (кор- хона ихтиёрига қолдирилади-ган акциз солиғи билан)	915,0	34,2	1070,0	37,2	1340,0	37,9
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	120,0	4,0	60,0	2,0	74,0	2,0
Бевосита хорижий инвестиция- лари ва кредитлари	384,9	14,4	564,1	19,6	664,4	18,8
Аҳоли маблағлари	250,0	9,0	317,1	11,0	387,5	10,9
Марказлашган инвестициялар, шу жумладан:	999,2	37,5	862,5	30,1	1065,2	30,2
Бюджет маблағлари	300,0	11,2	345,0	12,0	395,0	11,1
Бюджетдан ташқари жамғарма- лар маблағлари	35,0	1,0	134,3	4,6	229,5	6,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети  
даромадларининг туркумланиши**

Бўлим	Параграф	Номланиши
1	2	КҚС
2	8	Корхона ва ташкилотлар фойдасига солиқ
3	х	Хуқуқий шахслар мулкига солиқ
4	2	Марказий банк фойдаси ва тижорат банкларини 30% маблағлари – солиқлардан озод қилинган қисми
5	2	Жисмоний шахслар мулкига солиқ
6	х	Қимматли қоғозлар операцияларидан солиқ
7	4	Жисмоний шахслар даромадига солиқ
8	23	Ташқи иқтисодий фаолиятдан даромадлар
9	х	Бюджет харажатлари
10	9	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
11	4	Давлат божи
12	73	Турли хил солиқсиз даромад ва йиғимлар
13	х	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
14	5	Мусодара қилинган товар-моддий бойликларидан тушумлар
15	х	Меҳнат фонди харажатларини асоссиз ташкил этилиши учун тушумлар
16	2	Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун солиқ ва тўловлар
17	3	Мулкчиликни барча шаклидаги корхоналар учун ягона солиқ тушумлари
18	х	Ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун солиқ
19	7	Товар қолдиқларини қайта баҳолаш учун олинган даромад
20	2	Нормадан ортиқ товар қолдиқлари ва захиралари учун тўлов
21	3	Мудкли ижарага беришдан олинган ижара тўловлари



## Эгри солиқлар таркиби (жамига нисбатан % да)

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.
Эгри солиқлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
1. Қўшилган қиймат солиғи	47,3	48,8	43,9	39,6	42,5	51,1	59,6
2. Акциз солиғи	48,4	46,3	48,3	51,3	48,2	37,7	25,5
3. Божхона бож	2,0	2,7	2,9	3,0	3,6	4,7	5,6
4. Жисмоний шахслардан ундирилган ягона божхона тўлови	2,3	2,2	2,4	3,3	2,5	2,1	4,6
5. Жисмоний шахслар транс-порт воситаларининг бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмоли учун олинган солиқ			2,5	2,8	3,2	4,4	4,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Манаба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари

Курсаткичлар	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й
Харажатлар, жами	29,5	27,0	26,1	24,6	22,9	22,5	27,6
1 Иктимой соҳа	10,4	10,2	9,8	9,3	9,1	9,5	12,7
Жумлаган:							
Тарғим	6,7	6,9	6,7	6,4	6,3	7,1	8,7
Соғлиқни сақлаш	2,6	2,6	2,5	2,4	2,4	2,6	3,4
Маданият ва спорт, оммавий ахборат воситалари	0,5	0,4	0,4	0,3	0,3	0,4	0,5
2. Иктимой химоя	2,3	2,1	2,0	2,1	1,8	1,8	2,1
3. Иқтисодий уйғун харажатлар	3,0	2,3	2,3	3,0	3,1	3,0	3,2
4. Марказлаштирилган инвестицияларни мо- лилаштириш харажатлари	6,0	5,0	4,7	3,3	2,7	2,4	3,0
5. Давлат хокимияти, бошқарува ва суд органи лари фаолиятини молилаштириш харажати-	0,6	0,6	0,5	0,5	0,6	0,5	0,6
6. Бошқа харажатлар	7,2	6,8	6,5	6,4	5,6	5,0	6,0

(% ҳисобда)

Давлат бюджетни харажатларининг ЯИМга нисбатан салмоғи

6-илова

Манаба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари

1-қв	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й
Тўғри солиқлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100	100
1. Юридик шахслардан олинган- ган даромад (фойда) солиғи	49,4	39,7	34,4	34,1	29,9	30,4	31,8
2. Савдо ва умумий оёқланган корхоналари учун ялғиз даромад солиғи	-	-	-	-	8,5	7,8	7,5
3. Микрофирмалар ва кичик кор- хоналар учун ягона солиқ тўлови	7,8	13,1	14,1	10,2	10,0	10,3	10,3
4. Жисмоний шахслар даромади- дан олинган солиқ	44,5	44,9	45,6	46,7	46,2	46,9	46,2
5. Табиғиркорлик фаолияти билан шугулланган жисмоний шахс- лардан олинган катъий белги- ланган солиқ	6,1	7,6	6,9	5,1	5,2	4,9	4,3

Тўғри солиқлар тарқиб (жамияти нисбатан % да)

5-илова

8-илова

Ўзбекистон Республикаси Мўнтя вазирлиги маълумотлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Мўнтя вазирлиги маълумотлари

Кўрсаткичлар	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й
Даромадлар, жами	28,5	26,0	25,2	24,2	22,5	22,6	28,5
1. Ўттири солиқлар	7,5	7,4	6,8	6,4	6,0	6,1	8,0
2. Ўттири солиқлар	16,0	13,5	13,8	14,0	12,6	10,5	11,9
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	2,8	2,4	1,9	2,3	2,6	4,6	5,6
4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	0,3	0,3	0,5	0,4	0,4	0,4	0,6
5. Бошқа даромадлар	1,9	2,4	2,2	1,1	0,9	1,1	2,5

(% ҳисобда)

7-илова

Давлат бюджетни даромадларининг ЯИМ га нисбатан салмоғи

Ўзбекистон Республикаси Мўнтя вазирлиги маълумотлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Мўнтя вазирлиги маълумотлари

\*Манба: Информационно-аналитический обзор «Экономика Узбекистана». 2006. за январь-март. 55 стр.

№	Кўрсаткичлар	2002 йил		2003 йил		2004 йил		2005 йил		2006 йил	
		Млн. сўм	%	Млн. сўм	%	Млн. сўм	%	Млн. сўм	%	Млн. сўм	%
1.	Кора-и Рес-и	45907,3	6,4	88716,3	6,8	91764,6	6,4	117761,9	6,8	153604,7	6,7
2.	Анжиқон	57494,9	8,0	106774,8	8,2	115221,5	8,1	150453,6	8,6	186457,2	8,2
3.	Бухоро	41369,7	5,8	70989,1	5,5	81108,7	5,7	10168,8	0,6	127352,3	5,6
4.	Жиззах	28721	4,0	55350,5	4,3	57955,5	4,1	74255,8	4,3	92203,2	4,0
5.	Қашқадарё	51109,8	7,1	108099,2	8,3	120044,3	8,4	158694	9,1	197526,7	8,7
6.	Навоий	26195	3,7	47542,3	3,7	51936,4	3,6	68222,2	3,9	84606,7	3,7
7.	Наманган	51199,6	7,1	97497,9	7,5	106147	7,4	140907,9	8,1	174793,1	7,7
8.	Самарқанд	65531,7	9,1	126510,4	9,7	139810,2	9,8	191588,8	11,0	233741,7	10,2
9.	Сурхондарё	46774,6	6,5	89810,7	6,9	101753,9	7,1	136112,2	7,8	169557,9	7,4
10.	Сирдарё	24043,1	3,4	42246,1	3,3	44774,6	3,1	55655,7	3,2	69721,9	3,1
11.	Тошкент вилояти	65123	9,1	106257,8	8,2	119635,3	8,4	157204,6	9,0	196306,7	8,6
12.	Фарғона	76409,6	10,7	129306,1	10,0	143969,5	10,1	188393,3	10,8	236025,7	10,3
13.	Хоразм	35787,7	5,0	69860	5,4	77331,4	5,4	98385,8	5,6	125465,1	5,5
14.	Тошкент шаҳри	101674,7	14,2	160240,4	12,3	176048,7	12,3	196362,5	11,3	234634,8	10,3
	ЖАМИ	717341,7	100,0	1299202	100,0	1427502	100,0	1744167	100,0	2281998	100,0

2006-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харajatлари ҳамда Республика бюджетидан ажратилган дотацияларнинг чекланган миқдори

Худудлар номи	2006				2007			
	даромадлар	харajatлар	дотация	даромадлар	харajatлар	дотация	даромадлар	харajatлар
Қорақалпоғистон Республикаси	101626,9	14773,1	46108,2	132389,2	200463,2			
Анжиқон вилояти	151063,4	190752,8	39689,3	167931	248640,3			
Бухоро вилояти	128761	128761		173511,4	173511,4			
Жиззах вилояти	63279,5	94853,9	31574,4	49156,7	127765			32683,2
Қашқадарё вилояти	204986,8	204986,8		270784,9	270784,9			
Навоний вилояти	80285,5	80285,5		107611	107611			
Наманган вилояти	139170,1	178849,4	39679,3	97464,4	238240,9			56480,4
Самарқанд вилояти	246019,1	246019,1		198213,3	321185,2			
Сурхондарё вилояти	134054,6	174520	40465,4	94401,8	239716,2			54460,3
Сирдарё вилояти	68336,7	68336,7		67885,6	93713,2			
Тошкент вилояти	194102,9	194102,9		254082,6	254082,6			
Фарғона вилояти	243929,5	243929,5		325439	325439			
Хоразм вилояти	107299,3	125972	18672,7	109155,4	168592,9			
Тошкент шаҳри	239953,4	239953,5		268092,9	268092,9			
Манаба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари	2106828,8	2319598,2	216189,2	2316119,2	3037837,7			143623,9

2006-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харajatлари ҳамда Республика бюджетидан ажратилган дотацияларнинг чекланган миқдори млн.сўм

Худудлар номи	2006				2007			
	даромадлар	харajatлар	дотация	даромадлар	харajatлар	дотация	даромадлар	харajatлар
Қорақалпоғистон Республикаси	36731,9	91764,6	55032,7	76349,1	117761,9			41412,8
Анжиқон вилояти	88943,6	11221,5	26277,9	121706,9	150453,7			28746,8
Бухоро вилояти	81108,7	81108,7		101688,9	101688			
Жиззах вилояти	23522,1	57955,5	34433,4	47468,8	74235,9			
Қашқадарё вилояти	120044,3	120044,3		158694	158694			
Навоний вилояти	51936,4	51936,4		68222,3	68222,3			
Наманган вилояти	60944	106147	45202,9	107751,5	140907,9			33156,5
Самарқанд вилояти	90020,2	139810,2	49790	191588,9	191588,9			
Сурхондарё вилояти	52876,5	101753,9	48877,4	109069,9	136112,2			27042,3
Сирдарё вилояти	39144,3	44774,6	5630	55655,7	55655,7			
Тошкент вилояти	1196935,3	1196935,3		157204,7	157204,7			
Фарғона вилояти	143969,5	143969,5		188393,3	188393,3			
Хоразм вилояти	50867,9	77331,4	26463,5	86007,4	98385,9			12378,5
Тошкент шаҳри	176048,7	176048,7		196562,6	196562,6			
Манаба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари	1132793,8	1427501,7	291707,9	1666364	1835867,9			196503,9

## Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари динамикаси (2004-2007 йиллар) млрд.

сўм

№	Кўрсаткичлар	2004 йил		2005 йил		2006 йил		2007 йил	
		сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
1.	Тўғри солиқлар	714,1	27,2	865,8	26,1	1045,8	25,8	1219,6	23,9
1.1.	Юридик шахслар даромад солиғи	182,2	7,0	209,3	6,3	218,9	5,47	261,7	5,1
1.2.	Савдо ва умумовқатлашиш корхоналари ва ял-пи даромадига солиқ	75,5	2,9	67,0	2,0	73,0	1,8	110,8	2,2
1.3.	Соддаштирилган солиқ тизимига ўтган микро-фирмалар ва кичик корхоналардан ягона солиқ	85,8	3,3	80,7	2,4	95,5	2,4	103,9	2,0
1.4.	Жисмоний шахслар даромад солиғи	334,2	12,7	465,7	14,0	603,4	14,9	689,0	13,5
1.5.	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан катъий солиқ	36,4	1,4	43,1	1,3	55,04	1,3	54,2	1,06
II	Эгри солиқлар	1532,9	58,5	1627,9	49,2	1986,6	49,1	2478,2	48,6
2.1.	Кўшилган қиймат солиғи	604,3	23,0	748,9	22,6	1017,3	25,1	1261,7	24,7
2.2.	Ақиз солиғи	751,5	28,7	692,6	20,9	760,5	18,8	915,7	17,9
2.3.	Божхона божлари	60,7	2,3	66,1	2,0	86,7	2,1	116,1	2,3
2.4.	Жисмоний шахслардан ягона божхона тўлови	68,2	2,6	56,9	1,7	45,9		73,4	1,4
2.5.	Жисмоний шахслардан бензин истеъмоли учун солиқ	48,2	1,8	63,3	1,9	76,2	1,1	111,2	2,2
III	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	260,1	9,9	629,2	19,0	768,2	19,0	931,8	18,3
3.1.	Мол-мулк солиғи	74,3	2,8	109,1	3,3	142,6	3,5	191,4	3,8
3.2.	Ер солиғи	76,2	2,9	87,4	2,6	138,5	3,4	180,3	3,5
3.3.	Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ	43,3	1,7	33,9	1,0	465,7	11,5	531	10,4
3.4.	Ер ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	12,1	0,5	13,3	0,4	21,3	0,5	29,1	0,6
IV	Инфратузилмани ривожлантириш солиғи	45,7	1,7	52,2	1,6	69,6	1,7	161,0	3,1
V	Бошқа даромадлар	68,4	2,6	135,2	4,1	172,08	4,3	112,2	2,2
	Жами даромадлар	2623,1	100,0	3310,7	100,0	4042,5	100,0	5100,8	100,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари



## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	3-4
<b>БИРИНЧИ БЎЛИМ</b>	
<b>ДАВЛАТ МОЛИЯСИНING УМУМИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1-БОБ. Иқтисодий муносабатлар тизимида давлатнинг роли.....	5-28
2-БОБ. Ҳозирги замон иқтисодиёти тизимида давлат молиясининг роли.....	29-53
3-БОБ. Консолидациялашган бюджетнинг моҳияти ва уни ташкил этишнинг зарурлиги.....	54-67
4-БОБ. Давлат бюджети консолидациялашган бюджетнинг муҳим бўғинидир.....	68-78
5-БОБ. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва уни бошқариш.....	79-101
<b>ИККИНЧИ БЎЛИМ</b>	
<b>ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШNING АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	
6-БОБ. Ўзбекистон Республикаси бюджет сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.....	102-126
7-БОБ. Давлат бюджетининг тақчиллиги ва унинг ҳозирги замон муаммолари.....	127-149
8-БОБ. Давлат молиясини ғазначилик тизимида бошқариш.....	150-177
9-БОБ. Давлат инвестиция сиёсатини молиявий таъминлаш.....	178-215
10-БОБ. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини тахминлаштириш.....	216-238
<b>АДАБИЁТЛАР</b> .....	239-246

**Ваҳобов Алишер Восикович,  
Қосимова Гулёра Ахматовна**

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ**

**Ўқув қўлланма**

**Мухаррир  
Компьютерда саҳифаловчи**

**Л. Баҳранов  
Д. Сафарова**

**Босишга рухсат этилди 06.03.2008. Қоғоз бичими 60x84 1/16.  
Ҳисоб-нашр табоғи 16.25 б.т. Алади 500. Буюртма № 93**

**“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти,  
100084, Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй**

**Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида  
чоп этилди.  
100084, Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй**

ISBN 978-9943-13-061-6



9 789943 130616